


*New York Times* таснифида биринчи рақамли бестселлер

# ЖЕФФ УОКЕР

# БИЗНЕС

# СТАРТ



*Интернет ҳар қандай нарсани муваффақиятли сотиш, ўзингиз  
ёқтирган бизнесни қуришнинг маҳфий усуллари акс этган китоб*

**Жефф Уокер**

# **БИЗНЕС-СТАРТ**

*Бизнесингиз үчүн тезкор старт*

**«INFO CAPITAL GROUP»**

Тошкент – 2022

**УЎК: 159.9:338.22**

**КБК: 88.5**

**У 59**

**Үокер, Жефф.**

**Бизнес-старт [Матн] / Жефф Үокер. - Тошкент : Info Capital Group, 2022. - 288 б.**

Ушбу китоб сизга ўз бизнесингизни тез муддатда йўлга қўйишингиз учун ёрдам беради. Бизнесингиз бўлгани ёки уни энди бошлаётганингиздан қатъий назар, бу сизга ишончли тезкорлик рецептини тақдим этади.

Ўйлаб кўринг: агар сиз ўз маҳсулотингизни “Apple” ёки Голливуд студияси сингари йирик бозорга олиб чиқсангиз нима бўлади? Потенциал мижозларингиз маҳсулотингизни сотиб олиш учун кун санашини тассавур қилинг? Ўз бозорингизда сиз учун ракобатни деярли бутунлай йўққа чиқарувчи жуда кучли позицияга эга бўлишга қандай қарайсиз? Бизнесингиз ёки бюджетингиз нечоғлик камтар бўлишидан қатъий назар буларнинг барчасини бажара оласизми?

Савол шундан иборат: сиз ҳақиқатан ҳам ишни секин-секин бошлаб, тез орада йўқолиб кетмоқчимисиз? Бизнесингиз келажаги ва ҳаётингизнинг тубдан ўзгаришига ёрдам берувчи стартни амалга оширишга тайёрмисиз? Ундан бўлса бу китоб сиз учун.

**УЎК: 159.9:338.22**

**КБК: 88.5**

**ISBN 978-9943-5786-7-8**

© Үокер, Жефф, «Бизнес-старт»

© «Info Capital Group», 2022

\*\*\*

Бу китоб тижорат маҳсулотларини ишга тушириш, бизнесни ривожлантириш каби масалалар ҳақида. Асар бозорда реклама қилишни бошлаш, таъсир ўтказиш ва сизнинг усулларингиз самарадорлигини сезиларли даражада ошириш усуллари ҳақида – буларнинг барчаси муалифнинг тажрибаси ва эришган натижаларига асосланниб баён этилган. Агар ўз маҳсулотларингизни бу дунёга танитмоқчи, ўз бизнесингизни оммалаштироғчи бўлсангиз, ушбу китоб сиз учун фойдали рецепслар тўпламига айланади.

*Дэниэл Ж. Амен*

*Тиббиёт доктори, “Change Your Brain, Change Your Life” (Тафаккурни ўзгартир, ҳаётинг ҳам ўзгаради) ва New York Times таснифида бестселлер сифатида эътироғ этилган бир неча китоблар муаллифи.*

\*\*\*

Китобнинг номида БИЗНЕС-СТАРТ сўзи ҳайратланарли даражада ўринли кўринади, чунки Жефф Уокер тармоқдаги маркетинг фаолияти пешқадамларидан бири бўлиб, тармоқ маркетинги устози сифатида танилган. Жеффнинг амалий тушунчалари, тузилмалари, стратегиялари, воситалари ва амалий жараёнлари минглаб мувоффақиятли тармоқ ишбилармонлари учун карьера яратишга ёрдам берди. Китобни маркетинг билан шуғулланувчи ҳар бир киши ўқиши керак – бу онлайн савдо орқали даромад олишда ишончли қўлланма бўлади.

*Дэн Салливан*

*“Strategic Coach” компанияси президенти ва асосчиси.*

\*\*\*

Менинг биринчи бизнесим даромадини 5 миллион долларга етказиш учун тўрт йил керак бўлди. Жефф Уокернинг маҳсулотни ишга тушириш моделидан фойдаланиб, мен бизнесимнинг биринчи йилида ушбу микдор – бозорда мутлақо янги ўрин олиш имкониятига эга бўлдим. Жефф сўнгги 100 йил ичидаги энг муҳим маркетинг янгиликларидан бирини ишлаб чиқди.

**Эбен Пэген**

*“Hot Topic Media” асосчиси ва туркумли Интернет-тадбиркори*

\*\*\*

Ҳар қандай бизнес – бу ИШГА ТУШИРИШЛАР кетма-кетлиги – янги маҳсулотлар, лойиҳалар, акциялар, моддий рағбатлантириш, шериклик ва шунга ўхшашибуларни ўзида мужассам қиласи. Муваффақиятга эришиш учун сиз Start-up илмини ўзлаштиришингиз керак. Бундай имкониятни ҳақиқий уста – Жефф Уокер сизга тақдим этади. У ўн минглаб соатларни ва миллионлаб долларни бундан олдинроқ ўрганган. Унинг китоби даромад келтирадиган йўлингизни сезиларли даражада қисқартиради.

**Даррен Харди**

*“Success” журналининг муҳарир-муассиси ва ношири, “The Compound Effect – Jump start Your Income, Your Life, Your Success” бестселлери муаллифи*

\*\*\*

Бошқа одамларнинг ҳаётига таъсир кўрсатишга интилиб, уни яхши томонга ўзгартиromoқчи бўлган ҳар бир киши бу китобни ўқиши керак. Бу катта бизнес китоби ва бундан кенгроқ маънони ўзида жамлаган. Мен бу китобни нашриётимда асари чоп этилувчи барча муаллифларга тақдим этаман.

*Рид Трейси*

*“Hay House, Inc” нашриёти бош директори.*

\*\*\*

Маркетинг соҳасида муттасил ўттиз йиллик тажрибага эга бўлган ҳолда, мен ушбу китобни ўқиб чиқдим, мукаммал маркетолог ва одам бўлишим учун ҳали анча ўқишим кераклигини тушуниб етдим... Ўз бизнесини дунёга ижобий тарғиб қилишни истаган бир гуруҳ тадбиркорлар ва кили сифатида Жефф, эҳтимол бевосита маркетингга оид энг муҳим китобларидан бирини ёзган.

“Бизнес-старт” сўзи фақат онлайн-маркетингга тааллуқли деб ҳисоблайдиганлар, шунчаки эллик йил давомида содир бўлаётган ўзгаришлардан хабари йўқ инсонлар. Шунга ўхшаш бехабарликни Жефф Уокер “ишга тушириш” атамаси учун муаллифлик хукуқига эга эмаслигига ишонганлар ҳам намоён этмоқда.

Ушбу китобни бизнес билан шуғулланадиган ҳар бир киши – тажрибали тадбиркорлар ҳам, янги иш бошловчилар ҳам – маҳсулот ёки хизмат ҳақида маълумотни дунёга етказишни, буни бекаму кўст ва самарали бажаришни истаган ҳар бир киши ўқиши керак.

*Брайан Курц*

*“Boardroom, Inc.” компаниясининг ижрочи вице-президенти*

\*\*\*

Бу шунчаки китоб эмас. Бу пул эмиссиями учун лицензия. (Ха, эҳтимол мен бироз муболага қилаётгандирман, лекин жуда ошириб юборганим йўқ). Жефф Уокернинг ишга тушириш формуласи менга ўзим ёқтирган, етти карра даромад келтирувчи бизнесни яратишга ёрдам берди. Бошқа тадбиркорлардан фарқли ўлароқ, Жефф сизга барча маълумотларни беради. Китобда барчаси бор, булар – амалда ишлайдиган стратегия, ҳақиқий мисоллар ва қадам-бақадам кўрсатмалар – ажойиб даромад келтирувчи орзуингиздаги бизнесингизни яратиш учун зарур бўлган барча нарсалар.

*Майкл Хайятт*

*New York Times* таснифида энг оммабоп муаллиф, Platform University.com сайтининг муаллифи ва асосчиси

\*\*\*

Янги бизнес бошлишнинг биринчи куни ҳамиша оғир ва тинкани қуритувчи бўлади. Аммо, Жефф Уокернинг ғояларини амалга оширишга киришганимиздан сўнг, биз дастлабки кунларни муваффақият байрами ва улкан пул оқими кунларига айлантиридик, чунки бизнинг корхоналаримиз биринчи кундан бошлаб истеъмолчилар талабарини қондиришга эришмоқда. Буларнинг барчаси бизга даромадимизни миллионлаб долларга кўпайтиришга ва компаниямиз қийматини сезиларли даражада оширишга имкон берди, чунки савдо дарҳол кутилмаган натижаларгача ошди.

*Вишен Ласиани*

*Mindvalley* компанияси асосчиси ва бош директори

\*\*\*

Бу оддий китоб эмас, балки ўзингиз ва оиласнгизни молиявий ўзгартиришга имкон берувчи формулалар сценарийсидир. Унда барча босқичлар икир-чикиригагача кўриб чиқилади – бизнесни нолдан бошлаб “экишни” бошланишидан, такомилгача, бир неча кун ичидаги умумлашган қўшма ишлар туфайли даромад олишгача. Албатта, буларнинг барчасини ташкил қилиш учун сиз бироз куч сарфлашингиз керак бўлади, лекин бу жараён тезлик билан сотувларга олиб келади ва бизнесингиз ривожига туртки беради. Жеффнинг формуласига риоя қилиш муваффақиятингизни нафақат реал ҳолатга келтиради, ва яна энг юқори даражага кўтаради. Шундай қилиб, бу китобни харид қилинг – охир-оқибат, бу бир соат ичидаги ўз маҳсулотини сотишдан миллион доллар топишга муваффақ бўлган ўша йигит ахир!

**Жо Полиш ва Дин Жексон**

*ILoveMarketing.com*

\*\*\*

Интернет-маркетингда Жефф Уокер ҳақиқий даҳо. У Интернетда товарлар ва хизматларнинг муваффақиятли сотилишини таъминлаш йўлларини батафсил баён қилаади. Мен ушбу китобни барча жиддий тадбиркорларга тавсия қиласман.

**Рэнди Гейж**

*“Risky Is the New Safe”* (Хавф ёки муваффақият учун янги стратегиялар. Қоидалар ўзгарди) бестселлери муаллифи

\*\*\*

Бу ўз бизнеси ёрдами билан тезда бойиб кетишни истаганлар учун қўлланма эмас. Китобнинг мақсадли аудиторияси – бу тўкис ҳаёт кечиришни хоҳлаганлар ва шунинг учун туғилиб дунёга фойда келтирадиганларга мўлжалланган. Мен бу китобни, дунёни яхши томонга ўзгартиromoқчи бўлганларга, ўз даромадларини кўпайтиromoқчи бўлганларга астойдил тавсия қиласман.

*Кристиан Микельсон*

*Coaches With Clients.com бош директори*

\*\*\*

Жефф Уокер ҳақида нима дейиш мумкин? Бу йигит ишга тушириш майдонини ўзлаштириди. Агар сиз ўз маҳсулотингиз ёки бизнесингизни йўлга кўймоқчи бўлсангиз, унинг китобини сотиб олинг ва ТЕЗДА уни ўқишини бошланг. Мен сизга сўз бераман, бундан афсусланмайсиз.

*Эрик Т. Вагнер*

*Mighty Wise Academy асосчиси ва бош директори, Forbes журналида мақолалари нашр этилади*

\*\*\*

Мендан Жефф Уокер ва унинг китобини битта сўз билан тавсифлаш сўралса, мен ИМПУЛЬС сўзини танлаган бўлардим. Агар бизнесингиз, оилангиз ёки ҳаётингизда кучли ижобий импульс бўлмаса, ушбу китобни ўқинг. Шунчаки борманг, дўконга югуриб боринг ва Жефф Уокер сизга, сизнинг яқинларингизга янада гўзал дунёни яратишга ёрдам беради.

*Жей Би Глоссинжер*

*MomingCoach.com компаниясининг асосчиси*

\*\*\*

Интернет-маркетинг пайдо бўлиши даври даҳшатли бетартиблик билан боғлиқ бўлган. Биз катта аудиторияга, мисли кўрилмаган имкониятга эга бўлдик, аммо янги маҳсулотлар ва сотувлар ҳақида содда ва оқилона усулда маълумот бера олмадик.

Жефф Уокер пайдо бўлди, у тўғридан-тўғри сотиш технологияси ҳақидаги билимларни янги атроф-муҳитнинг потенциали ҳақида ноёб нуқтаи назари билан бирлаштириди. У менга мендан яхши реклама матнини тузиш ва потенциал харидорларни жалб қилиш, уларда кучли эҳтиёж уйғотиш ва ҳаётларини ўзларининг ваъдаларини бажариш, бунинг учун янги технологияларнинг барча воситаларидан фойдаланиш тоғасини таклиф қилди ва уларни узоқ вақт ўргатиш, улар билан тажриба алмашиш ва тез ўзлаштирилувчи мисоллар беришни кўрсатиб берди.

Жефф илгари сурган ишга тушириш формуласи қайта-қайта Интернетда олиб борилаётган маркетинг хийлаларидан баланд натижаларни тақорорлади. Бу ажойиб. Завқли. Унинг соддалиги жалб қиласиди кишини. Жефф келажак авлодлар ўзларининг ишга туширишларида фойдаланадиган тизимни ишлаб чиқди.

**Жон Карлтон**

*Афсонавий копирайтер ва The Simple Writing System ва Entrepreneur's Guide to Getting Your Shit Together китобининг муаллифи.*

\*\*\*

Мен Жефф Уокерни бир неча йилдан бери биламан – унинг бизнесни қандай бошқаришини кузатганиман. Унинг ҳаракатлари юз фоиз бошқаларга фойда келтириш истагига асосланган, унинг китоби худди шу мақсадга хизмат қиласиди. Бу маҳсулот ва бизнесни бошлаш учун тасдиқланган рецептни тақдим этади. Жефф ўз тажрибасидан келиб

чикиб ўргатади, буни обрў учун эмас, балки вижданан ва жуда камтарона амалга оширади. У бутунлай инқилобий ва айни пайтда ҳайратланарли даражада самарали стратегияларни таклиф қиласи.

**Жанет Брей Аттвуд**

*“The Passion Test” китоби ҳаммуаллифи, New York Times  
эътирофидаги бестселлер*

\*\*\*

Жеффнинг рўйхатида бажарилган жуда кўп ваъдлар мавжуд ва бу китоб бундан мустасно эмас. Унда сиз ҳақиқий ҳаётдаги вазиятлар таҳлили, фойдали кўрсатма ва кузатишларни топасиз, бу каби ҳолатларни фақат бундай тажрибага эга бўлган одам сиз билан баҳам кўриши мумкин. Ўйлайманки, бу китоб сиз ўқиган материалларнинг энг қимматлиси бўлиб чиқади, деб айтсан адашмайман.

**Пол Майерс**

*TalkBizNews.com веб-сайти эгаси*

\*\*\*

Мен бир кунни Жефф Уокернинг семинарида ўнлаб одамлар иштирок этган кичик хонада ўtkазиш бахтига мусассар бўлдим. Ҳаммамиз стулларимизга ёпишиб қолдик ва у бизга кетма-кет тўққиз соат дарс берди. Шу куни дуч келганим – стратегиялар менинг бизнесимни ва бошқа эҳтимол тутилган нарсалар ҳақидаги тассавуримни бутунлай ўзгартирди. Ва бу китобда улар ҳақида нафақат маълумот, балки яна бошқа жуда кўп нарсалар мавжуд. Бу йилнинг бизнес китоби ва мен уни энг яхши талабаларим учун харид қиласи.

**Жей Жей Виржин**

*Фитнес бўйича ўқитувчи, овқатланиш мутахассиси, “Виржиния парҳези” ва “The Virgin Diet и The Virgin Diet Cookbook” китоби, “New York Times” версияси бўйича бестселлер муаллифи*

\*\*\*

Одамлар Жефф Уокерга ишонади, чунки кўп йиллар давомида маҳсулотни ишга тушириш формуласи туфайли у доимий равишда Интернетда юқори натижаларни кўрсатиб келмоқда. Сиз бу китобда унинг тизими моҳиятини топасиз, ҳар ким уни ўрганиши, уни амалга ошириши ва ишга тушириши мумкин! Техникани осонликча қўлга киритишингиз бир мунча адолатсиз. Кейинги китобни чоп этиш учун мен ушбу техникадан фойдаланаман. Жефф Уокер бизга йўлбошловчи сифатида тутқич-арқонни берди ва мен унга эргашаман.

**Дэвид Бах**

*FinishRich туркум китоблари яратувчиси (Бой бўлинг), тўққиз марта New York Times да асарлари энг кўп сотилган муаллиф деб тан олинган*

\*\*\*

Бизнинг фикримизни холис деб айтиш қийин, чунки китобда Жефф Уокер таърифланган стратегиялар бизга сўнгги тўрт йил ичида деярли миллионлаб доллар маблағ келтирган! Бу бизга компанияни кенгайтириш ва бутун дунё бўйлаб мижозларга ижобий таъсирни оширишга имкон берди.

**Боб ва Сьюзан Неген**

*Whizbang Training асосчилари*

\*\*\*

Мен маркетинг ва бизнесга оид кўплаб китобларни ўқидим... ва кўп ҳолларда биргина фойдали ғоя 300 саҳифанинг бирида бўлар эди. Аммо бу вазиятда ҳақиқий иш билармонлар учун жиддий, амалий, тўлиқ қўлланма ҳақида гап кетаяпди. Агар ўз бизнесингизни қандай бошлигиниз ёки Интернетдаги мижозлар сонини кўпайтириш ҳақида ўйлаб кўрган бўлсангиз, бу китоб керакли натижаларга эришишингизга ёрдам беради.

**Соня Симоне**

*Copyblogger Media* асосчиларидан бири

\*\*\*

Агар мен Интернетда бизнесни қандай яратиш, куриш ва ривожлантириш ҳақида сўз юритадиган битта китобни тавсия қилишим керак бўлса, бу Жефф Уокернинг китоби бўлар эди.

**Рей Эдвардс**

*RayEdwards.com* асосчиси ва ношири

\*\*\*

Кўпгина Интернет-маркетологлар жуда дадил ваъдлар беришса-да, Жефф Уокер ҳақиқий натижаларни кўрсатади. Ушбу китоб маркетинг ҳақидаги фикрларингизни бутунлай ўзгартиради.

**Жон Янч**

*Duct Tape Marketing* (*Дипломсиз маркетинг*) китобини ва *Duct Tape Selling* қўлланмасининг муаллифи

\*\*\*

Жефф Уокер – эрталабки соат 8 дан кечқурунгача давом этувчи мاشаққатли меңнатдан халос бўлишни истаганлар учун йўлчи юлдуз. Кўпгина китоблар муваффақият йўлини кўрсатишга ваъда беради. Ба бу китоб ҳақиқатан ҳам буни кўрсатади. Агар сиз итларга, спортга ёки соғлом турмуш тарзига бўлган меҳрингизни даромад келтирадиган ва юрагингизни қувонтирадиган мобил бизнесга айлантироқчи бўлсангиз, бу китобни ўқинг.

**Валери Янг**

*Орзуманд ишқибоз, ChangingCourse.com сайтида вактинча ишлаган*

\*\*\*

Ушбу китобда Жефф Уокернинг сабоқлари замонавий маркетинг соҳасида муваффақиятга эришиш учун жуда муҳим. Энди тактика ва воситаларга талаб катта эмас; ақлли стратегия зарур ва ушбу китоб шундай стратегияяга бағишиланган.

**Мари Форлео**

*B-School тренинги яратувчиси, MarieTV лойиҳаси билан “Энг яхши тақдимотчи инсон” номинациясида “Вебби 2012” мукофоти совриндори, MarieForleo.com сайти эгаси.*

\*\*\*

**Бундай ақл бовар қилмас саёҳатим давомида мен билан бирга бўлган (менинг ҳар бир ҳаракатимни ҳайратли даражада қўллаб-қувватлаган) рафиқам Мери ва менинг ажойиб фарзандларим Дэниел ва Жоанга бағишиланади. Мен уларни чин қалбимдан севаман!**

**Жефф Уокер**

## КИТОБХОНГА МУРОЖААТ

Ушбу китоб бизнесингизни тезда қуришга имкон беради. Ўз бизнесингиз борми ёки бу ҳақда орзу қиласизми, бундан қатъий назар, бу ерда бизнесингизни олдинга силжиши учун рецепт топасиз.

Apple ёки Голливуд сингари, ўз маҳсулотларингизни ишга туширсангиз нималар бўлишини тасаввур қилинг. Потенциал мижозлар маҳсулотингизни сотиб олиш учун астойдил кун санаб туришса қандай бўларди? Агар сиз бозорда сизга ҳеч қандай рақобатчи қолмайдиган даражада кучли мавқега олиб чиқсангизчи? Буларнинг барчаси, сизнинг бизнесингиз ва бюджетингиз қанчалик камтар бўлишидан қатъий назар содир бўлади.

Жараён... ёки агар истасангиз, бундай натижаларга эришиш учун формула мавжуд. Мен уни 18 йил давомида яратдим, такомиллаштиридим ва ушбу саҳифаларда буни сиз билан баҳам кўрмоқчиман.

Китобда ҳеч қандай назария йўқ. Мен сизга ўргатмоқчи бўлган барча нарсалар ҳақиқий натижаларга асослаади. Менинг формулам синов ва хатолар, синов ва маشاқатли меҳнат тажрибаси ўлароқ яратилган.

Мен ўзим ўнлаб муваффакиятли маҳсулотларни ишга туширганман. Аммо бу ўзим ва муваффакиятим ҳақида эмас. Мен ўқувчиларим ва мижозларимга бошланғич саналган юзлаб ишда ёрдам бердим, жараённи бошқариб, натижаларни кузатдим.

Сиз мазкур китоб саҳифаларида менинг баъзи шогирдларим билан учрашасиз, негаки мен концепцияларни мисоллар билан тасвирлашни жуда яхши кўраман. Ва

мен тахминий сценарийларни тақдим этмаганимни биласиз. Мен усулларни тушунтириш учун сохта вазиятли таҳлил ишлатилган бизнес китобларини ўқиганман, аммо бу ерда бунга ўхшаш ҳеч қандай ҳолатга дуч келмайсиз.

Мен сизга ҳаётда мавжуд инсонларнинг ҳикояларини айтаман. Бундан ташқари, китоб веб-сайтида сиз уларнинг ҳолати ва тегишли аудио ва видео материалларнинг барчасига оид таҳлиллар билан танишиб чиқишингиз мумкин. Бунда сиз қўшимича ўқув видеолари ва манбалар рўйхатини топасиз. Бу эса сайт манзили - <http://thelaunchbook.com/member/>.

Олдиндан шуни такидлаб ўтишим жоизки, мен шогирдларимнинг муваффақиятларини намойиш этишни яхши кўраман. Мен улар ҳақида гапиришни ва муваффақиятларини улар билан бирга нишонлашни яхши кўраман. Мен буни уларнинг ҳикоялари жуда ибратли бўлгани учунгина қилмайман, йўқ, улар менинг қаҳрамонларим. Мен ишбилармон тадбиркорлар – инсоният келажаги эканига ишонаман. Айнан улар тараққиёт ривожига ҳисса қўшади, иш ўринлари яратади ва бу дунёга фойда келтиради. Шунинг учун мен ўз бизнесимни яхши кўраман. Ахир, бу ишбилармонларга ва уларга ўхшаш бўлишни хоҳлайдиганларга ёрдам беради.

Менимча, давримиз тадбиркорликнинг шиддатли ривожланишига мос. Замонавий дунёда бизнесни яратиш ва ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам осон. Биз бутун дунё бўйлаб ихтисослашган бозорларга чиқиш учун мисли кўрилмаган имкониятларга эгамиз. Масалан, менинг биринчи савдо-сотигим кичик бир бозорда бўлган, харидор швейцариялик бир жентльмен эди, ўзим эса Колорадодаги уйимнинг ертўласида ўтирадим.

Бу осонгина эришиш мумкин бўлган натижা, дегани эмас. Бирор нарсага эришиш учун ҳар доим тинимсиз меҳнат қилиш керак. Шундай қилиб, бу китоб тез бойиб кетиш ҳақида ЭМАС. Аммо менинг кўп марта тасдиқланган формулам бизнесингиз ёки маҳсулотингизни бошқа-

ришнинг тезкор усулидир. Ва агар сиз уни ишлатишга қарор қиласангиз, бу кафолатланган тарзда ишловчи, синовдан ўтган тизим эканини унутманг.

У ҳамиша мисли кўрилмаган натижаларни тақдим этган. Мен ўз бизнесимни камтаргина активлар билан бошлигандим, аммо пировардида маҳсулотимни сотишдан тушган даромад ўн миллионлаб долларга етди. Ва бундан ҳам муҳими, менинг шогирдларим ва мижозларим янада катта ютуқларга эришдилар – уларнинг ўз маҳсулот ва хизматларини сотишдан олинган даромад юз миллионлаб долларни ташкил этган.

Бу жуда қизик, лекин энди бўлиб ўтган ишларга назар солган ҳолда, ҳамма нарса тасодифан содир бўлганини тушиниб турибман. Мен маркетингни қайтадан ўзгартиришни ёки шу соҳанинг етакчиси бўлишни мақсад қиласанман. Бундан ташқари, бу сафарнинг бошида мен маркетинг ва савдо соҳасида умуман тажрибага эга эмас эдим. Ва бу борада мен ўз муваффақиятим учун қарздорман десам ҳам бўлади.

## 1-боб. Етти кунда – хўжалик-хонадон соҳиби-дан


### *Олти рақамли даромадгача*

Шунчаки, компьютер сичқончасининг навбатдаги бо-силиши... биз ҳар куни қиладиган юзлаб ва ҳатто минглаб қилинувчи турткилар сингари бу. Аммо мен учун бу шун-чалик муҳим эдики, бир қарорга келолмасдим. Бармоқ чап тутмачанинг устида қотиб қолган. Беш сония, ўн со-ния, лекин мен ҳамон уни босолмасдим. Ростини айтсам, кўркдим. Тутмани босиш ортида ойлаб давом этган режа-лаштиришлар, умидлар ва йиллар давомида бўй кўрсат-ган орзулар туарди. Мен тарозининг палласида оиласи-нинг келажаги турганини хис қилдим.

Шугина босиш билан тармоқ маркетинги ва бизнес-нинг қиёфаси тубдан ўзгартирувчи воқеалар занжири ҳо-сил бўлади, деб ўйламаган эдим. Хира ёритилган ертўла бурчагига тиркаб қўйилган кўлбола столда ўтириб, мен яшаш ва ҳаёт учун яна бир неча долларни қандай қилиб топишимни ўйладим. Ортимда эса эски, ҳаёт синовлари-дан ўтган компьютер, модем орқали Интернетта кириш ва етти йилдан ортиқ ишсизлик бор эди. Бошланиши ан-ча-мунча камтар эди.

Бироқ, сичқончани босмаслигимнинг асл сабаби, бир сўз билан айтганда – умидсизлик. Ўзгаришларни жуда орзу қилардим. Менга муваффақият керак эди. Пул ишлаб олмоқчи эдим. Ҳаётимни тубдан ўзгартиришим керак эди. Ва мен бу лаҳзани узоқ вақт кутган эдим (ва у учун ишладим) ...

Ҳаммаси хотиним Мери уйга йиғлаб келганидан сўнг бошланди. Бу дам менинг хотирамда абадий муҳрланиб қолди. У иш кунининг ўртасида офисни тарк этди ва энди менинг олдимда йиғлаб туарди, чунки у бизнинг оила-миз учун жавобгар бўлишдан чарнадан эди. Энди у бора-лар уйғонмасдан олдин ҳар куни эрталашиб ўшишдан



ва кечқурун, улар ухлашга ётадиган вақтда қайтаверишдан чарчаган эди.

Мен уйда, болаларга қараб ўтирадим. Ҳозир бу вазият бирмунча сиёсийлаштирилган ҳолда “уй хўжалигини бошқарадиган эр” деб ифодаланади, ўша пайтда мени “Мистер Ойижон” деб чақиришарди ва бу ижтимоий мавқеи ўлароқ менга мос келарди ҳам. Бундан бир неча йил олдин, мен бир корпорациядаги ишимдан бўшатилгандим, у ерда ишлаб чиқаришни бошқариш билан шуғулланганман. Одамларнинг кўзича, менинг лавозимим яхшигина эди, лекин мен ўзимнинг жойимда эмасдим. Мен бу ишнинг оламига мос келмадим. Мен сиёsatни тушунмасдим ва ҳар сафар мақсадимга эришмоқчи бўлганимда, оқимга қарши сузаётганимни ҳис қилас әдим. Корпоратив уқувсизлигим, охир-оқибат менинг кўзларимни очди. Шу тариқа мен ўғлим бир ёшга тўлганда ва рафиқам Колорадо университетида ўқиши тутатиб, мелиоратив ишлар бўйича бюорода ишга кирганида, мен карьерамга чек кўйдим.

Менда ҳеч бир режанинг ўзи йўқ эди. Нима қилишни билмасдим. Аммо мен ҳаётим сиёsat дунёсида ишим билан боғлиқ тарзда давом эта олмаслигини англадим, ҳис қилдим.

“Мистер Ойижон” ролининг ижроси мен учун кутилганидан кўра узокроқقا чўзилди. Шунга мажбур бўлдим. Яқинда иккинчи фарзандимиз дунёга келди ва мен энди иккита болага қарашим керак бўлиб қолди. Менинг ўрнимда бўлган ҳар қандай одам, бунинг қанчалар машақватли ва кўп вақт талаб қилишини жуда яхши билади. Бундай вазиятни ўзгартиришим керак эди. Оиламни кўллаб-қувватлаш, хотинимга дам бериш ва ҳаётимизни вайрон қилган зулмдан халос қилиш учун қандайдир бир йўлни ўйлаб топишим керак эди.

Энди тушундингизми, шунинг учун ҳам... Сичқончани босиш ҳаётимизни ўзгартириш, янги ва хавфсиз келажакни яратиш дегани эди. Маҳсулотимни ишга туширишим

ва бизнесни бошлашга киришишимга бир қадамгина қолганди. Мен даромад топиш ва оилас фаровонлигини таъминлашдан бир қадамгина берида эдим. Лекин шуни айтишим керакки, менинг энг учқур хаёлларимдаям... "сичқончани" шу биргина босишим дунёни ўзгартириши мумкин деб ўйламаган эдим.

### **Қани, ишдан кетинг**

Нихоят, бор журъатимни тўплаб тутмачани босганимда – ҳаяжон қамраб олди мени. Бундай ҳолатни сиз спорт машинасинининг газ педалини охиригача босганингизда ҳис қиласиз.

Шу биргина туртки билан компьютеримдаги электрон почта орқали хабар жўнатилди.

Хабар Висконсин штатидаги Грин Бай шаҳри яқинида жойлашган серверга юборилди. Ва менинг хабарномамга обуна бўлган одамларга қайдларни фаоллаштирди.

Бир неча сония ичида хабарлар менинг обуначила-римнинг почта қутиларида пайдо бўлди.

Улар жуда қисқа – 50 сўздан кам эди. Аммо охирида мен яратган маҳсулотга буюртма бериш мумкин бўлган сайт саҳифасига қайд бор эди. Бу шунчаки электрон биржаларнинг ахборот бюллетени бўлиб, унда мен бозорни яқин келажакда нима кутаётгани ҳақида фикрларим билан ўртоқлашдим.

(Аниқроқ айтадиган бўлсақ, маҳсулот ҳали яратилмаган, аммо биз бу Сеед Лаунч™ ҳақида кейинроқ гаплашамиз).

Албатта, буларнинг барчаси бир неча сония давом этди, лекин "Юбориш" тутмачасини босгандан сўнг, ҳар бир сония асрлар каби чўзилгандай туюлди. Бу вақт давомида нафас олишим тўхтаб қолганга ўхшарди. Кимдир менинг янги маҳсулотимни сотиб оладими-йўқми, шуни билишим керак эди.

30 сониядан сўнг мен, ҳеч бўлмаса биргина харид бўл-

гандир, деган умидда электрон почтамни очиб, текшириб күрдим.

Бүм-бүш эди.

40 сония. Бүш.

50 сония. Бүш.

59 сония... БИРИНЧИ СОТУВ!!!

Бир неча сония ичида – навбатдаги буюртма. Ва сүнгра янада күпроқ. Ҳар бир сахифа янгиланганидан кейин янги буюртмаларга кўзим тушарди!

Бир соат ичида умумий савдо ҳажми 8000 долларга етди. Кун охирига келиб, савдо \$ 18,000 дан ошди. Ҳафта-нинг охирига келиб, менинг кичкина ва камтарона таклифим 34000 АҚШ долларидан күпроқ даромад олиб келди – бу эса корпорацияда топган деярли ЙИЛЛИК даромадим эди.

Шу биргина туртки Мэрини уйга қайтаришимга асос бўлди. Бу менинг мазкур ишдаги дастлабки уринишим эмасди, албатта (ҳали сизга бу ажойиб воқеани айтиб бераман), лекин айнан шу менинг кичик бизнесим оиласизни таъминлай олишини исботлади. Бир неча ой ўтгач, Мэри бутунлай ишдан бўшаши мумкин бўлди. Жуда хурсанд бўлдик. (Биз у “нафақага чиқди” деб ҳазиллашар эдик, лекин, албатта, бу ҳазилнинг ҳақиқатга ҳеч қандай алоқаси йўқ – нафақат болаларни парвариш қилиш ва яна менинг бизнесимдаги ҳужжатлар билан ишлаш эндиликда унинг зиммасига тушганди).

Пул – ғалати нарса. Баъзилар учун 34 минг доллар – бу ақл бовар қилмас, деярли қўл етмас миқдор бўлиши мумкин (шу миқдордаги маблағ ҳаётимни ўзгартиришимга имкон берди). Кимгadir менинг завқу шавққа бурканиб гапиришим тушунарсиз бўлиб туюлар. Аммо қайси гурухга мансублигингиздан қатъий назар, менинг китобимда сиз жуда ажойиб натижалар ҳақидаги ҳисоботлар билан танишиб чиқасиз.

Бир пайтлар мен буни ҳали билмасдим, лекин маълум бўлишича, ўшанда саёҳатим аввалида бўлганман. Ва мен

минглаб одамларнинг ҳаётини ўзгартира оладиган нарсани яратдим.

## *Мен қандай қилиб бошқаларга бой бўлиш учун ёрдам бериш орқали бойиб кетдим*

Бошиданоқ аниқлик киритмоқчиман: бу китоб тезда бойиб кетиш ҳақида эмас.

Ха, мен ҳаётимга ва кўплаб шогирдларимнинг ҳаётига ажойиб бойлик ва фаровонлик олиб келган нарсаларни сиз билан баҳам кўрмоқчиман. Аммо бу пул, моддий бойлик ва таъсир бир кечада сеҳрли равишда пайдо бўлмаган.

Ушбу катта муваффақиятнинг орқасида маълум бир усул ёки таъбир жоиз бўлса, формуласи ётади. Бу китоб ҳақида нима дейиш мумкин – у сизни саҳна ортига таклиф қиласи ва ушбу формулани намойиш этади.

Йўл-йўлакай мен сизни кўпгина одамлар тасаввур қилолмайдиган дунё билан таништираман, бунда оддий одамлар ноёб бизнес имкониятларини яратадилар. Бу дунёда ўз бизнесингизни бошлиш учун инвестиция ёки бошланғич капитал деярли талаб қилинмайди ва лойиҳани ўзингиз яшаб турган хонада ёки ошхона столида ишга туширишингиз мумкин. Бу дунёда жуда ҳайратланарли тарзда қисқа вақт ичида одамлар стартапдан то даромад олишга қадар бўлган йўлни босиб ўтишади.

Бундан ташқари, баъзи одамлар ушбу формулани аввалдан мавжуд бўлган бизнесга қўлладилар ва сотувда ажойиб ўсишларга эришдилар.

Бу дунёда амбицияли юқори технологияли стартаплар учун жой йўқ, уларни амалга ошириш учун бир неча жасур дастурчи кунига 20 соат ишлайди ва ўзларининг натижаларини “Google” га 100 миллион долларга сотиш учун венчур компаниялардан маблағ олишга ҳаракат қиласидилар. (Ёки, эҳтимол, улар ёғга тўйинган пицца қутилари ва “Red Bull” бўш идишлари остида қолган ҳолда муваффақиятсизликка учраши мумкин).

Агар сиз шу йўлдан боришини истасангиз, менинг сизга фақат муваффақият тилашдан ўзга иложим қолмайди. Бундай ҳолда, менинг китобим сиз учун фойдали бўлмайди.

Мен ўз бизнесингизни яратиш (ёки мавжуд бизнесни оптималлаштириш) ва биринчи кундан даромад олиш ҳақида айтиб бермоқчиман. Бу кам харажатли, минимал тарздаги кам сонли одамлар билан ёки умуман ходимлар сиз иш бошлашдир. Бу сизга катта имконият берадиган жуда даромадли бизнесdir.

Ва ниҳоят, энг муҳими, бу сизнинг атрофинингиздаги дунёга фойда келтирадиган ва ҳар қандай даражада сизга ўзингизнинг хоҳишингиз билан “яхшилик қилиш” имконини берадиган бизнес.

Мен биламан, буларнинг барчаси “сут оқувчи дарёлар” ҳақидаги гаплардек тасаввур уйғотади. Ҳамма нарса жуда чиройли ва жозибали шундай эмасми? Бундай нарсалар ҳаққоний бўлиши, ҳақиқат бўлиши мумкин эмас, шундай эмасми?

Сизнинг шубҳаларингизни жуда яхши тушунаман.

Сизга бундан-да кўпроқ нарсани айтаман: агар мен буларни ўз кўзларим билан қайта-қайта кўрмаганимда, ўзим ҳам бундай нарсаларга ишонмаган бўлар эдим.

Асл ҳолат эса қўйидагича: интернет ўз бизнесини очишни истаган ҳар бир киши учун ўйин қоидаларини бутунлай ўзgartириб юборди. Энди бизнесни яратиш ва бошқариш инсоният тарихида ҳар қачонгидан ҳам осон, тез ва арzonроқдир.

Агар сиз аллақачон бизнес эгаси бўлсангиз, интернет уни кам харажат билан кенгайтиришга имкон беради.

Буларнинг ҳаммасини мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтипман. Биринчи онлайн бизнесни мен интернетда “ўрта асрларда” 1996 йилда бошлаганман ва шундан бери ҳар бир йил мен учун даромадли бўлди. Дотком пуфагининг ёрилишига, глобал иқтисодий инқирозга қарамай, Googleнинг барча янгиланишларига қарамасдан ҳам

— шундай. Тўрт хил бозорда мен ўз маҳсулотимни ўн миллионлаб долларга сотдим. Ва шу йўл давомида, маҳсулотим минглаб интернет-тадбиркорларга ўз бизнесларини қандай ташкил этиш ва ривожлантиришни ўргатиб келди. Менинг шогирдларим ва мижозларим савдо-сотикдан 400 миллион доллардан кўпроқ даромад олди.

Мен ўзимни мақташ билан шуғулланишини ёқтирамайман, лекин ишонч билан айтишим мумкинки, мени Интернет-маркетинг соҳасидаги етакчи мутахассис ва етакчилардан бири деб аташади. (Мен “гуру” иборасини ишлатмасликка ҳаракат қиласман, лекин айримлар мени “маркетинг гуруси” деб ҳам аташади.)

Тез орада бу ҳар доим ҳам шундай бўлмаганини билиб оласиз. Мен маркетинг учун истеъдод билан туғилганман, деб айта олмайман. Онлайн бизнесимни бошлишдан олдин, мен илгари ҳеч қачон бизнес қиласманман. Менинг савдо бўйича олий маълумотим йўқ ва маҳсулотни реклама қилиш кўниқмаларига ҳам эга эмас эдим. Бундан ташқари, мен болалигимдан скаутлар учун ҳар йилги маблағ тўплаш пайтида печенье сумкасини сота олардим (уларнинг ҳаммасини фақатгина ота-онам сотиб олар эди).

## Қоидалар ўзгарди

Шубҳасиз, биз улкан ўзгаришлар даврида яшаяпмиз. Қисқа давр, бир неча йил ичида бизнинг алоқа ва кундадлик ҳаётимизнинг табиати тубдан ўзгарди. Биз янада очиқ дунёда – юзлаб рақобатдош фирмалар ҳақида минглаб шарҳларни тезда олиш имкониятини берадиган, органик равишда боғланган мижозлар базасига эга дунёда яшаяпмиз. Бу потенциал мижозлар эътиборини жалб қиласиган рақобат даражаси тобора ортиб бораётган дунё. “Маркетинг тумани” ҳар куни қалинлашадиган дунё. Ҳаққонийлик ва долзарбликни тобора кўпроқ қадрлай бошлаган дунёдир.

Бизнес ва маркетинг қоидалари ўзгарган ва кўплаб бизнес турлари учун бу ўзгаришлар охиргисига айланган. Аммо бошқа минглаб одамлар учун улар ниҳоятда қулай муҳит яратдилар. Агар сиз янги ўйин майдонини ўргансангиз, потенциал мижозларнинг эътиборини жалб қилиш ва улар билан муносабатларни ўрнатиш анча осонлашади. Менинг китобим айнан шунга бағишиланган.

Шундай қилиб, агар сиз ўтиш даврини бошдан кечираётган бўлсангиз ва ўз бизнесингизни бошлишни жуда хоҳласангиз...

Ёки йирик корпорацияда, сиз даромад учун жавобгар бўлган бўлимни бошқараётган бўлсангиз...

Агар сиз ўзингиз учун ишлайдиган мутахассис ёки хизмат кўрсатувчи бўлсангиз (масалан, юрист, массажчи, аюрведа мунахжими ва бошқалар) ва сиз бу барча соатлик ставкалар билан боғлиқ чалкашликлардан чарчаган бўлсангиз...

Ёки сизнинг аллақачон Интернетда муваффакиятли бизнесингиз бўлиб, лекин узоқ вақт давомида савдоингиз бир хил даражада қолаётган ва унинг ўсиши учун айрим ташқи турткilar керак бўлса...

Ёки сиз тобора гавжумлашаётган рақамли дунёда тан олинишни истаган ижодкор (рассом, ёзувчи, заргар, мусиқачи) бўлишингиз мумкин...

Бу эса... сиз учун ИШГА ТУШИРИШ керак дегани. Ҳар қандай муваффакиятли маҳсулот, бизнес ёки бренд самарали ишга тушириш орқали бошлилади. Бозорга аста секинлик билан кириш сиз учун ҳашаматдир. Сизга ҳаратлантирувчи куч ва пул оқими керак, чунки бу ҳар қандай муваффакиятли бизнес учун зарур бўладиган нарса.

### ***Кунига миллион доллар***

Менга 34000 АҚШ доллар олиб келган ишга киришдим, бу иш Мэрини уйга қайтишга ва уй юмушларини бажаришга имкон берди, менинг бизнесим ўшида давом этди.

Ишга туширишлар кундан кунга яхшироқ бўлиб борар эди. Ўша кунларда менинг энг яхши ишга туширишларим ҳафтасига 106000 АҚШ доллари олиб келган эди – ва буларнинг барчаси уйимдан чиқмасдан, ҳеч кимнинг ёрдамисиз, деярли ҳеч қандай сармояларсиз бўларди.

Бу сокин, хотиржамлик йиллари эди. Кўп ажойиб нарсалар бизнес билан боғлиқ бўлиб, мен ўз бизнесим ва ҳаётимни яхши кўрардим. Мен ўзим хаёл қилганимдан ҳам кўпроқ пул топдим. Мэри ўз ишини ташлаб, болалар билан кун бўйи банд бўладиган бўлди. Менинг орзуим амалга ошди – биз қадрдан шахrimiz Колорадо штатидаги Дуранго шаҳрига кўчиб ўтдик (у ерда мен энг севимли машғулотларим билан шуғулланар эдим – тоғ шароитига мўлжалланган велосипед сайри, дарёларда сузиш ва тоғ чанғиси билан шуғулланиш).

Аммо 2003 йил февралдан кейин ҳамма нарса ўзгарди. Мен Техас штатидаги Даллас шаҳрида бўлган интернет маркетинг семинарига бордим.

Далласда самолётдан тушаётганимда, менинг бизнесим бирон бир ўзгача нарса бўлган деб ўйламаган эдим. Мен ўзимнинг ҳамкасларимни, шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган тармоқ корхоналари эгаларини учратаман, деб тахмин қилган эдим. Дастробки муваффақиятим мени жуда ҳайратда қолдирди, чунки мен кичик бизнеснинг ҳафтасига олти рақамли фойдани қандай келтиришини кўрганларида одамлар шунчалик ҳайрон қолишади, деб ўйламаган эдим.

Кейинги уч кун ичида мен жуда кўп одамларни учратдим (ва мен ҳали ҳам қадрлайдиган Дўстларни ортиридим) ва менга одатий бўлган ишларни, бошқа ҳеч ким қилмаганини тушундим. Албатта, ҳеч ким мен каби ишга туширишларни амалга оширмаган ва шунга ўхшаш натижаларга эришмаган. Ростини айтсан, мен маркетингнинг янги усулинини – пировардида маҳсулотни ишга тушириш формуласи (Product Launch Formula, PLF®) деб ном олган ёндашувни яратганимдан ҳайрон бўлдим.

Мен ушбу семинарда танишган инсонларимдан бири бу Жон Риз эди. Бу одам сиз у билан учрашган пайтингизда дарҳол даҳоликни тушунадиган одамлар тоифасига киради, аммо ўша кунларда у ўзининг панада қолишини афзал кўрди. Жон ҳақиқий маркетинг мутахассиси эди, аммо ўша пайт деярли ҳеч ким бу ҳақда билмас эди.

Семинардан кейин биз ўзаро алоқаларни давом эттирдик, дўстлашдик ва мен у билан маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг “сирлари” билан бўлишдим. 2004 йилда Жон икки марта ишга туширишларда менинг техникамни қўллади. Биринчи галгиси – у томонидан ташкил этилган уч кунлик семинар билан боғлиқ. Сотувлар қарийб 450 000 долларни олиб келди ва мен ўзимнинг техникам фонд бозори нозик жиҳатини ўргатишга ёрдам беришидан ташқари бошқа сотувларда ҳам иш беришига амин бўлдим.

Жоннинг кейинги ишга тушириши сайtlар учун трафик ишлаб чиқариш курси билан боғлиқ эди ва айнан у бурилиш нуқтасига айланди. Атиги 24 соат ичидагавдо 1,1 миллион доллар даромад келтирди – кунига миллион доллар! Жоннинг бизнеси жуда кичик бўлганини ва у бу ишни уйда, ҳеч қандай жамоасиз ишлаганини хисобга олсангиз, бу рақам янада ҳайратланарли бўлиб кўринади. (Эслашимча, Жоннинг ишга тушириш ва мижозларга хизмат кўрсатишида ёрдам берадиган биргина ёрдамчиси бор эди).

Мен ихтиро қилган маркетинг ёндошуви мени ақлдан оздирди. Аммо мен молиявий ахборот бюллетенларини нашр этишда давом этдим ва ҳатто ишга туширишга ёрдам сўраб қилинадиган мунтазам қўнғироқларга қарамай, мен Интернет-бизнес оламида деярли номаълум бўлиб қолавердим. Мен Дурангода ажойиб ҳаёт кечирдим, ажойиб бизнес билан шуғулланиб, болаларим билан чанфи ва тоғ велосипедига сайдрга чиқдим. Мен “машхурлик” доирасидан ташқарида баҳтли эдим ва умуман ўзимга эътиборни тортишни истамас эдим.

Аммо Жон менга ишга туширишлар учун миннатдор-

чилик билдиргандан сўнг, маслаҳат сўраб келадиганларнинг товушлари янада баландроқ чиқа бошлади. Натижада, Жон ва бошқа бир қатор одамларнинг (айниқса, Яник Силвер) талабига биноан, мен ўз ишимни оммага етказиши... ва менинг маҳсулотни ишга тушириш формуласини билишни истовчиларга ўргатиш вакти етди деган қарорга келдим.

### **Маркетингни ўзгартирган кун**

Мен 2005 йил 21 октябрни ҳақиқий текшириш куни деб ҳисоблайман. Мен маҳсулотни ишлаб чиқариш формуласи бўйича ўкув курсини эълон қилишга қарор қилдим. Ўртага менинг обрўйим тикилган эди (ва менинг бизнесдаги келажагим). Охир-оқибат, усулнинг самародорлигини фақат экспериментал равищда исботлаш мумкин эди. Агар мен маҳсулотни ишга тушириш бўйича мутахассис бўлишга даъво қилсан, унда мен ўз маҳсулотимни ишга туширишда ўзимни яхши кўрсатишим керак, шундай эмасми?

Мен бир нечта муваффақиятли ишга туширишларни амалга оширган ва бошқаларга ҳам худди шундай ишларни қилишга ёрдам берган бўлсан ҳам, бу сафар менга анча қийин вазифа юкланган эди. Нолдан бошладим, мен бутунлай янги бизнесни яратдим. Олдинги барча муваффақиятларим фонд биржаси донолигини ўргатиш билан боғлиқ эди. Ва энди мен одамларга маҳсулотларни қандай қилиб тўғри ишга туширишни ва Интернетда бизнес юритишни ўргатмоқчи эдим. Менда ушбу янги хизматнинг потенциал истеъмолчилари рўйхати йўқ эди. Менинг қўлларимдаги фонд бозори инвесторларининг рўйхатларидан эса, бу вазиятда ҳеч қандай наф йўқ эди. Мен ўзимни ушбу соҳанинг мутахассиси сифатида намойиш этмасдим; мени, мен ишга туширишда ёрдам берган бир неча кишиларгина танишарди. Аммо буларнинг барчаси менга ҳалақит бермади, чунки мен бу тўсиқлардан қандай

үтишни билардим. (Ва мен бу маълумотни сиз билан биргаликда ишга тушириш бўлимида баҳам кўраман).

Шундай қилиб, вазият мушкул, лекин бу сафар мен аллақачон отилган чумчукдай эдим. Менинг бошлишим ақлдан бовар қилмас муваффакият эди. Биринчи ҳафтада менинг янги Формула – Лаунчер дастуримнинг сотуви 600000 АҚШ долларидан ошди. Бу янги бизнеснинг бошланиши, юзлаб янги мижозларнинг пайдо бўлиши ва минглаб потенциал харидорларнинг рўйхатини шакллантириш демак эди.

Баъзи нарсаларнинг энг яхши тақдим этилиши – амалий тарзда исботлашдир.

Шу пайтдан бошлаб ёввойи пойга бошланди. Бу йиллар давомида мен маҳсулотни ишга тушириш формуласини доимий равишда янгилаб, такомиллаштиридим ва унитайёр ўқув курсига айлантиридим. Бу онлайн маркетинг ўқув дастури энг кўп сотиладиган дарсларнинг бирига айланганди, деб бемалол айтиш мумкин.

Минглаб одамлар маҳсулотни ишга тушириш формуласини мендан сотиб олишди ва уларнинг кўплари ажойиб муваффакиятга эришишди. Умумий натижани ҳисоблаш жуда қийин, лекин мен талабаларим ва мижозларим 500 миллион доллардан кўпроқ даромад олганини биламан ва бу рақам кун сайин ўсиб бормоқда.

Мен маҳсулотни ишга тушириш формулаларидан фойдаланувчиларнинг кўпи (барчаси ҳам эмас) кичик ва баъзидан микро-бизнес эканига эътибор қаратмоқчиман. Гап даромадни қўшимча тарзда 500 миллион долларга оширган Google каби йирик компаниялар ҳақида эмас. Йўқ, аксарият ҳолларда бу кичик корхоналар бўлиб, улар ушбу савдоларга ўзининг катта таъсирини кўрсатди. Маҳсулотни ишга тушириш формуласининг кўплаб фойдаланувчилари менинг ютуғимни тақрорлади ва етти кун ичида олти рақамли даромадга эришишга муваффақ бўлишди. Ишга туширишларнинг аксарияти уларга миллион доллар олиб келган.

Одамлар Формулани бозорларнинг ҳар хил турларида ва турлича муҳитларда ишлатишди ва улкан ютуқларга эришишди. Тан олишим мумкинки, менинг севимли машғулотим бор эди – бу кўплаб бозорларни кузатиб боришдан иборат. Мана уларнинг қисқача рўйхати сиз учун:

- танишиш веб-сайтлари;
- имтиҳонга тайёргарлик;
- фотошоп дарслклари;
- кредит бўйича мутахассислар;
- кўчмас мулк бўйича мутахассислар;
- жонглёрлик санъатини ўрганиш;
- колледжга кириш;
- бейсбол мураббийлари;
- қоидасиз жанглар;
- САП дастурчилари;
- тўқишининг турлари;
- ўзаро инвестиция фондлари;
- қимматбаҳо қофозлар савдоси (Форекс, фючерс, қимматли қофозлар ва бошқалар);
- отлар билан айланиш;
- кўчмас мулк сармоялари;
- гитара чалишни ўрганиш;
- шифокорларни ультратовуш текшируви бўйича ўқитиш;
- Пианино чалишни ўрганиш;
- бизнес-тренинг (дунё бўйича);
- соғлом овқатланиш;
- хом-ашё парҳези;
- терапевтик массаж;
- ишқий муносабатлар (муҳаббат номалари);
- шахсий мураббийлар;
- доривор ўсимликлар;
- фантастик романларни яратиш;
- отларни жиловлаш;
- уй ҳайвонларини парвариш қилиш;
- медитация;
- итларни қўлга ўргатиш;

- оркестр учун пулфлама асбоблар;
- теннис бўйича дарслар;
- йога;
- ўсмиirlар учун футбол дарслари;
- қўшиқ ёзиш;
- хиромантия;
- велосипед кортида машқ қилиш;
- мия фаолиятини ўрганиш;
- ўзини химоя қилиш;
- саргузашт туризм;
- торт безаш.

Ихчам тақдим этиш мақсадида мен рўйхатнинг биргина қисмини тақдим этдим, менда бунга ўхшаш жуда кўп мисоллар бор. Шунинг учун, бизнесингизда ёки сиз эгаллаган бозорда менинг методологиям ишламайди, деб ўйламаслигингиз керак.

Бундан ташқари, менинг Формулам бутун дунёда ишлатилади – менга фақатгина Антарктидадан ҳали ҳаралар келмаган, аммо у бошқа барча қитъаларда муваффақиятли ишлатилган. Мен ўнлаб мамлакатлардаги аъло натижаларга эришган талабаларим билан мақтана оламан.

Ушбу методика барча турдаги маҳсулотлар ва корхоналар учун ишлайди, масалан:

- онлайн курслар;
- уйда ўқитиш курслари;
- вижетлар;
- пулли аъзоликка эга сайtlар;
- онлайн хизмат;
- хизматлар (стоматология, солиқ маслаҳатлари ва бошқалар);
- электрон китоблар;
- мураббийлик;
- профессионал мутахассисларни қўллаб-қувватлаш гурӯхлари;
- маслаҳат бериш пунктлари;

- ижодкорлик (расм, заргарлик буюлари ва бошқалар);
- бизнес учун ахборот тизимларини сотиш;
- нотижорат маблағларини түплаш;
- стол ўйинлари;
- одамларни черковга жалб қилиш;
- кўчмас мулк;
- саёҳатга оид таклифлар;
- дастурий таъминот;
- мобил иловалар.

Ва яна бир бор эслатиб ўтаман, бу тўлиқ рўйхат эмас. Аммо, натижада бизда қуйидагилар мавжуд: вақт ўтиши билан Формула маҳсулотини ишга тушириш ва менинг шогирдларим Интернетда сотишни бутунлай ўзгартириб юборди.

Бу қийин йўл эди. Электрон почта орқали 19 та абонентга юборилган биринчи хат нимага олиб келишини тасаввур қилолмаган эдим.

## Ўзингдан сўрасак?

Шундай қилиб, сиз маҳсулотни ишга тушириш формуласининг пайдо бўлиши тарихи билан танишдингиз. Аммо бунинг сизга нима алоқаси бор?

Бу формула сизга фойдали бўлади деб ўйлайсизми? Интернетда бизнес бошлиш учун бу формуладан фойдалана оласизми? Ёки хусусий бизнесингиз бўлса, нима деб ўйлайсиз, бу унинг ўсишига ёрдам берадими?

Тажрибамдан келиб чиқиб айта оламанки, сиз талаб юқори бўлган маҳсулотларни сотмасангиз (бензин ёки шакар) ва сизнинг ишингиз фавқулодда ёрдам билан боғлиқ бўлмаса (масалан, санитария-тесисат ёки гаров кафолати каби), менинг жавобим қатъиян “Ха” бўлади. Мен Формуладан фойдаланиб жуда кўп, турли-туман соҳада муваффақият қозонгандарни кўрдим ва ҳозирга келиб, мени деярли ҳеч нарса ажаблантирмайди.

Ушбу китобда сиз улардан баъзиларининг ҳикоялари-

ни ўқийсиз. Турли хил ижтимоий қатламдаги, турли маҳсулот ва хизматларни таклиф қиласынан одамлар билан учрашасиз. Масалан, Сьюзен Гаррет ит парвариши бўйича мутахассис-мураббий. Менинг дастурим билан танишиш унга ажойиб бизнесни яратишга имкон берди. Ёки Жон Галлахер, истеъмолга яроқли бўлган доривор гиёҳлар ва ўсимликлар тўплами ҳақидаги маълумотларни сотади. Биринчи марта ишга туширишда у давлатдан озиқ-овқат учун купонлар олди ва энди унинг бизнеси олти рақамли рақамда ифодаланган даромад келтирмоқда. Ёки Уилл Хамильтон, теннис бўйича видео дарсларни сотувчи киши: ишга тушириш билан у ривожланган брендни яратди. Айни пайтда у юқори даражадаги профессионал теннисчилар билан ишлайди.

Буларнинг барчаси сехр, афсун каби жуда мураккаб ва деярли эришиб бўлмайдиган нарсага ўхшаб кўриниши мумкин. Ушбу китобни охиригача ўқиб чиққандан сўнг, сиз ҳамма нарса жуда содда эканини ва усулнинг ишлшини билиб оласиз, у сиз учун қандай, қай тарзда ишлшини ҳам англаб етасиз.

Китобдаги материалларга мантикий тарзда, қуидагича тартиб берилган.

Дастлабки бешта бобда асосий материаллар, жумладан, Формулани қўллаш жараёни, почта рўйхатлари, менталь триггерлар ва Яширин реклама хабарлари келтирилган.

Кейинги учта бобда биз ишлаб чиқаришни бошлаш, ишга туширишдан олдин ва очилиш савдосини ўз ичига олувчи ишга тушириш жараёнини кўриб чиқамиз.

Сўнгти олтига бўлим сизнинг бизнесингизда ва ҳаётингизда маҳсулотни ишлаб чиқариш формуласидан қандай қилиб тўғри фойдаланишни кўрсатишга бағишлиланган. Бошқа нарсалар қаторида, уруғларни экиш (бизнесни нолдан бошлаш усули) ва қўшма ишга тушириш (мега-ишга туширишларни бажариш усули) кўриб чиқилади.

Яна бир бор эслатиб қўяман: ҳеч ким бошланғич жа-раён осон ва ўз-ўзидан содир бўлади, дегани йўқ. Албатта, сиз ишлашингиз керак бўлади. Мен бошиданоқ тушун-тиридим, бу ҳолатда биз тез бойитиш схемалари тўғрисида гапирамаяпмиз.

Аммо ҳақиқат шундаки, минглаб одамлар Интернет-да кичик, аммо жуда даромадли бизнесни яратадилар. Ва маҳсулотни ишга тушириш формуласи уларга маҳсулотни (ёки умуман бизнесни), деярли бирданига сотишни ўз бизнесининг ҳаракатлантирувчи кучи билан боғлашга имкон беради.

Эшитилиши чакки эмас, тўғрими? Уни синааб кўришга тайёрмисиз?

Кейинги бобда мен сизга маҳсулотни ишга тушириш формуласи тузилишини тушунтираман, шундан кейин биз олдинга силжиймиз. Йўл-йўлакай сиз ушбу усульнинг революцион табиати нимада эканлигини, нима учун у ҳар хил турдаги бозорларда ва ҳар хил корхона ва маҳсулотлар билан ишлашини билиб оласиз.

Шундан сўнг, сотувлар бир соат ичидаги миллиондан кўпроқ даромад олиб келганлиги ҳақида ажойиб ҳикоялар пайдо бўлади.

Ҳа, ишончинингиз комил бўлсин ва <http://thelaunchbook.com/member/> саҳифасига қўшимча ўқув қўлланмалари ва китобга бириктирилган бошқа манбалар билан танишиш учун киринг.

## 2-боб. Озиқ-овқат талонидан олти рақамли даромадгача: маҳсулотни ишга тушириш формуласини тушунтириш.

Жон Галлахер жуда банд одам бўлиб, хотини ва икки фарзанди бор эди, игна санчиш бўйича мутахассис бўлишни истаган ҳолда, ҳар куни Wilderness Awareness School нотижорат ташкилотида кўнгилли бўлиб ишлаган. Уни кўрган ҳар қандай одам ундаги самимият ва шижоатни сезмасдан қолмасди – бекор ўтиришни ёқтирувчи одамлар тоифасидан эмасди у. Бироқ, унинг саёҳат қилиш учун пули ва вақти йўқ эди. Оиласини боқиши учун у давлатнинг озиқ-овқат ёрдам дастуридан фойдаланишига мажбур эди. Жон ҳеч қачон давлатнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолишини ўйламаган эди – у ўзини бундай бўлиб қолишига лойик деб билмасди. Аммо у ўз эҳтиёжларини қондириш ва оиласини овқат билан таъминлаш учун кўлидан келганини қилди. Нима бўлмасин, Жон бу вақтинчалик вазият, деб ўйлар, чунки унинг катта режалари бор эди. У тадбиркорлик қилиш пайида бўлар ва ўзича бизнес учун ноёб ғояни пишираётгандек бўларди.

Жоннинг севимли машғулотларидан бири истеъмолга яроқли ва доривор ўсимликлар, гиёҳларни йиғиши ва тайёрлаш эди, рафиқаси билан биргаликда болаларни доривор кўкатлар билан таништирадиган ўқув тахтаси – ўйинини яратди. У Wildcraft: An Herbal Adventure Game, деб номланди ва уни дунёга намойиш қилиш вақти келган эди.

Стол ўйинини яратиш, шубҳасиз, анчагина маблағ талаб қиласди – ҳатто буюртма берилиши мумкин бўлган энг кичик ўйинлар ҳам катта харажатларни талаб қиласди. Жон отасидан 20 минг доллар қарз олиб, вазиятдан чиқиб кетишга муваффақ бўлди. Ушбу пулга ўйиннинг 1500 нусхаси буюртирилган эди. Кўплаб тадбиркорлар сингари, Жон бизнесни бошлаш учун қарзга киришга ҳам тайёр бўлди. Кўшимча қарз орқага қайтиш каби кўринди, аммо

у сотувлардан түшгән даромад қарзларни түлаш имкони-  
ни беришига ишонарди.

Шундан сүнг, ажайиб, таъбир жоиз бўлса, буюк кун кел-  
ди. Буюртмани унинг уйига етказиши ва Жон ўйиннинг  
1500 нусхаси қандай кўринишини билди. Юк машинала-  
ри ичидаги ўйин қутилари унинг уйига кириб бораркан,  
унинг шижоати ташвишга айланади. Қутилар га-  
ражни бутунлай тўлдирди. Кейин меҳмонлар ётоқхонаси-  
ни. Кейин иккинчи ҳаммом ва ҳатто душни ҳам тўлдирди.



Жон Галлахер ва унинг ўйин қутилари

Аммо Жон хавотирли фикрларни четга сурди – бу  
ўйинни дунёга намойиш қилиш вақти келганди ахир.

Бу жуда чиройли ўйин эди ва у кўплаб оилалар учун ўйин-кулги ва янги билимлар беришини биларди. Бундан ташқари, бу қарзлардан халос бўлиш йўли ва оиласининг фаровонлиги дегани эди.

Жон дўстларини, танишлари ва барча қўшниларини таклиф қилган ҳолда “очилиш маросимини” режалаштириди. Буларнинг барчаси нималарга олиб келишини у билмас эди. Ва у тўлиқ муваффақиятсизликка учраши мумкинлигини билмас ва бунга тайёр ҳам эмасди.

“

### ***Ушалмаган умидлар мамлакати***

Афсуски, бизнес учун ажойиб ғоядан кўра, янаем кўпроқ нарса керак. Умуман олганда, Жоннинг ҳикояси минглаб бошқа тадбиркорларнинг қақшатқич муваффақиятсизликка учраган воқеаларидан фарқ қилмайди. Ушбу ҳикояларнинг таассуроту-асоратлари доимо дикқатимизни жалб қиласди: савдо марказидаги янги дўкон, шаҳар марказидаги янги ресторон... Улар тўсатдан ёпилиб, деразада “Ижарага берилади” деган реклама ёзуви пайдо бўлади. Кучли иштиёқ билан бошланган ажойиб янги мажмуа тўсатдан шарпа-шаҳарга айланади, табиийки, унга ташриф буюрувчилар бўлмайди, у ҳақдаги шарҳлар ва янги маълумотлар берилмайди. Бу чуқур қайғуга сабаб бўлади, чунки бизнинг қаршимизда тургани – бу нафақат муваффақиятсиз бизнес, балки кимнингдир ушалмаган орзулари ҳамдир. Ажойиб ғоянинг рўёби учун юзлаб соат ва минглаб долларлар тикилади, натижада эса буларнинг барчаси муваффақиятсизлик билан тугайди.

Биз кўриб чиқаётган мисолда, айниқса, бу вазият янада аянчли кўриниш касб этди. Бу кечада Жон ўйинларнинг атиги 12 нусхасини сотди ва яна 1448 кути қолди. Муболағасиз, бу унинг ҳаётидаги энг ёмон дамлар эди. У нафақат ютқазганини хис қиласр эди – мағлуб бўлганига оид ишоралар уни ҳар томонидан қуршаб олган эди. Оиласи у сота олмаган ўйинлар билан тўлган уйда яшар эди.

Бир неча кун давомида қаерга бормасин, қутилар уни кузатиб турғандек кўринарди. Энг ёмони эса бошқа нарса. У бундан кейин нима қилишини билмас эди. У ўз кўллари билан қарзлар чоҳини қазган, энди эса сотилмаган буюмлар орасида ўтирас ва бу ҳолатдан чиқишнинг бошқа йўллари борлигини тасаввур ҳам қилолмасди.

Тадбиркор бўлишни орзу қилган бошқа кўплаб одамлар сингари, Жон ўз орзу-умидларини мен “умид маркетинги” деб атайдиган майда тош бўлакларига бўлинниб кетганини кўрди. У маҳсулотни яратди ва унинг сотилишига умид қилди. Эҳтимол сиз ҳам кўпгина таниш тадбиркорларингиз мисолида бундай воқеаларни бир неча бор эшитгандирсиз. Аммо Жоннинг ҳикояси якуни, умуман, бошқача бўлди...

### *Ғалабани мағлубият чангалидан тортиб олиш*

Хотинининг маслаҳати билан Жон Googleдан маълумот қидиришни бошлади – айнан ўша ерда у маҳсулотни ишга тушириш формуласи (<http://www.ProductLaunchFormula.com>) веб-сайтини топди. Аммо менинг PLF (Product Launch Formula) ўқув дастурим арzon эмас эди, шунинг учун Жон отасининг олдига бориб, яна қарз олди<sup>1</sup>.

Жон PLF курсини ўрганишга киришиб кетди ва бу усул унинг вазиятида идеал тарзда иш беришини ҳис қилди. Бир неча ҳафта ичida у маҳсулотни ишга туширишнинг янги режасини тузди ва уни синаб кўришга тайёр эди. Таъкидлаш жоизки, PLF-нинг ўзини ишга тушириш учун деярли ҳеч нарса сарфланмаган. Дарҳақиқат, бу ҳолда, биринчи навбатда усулининг ўзи катта роль ўйнар эди, катта миқдордаги пулнинг таъсири эмас. Жон ўзининг янги, кенг қулоч ёйган умидлари рўёбга чиқармикан, деган умидда зўр бериб янги ишга туширишни кутар, соатларни

<sup>1</sup> Менинг ўқув дастуримни сотиб олиш учун қарз олишни тавсия қилмайман. Жон билан боқлиқ воқеада бу ижобий натижка олиб келди, лекин мен бундай йўл тутишни тавсия қилмайман.

ҳисоблар эди.

Узок кутишига түгри келмади. Натижалар, айниқса, биринчи мұваффақиятсиз уриниш билан таққослагандың ақл бовар қымас даражада эди. Дастреки даврда Жон 670 ўйинни сотиб, 20000 доллардан күпроқ даромад күрді! Бундан ҳам дикқаттаға сазовор томони шундаки, нолға тенг ишга тушириш харажатлари туфайли ушбу миқдор ўйинларни ишлаб чиқарып харажатларини қоплади.

Шундай қилиб, “умидлар маркетинги” ҳолатида 12 сотувда маҳсулотни ишга тушириш формуласини құллаганидан кейин 670 тани ташкил этди. 55 баравар күпроқ. Ўйин 30 долларга сотилар эди, шу сабабли сотувлар сонини долларга айлантирганды, биз янада ёрқинроқ контрастни күрамиз: биринчи ҳолда 360 доллар даромад олинди, иккінчи сотув эса 20 100 доллар олиб келди. РZF-ни ишга тушириш пайтида Жон реклама учун бир цент хам сарфламаганligini таъкидлайман. Унинг янги реклама шерилари йўқ эди. У ўз маҳсулотининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши учун пул тўламаган. У фақат мавжуд ресурслар ва активлардан фойдаланган, чунки унинг оиласи давлатдан озиқ-овқат учун купонлардан фойдаланган, яъни Жоннинг ресурслари жуда кам эди. Аслида, у ижарага олинган ноутбук билан маҳаллий кутубхонада ўз ишини бошлаган, у ерда бепул интернет мавжуд эди.

Жоннинг биринчи ишга тушириши жуда мұваффақиятли бўлди, аммо бу фақат бошланиши эди. Ушбу китоб ёзилаётган пайтда у аллақачон “Wildcraft” ўйинининг 50 мингдан ортиқ нусхасини сотган ва бошқа бир қатор маҳсулотларни, шу билан бирга, энг машхур пуллик аъзолик сайтини (HerbMentor. сот) сотиб олган. Умуман олганда, янги ютуқлари билан таққослаганда, унинг бошланғич мұваффақиятлари жуда камтарона туюлади. Бироздан кейин мен сизга бошқа ажойиб воқеаларни сўзлаб бераман, улар яхши тайёрланган ишга тушириш туфайли, деярли бир кунда ўз бизнесингизни яратишингиз мумкин-

лигини ажойиб тарзда тасвиirlайди. Бу орада, келинг тан оламиз, қаршимизда – озиқ-овқат купонларидан олти рақамли даромадгача узоқ йўлни босиб ўтган йигитни кўриб турибмиз.

Жоннинг хикоясидан бирозгина чалғиб бирмунча аҳамиятли саналган бир изоҳга эътиборингизни қаратамиз: ишга туширишда қулай манбалардан бири электрон почта манзилларининг кичик рўйхати эди – бу одамлар ундан улар билан алоқада бўлишни илтимос қилишди. Кейинги бобда бундай рўйхатларнинг сеҳрли хусусиятлари ҳақида гаплашамиз. Хуроса қилиб айтганда: ҳар қандай почта рўйхатини маҳсулотни ишга тушириш Формуласи билан уйғунлаштириш пулни чоп этиш учун лицензияга эга бўлишга ўхшайди, деса ҳам бўлади.

### *Катта рақамлар ҳақида қисқача*

Ўтган бобда мен сизни ақл бовар қилмас рақамлар билан кўмиб ташладим, масалан, мен ўз уйимнинг ертўласида қандай қилиб бизнес бошлаганимни ва охир-оқибат ҳафтасига 106 000 доллар ишлаганимни (ишчиларим йўқ, дўконим йўқ, инвентаризациясиз, умуман олганда, интернетга уланган компьютердан ташқари бошқа ҳеч нарса йўқ).

Кейин мен маҳсулотни ишга тушириш формуласининг сирини баҳам кўрган дўстим кунига 1 080 000 долларга маҳсулот сотганини айтдим – ундаям ўша ҳолат: ўзининг шахсий офиси ва ишчилари бўлмаган ҳолда.

Шундан сўнг, сизларга менинг бизнесим катта даромадга айланганлиги ҳақида хабар бердим, бу менга БИР СОАТ ичида (ҳали ҳам уйда туриб ғайритабиий таъсирдан илҳомланиб ишлардим) бир миллион доллардан кўпроқ пул ишлашга имкон берди.

Кейинги қадам менинг талабаларим ва мижозларим турли хил бозорларда маҳсулотларни ишга тушириш – қатор маҳсулот турларини сотиш орқали 500 миллион дол-

лардан (!) кўпроқ даромад топганликлари ҳақидаги хикоя эди, уларнинг аксарияти кичик бизнесга эга бўлиб, бу деярли ҳеч қандай харажатлар талаб қилмас эди. Ва энди мен сизларга озиқ-овқат ёрдами бўйича давлат дастури орқали ўз оиласи билан яшаган, аммо олти рақамли даромадга эришган Жон Галлахер билан боғлиқ тафсилотларни айтиб бердим.

Умуман олганда, бу рақамларнинг барчаси шунчалик ажойибки, мен сизни ўқувчи сифатида йўқотишдан кўрқаман. Янги келган киши учун бундай катта даромадни тасаввур қилиш қийин, мен буни яхши тушуман. Илтимос, иккита нарсани ёдда тутинг. Биринчидан, бу мутлақо реал даромадлар. Бундан ташқари, дастлабки пайтларда мен ҳам янги бошловчи эдим. Жон Галлахер ва бошқа кўплаб шогирдларим ҳам бошида янги бошловчи бўлишган албатта.

Агар сиз ҳозир менинг бизнесимни бошлаган кунларимдаги аҳволга тушиб қолган бўлсангиз, бошиданоқ миллион доллар ишлаб топишга бўлган имкониятингиз, эҳтимол лотерея ютиб олиш имкониятидан ҳам пастроқдир. Бундай даромаднинг биринчи уриниши фойда келтирмайди. Аммо эсингиздан чиқмасин, сизга ишни нолдан бошлаб, худди мен қилганимдек, тезда бизнесни ривожлантириш ва даромад микдорини кўпайтириш учун ҳеч нарса ҳалақит қилмайди.

Мен сизни, шунчаки, бундай натижаларга эришишга имкон берадиган формуулам билан таништирмоқчиман, лекин аввал сиз оддий одамлар учун одатий бўлмаган бизнес имкониятларини яратадиган ушбу “яширин дунё” га киришингиз керак ва улар буни тезда, амалда нол бошланғич харажатлар билан амалга оширишларининг гувоҳи бўласиз.

### *Маркетингнинг “махфий” дунёси.*

Кўпчилик ҳатто эшитмаган “яширин” бизнес дунёси ҳақиқатдан ҳам мавжуд. Бу ранг-баранг қаҳрамонлар

дунёси ва “камбағалликдан бойликкача” ҳақиқий ўзгариш, деярли чексиз имкониятлар дунёси.

Бу бизнесингизни ҳаводан яратиладиган дунё. Фоянинг ўзигина етарли ва бир неча кун ичида, деярли сармоясиз, сиз тадбиркор бўласиз.

Бу сизнинг уйингиздан минимал ишчилар билан иш бошлаган (ёки умуман ходимларсиз) миллионлаб даромад келтирадиган компанияга айлантирадиган дунё.

Бу вақт ва макон билан чегараланмаган дунё. Сиз ўзингизнинг иш жадвалингиз бўйича иш билан шугулланишингиз мумкин, агар хоҳласангиз, у билан бирга Гавайи оролларига (ёки мен каби, Колорадо тоғларига) кўчишингиз мумкин.

Бу ўз бизнесингизни бошлаш учун улкан бошланғич капитални талаб қилмайдиган дунё, унда биринчи навбатда тежашни бошламасдан муваффакият учун йўл очишингиз мумкин.

Ва бу дунё миқёсларни ўзгартиради – қанча вақт сарфлашингиздан қатъий назар сизнинг бизнесингиз ўсиши мумкин. Қимматли вақтингизни долларга алмаштириш зарурати йўқолади. Сизнинг даромадингиз кўпайиб кетади. Деярли ҳар ким бу дунёда бойиб кетиши мумкин.

Бу тўғридан-тўғри маркетинг дунёси. Менинг омадим келди, у ҳақида 1996 йилда, Интернет-бизнес ўзининг ilk қадамларини қўяётган бир пайтда билиб олдим. Бу дунё менинг ҳаётимни ўзгартириди ва мен у ўзимдан бошқа минглаб одамларнинг ҳаётини қандай ўзгартираётганини гувоҳи бўлдим. Бу дунёning, тарихи ва эволюцияси ажойиб воқеадир. Эҳтимол, бир кун келиб мен бу ҳақда китоб ёзаман, чунки бу соҳада меникига ўхшаган тажриба камдан-кам одамда бор ахир. Ҳозирча мен маҳсулотни ишга тушириш формуласи ва ушбу кучли техникани ишингиз ва ҳаётингизга қандай қўллаш ҳақида тўлиқ маълумот бериш учун сизни бу дунё билан таништирмоқчиман.

Бир нарса аниқ: бизнесингизнинг ҳажми (ёки бизнес

ҳақида орзунгиз) қандай бўлишидан қатъий назар, бу дунё сизга таклиф қиласидиган ўз нарсаларига эга.

1996 йилда, мен ишни эндиғина бошлаганимда, Интернет ақл бовар қилмас тезликда кенгайиб борарди. Биз унинг экспонент ривожланишини кузатиб борар эдик. Ҳар ойда янги фойдаланувчилар сони ортиб бораверар эди. “Интернет” сўзи ижтимоий тафаккур тарзига кира бошлиди ва тўсатдан ҳамма бу ҳақда гапиришга тушди, шу жумладан, ҳатто унинг нима эканлигини тушунмаганлар ҳам. Аммо ҳозирга қадар Интернет бизнес учун нимаси билан фойдали бўлиши мумкинлигини ҳалигача ҳеч ким тушуниб етгани йўқ, ҳар қандай ишбилармон киши ўзига: “Мен у ерда пул ишласам бўладими?” деган саволни бериб кўради.

У йирик корпорацияларнинг манфаатлар доирасига кирмасди. Интернет одатдаги ишбилармонлик муҳитига қараганда кўпроқ Ёввойи Фарбга ўхшардики, бу йирик компаниялар қатнашишни афзал кўрадиган майдон эмасди. Лекин, айнан шу муҳит “кичкина одам”га муваффакият қозониши учун имкон яратиб беради. Ва кичкина одамлар у ерда яхши иш қилишар эди.

Интернет ўз бизнесингизни бошлаш учун мукаммал имкониятни тақдим этди. Бу катта бошланғич капитални талаб қилмади, аниқ иш соатлари йўқ (охир-оқибат, сайт куннинг исталган вақтида мавжуд) ва жисмоний жойлашув ҳам бунда аҳамиятсиз. Бундан ташқари, ҳозирги кунга қадар рақобат йўқ эди, ҳозирги кунда ўрнатилган қодалар деярли бўлмаган ва янги иш бошлаган тадбиркор дарҳол кун сайин ўсиб борадиган глобал бозорни қамраб олар эди.

Ушбу бизнес асосан иккита тоифадан бирига тегишли бўлган маълумотлар тақдимоти билан боғлиқ эди: маълум муаммоларни ечишда ёрдам берадиган маълумотлар (масалан, гитара чалишни ўрганиш ёки карниз остига камар ўрнатиш ҳақида маълумот) ва кўнгилочар маълумотлар (хазиллар, фотосуратлар, ўйинлар).

Мен энди бошлаганимда – 1996 йилда даромадли корхоналарнинг аниқ сони номаълум, аммо уччалик кўп бўлмаган. Балки менимча, улар ўнлаб, эҳтимол юзлаб ҳам бўлгандир, лекин, ҳар ҳолда ўша пайтларда бу жуда кичик бир олам эди. Аммо у тез суръатлар билан ўсиб борди, чунки одамлар Интернетда ўз бизнесини бошлаш қанчалик осонлигини тушуниб етишди. Албатта, тадбиркорликнинг барча қонунлари ўз кучида қолди – бу корхоналарнинг салмоқли қисми тез орада ўз фаолиятини тўхтатди. Аммо стартапларининг ҳажми ушбу корхоналарнинг потенциал ишга тушиши мумкинлигини кўрсатди.

Айнан улар тижоратли, даромадли Интернетни яратувчилари бўлган. Масалан, мен Жефф Безоснинг Amazon.com онлайн-дўконида янги шериклик дастурини яратиш бўйича саволим билан форумда иштирокчи бўлганимни эслайман.

Бу тижорат Интернети дунёсига таъсир кўрсатган дастлабки бульон эди. Ва шундан сўнггина – мен кейинчалик маҳсулотни ишга тушириш формуласи номи билан маълум бўлган техникани яратдим.

## *Мингта бизнесни ишга туширган формула*

Шундай қилиб, сиз аллақачон ўзингизга савол берган бўлсангиз керак: “Маҳсулотни ишга тушириш формуласи дегани нима ўзи?” Ва энг муҳими: “Бу менинг ҳолатимда иш берадими?”

Унинг маъноси қўйидагича: Маҳсулотни ишга тушириш формуласи – бу мақсадли бозорни ўз маҳсулотингиз билан шунчалик жалб қилишга имкон берадиган тизимики, одамлар сиздан уни сотишингизни деярли илтимос қилишади. Ва буларнинг барчаси ҳали маҳсулот чиқарилишидан олдин ҳам содир бўлади.

Формула барча бозорларда ва барча турдаги маҳсулотларда самарали ишлайди ҳамда янги маҳсулотни очиш ёки янги бизнес бошлашнинг деярли ҳар қандай кўрини-

шида жуда қўл келади. Бу шунчалик самаралики, баъзида одамлар менга кредит карта рақамларини олдиндан юбориб, керакли миқдордаги пулни олишимни ва товарларни сотувга чиқиши биланоқ уларга юборишни сўрашади.

Бу мен 1996 йилдан бери фойдаланиб келаётган ва та-комиллаштирган тизим. 2005 йилдан мен уни мижозларга танишири бошладим. Унинг ёрдами билан эришилган натижалар унга боғлиқ самарадорликнинг энг яхши далилидир.

Келинг, эндиликда барчага маълум далиллардан бошлайлик. 90-йилларнинг охирида Интернетнинг ривожланиши қай тариқа дунёни ўзгартиришга тушди? Биз ҳеч қачон иш юритишнинг эски усулларига қайтмаймиз. Бу фикр, айниқса, бизнес учун жуда муҳим ва биз ушбу соҳада учта асосий ўзгаришларга эътиборимизни қаратамиз:

**1. Алоқа тезлиги.** Бугунги кунда бозор билан ўзаро алоқа ҳар қачонгидан ҳам тезроқ ва осонроқ кечмоқда. Бир неча дақиқа ичида сиз хат ёзишингиз ва уни потенциал ва мавжуд мижозларга юборишингиз мумкин. Улар сиз жўнатганингиздан бир сония ўтиб уни ўқишлиари мумкин. Яқиндагина асл ғоянинг пайдо бўлиши, у ҳақида маълумотнинг нашр этилиши ва истеъмолчининг фаолияти бошланиши ўртасидаги муддат кунлар, баъзан ҳафталар ва ҳатто ойлар билан ўлчанар эди. Энди эса, у бир неча дақиқаларгача қисқарди.

**2. Реклама нархи.** Электрон почта хабарини юбориш ёки ижтимоий тармоқларда жойлаштириш нархи жуда катта эмас. Маълумотни нашр этишдаги тўсиқлар йўқолди. Энди нима талаб қилинади? Facebook саҳифаси ёки Twitter аккаунтини бепул яратишнинг ўзи кифоя. Йигirma йил олдин, ҳатто энг арzon реклама вариантлари сизга минглаб долларга тушиши мумкин эди.

**3. Интерфаоллик.** Сизнинг хатингизга ҳар қандай реакция ҳақидаги берилган хабар дарҳол сизга етиб келади, бу сиз учун дарҳол унга жавоб қайтариш имконини бера-

ди ва бу билан сиз мақсадли аудиториянинг реакциясими баҳолашингиз мумкин албатта. Таққос ўрнида айтиш жоизки, бу каби чоп этишларни бўшлиқقا қараб ўқ отишга ўхшатишган. Жойнинг рельефи ва бошқа шароитларга қараб, отилган ўқ бирмунча вақт ўтгачгина, унга қисқа акс-садо келиши мумкин эди холос. Ёки умуман ҳеч қандай жавоб реакцияси олинмасди.

Ўйлайманки, авваллари бу ўзгаришлар ҳақида хаёл ҳам қилмагансиз ёки уларни, шунчаки, худди шундай бўлиши шарт бўлган ҳол сифатида қабул қилгансиз. Қандай бўлмасин, буларнинг барчаси бизнесимизнинг кўп соҳаларига – сиёсатдан тортиб кўнгилочар, тиббиёт ва ҳатто одамларнинг шахсий муносабатларига ҳам катта таъсирини кўрсатди. Аммо бизни, асосан, бизнес қизиқтиради. Ушбу омиллар – алоқа тезлиги, реклама нархи ва интерактивлик бизнес ва маркетинг функцияларини ўзгартиргани сабабли, уддабурон тадбиркорлар ўз бизнеслари соҳасида ажойиб муваффақиятларга эришишлари мумкин бўлган дунё пайдо бўлди. Ва яқинда, тез орада – мен сиз билан баҳам кўрган ақл бовар қилмас рақамлар ҳақиқий эканига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

### **Маркетингнинг воқеага айланиши**

Голливуд бирор янги фильмининг намойиши олдиндан астойдил шов-шувли муҳит яратишига ҳеч эътибор берганмисиз? Бу воқеадан олти ойлар олдин трейлери пайдо бўлади. Кейин телевидение орқали reklamatлари қўйилади. Бироз кейинроқ эса актёрлар билан интервьюлар уюстириш навбати етади. Бизнинг кунларимизда премьерани ижтимоий тармоқлар орқали берилиши ҳам устувор аҳамият касб этади.

Apple компаниясида-чи, бунда унинг янги маҳсулоти ишга туширилиши жараёни қандай кечади? Ҳамиша оммавий тарзда кампаниялар ташкиллаштирилиб, янгиликнинг тақдим этилиш санаси бўйича маълумотлар узлуксиз

бериб борилади. Янги русумдаги маҳсулот чиқишига бир ой қолганида Applening барча сайтларида ашаддий мижозлар ўртасида тақдимот санаси, янги маҳсулот ва ундан кутилаётган афзаликкларга оид муҳокамалар бошланиб кетади.

Бундай кампаниялар ҲАЛИ МАҲСУЛОТ ЧИҚМАСИДАНОҚ у ҳақдаги катта шов-шув ва қизиқиши пайдо қиласди. Аслида қайсиdir маҳсулотнинг яратилиши ўз ҳолича – воқеа ҳисобланади. Ишга тушириш жараёни эса омма орасида улкан завқу-шавқ дарагини ёяди ва одамларда чиндан-да улкан воқеага нисбатан ростмана қизиқиш уйғонади.

Энди эса, буни мен бирозгина аввал “умидлар маркетинги” деб номлаган кампания билан таққослаб кўринг. Бу ҳолатда сиз маҳсулот яратасиз ёки бирор бир янги ишни ташкил қиласиз ва ё reklama кампаниясига киришасиз ҳамда муваффакият қозонишга ҳаракат қиласиз албатта.

Ҳаётда ўз тасдиғини топган “умид” сўзи турмушимизнинг ҳар бир жабҳасида мўъжизалар яратади. Келинг, кема ҳалокати тимсолидаги аниқ бир мисолни кўриб чиқамиз. Бунда айнан умид бизга ёрдамга келишига ишониш жон сақлаб қолишимизга сабаб бўлади. Лекин бизнес оламида ёмон сўз бу. Тушкун ҳолатни ифодаловчи қуруқ сўздан бошқа нарса эмас. Сиз билан биз ўзимизнинг муваффакиятларимизни назорат қила олишимиз муҳим; имкон қадар муваффакиятга ишониб қолмасликка ҳаракат қилинг. Бизнесингиз келажаги билан боғлиқ ишларда фақатгина умидга кўз тикканча қолиб кетманг.

Албатта, потенциал мижозлар бу воқеаларни сабрсизлик билан кутишлари учун маҳсулотни ишга тушириш ва reklama кампаниясини ташкил қилишни ҳар томонлама пухта режалаштириш, лойиҳалаш зарур.

Голливуд тақдимотлари ва Apple нинг йирик ишга туширишларидағи асл моҳият мана шунда. Сизга, масалан, бизнесингизнинг зудлик билан шиддатли ривож топиб кетиши ёқмайдими? Бундай старт билан ҳаммаси нечоғ-

лик ўзгариб кетишини бир тасаввур қилиб кўринг. Маҳсулотингиз ишга тушишига қадар бўлган оммавий қизиқиш – вазиятни нечоғлик ўзгартириб юборишини кўз олдингизга келтиринг, мулоҳаза қилиб кўринг.

Албатта, биргина муаммо кўндаланг бўлиши шубҳасиз. Реклама учун ёки иқтидорли мутахассислар жамоасини шакллантиришингиз учун сизнинг миллион долларингиз бўлмаслиги тайин ҳам дейлик. Ҳамонки, сиз худди Apple ёки Universal Studios сингари ресурсларга ва иқтидорларга эга бўлмас экансиз, “умидлар маркетинги” билан муроса қилишдан бошқа имкон қолмайди.

Лекин, хуроса қилишга шошилмай туринг! Айнан шу пайтда ишга тушириш Формуласи сизга ёрдамга келади. Юқорида эслатганим – соҳадаги фаолият ўйин қоидаларини ўзгартирувчи учта омил борлигини унутманг – ўзаро мулоқот баҳосининг пасайиши, унинг жадаллашиши ва интерфаолликнинг сезиларли даражада оширилиши, ёдингиздами булар? Булар ўз империянгиз қасри калитлари саналади.

Айнан шунинг учун сизу биз каби оддий одамлар томонидан яратилган унчалик катта бўлмаган тармоқ бизнеслари мутлақо янги ўйин майдонини яратишиди. Бу майдон мислсиз имкониятлар майдони.

### ***Мулоқот – сизнинг бозорингиз***

Бошиданоқ амалда шубҳасиз бўлган ҳақиқатни эслатиб ўтаман: инсонлар орасидаги мулоқот ўз-ўзидан кўплаб монологлар (ички таъкид, тасдиқ, муносабат) ва маслаҳат-маъruzаларни тақозо қиласи, бу мулоқот учун муҳимлар ичра муҳимдир.

Интернет тамаддуни, аслида, узоқ ва борган сари мулоқотнинг кенгайиб боришига асосланувчи йўл ҳисобланади. Сиз дунё бўйлаб одамлар билан бунчалик тез ва осон мулоқотга киришолмаган бўлардингиз.

Албатта, биз баъзида YouTube даги айрим “сухбатлар”

га нисбатан қолдирилган изоҳларни ўқиб, инсоният келажаги борасида чуқур ўйга толишимиз мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам, биз бир-биirimиз билан ҳар қачонгидан кўра кўпроқ мулоқотга киришаётган бўламиз. Ва бу мулоқотлар бизнесга ва маркетингга ҳам тааллуқли бўлади. Одамларга телеэкранлар орқали маҳсулотингиз нечоғлик ажойиблигини таъкидлаб қичқираётганларни эшитиш эндиликда қизиқ бўлмай қолаяпти.

Умуман олганда, одамларга бу ҳеч қачон қизиқ ҳам бўлмаган, лекин эндиликда – ҳозир улар учун танлов имкони ҳар қачонгидан кўра кенгроқ ва “Маҳсулотимни харид қилинг, сотиб олинг, СОТИБ ОЛИНГ”, деб жар солишингиз биланоқ товушингизни ўчириб қўйишлари жуда-ям осон бўлиб қолди.

Шунинг учун, потенциал мижозларга қичқириш ўрнига – нега энди улар билан ўзаро мулоқотга киришиш мумкин эмас? Масалан, айтайлик, сиз гитара чалишни ўрганишни истайсиз ва сиз Интернет орқали машғулотларига қатнашишга ёзилган устоз шундай дейди: “Салом, мен истаган ҳар қандай одам ҳам бир ҳафта давомида битта қўшиқни ўргана олувчи тизимни яратдим. Яқинда эса, менда ўзимнинг мазкур “махфий” усулимдан воқиф этувчи видеокурс ташкил қилиш ғояси пайдо бўлди”. (Аслида бундай махфий усул бор-йўқлигининг ўзи номаълум, мен ҳалигача бундай усулдан кимнингдир фойдаланганини билмайман. Лекин мен уни дўстларимга кўрсатдим ва у катта мұваффақиятларга эришди).

Қандай бўлмасин, курсни ташкил этишдан олдин, унинг самарали бўлишига ишонч ҳосил қилмоқчи эдим. “Сиз бутун қўшиқни ижро этиш учун сизга энг катта қийинчилик нимада эканлигини айта оласизми?”

Бу жуда оддий: шунга ўхшаш савол бериш орқали сиз сұхбатни бошлайсиз. Бу, умуман, “МЕНИНГ МАҲСУЛОТИМНИ СОТИБ ОЛИНГ!” деган чақириқقا ўхшамайди.

Потенциал мижоз билан сұхбатни бошлаш – мен “огоҳлантирув ўқи”, деб номланган ҳодисага мисол бўла-

ди. Бу бошланғич кампанияни бошлашнинг ажойиб усул. Юзлаб турли хил бозорлар учун ўзгартирилган шунга ўхшаш оддий савол, PLF маҳсулотларини муваффақиятли тарзда сон-саноқсиз ишга туширишнинг бошланиши эди.

## *Изчилик, тафсилот ва триггерлар*

Шундай қилиб, мен сизга PLF-ишга туширишга тайёр-гарликнинг кичик мисолини келтириб ўтдим. У бирон бир ўзига хос ва оламшумул нарсага ўхшамаслиги мумкин, аммо яқин орада сиз ушбу умидбахш кичик бошланиш аслида ўз ҳаёти билан яшаш жараёни асосига айланишини кўрасиз.

Маҳсулотни ишга тушириш формуласи асосан кетма-кетликлар, ҳикоялар ва триггерлардан иборат. Биз кетма-кетликни кўриб чиқишдан бошлаймиз.

Бизга ҳар куни жудаям кўп миқдорда маълумотлар келиб туради. Бизда электрон почта, овозли почта, ижтимоий тармоқлар, телевидение, радио, жойлардаги рекламалар (у ҳатто самолётдаги ўриндиқлар орқасида ҳам бор), мобил телефонлар, Интернетдаги чатлар ва бошқалар мавжуд. Ахборот ва маълумотлар миқдори доимий равишда ўсиб бормоқда ва бу жараённинг охири кўринмайди. Худди шундай шиддатли жараён билан биз ҳар куни тўқнаш келадиган маркетинг алоқалари сони ортиб бормоқда.

Албатта, бу мурожаатларни қабул қилиш ва улардан маълум хulosалар чиқариш қобилиятимиз ошиб кетмади. Бу уларнинг бизнинг онгимизга кириб қолишининг олдини олиш учун кўпроқ ишлашимиз кераклигини англатади. Биз уларнинг олдини олиб, тўсиб қўйишга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Уларни фильтрлаш учун имконимизда мавжуд янги технологиялардан фойдаланамиз ва ушбу фильтрлардан сизиб чиқсан материалларнинг аксариятига эътибор бермаймиз.

Ҳарбийларда “жанг майдони кўринишининг ёмонлашиши” деган тушунча мавжуд. Ишбилармон одамлар ва

сотувчилар мен “коммуникатив туман” деб атаган мухитда ишлашга мажбурлар. Бу туманни енгигүйдүүшүнүү учун йўл керак, акс ҳолда бизнес тугайди. Ҳаммаси жуда оддий.

Сиз биргина маркетинг хабарига ишониб қолишиңгиз мүмкин эмас; дарҳол изчиллик ҳақида ўйлашиңгиз керак. Асосий маълумотларни келтирадиган битта контактнинг ўрнига, бир неча контактлардан фойдаланинг, бунинг баробарида маълумотлар аста-секинлик билан тўлдирилади. Маҳсулотни ишга туширишда биз қўйидаги кетма-кетликни ишлатдик – ишга тушириш тараддуни, ишга туширишдан олдин, бошлаш ва пост-ишга туширишдан сўнг.

Гарри Поттер ҳақидағи серияли китобларни эсланг. Улардан қайси бири кўпроқ эътиборни жалб қиласди? Биринчиси ёки охиргисими? Албатта, охиргиси, чунки олдинги ҳар бир китоб янги мухлисларни ўзига жалб қиласди – ва бу китобхонларнинг барчаси интизорлик билан навбатдаги китобни кутишади.

Шундай қилиб, PLF даги асосий кетма-кетликларни тезда кўриб чиқамиз.

**1. Ишга тушириш тараддуни. Ҳаммаси шундан бошланди.** Сиз буни ўзингизнинг энг садоқатли мухлисларингизнинг янгиликни кутишлари учун ишлатасиз. (Мен тушиниб турибман, ҳали ҳамманинг ҳам содиқ мухлислари йўқ – биз бу ҳақда 3-бобда гаплашамиз). Бундан ташқари, ушбу босқич сизга бозорнинг таклифингизга таъсирчанлигини баҳолаш ва потенциал мижозларнинг асосий изоҳлари билан танишиш имконини беради. Ажабланарлиси шундаки, ишга тушириш тараддуни жараёни – якуний таклифни мувофиқлаштириш учун ҳам ишлатилиши мүмкин.

**2. Ишга тушириш олдидан.** Бу сизнинг изчиллигингиздаги ҳал қилувчи босқич саналади, унинг давомида сиз аста-секин учта сифатли материални тақдим этиш орқали бозорни аста-секинлик билан ўзингизга жалб қиласиз. Олдиндан ишга тушириш авторитет, ижтимоий аҳами-

ят, жамият, олдиндан сезиш ва ўзаро фойда каби ақлий триггерларни фаоллаштириш учун ишлатилади. Буларнинг барчаси потенциал истеъмолчиларнинг шарҳларига жавоб бериш жараёнида рўй беради. Потенциал харидорларни ишга туширишдан олдин маълумот материаллари билан танишириш, одатда, 5 кундан 12 кунгача давом этади. Ушбу материалларнинг формати ҳар қандай кўришида бўлиши мумкин – видео, аудио, PDF файлларидағи ҳисоботлар, блог хабарлари, теле-семинарлар, веб-семинарлар (вақт ўтиши билан кўплаб янги форматлар пайдо бўлишига аминман).

3. Ишга тушириш. Бу сиз шу пайтгача ишлаган – буюк кун, маҳсулотлар юборишини ёки хизмат кўрсатишни бошлайдиган кун, яъни буюртмаларни қабул қилиш бошланади (PLF жаргонида биз уни онлайн-дўконлардаги саватларга ўхшашлиги боис “саватни очамиз” деб номлаймиз). Аслида, ишга тушириш, шунингдек, “Биз очилдик ва ниҳоят, сиз буюртма беришингиз мумкин” сингари электрон почта хабарини юборишдан бошланади ва бу маълум бир вақтни олади – одатда, 24 соатдан етти кунгacha – шундан сўнг тадбир якунланади.

4. Пост-ишга тушириш. Бу сизнинг ҳозирча сизга буюртма бермаган янги ва потенциал мижозлар билан танишишнинг охирги босқичидир. Пост-ишга тушириш бошқалари сингари ҳаяжонли босқич эмас, аммо шунга қарамай, бу жуда муҳим, чунки айнан шу босқичда даромад олиш ва ўз брэндингизни яратиш бошланади. Тўғри бажарилган ва ишга туширишдан кейинги парвозга тайёргарлик бўлади.

Ҳаммаси етарлича оддий кўринади, тўғрими? Ҳаммаси ҳақиқатан ҳам оддий. Ва тарихдек қудратли нарса билан биргаликда у соф олтинга айланади...

### **Тафсилотлар. Одамлар қандай мулоқот қиласди**

Тафсилотлар фойдали. Тафсилотларни сўзлаб бериш орқали одамлар донолик, билим ва маданиятни инсони-

ятнинг бутун ҳаёти давомида етказиб келганлар. Мактабдаги ўқувчилик даврининг энг дастлабки хотираларини эслашга ҳаракат қилинг. Эҳтимол, сиз ҳали ҳам эслаетган дарсларингиз сизга айтиб берилган воқеаларга асослангандир. Асосий динлар тўғрисида ўйлаб кўринг ва уларнинг аксарияти оғзаки равишда етказилганлигини тушуниб етасиз.

Мантиқий фикрлайдиган одам сифатида мен билимлар ва фактларни яхши кўраман. Бу менинг табиий яшаш мухитим. Ушбу китоб сизга маълумот, назария, мисоллар ва яна маълумот беришини истардим. Аммо дастлабки икки бобни қандай бошлаганимга эътибор беринг. 1-бобда мен сизга ўз ҳикоямни айтиб бердим ва бу бобни эса Жон Галлахернинг воқеасига бағишиладим. Сизнингча, бир ҳафта ичida ўқиганларингизни эслай оласизми? Буларнинг барчаси “жаноб ойижон бир ҳафта ичida олти рақамли даромадни қандай ташкил қилгани” ва бир одам “озик-овқат купонларидан олти рақамли даромадга” қандай ўтганлиги ҳақидаги хотиралар бўлишига ишончим комил. Бу ҳикоялардан чиқарилажак хулосалар таъсирининг яхши намунасиdir.

Сизнинг бизнесингиз ва маркетингингиз эсда қолиши учун маркетинг сизга маълум бир воқеани аён қилиши керак. Бунинг учун ёзувчи бўлишнинг ҳожати йўқ – маҳсулот ва хизматларингиз нима учун потенциал мижозларга муҳимлигини тушунтириб берадиган ҳикоянинг ўзи кифоя қиласди. Ушбу ҳикояни уларнинг эътиборига етказиш лозим.

Унинг ҳикояси учун энг яхши вақт ва жой ундаги изчиллик ва ишга туширишни тақдим этади. Бу PLF усулидаги яширин жанговар техникалардан бири, чунки тарих маълумотни етказишнинг энг кучли усулидир. Ва ишга туширишдан олдин кетма-кетликнинг дискрет табиати ҳикояларни баён қилиш учун идеал шароитларни таъминлай олади.

Ишга тушириш изчилликларининг аксарияти албат-

та уч босқичли бўлавермайди, бу бежиз эмас. Кўпгина фильмлар ва китоблар табиий равища уч қисмга бўлинади. Албатта, “уч ҳаракатдан иборат пьеса” ибораси сизга таниш бўлса керак. Биз самарадорлиги азалдан исботланган тузилма билан машғулмиз. Нега энди уни маркетингда ишлатмаслигимиз керак экан? Нега энди унинг асосида ўз изчиллигимизни яратишими мумкин эмас? Охир-оқибат, ҳатто ишга туширишнинг ўзи учта асосий босқичдан иборат: бошлишга тараддуд, ишга туширишдан олдин ва ишга тушириш.

Яна бир бор эслатиб ўтаман, жуда содда туюловчи бу оддийликда қудратли куч ўз мужассамини топади. Тафсилот ва ҳикоя сингари кучли воситани босқичларга бўлиш орқали қўшсангиз, сиз таъсир тизимини яратасиз.

### ***Мозаиканинг сўнгги парчаси: менталь триггерлар***

Биз инсонлар қизиқ жонзотлармиз. Биз оқилона, мантиқий қарорлар қабул қиласмиш деб ўйлашни яхши кўрамиз. Аммо аслида ундей эмас. Аслида, аксарият ҳолларда, танловнинг асоси ҳиссий ва ақлий дастурлаш билан боғлиқ, шундан сўнггина биз қарорни асослаш учун қимматли мантиқий мулоҳазалардан фойдаланамиз.

Қарор ва хатти-ҳаракатларга таъсир қилувчи бир қатор менталь триггерлар мавжуд. Улар онг ости миқёсида ишлайди ва бизнинг ҳаракатларимизни сезиларли дараҷада ўзгартиради.

Масалан, бирон бирор нарсани камёб нарса деб ҳисобласак, табиийки, биз унга катта баҳо берамиз.

Ёки бирон бир одамни обрўли инсон деб билсак, деярли ўз-ўзидан унга автоматик равища кўпроқ ишонишни бошлаймиз.

Ва биз ўзимизни маълум бир жамоанинг бир қисмига тегишли деб ҳисобласак, аксарият ҳолларда, биз ушбу жамоада хос бўлгани каби, яъни одатдагидек ҳаракат қиласмиш.

Булар фақат учта менталь триггерлар: камёблиқ, обрў

ва жамиятга холислик. Аммо шунга ўхшаш бошқа триггерлар ҳам кўп, улар ҳақида бироз кейинроқ гаплашамиз. Ҳозирча сиз битта нарсани тушунишингиз керак: буларнинг барчаси бизнинг ҳаракатларимизга кучли таъсир қиласиди. Улар абадий ва универсалдир. Улар яқин келажакда ўз кучларини йўқотмайдилар ва ҳар қандай тилда, ҳар қандай мамлакатда ва ҳар қандай бизнесда ишлайди.

Натижада, қайси бизнес билан шуғулланишингиздан қатъий назар у потенциал ва мавжуд мижозларга таъсир қилиш даражасига мос тушади. Ва ишга тушириш кетма-кетлиги сизнинг мақсадли аудиториянгизга таъсир қилувчи руҳий триггерларни фаоллаштириш учун ажойиб имкониятни беради.

## Хулоса

Ушбу боб сизни маҳсулотни ишга тушириш формуласи билан таништирди. Ҳозирча мен фақат қисқача маълумот бердим; кейинги бобларда ҳаммаси батафсилроқ муҳокама қилинади. Аммо сиз аллақачон ўзингизнинг кетма-кетликларингизни, ҳикояларингизни ва менталь триггерлар комбинацияси ҳақида ўйлашни бошлишингиз мумкин.

Алоҳида триггерларга ишонмаган яхшироқ, лекин таъсирчан дарак сифатида уларни бир-бири билан мувоғиқлаштириш яхшироқ натижа беради.

Кейин бу триггерлар маркетинг туманидан ўтиб, сизнинг таклифингизни потенциал мижознинг умидлари, орзулари, қўркувлари ва умидлари билан боғлайдиган ишончли ва унутилмас ҳикояга киритиш керак.

Ҳикоя кетма-кет ўтказиладиган тадбирлар давомида баён қилинади, бу эса сизнинг потенциал мижозларингиз тасаввурларини қамраб олади ва ишга туширингиз орзиқиб кутилган куннинг даромадини ўзида мужассам қилган воқеага айланади.

Энди сизда ақл бовар қилмас ишга тушириш формуласи мавжуд.

Унинг ёрдами билан Жон Галлахер 670 та ўйинни со-тишга муваффақ бўлди, шундан сўнг анъанавий “умидлар маркетинги” ўзининг савдосини кам миқдор – 12 сонига-ча чеклаб қўйди. Ушбу формуладан яна ва яна фойдала-ниб, у ўзининг кичик жойида, жиддий бизнес курди.

Аммо маҳсулотни ишга тушириш Формуласи тафси-лотларини ўрганишдан олдин, сизга шахсий “пул маши-наси” бўлиб қолгунча такомиллашадиган яна бир мозаи-кани тақдим этишим керак. Менинг билишимча, бу пресс талабимга биноан пулни мутлақо қонуний равишда босиб чиқаради. Сизда ҳам шундай пресс бўлиши мумкин...

Мен кейинги бобда муҳокама қилинувчи қайдлар рўйхатини назарда тутяпман<sup>2</sup>.

### **3-боб. Пул босиш учун лицензия: тарқатмалар рўйхати.**

Бир неча йил олдин, бошланғич мактабдаги расмий тадбирда мен ўғилларимдан бирининг синфдоши бўлган боланинг онаси билан гаплашдим. Иккала ўғил ҳам бе-шинчи синфда ўқишарди, яъни коллежга биринчи тўлов-ни амалга ошириш учун яна олти йил бор эди. Шу сабабли, ушбу мавзуга барча ота-оналар бирдек эътибор қаратган.

Фарзандларим синфдошларининг ота-оналари ме-нинг фаолиятим молиявий бозорлар билан боғлиқлигини билишарди, шунинг учун оналардан бири мендан болала-римнинг олий маълумотга эга бўлиши учун қандай қилиб пул тежашимни сўраши табиий ҳолат эди. Жавобим уни ҳайрон қолдирди. Мен айтдим:

“Менда пул тежаш дастури йўқ, чунки менда тарқат-малар рўйхати бор”.

У менга ночор ва мутлақо ҳайратланарли кўзлари би-

<sup>2</sup> Жон Галлахернинг вазиятига оид батафсил таҳлили, унинг биринчи ва кейинги барча учирishларни тайёрлаши билан қизиқканлар <http://thelaunchbook.com/john> саҳифасига мурожаат қилишлари мумкин.

лан қаради, бу эса мени ҳайратга солмади. Ахир, бу жуда мағур бир ишора эди. Лекин мен унга түғрисини айтдим. Мен ўқиш тўловлари ҳақида қайғурмайман, чунки мен тежаш режасидан кўра муҳимроқ нарсага эга эканлигимни билардим. Аслида, менда, зарур бўлиб қолганида “пул босиб чиқариш учун лицензия” бор эди. Ўз вақтида даромад олишга имкон берадиган мавжуд ва потенциал мижозларнинг тарқатма рўйхатига эга эдим. Албатта, бунинг учун ишлаш керак, аммо асосийси шундаки, тарқатма рўйхати сиз учун пул босиб чиқарадиган машинага эга бўлиш билан баробар бўлади.

Истагингизга кўра даромад олиш имконияти зарурми сизга? Келгуси боб айнан шу ҳақда.

Сизга ўз ҳаётимдан бир мисол келтиришга рухсат беринг. Денверни тарк этиш тўғрисидаги рафиқам билан биргаликда қабул қилинган қарор нокулай вақтда пайдо бўлди. Менинг бизнесим эндиғина юксала бошлаган ва Мэри яқинда ишдан бўшаб уй ишлари, болалар тарбияси билан шуғулана бошлаганди. Биз тоғ томонга, яъни Колорадонинг жануби-ғарбидаги гўзал шаҳар бўлган Дурангога кўчиб ўтишни хоҳлаган эдик. Бироқ, Мэрининг янги ролга кўнихиши учун кўчиб ўтиш келажак учун жуда муҳим ишдек саналарди; Бундан ташқари, биз бирозгина асабий ҳолатда эдикки, бу албатта, менинг бизнесим оиласизнинг асосий даромади экани билан боғлиқ эди.

Лекин ҳаммамиз ҳам инсоннинг тахмин қилиши ҳақидаги иборани биламиз. Мэри ишдан бўшаганидан бир неча ой ўтгач, биз дам олиш кунлари Дурангога бордик ва тез орада бу ердан биз яшашни хоҳлаган уйни топдик. Бу бизнинг орзуларимиз шахридаги орзулар уйи эди. уни дарҳол сотиб олиш керак эди: бундай уй сотилмасдан узоқ туриб қолмаслигини билардик.

Аммо вақт бунинг учун нокулай эди. Биз ҳали 300 миллион жойга кўчиб ўтишга тайёр эмас эдик. Аввало, мен болалар ўқишларини ўз мактабида тутатишларини хоҳлардим. Бундан ташқари, Дуранго шахридаги уй Денвердаги

уйимизни сотишдан бир неча ой олдин харид қилиниши керак эди. Бунинг учун эса, тез муддатда анчагина катта микдордаги маблағни ишлаб топиш керак эди – дастлабки тўлов учун тахминан \$ 70,000.

Бундай шароитда кўпчилик пулни банкдан, дўстингиз ёки қариндошингиздан қарз олишингиз мумкин-ку, деб ўйлай бошлайди. Аммо бу менинг йўлим эмас. Шу заҳотиёқ миямда бир фикр пайдо бўлди: “Обуначиларимга бу микдорни тезда топиш учун нима таклиф қила оламан?”

Бу тарқатма рўйхатларининг кучи. Улар керак бўлганда маблағ олиш имкониятини беради. Ва мен бу имкониятдан фойдаландим. Мен обуначиларнинг барча мулоҳазаларини кўриб чиқдим, барча ёзишмаларни ўрганиб чиқдим ва уларга нима таклиф қилишимни тушуниб етдим. Бундан ташқари, мен ушбу маҳсулотни тезда ва осонлик билан яратишга ишончим комил эди. Кейин уни ишга туширишни режалаштиридим.

Бу биринчи эксплуатациянинг келиб чиқиши, етти кун ичида олти рақамли даромад келтирди – мен буни 1-бобда айтиб ўтдим, бу атиги бир ҳафта ичида 106000 АҚШ долларини олиб келди, шундан соф фойда 103,000 долларни ташкил этди. Шундай қилиб, тез орада менинг қўлларимда уйнинг биринчи тўлови пайдо бўлди.

Бу тарқатмалар рўйхатининг кучи (ва, албатта, маҳсулотни ишга тушириш формуласи доирасида эҳтиёткорлик билан режалаштирилган акция эди).

Мен сеҳргар эмаслигим ва ғайритабиий кучларга эга эмаслигимни яна бир бор таъкидлаб ўтаман. Мен тарқатмалар рўйхатини тузишга ҳаракат қилдим, демак сиз ҳам шундай қилишингиз мумкин. Бундай актив сизнинг бизнесингизга ва ҳаётингизга қандай таъсир қилиши ҳақида ўйланг. Бу ҳаётингизнинг барча томонларини том маънода қандай ўзгартириши ҳақида ўйланг.

Ушбу боб сизнинг хизматларингизга қизиққан одамларнинг манзиллари рўйхатини тузишга бағишланган. Сизга ҳаётингизни тўлиқ бошқариш учун имкон беради-

ган рўйхат.

## Олтин стратегия

Рўйхатни яратиш – мен иштирок этган ҳар қандай бизнеснинг асосий стратегияларидан бири бўлган.

Ўзингизнинг тарқатма рўйхатингизни яратишга бўлган кучли истакдан ташқари, ушбу китобдан ХЕЧ НАРСА олмасангиз ҳам, бу китоб сизга тўлаган пулингиздан 10000 баравар кўпроқ фойда келтиради.

“Почта тарқатмалари рўйхати” иборасини айтганда мен нимани назарда тутяпман? Ҳаммаси жуда оддий – бу сизнинг хабарларингизни олиш учун рўйхатдан ўтган одамлар рўйхатидир. Одатда, сайтда маҳсус тартиб-шакл мавжуд бўлиб, одамлар ушбу сайт эгасининг ахборот бюллетенига обуна бўлишни истасалар, электрон почта манзилларини киритадилар.

Албатта, бунинг учун бирон бир сабаб бўлиши керак. Масалан, янгиликлар бюллетенини олиш, кунлик янгилишилар, маҳсус таклифлар ёки сайтдаги янгиликлар ҳақида маълумот олиш. Сиз нима таклиф қилишингиздан қатъий назар, бу сизнинг почта тарқатма рўйхатингизга қўшилиш учун сабаб бўлади.

Мен, масалан, ашаддий чанғичиман, шунинг учун менга энг яқин бўлган икки чанғи курортининг почта тарқатмасига аъзо бўлганман. Ҳар куни эрталаб менга электрон почта орқали қисқа хабар келиб тушади, ўтган кечада қорқоплами кўпайганми ёки йўқми ва ҳоказо. Мен яна гитара ҳам чаламан ва шу сабабли янги дарсликлар пайдо бўлиши ҳақида хабар берадиган бир нечта янгиликларга аъзо бўлиб олганман. Уйимда “Мак” компютерим борлиги сабабли, мен операцион тизимим учун янги дастурлар чиқарилиши ҳақида янгиликларга обуна бўлганман. Бу мени қизиқтирган хабарлар рўйхатидан бир нечтаси, намуналар холос. Ишончим комилки, сиз ҳам улардан фойдаланасиз.

Шубҳаланмасангиз ҳам бўлади: бизнесингиз учун

почта тарқатма рўйхатини тузишни бошлаш билан сиз ўзингизнинг молиявий тақдирингизни бошқариш учун жуда катта қадам қўйган бўласиз. Бундай ҳолда, қайси турдаги бизнес билан шуғулланишингиз муҳим эмас. Потенциал ва содик мижозлар рўйхати ёки маълумотлар базаси ҳар доим энг муҳим активлардан бири ҳисобланади. Агар сизда кимёвий тозалаш хизмати бўлса, унда сизнинг хизматингиздан доимий равишда фойдаланадиган мижозлар сизнинг нонингиз ва ёғингиздир. Агар сиз ресторан эгаси бўлсангиз, ҳар ҳафтада ёки ҳеч бўлмаганди, ҳар ой овқатланишга келган одамлар сизни эркин сузишингиз учун имкон беради.

Аммо Интернет барча жараёнларни тезлаштиради ва фаоллаштиради. Бу сизнинг рўйхатингизга ҳам тегишли. Интернетдаги тарқатма рўйхати ҳамма нарсани белгилаб беради.

### БЎЛДИ!

Аслида, сиз фақатгина ўзингизнинг рўйхатингизни тушиб ва “юбориш” тутмачасини босиш орқали рўйхатнинг ҳақиқий кучини англашингиз мумкин. Бир неча сониядан сўнг, обуначилар сайtingизга ташриф буюриб ҳаракат қилишни бошлайдилар. Бу ғайриоддий ҳаяжонли бир туйғува уни бир марта бошдан кечирганингизда, ҳаётингиз бутунлай ўзгарганлигини англайсиз.

Кўплаб кузатув воситалари натижаларни сизга реал вақт режимида кузатишга имкон беради. Катта рўйхат бўлса (масалан, 10000 дан ортиқ манзиллар мавжуд) сервер томонидан барча хабарларни юбориш бир неча дақиқа вақт олиши мумкин. Аммо бу жараён тугаши биланоқ сиз бир неча сония ичида биринчи реакцияни кўрасиз. Рўйхатлар жуда катта бўлса (мен 100 мингга яқин обуначиларга эга эдим, лекин бу ҳали ҳаммаси эмас), баъзида одамларни юборадиган сайт “йиқилиб кетмаслиги” учун мен эҳтиёт чораларини кўришга мажбур бўлганман. Масалан, мен янги блог хабарларини жойлаштиришда эҳтиёт бўлишим керак (<http://www.JeffWalker.com>). Бир вақтнинг

ўзида жуда кўп ташриф буюрувчиларнинг пайдо бўлиши сервернинг ишдан чиқишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун, мен кейинги гуруҳга хабар юбориш орқали ҳар бир неча дақиқада почта тарқатма рўйхатимни қисмларга ажратиб, бўлиб чиқдим.

Хозирча сизни қўрқитмаслик учун мен ушбу жараённинг техник тафсилотларига берилишни хоҳламаяпман. Бундан ташқари, энди ўз рўйхатини тузишни бошлаётганлар учун серверда кузатилиши мумкин бўлган носозлик ҳақида қайғуриш мантиқа тўғри келмаса керак. Аммо мен рўйхатнинг қанчалик кучли эканини яна бир бор намойиш этадиган воқеани айтиб беришим керак, деб ўйладим. Бу сизга сайт сервери шунчаки бошқариши мумкин бўлмай қоладиган даражада трафик юбориш имконини беради.

Бизнинг бизнесимизда унинг моҳиятини тўртта сўз билан ифодаловчи бир ибора мавжуд: “Бос, юбор, пул ишла”. Шунинг учун почта тарқатма рўйхати пулларни чоп этиш учун лицензиянинг муқобилига айланади. Ва шунинг учун мен фарзандларимнинг таълими учун маблағ йиғиш ҳақида ташвишланмадим – чунки менинг тарқатма рўйхатим бор эди.

### *Аммо спам ҳақида нима дейиш мумкин?*

Олдинга ҳаракат қилишдан олдин, мен бир нарсани аниқлаштиришни хоҳлар эдим. Почта хабарлари рўйхатлари ҳақида гапирганда, мен спам тарқатишни назарда тутмаяпман. Бунда сизнинг хабарларингизни олиш учун одамларнинг ўзлари обуна бўлганлиги ҳақида гап кетаяпти.

Спамнинг қўплаб таърифлари мавжуд ва вақт ўтиши билан бу тушунча бироз ўзгартирилган (бу фаолиятни тартибга солувчи қонунлар ҳам ўз навбатида ўзгаришда давом этмоқда). Аммо биз спамни шартли равишда исталмаган тижорат таклифлари билан электрон почта хабарлари сифатида қаъбул қиласиз ва тушунамиз.

Рўйхатлар ва уларнинг яратилиши ҳақида гапирганда, мен ҳар доим одамлар ўзлари обуна бўлган электрон почталарни назарда тутаман. Мен 1996 йилдан бери Интернэтда маълумот тарқатаман ва спам деб таснифлиниши мумкин бўлган битта ҳам хабарни ҳеч қачон юбормадим. Бундан ташқари, мен қилаётган (ва ўргатадиган) ҳамма нарса спамнинг мутлақо тескариси.

Ҳақиқат шундаки, спам бизнесдан чиқишининг энг тезкор усули ҳисобланади. Ҳеч қачон унга мурожаат қилманг. Фақат сўраган одамларга хабар юборинг.

Тарқатмалар рўйхати асосий стратегия сифатида.

Айтиб ўтганимдек, фаолиятим бошиданоқ рўйхат тузиш менинг асосий стратегиям бўлган. Бундан ташқари, ўша пайтда бу менинг БИРГИНА стратегиям эди. Мен ўз веб-сайтимга эга эмаслигимга қарамасдан ҳам рўйхат тузишга ҳаракат қилдим.

Нега биринчи кундан бошлаб рўйхатга эътиборимни қаратганимни аниқ билмайман, лекин ушбу воситанинг кучи тезда менга аён бўлди. Почта рўйхатлари – менинг барча ишларимнинг асосини ташкил этадиган омил эди. Албатта, вақт ўтиши билан, бошқалар ҳам уларнинг аҳамиятини тушуниб етдилар. Аммо мени аксарият рақобатчиларимдан битта нарса ажратиб туради.

Муносабат.

Бу сўз минглаб обуначиларга электрон почта хабарларини юбориш ҳақида гап кетганда қизиқ бўлиши мумкин, аммо биз хатларнинг алоҳида почта қутиларида бўлишини тан олмасдан иложимиз йўқ. Сизнинг ҳар бир обуна-чингиз ноёбдир. Бундай ҳолда, мен аниқ бўлган ҳақиқатларни такрорлайман, аммо баъзи сабабларга кўра кўплаб почта тарқатма рўйхати эгалари бу ҳақда унтишади.

Мен ахборот жўнатмаларини “бомба юбориш” деб номланганини эшитганман. Аммо бу сўз ҳақида ўйлаб кўринг: кимдир ҳақиқатан ҳам уни портлашни истайдими?

Сизнинг хатингиз мутлақ шахсий жойда – абонент-

нинг почта қутиси ичида бўлишини унутманг. Агар сиз ушбу жой шахсий эканлигига шубҳа қилсангиз, кирувчи хатлар учун ўз шахсий қутингизни нотаниш одамнинг титкилаб кўришига йўл қўйишингизни тасаввур қилинг – аксарият одамлар учун бу ҳақда ўйлашнинг ўзи даҳшатли туюлади. Кўпчилигимиз ўзимизнинг почта қутиларимизни ҳимоя қиласиз ва сиз юборган барча хатлар обуначиларнинг почта қутиларида эканлиги сизнинг кучингизни намойиш этади.

Анжуманларда одамлар менга кўп маротаба мурожаат қилишади (улар билан илгари учрашмаганман) ва мен билан узоқ вақтдан бери кўришмай, кейин учратиб қолган дўст сифатида гаплаша бошлишади. Баъзида мен қаршимда ўзим таниган, аммо нималардир сабаб унугандек бўлган одам турмаганмикан, деб шубҳаланиб ҳам қолардим. Бу одамлар менга тарқатмада улашган шахсий нарсаларим тўғрисида савол беришарди. Улар чанғи мавсуми қандай ўтгани, болаларим қандай экани, гитара чалишда қандай муваффақиятларга эришганим ҳақида сўрашади. Ва бу жуда яхши, чунки мен ва менинг обуначиларим ўртасида шахсий алоқани бўлишини хоҳлайман. Бу мулоқот уларни хатларимни очишга, ўқишга ва охирида хатда тавсия этилган маълумотномаларга эътибор беришга унди.

Почта қутисида хабарлар очилмай қолиб кетса, жўнатмалар рўйхатининг ҳажми аҳамиятсиз бўлиб қолади. Агар обуначилар сизнинг ахборот тарқатмаларингизни ўқимасалар, уларнинг электрон манзилларини рўйхаттга олишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ.

Энди мен сизнинг хабарномангиз қанчалик “сезгир” эканлиги ҳақида гапиряпман. Бу параметр турли хил қийматларга эга бўлиши мумкин. 60 фоиз ёки ундан кўпроқ микдорда хабарларингизни очадиган обуначилар мавжуд. Бу жуда яхши кўрсаткич. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, 1 фоиздан кам обуначилар ахборот тарқатмаларни ўқийдиган ҳолатлар ҳам кузатилади, бу албатта унинг

жуда паст самарадорлигини кўрсатади.

Шубҳасиз, сизга жавоб қайтарадиган почта ҳам керак. 100 кишилик электрон манзилдан 60 фоиз обуначиларингиз (яъни 60 киши) сизнинг хатларингизни ўқигани, албатта, 100 фоиз манзиллар рўйхатидан атиги 1 фоиз обуначилар (яъни 10 киши) ўқиганидан афзалроқ.

Жавоб қайтарадиган тарқатмани қандай яратиш ва сақлаш керак? Бундай ҳолда сизга стратегия керак (ва бироз сехр), аммо, охир-оқибат, ҳамма нарса “муносабатлар”га келиб тақалади. Жавобгарликни оширишнинг энг осон усули – бу абонентлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш. Иккита нарсани ёдда тутинг:

1. Почта хабарлари рўйхати ҳажми улардаги билдирилган муносабатларнинг нечоёлик бўлишидек муҳим эмас, яъни бу обуначилар билан бир вактда муносабатларнинг ҳам муҳим эканлигини англалади.

2. Сиз ўрганмоқчи бўлган PLF жараёни обуначилар билан ишончли муносабатларни ўрнатишнинг энг яхши усулларидан биридир.

### **Ижтимоий тармоқлар ҳақида нима дейиш мумкин?**

Албатта, рўйхат шунчаки электрон почта манзиллари тўплами эмас. Facebook, YouTube ёки Twitter каби ижтимоий тармоқларида сизнинг ҳаракатларингизни кузатадиган одамлар рўйхатини тузишингиз мумкин.

Аммо бугунги кунда жўнатмалар рўйхати, барибир, энг самарали бўлиб қолмоқда. Ижтимоий тармоқлардаги рўйхатларни у билан таққослаб бўлмайди. Жавоб қайтариш ўлчовлари нуқтаи назаридан, сизнинг ахборот тарқатмангизни рўйхатдан ўтказган киши, ижтимоий тармоқларда сизни кузатган одамга қараганда кўпроқ харажат қиласи. Мен танишган сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, электрон почта рўйхати Facebookдаги дўстлар рўйхатидан 20 баравар кучлироқдир. Бошқача қилиб айтганда, 1000 кишига юборилган хабарлар рўйхати

сизнинг Facebook ҳисоб-қайдномангизга ёзилган 20000 кишига қараганда самаралироқ. Албатта, ҳар хил вазиятларда ушбу кўрсаткичлар турли хил омилларга асосланиб тубдан фарқ қиласди, аммо ҳар ҳолда, почта рўйхати самародорлиги жиҳатидан ижтимоий тармоқлардаги обуначилар рўйхатидан устундир.

Келажакда ҳамма нарса ўзгариши мумкин. Биз фақат бир нарсани аниқ биламиз: Интернетда бизнес механизмлари доим ўзгариб туради. Аммо мен 2003 йилда электрон почта ўтмишда қоладиган нарса эканини эшитгандим лекин ҳалигача у ҳар йили менинг бизнесимга миллионлаб доллар олиб келади.

Ижтимоий тармоқларда рўйхатлар яратиш билан боғлиқ яна бир муаммо – бу платформа бошқарилишининг йўқлиги. Facebook сайтида рўйхат тузишда сиз сайт унинг мулки эканини доимо ёдда тутишингиз керак ва сайт исталган вақтда ўйин қоидаларини ўзгартириши мумкин. Ижтимоий тармоқ сайtlари қоидаларни ўзгартиради ва уни мунтазам равишда амалга оширади, илтимос буни ёдда тутинг. Сизнинг рўйхатингиз – бу сизнинг бизнесингизнинг энг муҳим бойлигидир ва у сиз назорат қила олмайдиган платформада қуриш учун муносиб эмас.

Ва ниҳоят, ижтимоий тармоқлар пайдо бўлади ва йўқолиб кетади. MySpace бир неча йил олдин жуда машҳур эди. Одамлар у ерда ўз саҳифаларини яратиш учун кўп вақт сарфлашарди. Энди у кўпроқ шарпа-شاҳарга ўхшайди. Вақт ўтиши билан бошқа ижтимоий тармоқлар нимага айланиши ҳақида сиз ҳеч қандай тасаввурга эга эмассиз, шунинг учун бирон бир платформа бир кун урфдан чиқиб кетиши мумкин бўлган мижозлар рўйхатини тузишдан олдин икки марта ўйлаб кўринг.

Охир-оқибат аниқлик киритиш учун, бир нарсани айтаман, ижтимоий тармоқлардаги дўстлар рўйхатини тузишининг маълум аҳамияти бор, аммо эҳтиёт бўлиш керак. Ижтимоий тармоқларда иккита катта хавф мавжуд. Биринчидан, сайт рўйхатни ишлатиш шартларини ўз-

гартириши ёки сизнинг сахифангизни бутунлай ўчириб ташлаш имкониятига эга. Иккинчидан, ижтимоий тармоқ ўзининг жозибадорлигини йўқотиши мумкин ва одамлар бошқа бир қизиқарли манбаларга кўчиб ўтиши мумкин.

## **Қандай мижозлар бўлади**

Турли хил рўйхатлар мавжуд ва уларнинг бир-биридан қандай фарқ қилишини тушуниш керак. Кўпинча, рўйхат ҳақида гап кетганда, одамлар рақамни эълон қилишади: “Менда 30 000 манзил бор!” Аммо бундай баёнот аслида ҳеч нарсани англатмайди. Келинг, ушбу масалани батаф-силроқ кўриб чиқайлик.

Хозирда биз рўйхатнинг икки турини муҳокама қилдик: электрон почта манзиллари ва ижтимоий тармоқларнинг обуначилари. Шуни ҳам эслатиб ўтдимки, ҳозирги пайтда биринчисининг самараси икинчисига қараганда анча юқори.

Шунингдек, “потенциал мижозлар” ва “харидорлар” рўйхатлари ўртасидаги фарқни тушуниш муҳимдир. Буни аниқлаш жуда осон. Потенциал мижоз – бу сиздан ҳали ҳеч нарса сотиб олмаган шахс. Мижозлар эса, сизнинг нарсаларингиздан аллақачон сотиб олишга улгурган шахс ҳисобланади. Сизда иккала турдаги рўйхат ҳам бўлади. Ва эсда тутиш керакки, харидорларнинг рўйхати потенциал харидорлар рўйхатидан кўра анча муҳимдир. Менинг тажрибам шуни кўрсатадики, биринчи рўйхатдаги одам, иккинчи рўйхатдаги одамга қараганда 10-15 баравар қимматлироқ.

Бундан иккита асосий фикр келиб чиқади. Биринчидан, одамларни потенциал мижозлар тоифасидан сотиб оловчилар тоифасига ўтказиш учун ҳаракат қилиш керак (дарвоқе, менинг тажрибам шуни кўрсатдики, маҳсулотни PLF ни ишга тушириш буни амалга оширишнинг энг яхши усули ҳисобланади).

Иккинчидан, сиз ушбу икки рўйхатга бошқача муносабатда бўласиз. Иккала рўйхатдаги одамлар билан ҳам

яхши муносабатларни сақлаб туриш керак, аммо яна-да қўшимча ҳаракатларни харидорларнинг рўйхатига йўналтириш яхшироқдир. Одатда бу уларга ёқимли кичик нарсалар ёки бонусларни юбориш дегани. Мен тез-тез (ҳар доим ҳам эмас) бир нечта карамел ёки бошқа ши-ринликлар қўшилган онлайн-дўконнинг буюртмаларини эслайман. Уларнинг нархи атиги бир неча центга тенг эди, аммо бу буюртмалар олинганидан сўнг йиллар ўтган бўлса-да, улар ҳали ҳам эсимда. Кичкина кутилмаган бонус ёки шахсий ёндашув кучли таассурот қолдириши мумкин. Масалан, биз ҳар доим янги фойдаланувчиларга маҳсу-лотни ишга тушириш карталарининг янги формула-рини юборамиз, уларда “Катта раҳмат!” деб ёзилган. Бу ажралиб туриш ва муносабатлар ўрнатишнинг осон усули.

Онлайн бизнес қўшимча ўқув видеолари каби маҳсу-лотингизга тегишли бонусларни яратишни ва юборишни осонлаштиради. Бу жуда муҳим ахборот бизнесида амалга оширилади (масалан, “гитара чалишни ўрганиш” каби) ва тижорат фаолиятининг бошқа турларига жуда мос келади.

Масалан, “Гитара чалишни ўргатиш дарслари” ни со-тадиган сайт, бонус сифатида барре ёки бошқа мавзуларда аккордларни ўрганиш бўйича дарсларини қўшиши мумкин. Шунга ўхшаш видеони гитара сотадиган Интер-нет-дўкон томонидан маҳсулотга қўшиб бериш мумкин. Ёки бу асбобни қай тариқа тўғри сақлаш ва ишлатиш ке-раклигини кўрсатадиган видео бўлиши мумкин.

Бонусли видеоларни юбориш усули ҳам муҳим. Уни DVD-дискка ёзib олиш мумкин, у мижозга юборилган ги-тарага қўшиб юборилади; Бу анъанавий усул. DVD-дискни тайёрлаш, нусхалаш ва юбориш учун вақт ва харажатлар талаб этилади, ваҳоланки, улар бир четда қолиб кетиши ва ҳеч қачон кўрилмаслиги ҳам мумкин.

Сайтда бонусли видеони ҳам жойлаштиришин-гиз мумкин<sup>3</sup>. Бу янада содда, бир қадар тезкор ва деяр-ли алоҳида эътибор ёки куч талаб қилмайдиган усул.

<sup>3</sup> Буни қилиш жуда осон - <http://thelaunchbook.com/resources> -да ушбу жара-ённинг тавсифини топасиз

Сиз видеони суратга олиш ва уни бир сидра қайта кўриб чиқиб, айрим сайқалларни бериш учунгина вақт сарфлайсиз. Бундан ташқари, бонус видеоли ҳаволани электрон почта орқали юбориш мумкин – бу эса мижоз сизнинг хатларингизни ўқиши, ундаги ҳаволаларни ўқиши одатини шакллантириш учун ажойиб усул. Охир оқибат, агар сиз электрон почта хабарларига вақти-вақти билан ёқимли бонуслар қўшсангиз, одамлар сизнинг хабарларингизни кута бошлайди.

### *Рўйхатни қандай яратиш керак.*

Менимча, рўйхатнинг афзаликлари билан сизни ҳар томонлама батафсил таништирганимдан сўнг, эҳтимолки, сизда ҳам ўз рўйхатингизни тузиш истаги пайдо бўлди, деган умиддаман. Бу мана бундай қилинади.

Аввало, айтиб кўяй, материаллар бирмунча қисқартмалар билан берилади, негаки, акс ҳолда бу мавзуни батафсил тавсифлашнинг ўзи учун бутун бошли китоб ёзишга тўғри келади. Мавзу ҳал қилувчи даражада аҳамиятли, бой, кўп қиррали ва ўта муҳим бўлгани учун ҳам мен рўйхатларни шакллантиришга оид бутун бир курсни ишлаб чиқсанман, яратганман<sup>4</sup>. Лекин биринчи навбатда, потенциал мижозингиз кимлигини тушунишингиз керак – биз уни “аватар” атамаси билан номлаймиз. Ўзингизни аватарингизни забт этмоқчи бўлган ўртacha одам сифатида тасаввур қилинг. Мисол учун, агар сиз гольф ўйнасангиз, одатда, бу ўйинни яхши кўрувчи ҳар битта одам билан қизиқиб юришингиз шарт эмас; Сиз коллежда ўқиши имконини берувчи стипендия олишга интилаётган ўрга мактаб битирувчиларини мисол сифатида кўриб чиқшишингиз мумкин. Ёки сизнинг мақсадли аудиториянгиз 45 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар бўлиб, улар бола парвариши таътилидан сўнг ўзлари учун янги бизнесни

<sup>4</sup> Кўшимча маълумот олиш учун сиз Менинг рўйхат дастуримни <http://thelaunchbook.com/list> манзилидан бепул юклаб олишингиз мумкин

бошлашга қарор қилишгандир. Ёки сиз қисқа ўйинда ўз маҳоратини оширишни истаган 10 ёшгача бўлган ногирон болаларни ўқитишга қарор қиласиз.

Ростини тан оламан, мен бундай бозор муҳити бўйича ҳеч қандай тасаввурга эга эмасман, шунинг учун мен юқорида келтирилган барча мисолларни, шунчаки, ўйлаб топдим. Аммо сиз асосий ғояни тушунишингиз керак: маркетингингизнинг барча тафсилотлари ҳар хил бўлади, бу сизнинг мақсадли гурухингиз учтасидан қай бири аудиториянгизга боғлиқ бўлиши туфайли келиб чиқади.

Шундай қилиб, вазият куйидагича: почта рўйхатини яратиш бўйича ҳаракатлар маркетингингизнинг асосидир. Бу потенциал мижозлар билан биринчи алоқа, шунинг учун ҳамма нарсани тўғри бажариш жуда муҳимдир. Ва ҳамма нарсани тўғри бажариш учун сиз кимга сотаётганингизни, сизнинг аватарингиз кимлигини тушунишингиз керак. Охир оқибат, биз “контактларни эгаллаб олиш” деб номланадиган саҳифани яратамиз. Ушбу саҳифада одамларни сизнинг почта рўйхатингизга қўшилишга ундовчи баъзи таклифлар мавжуд бўлади. Буни пора сифатида тасаввур қилиш мумкин, аммо у ахлоқий доирага мос келади. Сизнинг почта рўйхатингизга қўшилиш эвазига, сайтга ташриф буюрувчига тақдим этадиган қимматли нарсангиз бор. Контактни олиш саҳифаси ва ундаги таклиф рўйхатни шакллантиришнинг асосий элементларига айланади.

## ДИҚҚАТ

Айтиб ўтганимдек, маркетингнинг мазкур биринчи қисмини тўғри бажариш муҳимдир. Аслида, бу жуда катта аҳамиятга эга. Бу сизнинг бизнесингиз учун курашда етакчи элемент ҳисобланади. ЛЕКИН сиз бошиданоқ идеалга интилишга мажбур эмассиз. Очифини айтсам, ҳеч ким биринчи уринишда мукаммалликка эриша олмайди. Аммо кетма-кет яхшиланиш йўлидан боришингизга ҳеч

нарса тұсқынлик құлмайди. Сиз биринчи контактни ёзіб олиш саҳифасини яратасиз ва кейин уни аста-секин яхшилайсиз.

Онлайн бизнеснинг диққаттаға сазовор жиҳатларидан бири олинган маълумотларнинг микдори ва уларни текширишнинг қулайлигидир. Энг асосий шаклда (ва энг қулайларидан бири) контактни тузиш саҳифасининг иккита версияси яратилади. Сүнгра, махсус дастур ёрдамида<sup>5</sup>, сиз ҳар иккала саҳифани ҳам сайтта ташриф буюрувчиларга намойиш этасиз ва қайси биригадир хос бўлувчи энг яхши жавоб коэфициент тезлигини кузатасиз. Энг яхши вариантни аниқлаб, сиз ундан фойдаланишин бошлайсиз ва сўнгра натижаларни бироз яхшилаш мумкинлигини тушуниш учун бошқа синов саҳифасини яратасиз.

Ушбу усул “А/Б тести” деб номланади ва сайtingизнинг “ишлиш кўрсаткичларини” доимий равищда ўзгартиришнинг калитидир – бу ҳолда сизнинг почта тарқатма рўйхатингизга кўшилган ташриф буюрувчиларнинг фоизи.

Яна бир бор эслатиб ўтаман: бошиданоқ ҳамма нарсаны мукаммал қилишга ҳаракат қилиш керак эмас. Ҳеч ким биринчи марта идеал мавқе ёки натижага эриша олмайди. Сиз учун саҳифанинг биринчи версиясини яратиш ва уни аста-секин яхшилаш муҳимдир.

### *Қандай қилиб одамларни тарқатмага обуна бўлишга мажбурлаш мумкин*

Контактни ёзіб олиш саҳифаси нима дегани? Ўрни келганда айтиш жоизки, бундай саҳифанинг биринчи ғояси менинг дўстим Дин Жексон томонидан таклиф қилинган ([ILoveMarketing.com](http://ILoveMarketing.com)) ва у Интернет-маркетинг дунёсидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Буташриф буюрувчига иккита вариантни тақдим этадиган оддий саҳифа:

<sup>5</sup> Сиз бу ҳақда маълумотни <http://thelaunchbook.com/resources> сайтидан олишингиз мумкин.

1. Қандайдир бепул бонус олиш учун электрон почта манзилини күрсатиш (бу бизнинг ахлоқقا мос келувчи рағбат-порамиз).

2. Саҳифани тарк этиш.

Аслида, сиз ташриф буюрувчини танлов қилишга мажбурлайсиз. Ва бошиданоқ тушунишиңгиз керакки, аксарият ҳолларда күпчилик ташриф буюрувчилар иккинчи варианти афзал кўришади.

Аксарият ҳолларда ташриф буюрувчилар сизнинг сайtingизни жуда тез тарк этишлари мумкин, бу эса, қўпинча, маркетинг соҳасида биринчи қадамларини ташлаётганлар томонидан оғриқли қабул қилинади. Аммо ҳақиқат шундаки, фақат битта нарсани 100 фоиз кафолатлаш мумкин: ҳар қандай ҳолатда КИМДИР охир-оқибат сайтни тарк этади. Ва агар сиз бирор ким сизнинг сайtingизга обуна бўлмасдан ёки сиздан ҳеч нарса сотиб олмасдан сайтни тарк этса, унинг қайтиб келиши эҳтимоли жуда кичик эканлигини тушунишиңгиз керак. Умуман олганда, “жуда кичик” деганим, бу шунчаки бошқа имконият йўқлигини англатади. Агар сиз менга ишонмасангиз, Интернетдаги ҳаракатларингиз билан боғлиқ ўзингизнинг феъл-авторингизни эсланг. Сиз тасодифан нечта сайтга, неча марта қайтиб келгансиз? Агар сиз унга белги қўйган бўлсангиз ҳам, бу ҳақиқатан қизиқ бўлган тақдирдаям, бу сайтга қайтиб кирганмисиз? Менинг ўйлашим бўйича, кирган бўлсангиз ҳам барча ҳолатларда эмас. Бу ҳолда, ҳамма нарса “кўздан ташқарида – онгдан ташқарида” деган иборага мос тарзда содир бўлади. Сизнинг ташриф буюрувчиларингиз ҳам худди шундай қиласи. Сайтни тарк этиб ҳам улар бу ҳақда ҳеч қачон эсламайдилар, ФАҚАТГИНА сиз уларнинг электрон почта манзилларини олмасангиз, албатта. Улар сизнинг почта тарқатма рўйхатингизга қўшилиши биланоқ ҳамма нарса ўзгаради, чунки шундан кейин сиз уларни сайtingизга (ёки ўзингиз хоҳлаган бошқа ҳар қандай сайтга) хатлар орқали қайтиришингиз мумкин.

Шу нұқтаи назардан рўйхат тузишиңи бошлаганингизден сўнг, контактларни ёзиб олиш саҳифасини яратиш ва ташриф буюрувчиларни танлашга мажбур қилиш сиз учун тўсатдан янги маънога эга бўлади. Уларни қўшилишга ёки тарк этишга мажбуrlанг.

Контактни ёзиб олиш саҳифаси ғоясини қабул қила олмаганлар учун мен ушбу саволга бошқа нұқтаи назардан қарашини таклиф қиласман. Сизнинг тарқатмандигиз учун битта обуначи қанча туради? Агар бизнес эндиғина бошланган бўлса, аниқ рақамни аниқлаш жуда қийин, аммо мен сизга айта оламанки, менинг обуначиларим ойига тахминан \$ 1 ёки йилига \$ 12 ҳисобланмоқда. Бу жуда кўпол баҳо ва кимдир почта тарқатмалари хусусиятлари тўғрисида рисола ёзиши мумкин, аммо мисол сифатида биз 12 доллар рақамига эътибор қаратамиз.

Айтайлик, контактни олиш саҳифаси ўрнига сиз сайтда обуна шаклини жойлаштиридингиз. Бу саҳифанинг ўнг томонида жойлашган менюда бўлиши мумкин, унинг ёнида “Менинг тарқатмамга обуна бўлинг”деб ёзилган бўлади. Бу веб-сайтга ташриф буюрувчиларни обуначиларга айлантиришнинг жуда самарали усули эмас. Маълум бўлишича, обуна сони фақат 3 фоизни ташкил этади. Яъни, келаси йили ҳар бир ташриф буюрган киши сизга 36 цент олиб келади. Ҳисоб китоб жуда оддий. Ҳар бир обуначи йилига 12 доллар туради ва сайtingизга ташриф буюрувчиларнинг атиги 3 фоизи обуначига айланади. Кейин икки рақамни кўпайтириш қолади:  $0,03 \times 12$  доллар = 36 цент.

Энди сайт контактни ёзиб олиш саҳифаси билан жиҳозланган дейлик. Сиз ташриф буюрувчиларни танлашга мажбур қиласиз: янгиликларга обуна бўлиш ёки тарк этиш. Контактни ёзиб олиш саҳифаси ташриф буюрувчиларни жалб қилиш (конверсия) тезлигини тъминлаши мумкин. Ушбу ҳолда у 20 фоизга тенг бўлади деб тахмин қилайлик. Бу ҳар бир ташриф буюрган киши келгуси йил сизга 2 доллар 40 цент ( $0,20 \times 12$  доллар = 2 дол-

лар 40 цент) олиб келади деган маънони келтириб чиқади.

Бу шуни англатадики, контактни ёзиб олиш саҳифаси бўлмаса, ҳар бир ташрифчи учун 2 доллар 4 центни йўқотасиз. Битта ташрифчи сизга 2 доллар 40 цент ўрнига 36 цент олиб келади. Албатта, бу ҳисоб-китобларнинг барчаси табиатда гипотетикдир ва вазиятга таъсир этувчи жуда кўп сонли турли хил омиллар ва ўзгарувчилар мавжуд. Аммо бир нарса аниқ – контактни ушлаб туриш саҳифасининг мавжудлиги, сайтнинг даромадлиигини дарҳол оширади.

Контактни ёзиб олиш саҳифасининг ишлашини таъминлайдиган энг муҳим нарсалардан бири бу сиз таклиф қилаётган бонусдир (юқорида айтиб ўтганимдек ахлоққа мос келувчи пора). Аслида, бу обуна эвазига ташрифчиларга тақдим қиласидиган асалли идиш сифатида ишлатилиди.

Ахлоқий пора қандай кўринишга эга бўлиши керак? Буларнинг барчаси сизнинг аватарингизга ва унинг эҳтиёжларига боғлиқ. Унинг энг катта қўрқувлари нима? Энг жўшқин орзулари нима? Кечалари нима уни ухламасликка мажбур қиласи? Энди гольф мисолига қайтайлик. Агар сизнинг аватарингиз дўйстлари билан ўйнаш учун ҳафтасига атиги бир турга муҳтоҷ бўлган ўрта ёшли ҳаваскор гольфчи бўлса, эҳтимол у шунчаки тўпни ҳаммадан кўра узокроққа отишни ўрганишни истайди, айниқса асосий корт томонга.

Бундай ҳолда, катта ахлоқий пора сифатида биринчи зарба билан асосий майдонга тўпни қандай ташлашни ўргатадиган видеодарс бўлади. Видео ўрнига сиз маҳсус материалларни тақдим этишингиз мумкин (масалан, PDF форматида).


Аслида, контактни ушлаш саҳифасининг самарадорлиги тўғри танланган ахлоқий пора билан белгиланади. Сиз биринчи мартадан нишонга уришингиз шарт эмас, чунки бу бошқа нарсалар каби синов мосламаси бўлиб хизмат қиласи. Аммо, охир-оқибат, контактни олиш саҳи-

фасининг самарадорлиги кўп жиҳатдан сиз таклиф қилган пора сифати ва сизнинг аватарингизнинг умидлари, орзулари ва истакларига қандай жавоб беришига боғлиқ бўлади.


Бироқ, назария ҳозирча етарли. Келинг, контактларни ёзиб олиш сахифаларига мисолларни кўриб чиқайлик.

Шундай қилиб, биз қуидагиларни билиб олдик:

1. Автарни аниқлаш.
2. Обуна эвазига ахлоқий порани яратиш.
3. Контактни ёзиб олиш сахифасини яратиш.



ProductLaunchFormula. com



[ListGettingBlueprint.com](http://ListGettingBlueprint.com)



**ROCK THE ROOM.**  
**TRANSFORM YOUR COMMUNICATIONS.**  
**TRANSFORM YOUR WORLD.**

From senior executives at Fortune 100 companies to elite entrepreneurs, sales teams and visionaries, Victoria Labalme has helped thousands of individuals communicate with impact to influence people's lives for the better. Her unique *Throughline* systems transform an ordinary communication opportunity into a memorable performance experience—one marked by authenticity, creativity, and lasting results.

*Get Free Access Now!*


↓      ↓      ↓

Turn a Boring Presentation into a  
Slam-Dunk Performance!  
I'll show you how.

Your contact information is safe and will never be shared, sold or spammed.

**Get Instant Access**

[VictoriaLabalme.com](http://VictoriaLabalme.com)



[InnerCircleSessions.com/training](http://InnerCircleSessions.com/training)

Сизнинг рўйхатингиз ҳаракатга тушиши учун керак бўлган охирги нарса – бу контактни олиш саҳифасига ташриф буюрувчиларни жалб қилишдир. Трафикни яратиш ҳам жуда кенг мавзу. Мен бу ҳақда бир ёки иккита китоб ёза олардим. Аммо бу соҳадаги ўйинлар шартлари доимо ўзгариб туради, шунинг учун мен бундай китобларни ёзган тақдиримда ҳам, сотувга чиқиш пайтигача улар эскирган бўлар эди. Шунинг учун мен сизга умумий кўринишни тасвирлаб бераман.

Трафикни жалб қилишнинг турли хил усуллари мавжуд. Кўпчиликнинг хаёлига келадиган биринчи нарса бу Google каби қидирув тизимларидир. Бу “табиий қидирув трафики” деб номланган, яъни қидирув сўровлари натижаларига кўра, сизнинг сайtingизга ташриф буюрадиган одамлар. Аммо Google да яхши рейтингга эга бўлиш (мен

нашр этиш натижаларида биринчи қаторларда күриниши ни назарда тутмоқдаман) бу алоҳида фан ва маълум даражада санъат ва одамлар буни ҳатто ўз касбига айлантирадилар. Шуни ёдда тутиш керакки, контактларни олиш саҳифасида яхши Google рейтингини олиш жуда қийин масала. Шунга қарамай, мен маълум даражада ўз бизнесимдаги табиий қидирувни ҳам ҳисобга оламан.

Трафикни жалб қилиш учун сиз “пулли қидирув”дан фойдаланишингиз мумкин. Бу Google натижаларининг юқорисида ва ўнг томонида жойлашган кичик рекламалардир. Facebook ижтимоий тармоғида ҳам шунга ўхшаш эълонлар мавжуд. Одатда, ушбу рекламалар ким ошди савдоси асосида сотилади, яъни энг юқори нарх эгаси учун улар очиқ ҳисобланади. Аслида, бу ерда янада мураккаб механизм жалб қилинган, аммо бу босқичда юқоридаги тушунтириш жуда мос келади. Қандай бўлмасин, бу кимматбаҳо завқу-шавқ, аммо шунга қарамай, контактни босиб чиқариш саҳифасини синаб кўришга имкон беради, чунки бир неча дақиқада трафик оқими рўй беради.

Трафик ишлаб чиқариш учун сиз Facebook, Twitter ва YouTube каби ижтимоий тармоқлардан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Бу яна бир кенг қамровли мавзу бўлиб, уни бир бобда батафсил ёритиб бўлмайди. Фаолиятим бошланишида менинг қўл остимда Facebook каби манба мавжуд эди, деб айта оламан. Сиз у ерда қайд ёзувини яратишингиз ва бир неча дақиқада контактларни тўплашни бошлашингиз мумкин эди. Мен ижтимоий тармоқлардаги контактларга мактубларимни юборишни афзал билганимдан аллақачон боҳабарсиз, аммо одамларни ижтимоий тармоқлардан контактларни ёзиб олиш саҳифасига юборишимиизга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди. Бошқача қилиб айтганда, сиз ўзингизнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифангиздан хабарлар рўйхатини тузишингиз мумкин.

Контактларни ёзиб олиш саҳифасига ташриф буюрувчиларни жалб қилишнинг кўплаб бошқа усуллари мавжуд,

масалан, оғзаки реклама (бу менинг севимли усулларимдан бири), турли хил реклама ва форумлар яратадиган ажайиб маълумот манбасини яратишдир.

Хўш, менинг энг севимли трафик манбайм – ҳамкорларимдир. Булар рўйхат эгалари бўлиб, сизга кўплаб ташриф буюрувчилар оқимини юборадилар, улар учун сиз умуман фоиз тўламайсиз – тўловлар ушбу трафик сотувидан сўнг амалга оширилади. Бу почта рўйхатларини тезда яратишнинг ажайиб усули. Шахсан, мен ушбу усул туфайли бир неча кун ичida рўйхаттага 50 000 дан ортиқ одамни қўшишга муваффақ бўлдим. Аммо бу ривожланган стратегия ва уни кўриб чиқишга ҳали жуда эрта. Кейинги боблардан бири айнан шу стратегияга бағишлиланган.

### ***Рўйхатни олиш учун иш бошлишнинг ўзи кифоя***

Умид қиласманки, мен сизни рўйхатларнинг самардорлиги ва сизнинг бизнесингиз учун мутлақо зарурлигига ишонтирдим. Кимлардир буни ҳали қилмаяпти, деган хаёл мени ақлдан оздиради. Ахир, буларнинг барчаси сизнинг молиявий ютуқларингиз билан боғлиқ. Потенциал мижозлар ва харидорларнинг рўйхати сизнинг бизнесингизнинг энг катта бойлигидир. Бундан ташқари, бу кўпгина онлайн бизнеслар учун деярли ягона ҳақиқий актив эканлиги ҳақида таъкидлаш мумкин.

Албатта, мен маҳсулотни ишга тушириш формуласини ўқитишини бошлаган пайтдан бошлаб, асосан: “Агар рўйхат бўлмаса мен нима қилишим керак?”, деган савол беришар эди. Баъзан одамлар шикоят қила бошлайдилар: “Жефф, сизга мазза, чунки сизда жуда катта рўйхатлар бор, лекин менда бунга ўхшаш нарса йўқ”.

Аммо мен ҳам сизлар каби бошлаганман – рўйхатимдаги НОЛЬ манзиллар билан. Унинг шаклланиши устида ишладим. Секин, услугубий қоидаларга мос тарзда ва тиришқоқлик билан. Баъзан кун бўйи менда атиги битта янги обуначи пайдо бўлар эди. Баъзан шу ҳам бўлмас эди. Фаолиятим аста-секин ривожлана бошлади ва мен

ҳар куни учта, ҳатто түртта янги обуначиларни қабул қила бошладим. Мен ишлашни давом эттиридим ва тез орада рўйхат ҳар куни 30 та янги обуначилар билан тўлдирила бошлади ...ва улар йиғила бошлади. Бу ойига 900 абонент ёки йилига 10,800 абонент дегани эди.

Биласизми, кўпгина бозорларда 10 000 манзилларнинг рўйхати сизга йилига юз минглаб долларни жалб қилиши мумкин. Агар сиз барқарор онлайн бизнесни яратмоқчи бўлсангиз, рўйхатни тузишга катта эътибор беришингиз керак. Шунинг учун ушбу боб биринчилардан ҳисобланади — бу маҳсулотни ишга тушириш формуласининг асосий принципи ва қисмидир, чунки маҳсулотни ишга туширишдан кўра кўпроқ жовобан маълумот олишдан яхши усули йўқ.

Ва яна битта сир бор. Рўйхатни тезда олишнинг энг яхши усули — бу маҳсулотни ишга тушириш. Жон Галлахерни ва унинг тахта ўйини бошланишини эслайсизми? Биринчи марта у жуда кичик рўйхатни ишлатган. Эслатиб ўтаман, унинг биринчи уриниши (PLF техникаси билан танишишдан олдин) атиги 12 та савдо олиб келган. Ва PLF туфайли у 670 ўйинни сотишга муваффақ бўлди. Аммо мен сизга битта нарсани айтмадим. Ушбу ишга туширилиши билан Жон нафақат сотишни кўпайтирди, балки рўйхатга 1000 дан ортиқ янги обуначиларни қўшди.

Бу, одатда, тўғри ташкил этилган PLF бошланиши билан содир бўлади. Бу сизнинг рўйхатингизни кенгайтиришнинг энг яхши усулларидан биридир. Умуман олганда, мен бироз илгарилаб кетаяпман...

#### **4-боб. Яширин реклама дараги: қай тариқа хираклик қилмасдан муваффақиятли сотувларни амалга ошириш мумкин.**

1996 йилда Интернетда биринчи бизнесимни ташкил қилганимда ва савдо, маркетинг ҳақида тасаввурга эга,

бўлмаганимда, кўп марта қоқилиб-суринганман. Ва бир марта ҳамма нарсани ҳал қиладиган “хато” қилдим. Аслида, бу менга миллионлаб долларни, мижозларимга – юз миллионлаб долларни олиб келган ва Интернетда сотиш усулимни ўзгартирган асосий стратегияга айланди. Ушбу стратегия махфий реклама хабарлари деб номланади.

Дастлаб мен нафақат товарлар ва хизматларни қандай қилиб тўғри сотишни билмасдим, яна сотишга бағишиланган бутун бир фан борлигидан ҳам бехабар эдим. Мен на савдо назарияси, на маҳсус машғулотлар ҳақида эшитмаган эдим.

Натижада, ўзимнинг ўйлашимча, мен мутлақо табиий тарзда бир нарса қилдим: мен ўзимнинг шахсий сотиш усулимни ўйлаб топдим. Ва саъй-ҳаракатларим самараси бизнесни ривожлантиришнинг янги йўнлишига жуда мос эканлиги маълум бўлди. Бу интернетга ва бизнинг янги ҳаёт тарзимизга жуда мос келади. Интернет туфайли одамлар ўртасидаги алоқалар экспоненциал равишда ошгани сайин, барча савдо қоидалари ўзгартирилди.

Сиз, шунчаки, бу ҳақда ўйлаб кўринг. Деярли ҳар қандай узоқ муддатли товарларни харид қилганингизда, Amazon.com да худди шу маҳсулотни сотиб олганларнинг шарҳларини ўқишингиз мумкин. Таътилга тайёргарлик кўраётганда, сиз TripAdvisor.com сайтидаги саёҳатчиларнинг бошқа шарҳлари билан танишиб чиқишингиз мумкин. Агар сиз қандай фильмни кўришингиз ҳақида ўйласангиз, шунчаки рейтингларга қаранг... Ва шунга ўхшаш рейтинглар ва шарҳлар деярли барча секторларда мавжуд.

Бир-бири билан бундай яқин муносабат одамлардаги ҳақиқийликни кўпроқ қадрлайди. Скептицизм кучаймоқда. Уларнинг ҳар бири тўла қувват билан ёқилган, ўта сезгир ёлғон детектори билан қуролланган.

Одамлар рекламаларни минглаб чақиримча наридан илғаб олишни ва уларга ишонмасликни ўрганишди. Бу ҳаддан ташқари зич алоқаларнинг ёnlама таъсиридир. Ва шунинг учун аксарият ҳолларда анъанавий сотиш усу-

ли энди ишламайди. Ёки Яширин реклама акцияси каби яхши ишламайди.

Бунинг нималигини айтишимдан олдин, мен масаланинг контекстига аниқлик киритмоқчиман. Тўғридан-тўғри маркетинг ўнлаб йиллар давомида реклама хати каби воситадан фойдаланиб келмоқда. Қатъий қилиб айтганда, бу хат шаклидаги узоқ тижорат таклифидир. У 8, 12, 24 саҳифаларни ва ундан ҳам кўпроқ саҳифаларни эгаллаши мумкин. Биринчи марта бундай хатни учратганларида, кўпчилик иккита реакциядан бирини намойиш этади. Агар мавзу одамга қизиқ бўлса ва хат профессионал реклама берувчидан тўғри тузилган бўлса, одам материал билан танишишни бошлайди ва тез орада бу жараён уни қизиқтириб қўяди. Агар у бирор кишини қизиқтирмаса ёки хатнинг ўзи сифатсиз ёзилган бўлса, албатта ҳайрон қоласиз: кимдир ўзи бундай узоқ ва зерикарли рекламани ўқийдими?

Аммо бу ерда ёдда тутиш керак бўлган муҳим нарса бор. Бундай реклама хатлари ўнлаб йиллар давомида ишлатилган ва турли хил товарларни сотиш орқали миллиардлаб доллар даромад келтирган. Тўлиқ ҳажмли реклама ва реклама хатларини ишлаб чиқариш савдо ва маркетинг соҳасидаги энг муҳим ютуқлардан биридир. Булар, реклама бизнесининг афсонаси Альберт Ласкернинг сўзларига кўра, “сотувлар ҳажми ошди” деган бўлардим. Аслида, сиз потенциал мижоз билан учрашмасдан туриб, қийин бўлган савдо сотиқни амалга оширишингиз мумкин эди.

### **Янги даромад олиш учун эски восита**

Интернет пайдо бўлганийдан кейин савдо хатларига нима бўлди? Улар рақамли дунёга тезда кириб борди ва бир неча йиллардан кейин катта шухрат қозонди. Ва уларнинг узунлиги янада ошди – чунки энди босма чоп эттириш учун пул сарфлашнинг ҳожати йўқ эди. 40 саҳифада-

ги бир хатнинг нархи 12 саҳифани ташкил этувчи хатдан қиммат эмас эди. Натижада, хатлар узунроқ бўлди.

Бир неча йил ўтгач, видео даври келди ва узун реклама хатлари узун реклама роликларига айлантирилди. 20 ёки 30 дақиқали реклами тасаввур қилинг.

Эҳтимол, сиз бундай сайtlарга кирган бўлсангиз керак. Улар жуда оддий принцип асосида қурилган ва одатда, фақат битта саҳифадан иборат бўлади. Бу битта маҳсулотни реклама қиласидан жуда узун саҳифа бўлиб, сиз топишингиз мумкин бўлган ягона ҳавола бу Харид қилиш ёки Саватга қўшиш. Сиз, шунчаки, маҳсулотни сотиб олишингиз ёки сайтни тарк этишингиз керак бўлади.

Бундай саҳифанинг альтернатив версиясида реклама видеоси мавжуд бўлади. Бундай ҳолда, сиз у ерда 15 дақиқадан бир соатгача бўлган видеони ва “Саватга қўшиш” ягона ҳаволасини топасиз.

1998 ва 1999 йилларда электрон тижорат ва онлайн-сотувлар бошлангандан сўнг, реклама хатлари ҳамма жойда, айниқса, кичик якка тартибдаги тадбиркорлар орасида кўлланила бошланди. Ва, албатта, “ахборот маркетинги” дунёсида ҳам.

Шу ўринда кичик бир чекиниш қилишим керак. Буларнинг барчаси йирик тармоқ брендлари дотком пуфагининг марказида турган пайтда содир бўлган эди. Улар жалб қилиш (конверсия) коэффициентига эътибор қаратмаганлар ва фойда ҳақида умуман ўйламаганлар. Уларни фақатгина ўзларининг сайtlарини “фойдаланувчиларни жалб қилиш” ва “васвасага солиш” қизиқтиради – айнан Уолл-стрит таҳминларига асосланган ҳолда. Ишониш қийин, лекин дотком бизнесида даромад ва имтиёзлар катта даражада ҳисобга олинмас эди. Бундай нарсалар ҳақида алоҳида якка тартибдаги тадбиркорлар ва кичик бизнес эгалари ғамхўрлик қилишган. Айнан шу одамлар бугунги кунда Интернет-тижоратни ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ўтиридан-тўтири маркетинг усулларидан фойдаланганлар.

Қандай бўлмасин, реклама хатларини интернетга мослаштирилганида, улар жуда яхши ишлай бошлади. Ушбу анъанавий тўғридан-тўғри маркетинг воситасини қабул қилган кўплаб сайтлар жалб қилиш (конверсия) ва фойда олиш суръатларида сезиларли ўсишни пайқадилар. Бундай сайтлар тобора ўсиб боришига қарамай, уларнинг кунлари саноқли эди...

### *Яширин реклама дараги, бу нима*

Мен кашф қилган яширин реклама хабарининг сири қуидагича. Савдо хатининг 8, 12 ёки 20-саҳифаларида келтирилган узун ҳикоянинг ўрнига мен бошқа томондан савдо жараёнига мурожаат қилдим.

Мен сахифаларни кунлар билан алмаштирдим. Натижада, 10 сахифали хат 10 кунлик кетма-кетликка айланди. Мен битта қўшимча хабарни маълум бир неча кун давомида бир қатор контактларга бўлдим. Биз ушбу контактларни ишга туширишдан олдин маълумот материаллари ёки PLC деб атаймиз.

Одамлар сахифаларни ўқийдиган шундай реклама хатини сехрли равишда ёза олишимга умид қилишларининг ўрнига, бўлғуси маълумотлардан ва тарих каби кучли воситадан фойдаланиб, потенциал харидорларга кетма-кетлик билан маҳсулотим ёки хизматим ҳақида маълумот бераман.

Даҳшатли узун монолог ўрнига, мен уларга сухбатни таклиф қиласман... ишга туширишга олиб борувчи сухбат.

Ўзимнинг реклама хатимни потенциал мижозга етказиши пайтида ҳамма нарсани битта контактга қўйишнинг ўрнига, олдиндан кутиш ҳиссини туғдирадиган ва маркетингимни воқеага айлантирадиган кўплаб кетма-кет “тегиниш” кучларидан фойдаланаман.

Аслида, Яширин реклама дараги – бу ишга туширишгача бўлган маълумот материаллари тўплами ва ундан кейин тижорат таклифи. Одатда, кетма-кетлик сиз уч фрагментни потенциал мижозларга 12 кундан ошмай-

диган муддатга юборадиган ахборот материаларининг жўнатилишидир. Одатда, бу Интернетда жойлаштирилган видеодир, аммо сиз электрон почта хабарлари, блог хабарлари ёки PDF ҳисботлари каби бошқа форматни танлашингиз мумкин. Ишга туширишдан олдин ахборот материалари шундай тузилганки, натижада ишончли ва муҳим воқеа яратилади, бу табиий равишда маҳсулотни сотиб олинишига олиб келади. Ишга тушириш кетма-кетлик пайтида сиз, харид амалга ошириш мумкин бўлган саҳифага потенциал мижозни юбориб, “дўконингизни очасиз”.

Таъкидламоқчиманки, бу ҳолатда ишончли воқеа, маҳсулотни мақташ билан бир неча ҳафта давом этганига алоқаси йўқ. Дарҳақиқат, бу ҳолатда сиз ҳеч бўлмагандан битта одамнинг эътиборини ҳам жалб қилиб, тутиб туролмайсиз. Йўқ, сиз потенциал мижозларга ҳақиқатан ҳам қимматли нарсаларни беришингиз керак.

Шундай қилиб, сиз Яширин реклама хабарининг можијати ва ишга тушириш жараёни ҳақида қисқача тасаввурга эга бўлдингиз. Энди биз буларнинг барчаси амалда қандай ишлашини батафсил кўриб чиқамиз. Аммо бу ажойиб натижалар беришини сиз аллақачон тушунгансиз деб ўй-лайман. Келинг, амалий мисолни кўриб чиқамиз...

### **Кундалик ишдан даромадни оширишгача**

Барри Фридман бу масалада юқори чўққиларни забт этган профессионал жонглёр. У 15 ёшида жонглёр қилишни бошлади ва кўп ўтмай бу касбга мафтун бўлди. У эстрада артисти бўлишга қарор қилди, ваҳоланки, гарчи мактаб услубчиси у ҳақда бир неча йил уйсиз, қашшоқ бўлади деб айтган эди. Бу башорат амалга ошмади. Барри жуда катта муваффакиятларга эришди ва 23 ёшида у Жонни Карсоннинг уйдаги “Бугунги оқшом” телевизион дастурида чиқишига муваффақ бўлган.

Барри нафақат жонглёр қилишни биларди, балки ўз фаолиятининг тижорий томонини ҳам жуда яхши тушу-

ниб олган эди. Кўпинча ишбилармон кишилар учун яхши ҳақ тўланадиган концертлар уюштирас эди. Унинг ҳаёти гўзал эди, ва у яхши пул топар эди.

Аммо бир куни Барри тоғ велосипедини миниб кетаётгандан кулаб тушди. Касалхонада елкасини ва бўйин соҳасини тиклаш бўйича операцияни бошидан кечириб, энди бундан кейин у қандай кун кўриши ҳақида ўйланиб қолди. Унинг каръераси бутун мамлакат бўйлаб гастрол сафарлари ва саҳнада чиқиш қобилиятига асосланган эди. Олдинда олти ойлик реабилитация тураг эди ва шундан кейин у жонглёр қила олиши мумкинми деган савол туғилар эди. Унинг даромади соғлиққа ва ўз чиқишиларини давом эттириш қобилиятига асосланган эди.

Аслида, бу борада энди Барри бошқа одамлардан фарқ қиласа эди. Унинг молиявий хавфсизлиги, унинг ишлаш қобилияти билан чамбарчас боғлиқ эди. Албатта, саҳнадаги чиқишилар ҳар куни офисда ўтиришингиз керак бўлган офисга борищдан кўра жозибали кўринади, лекин аслида улар ҳам шахсий вақтни долларга алмашишни англатади. Барри ўзига ишлаганига ва ҳар бир спектаклга алоҳида тўланганига қарамай, у вақтни пулга сотар эди. Агар унинг чиқишилари бўлмаса у пул олмасди.

Шунда Барри анъянавий тарзда “соатларни долларларга” алмаштиришсиз пул ишлашга имкон берадиган муқобил режани ишлаб чиқишига киришди. У кўп даромад топилувчи соат ёки кунлар сонига боғлиқ бўлмаган дунёга қўшилишга тайёр эди. Барри кўплаб ҳамкаслари ўз истеъдодларини сотишида қийналаётганини билар эди. Улар ўзларини қандай реклама қилишни билмайдилар ва иштиёқни зўрға олишар эди. Барри, бу борада юқори чўққиларни забт этган эди – у нафақат халқаро даражадаги жонглёр, балки иш топишни ҳам билар эди, айниқса, юқори маошли корпоратив тадбирларда. У хизматларни қандай сотишини билар ва ҳар доим энг юқори нархда ҳақ олар эди.

Охир-оқибат, Барри бу маҳоратини бошқаларга ўрга-

тишга қарор қилди. У Интернетда жуда күп ўқув дастурларини кўриб чиқди ва унга пул топишнинг идеал усули – эстрада артистларини ўргатиб ва шу орқали фойдали даромадни кўришни режа қилди. Барри, шунингдек, ўзи учун маҳсулотни ишлаб чиқариш формуласини кашф этди ва ўқув курсини якунлади. У Get More Corporate Gigs бирлашмасини яратди, бу пуллик аъзолик сайти эди, унда сиз \$ 37 обуна учун узлуксиз таълим олишингиз мумкин эди.

Маҳсулотни ишга тушириш формуласи бундай сайтларда жуда яхши ишлайди, аммо мен Баррининг кейинги сотуви ҳақида гапириб беришни истардим. У профессионал ўқув курсини яратишга қарор қилди, унинг доирасида мижозлар билан индивидуал иш юқори тўлов эвазига амалга оширилар эди.

У аллақачон сифатли ўқув дастурига эга эди (худди менинг маҳсулотни ишлаб чиқариш формуласи каби) ва Барри унинг самарадорлигига амин эди. У уни Showbiz Blueprint деб номлади. Бу 10 ҳафталик дастур бўлиб, кичик гуруҳлар учун мўлжалланган, уларнинг аъзоларига ҳафталик гуруҳ машғулотларида қатнашиш имконияти берилган эди. Шунингдек, унда барча иштирокчилар учун “иссиқ стуллар”, ёпиқ жамоат сайти, ҳафталик машғулотлар соатлари ва бошқа бир қатор бонуслар мавжуд бўлган. Шахсий ёндашув кичик ўлчамли гуруҳ бўлиб ташкил этилар эди – кўпи билан 15 киши. Тўлиқ тўланган ҳолда курс нархи 2000 долларни ташкил этар эди. Агар кимдир тўловни бўлиб-бўлиб тўлашни хоҳласа, бу бироз кўпроқ бўлар эди.

Шубҳасиз, Showbiz Blueprint дастури пуллик аъзолик сайтига қараганда анча юқори даражадаги тренинг, мураббийлик ва интерактивликни таклиф қилди ва Барри бозорининг элита қисмига мўлжалланган эди. Ушбу турдаги маҳсус таклифлар ELF-ни очиш учун жуда мос келади, чунки бундай курсни сотиб олиш бизнесга масъулиятли ёндашув ва жиддий касбий қизиқишни намойиш этади. Яширин реклама хабарлари таклиф қилинаётган

маҳсулотнинг қиймати тўғрисида маълумот етказиш учун вақт беради.

Ушбу ишга туширилиш вақтида Барри рўйхатида 1000 дан кам одам бор эди. У биринчи ишга тушириш олдидан ахборот материалларидан иштрокчилар билан алоқа ўрнатиш ва уларнинг муаммоларини бошқа ҳеч ким у сингари тушунмаслигини намойиш этиш учун фойдаланган. Аслида, у нафақат шунчаки уларни тушунади – ўзи ҳам шунга ўхшашибазиятга дуч келганди.



Барри Фридман

Унинг мақсадли аудиториясида бўлган санъаткорлар кутубхоналардаги тадбирларда, фестивалларда, туғилган

кунларда ва шунга ўхшаш тадбирларда бепул чиқиш учун таклифномалар олишларидан хабардор эди, аммо пуллари бўлган мижозларга ўзини қандай таклиф қилишни билмас эди! Бундан ташқари, улар паст маошли шоуларга таклифномаларни олиш имконини берадиган маркетингдан шубҳаланишмагани, аслида яхши маош олишга тайёр бўлган иш берувчиларни чўчитиб юборар эди.

Барри ишга туширишдан олдин (яъни Яширин реклама хабарларида) кўриб турган ҳақиқий заифлик ўртacha артист бўлиб қолиш эди ва уни “ҳақиқий иш” излашга мажбур бўлишидан хавфсирап эди. Официант ёки юк машинаси ҳайдовчиси бўлиб қолиши ҳақидаги фикр ҳар қандай истеъдодли сеҳргар, бошловчи, комедиячи ёки жонглёрнинг кўрқинчли тушидир. Ва энг даҳшатлиси шундаки, улар ота-оналари, ўқитувчилари ёки дўстларининг сўзларини тўғри ва асосли фикрларини тан олишлари керак бўларди, улар эса фақатгина бундай томошалар орқали тирикчилик қилиб бўлмаслигини таъкидлашарди!

Шунинг учун, ишга туширишдан олдин ўтказилган маълумотларнинг биринчи қисми Баррининг потенциал мижозларига у ҳақиқатан ҳам уларни тушунаётганлигини намойиш этиб берди, чунки у худди шундай умидлар, орзулар ва қўрқувларни бошдан кечирган эди. Ва кейинги видеода, уларнинг истеъдодлари жиддий бизнесни (жиддий даромад билан боғлиқ) яратишга имкон беришини айтиб ўтган. Унинг видеотасвирининг асосий мавзуси қуйидагича эди:

“Мен ҳам ҳаммага ўхшаган одамман. Болалигимданоқ мен жонглёрликни яхши кўрардим, аммо кўпчилик менга бу билан пул тополмаслигимни айтарди. Мактаб услубчиси жаноб Павлига, 22 ёшга тўлгунга қадар жонглёрлик каръераси мени сариқ чақасиз ва эҳтимолки, бирор бир бўшпанасиз ҳам қолдиришини таъкидлагани эсимда. Шунга қарамай, мен ўша пайтнинг ўзида, унинг алашганилигини исботлашга ваъда бердим.

23 ёшимда “Бугунги оқшом” теледастурида биринчи

марта меҳмон бўлганимда мен парда ортида туриб ўзим-ча: “Жаноб Павлига томоша қиласяпти, деган умиддаман”, деб ўйладим. Жонни Карсон шериги билан бизнинг чиқишишимизни эълон қилгунига қадар мен бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлай олмасдим. Кўпчилик, агар мен профессионал жонглёр бўлсам, ҳеч қачон муваффакиятга эриша олмаслигимни айтган, лекин мен ҳеч кимга қулоқ солмадим ва шу пайтгача юздан ортиқ телетомошаларда қатнашишга муваффақ бўлдим. Бу сизнинг ҳам кўлингиздан келади! Мен сизга бунга қандай эришишни кўрсатмоқчиман!”

Албатта, видеода бундан-да кўпроқ маълумотлар мавжуд эди, аммо ўйлайманки, сиз умумий моҳиятни тушундингиз. Қатъий қилиб айтганда, Барри ишончли муносабатларни ўрнатди, у ўзининг потенциал мижозлари билан бир хил эканлигини кўрсатди ва уларга илҳом бахш этди. Бундан ташқари, у жозибали истиқболларни очиб берарди ва томошабинларга яхши жойларда чиқиш ва бунинг учун муносиб ҳақ олиш жуда реал эканлигини намойиш этди. У артист ўзини қимматга сотишни ўрганиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Охир-оқибат, видео артистларга ўз истеъдодларига кўпроқ пул тўлаш мумкинлигини исботлади. Бундан ташқари, видеода ҳеч қандай реклама ёки тијорат таклифи кўрсатилмаган эди<sup>6</sup>.

Яширин реклама хабарларининг муҳим қисми бу “ишга тушириш атрофидаги суҳбат” ҳисобланади. Ахир, ишга туширишдан олдинги маълумот материалларининг нашр этилиши, одатда, блогда содир этилади ва сиз у ерда шарҳлар қолдиришингиз мумкин. Моҳиятан олганда, видеонинг охирида томошабинлардан саволлар бериш ёки шарҳ беришларини сўраш табиий ҳол. Барри айнан шундай йўл тутди, сўнгра муҳокамада қатнашди. У саволларга жавоб берди ва потенциал мижозлар билан суҳбатлашди. Айнан шу вақтда ишга тушириш монологдан диалогга айлантирилади. Одамлар монологларни тинглашдан кўра,

<sup>6</sup> Мен буни ўзингиз кўришингиз учун куйидаги манзилда қўшимча материалларни жойлаштирдим: <http://thelaunchbook.com/bartg>

одатда, күпроқ сұхбатда қатнашишни яхши күришади.

Бундан ташқари, шарҳлар потенциал мижозларнинг фикрларини ва хис-түйғуларини аниқ тушунишингизга имкон беради. Берилган саволлар энг жиддий изохларни аниқлашга ёрдам беради ва уларга ҳам шарҳларда, ҳам ишга туширишдан олдинги маълумотларнинг қуидаги қисмларида жавоб бериш имкониятини беради.

Иккинчи видеода Барри яна бир бор профессионал муваффакиятсизликдан қўрқиши ҳақида гапирди, шундан сўнг у машғулотларга эътибор қаратди. Унинг хабаридаги асосий моҳият қуидагича:

“Ота-онангиз ҳақ бўлиб чиққанини тан олишингиз керак бўлганида нима қилишингиз лозим? Агар артист сифатида пул ишлай олмасангиз нима бўлади? Агар сиз ўзингизнинг севимли ишингизни бизнес сифатида муваффакият қозонишини истасангиз, унга бизнес каби муносабатда бўлишингиз керак. Сиз ўз маҳоратингизни ошириш учун юзлаб соат сарфладингиз, аммо бу тенгламанинг фақат бир қисми. Катта шоуларга сизни таклиф қилиш учун бу етарли эмас. Сиз ўзингизда тадбиркорлик кўникумларини ривожлантиришингиз керак. Ўз иқтидорингизни тақдим этиш ва реклама қилишни ўрганишингиз керак.

Мен иккала соҳада ҳам маҳоратга эришдим – ажойиб артист бўлдим ва ажойиб бизнес яратдим. Мен сизга жонглёр сифатида муваффакиятли каръерага эришиш учун нима қилганимни айтиб бераман.

Сизга нима ишлашини ва нима ишламаслигини айтаман. Агар сиз кенг тарқалган хатоларга йўл қўйсангиз, вазиятни қандай ҳал қилиш кераклигини айтиб бераман.”

Шу пайтдан бошлаб Барри томошабинларга бозорда ўзини артист сифатида намойиш этишнинг асосий принциплари ва усусларини ўргатишни бошлади.

Кўпинча, одамлар ишга туширишдан олдин жуда кўп маълумот берилишидан қўрқади. Улар сирларни беҳудага ошкор қилиниши туфайли потенциал мижозларни маҳсу-

лот сотиб олиш иштиёки сўнади деб хавотирга тушишади. Аммо менинг тажрибам шуни кўрсатадики, бу жихат деярли ҳеч қачон муаммо бўлмаган. Кўпинча, мен бошқа бир хатони кузатаман. Бирор киши жуда кам маълумотга тақдим қилаётган бўлса, Барри элитага хос бўлган таклифини ишга туширас эди; бозорда бошқа ҳеч ким 2000 доллар нарх белгиламасди. Агар сиз юқори нарх сегментида савдо қилиш учун интилсангиз, кўплаб бепул қимматли маълумотлар орқали мижозларни жалб қилиш яхшидир. Барри эса айнан шундай йўл тутди.

Эслатиб ўтаман, Барри тажрибали жонглёрчи, дунё бўйлаб гастролларда саёҳат қилган ва ҳатто телевизорда чиқиб, Оқ уйга борган тақдирда ҳам у, ўз маҳсулотини, кўпинча, ўзи ҳақида эшитмаган одамларга сотган. Унинг одамларга бизнесни ўргатиш ғояси ўзи ҳали ишончли маълумотларга эга бўлмаган пайтларда пайдо бўлган. У ҳеч қандай унвонга эга эмас, унда ҳеч қандай илмий даража ва сертификатлар йўқ эди. У тажриба орқали ўрганган нарсаларини одамларга ўргатмоқчи эди (албатта у энг яхши ўқитувчи), аммо ҳақиқат шундаки, унинг кўпгина потенциал мижозларига у бутунлай нотаниш бўлган.

Аммо видеотасвири намойиш этишдан олдин у жуда кўп фойдали маълумотлар тақдим этди ва шу билан у обўрисини тан олишга эришди. У бошқаларга фойдали мижозларни топиш ва ўз бизнесларини яратишни ўргатиш тажрибасига эга эканлигини исботлади.

Иккинчи видеода, худди биринчиси сингари, бирон бир нарсани сотишига оид имо ёки шаъмалар ҳам йўқ эди. Фақатгина қимматли, юқори сифатли маълумот. Барри ишончли муносабатларни ўрнатди ва аутироиядан шунга муносиб жавоб олди. (Аммо, мен бу ерда бироз олдиндан гапириб қўйдим. Кейинги бобда мен сизни тингловчиларга чексиз таъсир кўрсатишга имкон берадиган ақлий триггерларга оид тилсимлар билан танишираман. Ваколат ва ўзаро фойда тамойили мухим ва ҳайратланарли даражада кучли ақлий триггерларидир, уларни кейинги

бобда батафсил мұхқокама қыламиз.)

Ва ниҳоят, видеоларингизни ишга туширишдан олдин қанча белгілі маълумоттарни ўз ичига олиши керак-лиги ҳақидаги саволдан халос бўлиш учун қуийдагиларни айтиб ўтишим керак. Ишга туширишдан олдинги маълумот материалларини кўриб чиққанидан сўнг, одамлар ўқув курсларини сотиб олишни хоҳламасликларидан хавотирга тушиш, мутлақо табиийдир. Кўпгина потенциал мижозлар, албатта, ҳеч нарса сотиб олмайдилар. Бундан ташқари, деярли барча ишга туширишларида потенциал мижозларнинг катта қисми ҳеч нарса сотиб олмайдилар. Бу ерда оддий математика ўз ишини кўрсатади. Маркетинг тамойили айнан шунга асосланади. Ҳамма гап шундаки, пировардида нарсаларни сотиб оладиганлар ҳам топилади. Ахир, Барри ҳаётини ўзгартириш учун 2000 долларлик маҳсулотларнинг қанчадан-қанчасини сотиши керак ахир? Бу борада аниғини айта оламан мен: бу миқдор жудаям кўп бўлмайди.

Шу сабабли, учинчи видео намойишида Барри ўзининг ишга тушириш тарихини сўзлаб берди, сўнгра томошабинларга яна бир қимматли маълумотларни келтириб ўтди. У турли жанрдаги артистларининг сайtlарини таҳлил қилиб чиқди ва улар қандай хатоларга йўл қўйганликларини кўрсатди. Бундан ташқари, у ушбу хатоларни қандай тузатиш кераклигини айтиб берган.

Ва шундан кейингина Барри тижорат таклифини ишлаб чиқишига киришди. У Showbiz Blueprint да 15 кишини шахсан қандай ўқитиши режалаштирганини айтди, бу сизга хизматни реклама қилиш тизими бўлиб, сизга энг кўп пул тўланадиган концертларга, шу жумладан Жонни Карсон дастурларига ва ҳатто Оқ уйга таклифномаларни олиш имконини беради. Бу келажакдаги маҳсулот ҳақида биринчи эслатма ва у сотувга чиқиши ҳақидаги гап эди.

Ишга тушириш олдидан тайёрланадиган маълумотларнинг якуний қисмида, сотищдан олдин тайёргарлик жуда муҳим, аммо кўпчилик буни эътибордан четда қол-

диради ва хато қилишади. Кўпинча, кўргазмани ташкил этадиган одамлар яхши маълумот материалларини тақдим этиш зарурати ғоясига шунчалик берилиб кетишиадики, улар сўнгги видеосида келгусидаги сотувлар ҳақида гапиришни ҳам истамайдилар.

Мен Барридан унинг ишга туширилишини ҳар томонлама таҳлил қилиш учун олган интервюда, мен бу ҳолат ҳақда сўрадим ва у ҳақиқатан ҳам масаланинг тижорий томонига эътибор беришни хоҳламаганини тасдиқлади. Барри дарс беришни яхши кўрарди ва потенциал мижозлар уларга берган барча маълумотлари учун уни яхши кўрарди. У яқинлашиб келаётган сотув жараёнини эслатиб, бу ажойиб муҳитни бузмоқчи эмас эди. Аммо Барри айтганидек: “Мен PLF усулига тўлиқ риоя қилишга қарор қилдим, сиз эса менга шундай қилишни маслаҳат бердингиз. Мен буни қилдим ва формуласалар иш берди”.

Олти кун давомида учта видео намойиш этилди. Барри курсга ёзилиш рўйхатини бошлаганида, мавжуд 15 ўриннинг деярли барчасини сотишга муваффақ бўлди ва 29,955 доллар даромад кўрди. Шу билан бирга, унинг шахсий харажатлари унчалик катта эмас эди – аслида у фақат кредит карталар орқали қилинган буюртмаларни қайта ишлаш учун комиссия тўлаши керак эди холос.

Ишга тушириш ва мижозлар эришган натижалар туфайли Барри биринчи курсни тугатгандан сўнг яна бир гуруҳни йиғишига тушди. Яъни у 1000тадан кам манзилларнинг рўйхатига эга бўла туриб, 59 910 доллар даромад кўрди.

Дарҳақиқат, биргина потенциал мижоз унга 59 доллар даромад келтирасади – у рўйхатда бўлганларнинг барчасидан деярли 60 доллар даромад кўрди!

Лекин ҳаммаси шу билан тугамади. Шу пайтдан бошлиб Барри тайёр видео материаллардан фойдаланган ҳолда ишга туширишни яна тўрт марта бажарди. Ва ҳар сафар унинг гуруҳига 15 дан 18 гача одам ёзилган. Мавриди келиб, маълум муддат Барри мижозларга инди-

видуал мураббийлик машғулотларини таклиф қилишни түхтатди. Яъни вақт сарфини оптималлаштириш йўлида яна бир катта қадам ташлади. Ушбу босқичда у нархни 997 долларгача камайтирди, аммо янги мижозни қабул қилиниши иш вақтининг кўпайишини англатмас эди. Янги сотувлар қўшимча иш вақтни талаб қилмасди. У энди “иш соатларини долларларга алмаштириш” керак бўлган ва турмуш даражасини яхшилашга қодир бўлган дунёга тегишли эмас эди.

Мазкур битиклар қоғозга туширилаётган пайтда Барри олтита курс ўтказган, бу гурухларда ҳар сафар 15 дан 18 тагача ўкувчи бўлганди. Кўпчилик 2000 доллар тўлаган, аммо 997 доллар эвазига шахсий мураббийсиз оддий версияни афзал кўрганлар ҳам бор эди. Бу Баррининг минимал бошланғич капитал билан 100 минг доллар ишлага нини англатади. Шу билан бирга, у мижозларга жуда зарур маҳсулотни сотди ва бунинг учун у мамлакат бўйлаб кезишига ҳожат қолмади.

PFL ишга тушириши ва Яширин реклама таклифларининг кучи шунда эди. Улар потенциал мижозлар билан алоқа қилиш учун шароит ва маҳсулотларнинг ташки кўринишини намойиш этиш имкониятини тақдим этади. Улар сизга маркетинг туманидан ўтиб, рақобатдан чиқиб кетишингизга имкон беради. Улар савдо агентлигига хос бўлган алоҳида иқтидорни талаб қилмасдан ўта самарали савдо механизмини яратадилар. Ва сотишдан кейин сизда “энди душ қабул қилиб олсан яхши бўларди”, деган ҳиссиёт бўлмайди<sup>7</sup>.

## 5-боб. Оммавий таъсир қуроллари: менталь триггерлар.

2005 йилда менинг маҳсулотни ишга тушириш Форму

<sup>7</sup> Барри Фридманнинг вазиятга хос услугий таҳлилини <http://thelaunchbook.com/barry> да топиш мумкин.

ласи бўйича ўқув курсим тайёр бўлди. Ва бу эндиликда мазкур натижаларга олиб келди.

Биринчидан, одамлар Формуладан фойдаланиб, мутлақо ажойиб натижаларга эришдилар. Ушбу натижалар улар ўрганган нарсалардан икки, беш, ўн ва ҳатто ўн беш баравар афзal эди.

Иккинчидан, кўплаб бозор “экспертлари” Формула нечоғлик кенг тарқалиши баробарида ушбу муваффакиётларнинг пасайиб боришини тахмин қила бошладилар. PLF бу шиддат билан урфга кирувчи нарсадан бошқа нарса эмас ва одамлар тез орада ишга туширишга аҳамият бермай қўяди, деб таъкидлашди. Тахминларга кўра, аста-секин, ҳаммаям ишга туширишларнинг нима эканини билиб олади, янгилик эффиқти йўқолади ва натижалар муттасил пасая бошлиши керак эди.

Албатта, буларнинг ҳеч бири содир бўлмади. Бундан ташқари, ҳозирда менинг шогирдларим эришаётган натижалар мен маҳсулотни ишга тушириш формуласини эндинина ўрганишни бошлаганимда кўрган ютуқлардан анча юқори. Мен ушбу сатрларни ёзганимда, тарихдаги энг муваффакиятли ишга туширишлардан бири – ҳозиргина энг қизиқарли бозор стари содир бўлди. Шундай қилиб, PLFни ишга тушириш даври ҳали тугамаган, деб айтиш мумкин. Муваффакиятлар биз моделни такомиллаштира боришимиз баробарида ўсиб бормоқда.

Хаёлпараст мутахассислар 2005 йилда эътибордан четда қолдирган ва ҳозирги кунларда хисобга олишмаётган нарса мана бундай: тактика доимий такомиллашиб бориши туфайли методология иш бериш лаёқатини сақлаб қолаверади. Аммо бу муваффакиятли натижалар янада жиддийроқ сабабга боғлиқ. Менинг формулатамнинг асосий стратегиялари ҳар доим ҳам ишлаган. Маҳсулотни ишга тушириш формуласи вақт синовидан ўтган, чунки у бизнинг психикамизнинг асосий хусусиятларига асосланган.

Маркетинг ва тадбиркорлик тўғрисидаги китобда бун-

дай баёнот ҳаддан ортиқ баландпарвоз туюлиши мүмкин, аммо биз айнан шу ерда бобимизниң мавзусига қайтамиз.

Мен бунга қадар ҳам менталь триггерлар – биз қабул қилувчи қарорларга бевосита таъсир қиласидиган нарсалар ҳақида бироз тўхталиб ўтишга улгурдим албатта. Улар инсоннинг онг остига ҳайратланарли даражада кучли таъсир кўрсатади. Триггерларнинг илдизлари асрлар қаърига бориб тақалади ва ҳар биримизда маълум даражада мавжуд. Агар сиз мия фаолиятини тубдан ўзгартирмасангиз (бу эса жуда-жуда мушкул, деярли иложсиз!), бу триггерлар бизнинг ҳаракатларимизга таъсир килишда давом этаверади.

Формула таъсириининг кучи қисман сиз ишга тушириш босқичларида ҳаракат қилаётгандаги менталь триггерлар фаоллашишига асосланади. Ушбу триггерлар (изчиллик ва ишга тушириш тарихи билан биргаликда) муваффакиятли ишга тушириш учун асос яратади. Уларни изчил тарзда қайта-қайта ишлатсангиз, сиз потенциал мижозларга (ва ҳатто бутун бозорга) таъсир кўрсатадиган сехру афсунни қўлга киритасиз.

### *Катта куч – катта масъулият*

Менталь триггерларни батафсил кўриб чиқишидан олдин, бу жуда кучли нарса эканлигидан огохлантириб ўтишим керак. Афсуски, уни яхшилик учун ҳам, ёмонлик учун ҳам ишлатиш мүмкин. Очифини айтганда, мен бу маълумотлар, бошқа нарсалар қаторида, ахлоқсиз тарзда фойдаланишини мўлжалловчи одамлар кўлига тушиши мумкинлигини жуда яхши тушунаман. Аммо маҳсулотни ишга тушириш формуласини мендан сотиб олган одамлар билан ишлаган йиллар давомида шу нарса маълум бўлдики, кўп ҳолатларда бундай ажойиб билимга эга бўлган одамлар ўзларининг билимини бошқалар манфаати учун ишлатадилар ва ҳақиқатан ҳам қимматли нарсаларни

яратадилар.

Мен сиз ҳам ушбу тоифага киришингизни истардим – ажойиб нарсаларни яратадиган одамлар ва мен берган билимлар ёрдамида ўз кашфиётини дунёга намойиш қи-лувчи одамлар қаторига кирасиз, деган умиддаман.

Хуллас, келинг бошлаймиз. Мана, менинг тўққизта энг яхши менталь триггерим.

### ► 1. АВТОРИТЕТЛАР

Бошқаларнинг фикрларига ишонч, кўпинча, ушбу фи-кни билдирган кишининг обрўйига, яъни авторитетига боғлиқ. Оқ ҳалатдаги шифокорни кўз олдингизга келти-ринг. Хонага оқ ҳалат кийган одамни кирганини кўриб, кўпчилигимиз беихтиёр унга нисбатан хурмат ҳиссини туямиз. Биз унинг айтганларига қулоқ соламиз ва ҳар қан-дай маслаҳатига амал қилишга тайёр бўламиз. Ундан ўзи-миз учун номақбул бўлган гапни эшлитиб, баъзида ноку-лайликни ҳис қилишимиз ҳам мумкин албатта.

Бундай хатти-ҳаракатда ғайритабиий нарса йўқ. Муш-кул вазиятларда биз, кўпинча, бирорларнинг ёрдамига муҳтоҷ бўламиз. Бегона одам авторитети, бошқа ақлий триггерлар сингари, танлов жараёнини тезлаштиришга имкон беради. Ҳар куни минг-минглаб кичик қарорлар қабул қилишимиз керак бўлади. Ва уларнинг ҳар бири жа-раёндаги маълум иштирок ва шунга мос фикрлашни тақо-зо қиласди. Бизнинг миямиз томонидан қабул қилинган авторитетларга таяниш бу жараённинг самарадорлигини оширади.

Бизнес ва маркетингда кўпроқ таъсир қўрсатадиган бўлиш учун сиз авторитетга эга бўлишингиз керак. Сизга шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, бу ажабла-нарли даражада осон амалга оширилади. Бу ҳақиқат менга ўрта мактаб давриданоқ маълум бўлган. Уч дўстим билан биргаликда мен ҳам футболдан уйга қайтаётиб – худди бошқа юзлаб одамлар сингари – машиналар тураргоҳи-даги тирбандликка дуч келдим. Кўплаб машиналар бир вақтнинг ўзида кўчага чиқишига ҳаракат қилгани туфайли

тирбандлик тиғизлашиб, натижада ҳаракат тұлиқ тұхтаб қолди. Ўша пайтда авторитет нима эканлигини яхшироқ тушунган дүстларимдан бири бизнинг машинамизда ёт-ған құлчироқни күриб қолди ва дархол нима қилиш ло-зимлигини тушунгандек ҳаракатта түшди. У сакраб тушиб, чироқни ёқди ва ҳаракатни бошқаришга киришди. Умуман олганда, буни ҳаракатни бошқариш деб ҳам номлаб бўлмайди; у шунчаки бизнинг машинамиз олдида юриб, чиқиш йўлини кўрсатди. Қолган ҳайдовчилар чироқнинг нурини кўриб, бизнинг шахсий “транспорт назоратчи-мизга” йўлни бўшатиб беришди ва биз чиқиш йўлига келдик. Қўлчироқ унга ҳаракатни бошқариш учун ягона кучни тақдим этганди. Аммо унинг нурларини кўриб, одамлар ўзларига кўрсатмалар беришга ҳақли бўлган одам турибди, деб тахмин қилишди. Ўша кеча мен шуни тушуниб етдим: авторитеттега эришиш унчалик қийин эмас.

Махсулотни ишга тушириш формуласи авторитеттега эга бўлиш учун идеал воситадир. Бу деярли автоматик равищда потенциал харидорларга ишга туширишдан олдинги қимматли маълумотларни тақдим этиш орқали таъминланади. Масалан, “Бугунги оқшом” дастурида ва Оқ уйдаги чиқишлиарни айтиб, Барри Фридман дархол авторитеттега сазовор бўлди. Ва у ўзининг ютуқлари ҳақида гапириб, тингловчиларга ёрдам беришни хоҳлаганлиги сабабли, унинг сўзлари бўхтон деб қабул қилинмади, балки потенциал мижозлар билан алоқаларни ўрнатишга хисса қўшди.

## ► 2. ЎЗАРО МУНОСАБАТ

Ўзаро муносабат ғояси шундан иборатки, бошқа одамдан бирон бир фойдали нарса олгач, биз қандайdir дара жада унга қандайdir миннатдорчилик билдиришга мажбурмиз. Бу минглаб йиллар давомида мавжуд бўлган ўта муҳим ақлий триггер. Аслида, ушбу тамойил одамларга савдо-сотиқни ташкил этиш имкониятини яратиб берган. Биз махсулот ёки хизматни тақдим этган мижоз, ўз навбатида, битим шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини

бажаришига кафил бўлмасидан туриб савдо муносабатини шакллантириб бўлмайди.

Ўзаро муносабат – ўзаро жавоб қайтариш жуда кучли триггер. Масалан, бизнинг оиласизда Рождество анъана-си совғалар бериш ва олиш билан узвий боғланган қадрият ҳисобланади. Ва менга ишонишингиз мумкин, сизнинг уйингизга дўстингиз ёки қўшнингиз совға билан келганида, сиз унга жавобан ҳеч нарса бера олмаслигингиз бу даҳшатли туйғу. Рождествони нишонлашингиз ёки ак-синчалиги муҳим эмас, аминманки, сиз ҳам бундай туйғуни бошдан кечиргансиз. Агар кимдир сизга совға қилса ва бу одамга қайта миннатдорлик билдиришингизга ҳеч нарсангиз бўлмаса, сизнинг ичингизда бир механизм фаоллашади. Сизни “ҳамма нарсани рисоладагидек” қилиш истаги азоблай бошлайди, бу сизни у одамга нисбатан ўзаро жавоб қайтариш усулини излашга мажбур қилади.

PLF ишга тушириши, олдин сиз одамларга совғалар беришингизни назарда тутади. Аслида, сотувга тайёргарликнинг мақсади – потенциал харидорларни қимматбаҳо бепул материал билан таъминлашдадир. Шундай қилиб, сиз кучли англашилмовчиликни яратасиз, бу қанчалик кучли бўлса, ишга туширишгача бўлган маълумотларнинг сони шунча кўп бўлади. Ва охирида сиз жавоб хизматни сўрасангиз, потенциал мижоз уни сизга тақдим этиш учун кучли истакка эга бўлади. Ва ишга тушириш жараёни охирида ушбу истак, кўпинча, маҳсулот сотиб олишга олиб келади.

Ишга туширишдан олдин, сотиш тўғрисида суҳбат олдин ўзаро алмашиш, маълумот бериш ва олишнинг бир неча маромидан иборат бўлади. Муваффақиятга ишонч ҳосил қилишингиз мумкин, чунки ўзаро жавоб қайтариш – бу сиз ишга туширишингиз давомида фаоллаштирадиган жуда кучли менталь триггерdir.

### ► 3. ИШОНЧ

Одамларга таъсир қилишининг энг осон усули – бу ишончли муносабатларни яратишдан иборат. Ишончим

комилки, яқин дүстингиз, ота-онангиз ёки ўқитувчин-гиз сизга ниманидир айтиб берганида сиз уларга сўзсиз ишонган ҳолатларингизнинг анчагина эканини эслай олсангиз керак. Айни бир пайтда худди шундай гапларни нотаниш одамдан эшитсангиз, бунга, албатта, шубҳа билан қарайсиз. Ишончнинг куч-кудрати ана шундай.

Албатта, бегона одамга таъсир қилиш, агар у сизга ишонса, осонроқ бўлади. Вазият одамни бирон бир ишни қилишга мажбуrlаш ёки уни сиздан бирор нарса сотиб олишга ишонтиришни хоҳловчи ҳолат билан бир хил.

Бизнесда бошқаларнинг ишончини қозониш осон эмаслиги бор гап. Айниқса, замонавий бозор шароитида, одамларнинг бошига кун давомида реклама таклифлари ёмғири ёғаётган бир пайтда. Сизнинг потенциал мижозингиз бундай таклифлардан минглаб миқдорда қабул қилиб олади. “Маркетинг тумани” ичра ёруғ из билан – уни кесиб ўтиш эса осон иш эмас. Бундай шароитда ишончли муносабатларни шакллантириш янада қийинлашади.

Бундай ҳолатда энг осони бу вақтга таяниб таваккал қилиш. Эҳтимол, кимдир сизнинг вазиятингиздан мутлақо фарқли бўлган ҳолатга тушганини ва умуман, ғалати кўринувчи бундай вазиятларни эслай олсангиз керак. Сиз бундай одам билан дўстлашишингиз мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаган бўласиз. Аммо вақт ўтиши билан сиз унинг ишончлилиги ва ҳалоллигига амин бўлдингиз ва аста-секин унга ишона бошлайсиз. Вақт одамларга нисбатан ишончни ривожлантиришга ёрдам беради.

Маҳсулотни ишга тушириш формуласи ва яширин реклама акциялари сизни ҳашамат билан таъминлайди. Улар сизга вақт тақдим этади. Анъанавий реклама ва маркетинг тузоқларидан фарқли ўлароқ, ушбу воситалар сизга потенциал мижозлар билан қайта-қайта мулоқот қилиш имкониятини беради ва анъанавий маркетинг воситаларига қараганда, ишончли муносабатларни шакллантиришга кўпроқ ишонч ҳиссини қўшади.

## ► 4. ОЛДИНДАН СЕЗИШ

Яна бир жуда кучли ақлий триггер – бу “олдиндан сезиши”, маҳсулотни ишга тушириш формуласининг асосидир. Бундан ташқари, мен PLF дарсини беришни бошлаганимда, кўпчилик буни “олдиндан сезиши маркетинги” деб номлаганди.

Олдиндан сезиши – бу “маркетинг туманидан” ўтиш учун имконият яратувчи триггер. У сизга бозорни ўзингизга жалб этиб, бу эътиборни тутиб туришга имкон беради. Болалигингиизда маҳсус тарафдуд билан қайсибир кунни кутганингизни эсланг. Эҳтимол, бу сизнинг туғилган кунингиз бўлгандир. Ёки, эҳтимол, янги йил кутиб олинувчи кундир. Ёки мактаб таътилидан олдинги кун. Бу кун яқинлашганда, вақт секинлашаётганини ҳис қилгансиз. Бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлай олмагансиз. Сиз кутгансиз.

Сизга кичик бир сирни айтаман – бизнинг ҳаммамиз ҳам, аслида, катта болалармиз. Худди шу тарзда биз аҳамиятли кунларни кутамиз. Агар ҳамма нарса тўғри бажарилган бўлса, сизнинг ишга туширишингиз мижозлар томонидан бир йўла туғилган кун ва ёзги таътил сифатида қабул қилинади.

Олдиндан сезиши ноёблик билан чамбарчас боғлиқ – бу яна бир кучли триггер бўлиб, бу ҳақда биз кейинроқ гаплашамиз. Аммо, менимча, камёб нарсалар кўпроқ янада севимлироқ бўлади. Олдиндан кутиш, шунингдек, “воқеалар” билан ҳам узвий боғлиқ, одамлар ушбу санани тақвим орқали белгилайдилар ва олдиндан сезиб, кутиб яшаган кунга қанча вақт қолганини доимий равишда эътиборда тутиб туради. Агар сиз ушбу триггерни тўғри ишлатсангиз, одамлар сизнинг ишга тушириш санангизни тақвимда белгилайдилар ва уни кутишга тушади. Сиз уларни ўзингиз ўйлаб топган сюжетга қизиқтирган бўлардингиз. Улар кейинги серияларни кутишни бошлайди, бундан кейин нима бўлишини билишини исташади ва маҳсулотингизни чиқарилишини кутишдан ўзларини тўхтатолмай қолади.

“Олдиндан сезиш” бошқа менталь триггерлар билан бирлаштириб, сиз унинг самарадорлигини оширасиз ва ёрқин натижаларга эришасиз.

#### ► 5. ЁҚИМЛИ БҮЛИШ ҚОБИЛИЯТИ

Сиз ёқимли бүлиш қобилияти қаби менталь триггер билан тўқнаш келгандирсиз. Шубҳасиз, биз ўзимизга ёқадиган ва биз ишонадиган одамлар билан бизнес қилишдан мамнунмиз. Бизнинг хайриҳоҳлигимизга сабаб бўлган одамлар, ўзимизга нисбатан бефарқ бўлганларга қараганда бизга кўпроқ таъсир кўрсатади.

Кўркамлик ва ёқимлиликни қай тариқа ошириш мумкин? Мен аниқ бир ҳакиқатни айтиб ўтишга журъат этаман – агарда сиз бошқаларга яхшилик қилсангиз сиз янада ёқимли бўлиб борасиз. Мехрибон, сахий ва ҳалол бўлинг, шунда одамлар сизга мурожаат қилишади. Ва сизнинг ёқимли мафтункорлигингиз қанчалик баланд бўлса, таъсирингиз ҳам шунча кўпроқ бўлади.

Умуман олганда, одамлар жонсиз корпорациялардан кўра бошқа одамлар билан муносабатда бўлишни афзал кўришади. Атрофингиизга назар ташласангиз, ҳатто маълум одамнинг юзи тимсолида хабарлар юборишга ҳаракат қилаётган жуда катта корпорациялар ҳам ушбу тамойилини тушуна бошлаганини кўрасиз. Бугунги кунда, маълумотларнинг рақамили узатилиши одатий ҳолга айланғанида, биз шахсий алоқалар ва ҳаққонийликни саклашга ҳаракат қилаяпмиз.

Ишга тушириш олди кетма-кетлигининг илгари тасвиrlанган тавсифига диққат билан қараб, тўғри ишлаб чиқилган кетма-кетлик сизнинг жозибадорлигингизни оширишини англайсиз. Сиз одамларга ажойиб бепул маътериалларни таклиф қиласиз, улар билан алоқа ўрнатасиз, уларнинг саволлари ва шарҳларига жавоб берасиз. Буларнинг барчаси сизнинг ижобий имиджингизни шакллантиради. Сиз бозорингиз ва мижозларингиз билан ишончли алоқаларни ўрнатмоқдасиз. Бу сизнинг таъсирингизни янада кучли қиласиди.

## ► 6. ВОҚЕА ВА МАРОСИМ

Маркетингни тадбирга айлантириб (бу PFLни муваффақиятли ишга туширишнинг мақсади) сиз дарҳол уни жозибали қиласиз. Одамлар воқеаларни яхши кўради, воқеалар уларни ўзига жалб қилади. Воқеалар уларга ўзларини каттароқ нарсанинг бир қисми эканлигини ҳис қилиш имконини беради. Спорт мухлисларини севимли жамоасининг тақдирини дикқат билан кузатиб боришининг сабабларидан бири ҳам шунда. Бундан ташқари, “ўз жамоаси” аъзолари, одатда, улар учун умуман нотаниш одамлардан таркиб топган бўлади. Аммо уларнинг ўйинларини томоша қилиш мухлислар ҳаётидаги муҳим воқеага айланади.

Кўпинча, бу триггер “маросим” каби нарсага асосланган. Маълум воқеанинг одамлар билан биргаликда бошдан кечирилиши, ҳис қилиниши, ҳаяжони ўзига хос маросимга айланади. Маросимлар одамларни бирлаштиради ва мавжуд бўлган энг кучли тажрибаларни яратади. Урф-одатлар деярли барча динларнинг асосидир. Замонавий Farb дунёсида бундай маросимларнинг етишмаслиги мавжуд (бу нима учун спорт мусобақалари кўпчилик учун жуда муҳим эканини ўзига хос тарзда изоҳлайди ҳам), натижада кўпчилигимиз учун мазкур тажриба жўшқин ҳаяжонларга бой бўлади.

Ушбу китоб янги динлар ёки спорт жамоаларини яратиш учун қўлланма эмас, аммо ҳеч нарса бу кучли триггерни тез ва осон ишлатишингизга халақит бермайди. Маркетингни воқеага айлантиринг ва эришилган натижаларга қойил қоласиз.

## ► 7. ЖАМИЯТ

Бизни қуршаб турган теварак ҳам кучли триггерлар сирасига киради. Биз ўзимизни жамиятда қабул қилинган қоидалар доирасида тутамиз албатта. Мен ўсмирилигимда, Американинг Ўрта Farбида деярли ҳар бир уйнинг олдида мусаффо майсазор бор эди. Яшил майсазорни яратиш ва парвариш қилиш кўп вақт, куч ва маблағни талаб қилар

эди. Менга, негадир, одамлар буни уйнинг олдида ўсувчи ўтларга ўралашиб юриш учунгина қилишмагандек бўлиб туюлаверарди. Аммо майсазор яратиш жамиятда ижтиимоий меъёрга айланиб, унга ҳамма ўзгача эътибор билан ёндашиб, риоя қиларди.

Ишончим комил: ўйлаб кўрсангиз, сизнинг ўзингиз бир неча жамоатларнинг аъзоси эканингизга амин бўласиз. Бу ҳамкаслар, бирон бир ижтиимоий ҳамжамият, дўстлар доираси ва ҳатто Интернетдаги форумлар бўлиши мумкин. Ва барча ҳолатларда, ахлоқий меъёрларни белгилайдиган муайян қоидалар тўплами мавжуд. Албатта, ҳар бир жамоанинг ўз меъёрлари бор, лекин шу билан бирга улар маълум бир жамият аъзоларига кучли таъсир кўрсатади.

Бироқ, битта ёқимли нарса ҳам борки, эҳтимол бу сизга ҳали маълум ҳам эмасдир. Баъзан, ҳамжамият бир-бирига ўхшаш тизимларга эга бўлган катта тузилмага ўхшайди ва у билан ўзаро муносабатга киришишнинг ўзи осон эмасдек кўринади. Лекин аслида бундай эмас. Ишга тушириш жараёнида ўзингизнинг онлайн ҳамжамиятингизни яратишингизга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди. Одамларнинг сиз билан муносабати, сизнинг маркетингингиз ва бир-бирлари билан ўзаро муносабати жамият барпо қилиш йўлидаги биринчи қадамдир. Ва бу сиз жамият меъёрларини белгилайсиз, деган маънони англатади. Ушбу нормалар сифатида сиз ишга туширишгacha бўлган ахборот материаллари, ишга туширишга бағишлиланган блогдаги шарҳлар ва ижтиимоий тармоқлардаги постларингизни “лайклар” учун рўйхатдан ўтказишингиз мумкин. Ва ҳатто сизнинг маҳсулотингизни сотиб олиш рўйхатини ҳам.

## ► 8. КАМЁБЛИК

Камёблик энг кучли менталь триггерлардан биридир. Нуқта. Ҳаммаси жуда оддий: маълум бир нарса қанчалик камёб бўлса, у шунча кўп керақдек бўлиб туюлади. Аслида, бизнинг ҳаёт тарзимизни айнан камёблик бошқаради. Агар сиз бу ҳақда ўйлаб кўрсангиз, мазкур триггер биз-

нинг ҳаётимизга жуда кўп ва турли хил таъсир қилишини англаб етасиз. Нима учун одамлар олмосни бошқа қимматбаҳо тошлардан кўпроқ қадрлашади? Чунки уларни олиш қийинроқ. Кесиш-тарошлаш қийинроқ. Улар бошқа тошларга қараганда камроқ. Ва улар жуда қиммат туради.

Худди шу каби мулоҳазани олтин, “Ролекс” соатлари ва “Феррари” автомобиллари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Бу триггерлар одамларни қарор қабул қилишга мажбур қиласди. Кўпчилик, айниқса, пул сарфлаш ҳақида гап кетганда, қарор қилиш билан боғлиқ дамни кечиктиришни афзал кўради. Аммо сизнинг маркетингингизнинг асосий мақсадларидан бири бу одамларни қарор қабул қилишга мажбурашдир. Ва бу ерда камёблик сизга ёрдам беради. Агар маълум бир ресурс камёб бўлса, сиз тезда қарор қилишингиз керак бўлиб қолади, акс ҳолда у тугаб қолиши мумкин ахир.

Ишга тушириш муваффақиятли амалга ошиши учун ушбу триггерни унга ўрнатиш керак. Номукаммал харид охир-оқибат салбий оқибатларга олиб келиши турган гап (масалан, ишга тушириш тугаганидан кейин маҳсулот нархини ошиб кетишига). Шу каби ёндашув натижаларингизни янги босқичга олиб чиқади.

Тажриба шуни кўрсатадики, ишга тушириш сотувининг сўнгги кунида бошқа вақтга қараганда кўпроқ сотилади. Яхши ташкил этилган ишга тушириш билан, сўнгги сонияларда шошилинч харид қилиш, авлиё Валентин куни олдидан гул сотиб олиш муқаррарлиги сингари табиий ҳолат.

Бу спорт томошасини ёдга солади. Ишга тушириш дастурига маълум бир чеклов қўшиб қўйинг, шундан сўнг катта попкорн қутисини сотиб олинг, стулга ўтиринг ва кечқурун савдонинг жадал ўсишини кузатинг.

Сўнгги учта ҳатбошини яна бир бор ўқиб чиқинг, чунки бундай кучли триггер натижаларингизни тубдан ўзгартиришга имкон беради. Агар менинг барча тавсияларим ичидан фақатгина ушбу триггерларни амалга оширишга

қарор қылсангиз ва уни барча бошланғичларда ишлатишни бошласангиз, сиз ушбу китобни сотиб олишга сарфланган пулдан 10 000 баравар кўп даромад оласиз.

### ► 9. ИЖТИМОИЙ ДАЛИЛ

Биз кўриб чиқувчи энг кучли триггер ижтимоий далил ҳисобланади. Анъанавий маркетинг компанияси доирасида унга эришиш жуда қийин, аммо уни маҳсулотни PLF-ишга тушириш тартибиға киритиш осон.

Ушбу триггер одамларнинг хатти-ҳаракатларини бошқаларнинг юриш-туришлариға солиштириш орқалигина тўғри деб ҳисоблаши билан боғлиқ. Одатда, ўзимиз нима қилишни билмасак, биз бошқалардан намуна олишни бошлаймиз. Инсон – бу ижтимоий мавжудот, шунинг учун бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатлари бизга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, деб ўйлашга ҳожат қолмайди албатта.

Тасаввур қилинг, масалан, сиз нотаниш шаҳарга келгансиз ва кечки овқатланиш учун жой қидирайпсиз. Тажрибанинг ҳаққонийроқ ўтиши учун, сизнинг смартфонингиздаги батарея қуввати тугаган деб тахмин қилинг, яъни Интернетдан фойдаланиш ва маҳаллий ресторонларнинг шарҳларини ўқиш имконингиз бўлмайди. Ва шу пайт сиз иккита ресторанни кўриб қоласиз. Ўнг томондаги машиналар тураргоҳида битта ҳам машина йўқ, аммо чап томондаги тураргоҳда олтига машина турибди. Сиз қайси ресторанга кирасиз? Аксарият одамлар бирон афзал сабаби бордирки, маҳаллий аҳоли бу ресторанни маъқул кўрган, деб ўйлаб, чап томонни танлашни афзал кўради. Ижтимоий исбот шу тарзда ишлайди.

Ана энди, айтайлик, сиз смартфондан фойдаланишингиз мумкин овқатланиш учун жойлар ҳақидаги маълумотлар билан таниша олишингиз сизга ижтимоий исботнинг яна бир усулини тақдим этади. Аммо иккала ҳолатда ҳам, сизнинг танловингиз бошқа одамлар қилган ёки ёзган нарсаларга асосланади.

Бошқа бир мисолни кўриб чиқайлик. Дейлик, сиз би-

рон бир дастур ёки иловани юкламоқчисиз. Сиз download.com сайтига ёки иловалар дўконига борасиз, қидиришдан фойдаланасиз ва 30 дастур варианtlарига ҳаволалар оласиз. Улардан бири 3,5 миллион марта юкланган, иккинчиси – 17 000 марта, қолганлари – бир неча юз марта, баъзида эса ундан ҳам кам. Аввал қайси вариантни кўриб чиқиши маъқул кўрасиз? Кузатув кўпчилик томонидан юклаб олинган ва максимал миқдорга эга бўлган дастурни кўриб чиқиш билан бошланади. Ахир, одамлар бир нарсани билишадики, буни юклаб олган, деб ўйлайсиз, тўғрими? Яъни, ижтимоий исбот яна кучга киради.

Сизнинг ишга туширишингизда ушбу триггерни қандай кўллаш мумкин бўлади? Ишга туширишнинг интерактив хусусияти ҳар қандай ижтимоий далилларни яратишга имкон беради. Сизнинг сайtingизга тасодифан кирган киши бошланғич маълумотларингиз қандай изоҳланаётгани кўриши, одамлар сизнинг ишга туширишингиздан мамнун эканлиги ва сотувлар бошланишини интизорлик билан кутганини кўришлари – бу ижтимоий исботнинг амалдаги намоёни ҳисобланади.

## **Оралиқ ва давомийлик: менталь триггерларнинг кейинги даражаси**

Шундай қилиб, ушбу бобда сиз менталь триггерлар ҳакида асосий тушунчага эга бўлдингиз – бу доимий равишда, бизнинг ҳаракатларимизга узлуксиз таъсир қиладиган нарсалар. Улар қандай қарорлар қабул қилишингизни аниқлаб беради. Ва бу китоб нуқтаи назаридан анча муҳимроқ, улар доимий равищда сизнинг потенциал мижозларингизнинг қарорлари ва ҳаракатларига таъсир қиласади.

Бундай ҳолда, мен мавзуга қисқача кириш билангина чекландим. Ушбу китобнинг формати бизга фақат тўққиз триггерни кўриб чиқишига имкон берди, улар мен PLF да ишлатадиган нарсаларимнинг деярли ярмини ташкил

этади<sup>8</sup>.

Шуни эсда тутиш керакки, триггерлар алоҳида ишлатиладиган нарсалар эмас. Уларнинг аксарияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва синергетикдир. Бу триггерларнинг комбинациясидан фойдаланиб, сиз эффектни сезиларли даражада кучайтирасиз.

Масалан, авторитет ишонч билан чамбарчас боғлиқ. Ўзингизга ишонганингизда, ўз авторитетингиз билишингиз осонроқ бўлади. Шу билан бирга, авторитетта эга бўлган одамга табиий равищда кўпроқ ишонилади.

Жуфтликнинг яна бир мисоли – бу камёблик ва ижтимоий далиллар. Агар бирор нарса дефицит бўлса, умуман олганда, бу талабнинг таклифга нисбатан ортиқлигини англатади. Демак, бу нарса катта талабга эга, деб тахмин қилинади, бу эса ўз навбатида ижтимоий исботнинг қиймати бўлиб хизмат қиласди. Аслида, камёблик ва ижтимоий далил бир танганинг икки томонлари ҳисобланади.

Ақлий триггерларнинг яна бир муҳим ҳусусиятини ёдда тутиш керак. Бир-бири билан комбинацияланган ҳолда, улар ўз кучларини оширадилар. Айнан шу жиҳати билан маҳсулотни ишга тушириш Формуласи тенгсиз саналади. Ишга туширишларнинг табиати бизга бир-бирининг устида турадиган триггерлар тўпламини кўллаш учун вақт ва имкон тақдим этади.

Ишга тушириш олди жараёни ва ундаги кетма-кетлигини ўрганиш пайтида, мен ушбу мавзуга яна қайтаман. Сизга ҳар бир аниқ босқичда қайси триггерларни ёкиш кераклигини айтиб ўтаман, аммо ҳозирча кичик бир мисолни кўриб чиқайлик.

Умуман олганда, эксплуатациядан олдинги парвоз умумий истиқбол ва имкониятларни намойиш этувчи таъсирчан маълумотлардан бошланади. Ушбу маълумотларни тақдим этиш билан сиз дарҳол ишончга эга бўласиз; бу деярли ўз-ўзидан содир бўлади. Бундай ҳолда сиз

<sup>8</sup> Ушбу мавзу бўйича кўшимча маълумот олишни истаганлар учун видео тайёрладим: <http://thelaunchbook.com/triggers>

ўзаро келишув каби триггерларни фаоллаштирасиз, чунки сизнинг қимматли маълумотларингиз бепул бўлади. Уни олган одам сизга раҳмат айтишни хоҳлайди, бу кўпинча сизнинг маҳсулотингизни сотиб олишга қарор қиласди. Бундан ташқари, ишга тушириш олдидан бошқа жиҳатлар ҳақида гапириб, сиз ўзингиз учун ишлашни олдиндан кутиш каби триггерни ишлашига мажбурлайсиз.

Режалаштирилган кетма-кетликда ҳаракат қилсангиз, ижтимоий далил пайдо бўлади, чунки одамлар сиз тақдим этган маълумотни ишга туширишдан олдин, унга очик изоҳ беришади. Ушбу шарҳлар сизнинг блогингизда ёки ижтимоий тармокда пайдо бўлиши мумкин, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам улар сизга ижтимоий далиллар таъсирини тўплашга ёрдам беради. Ва мен умид қиласманки, ишга туширишдан олдинги босқичда потенциал мижозлар билан ўзаро муносабат сизга уларни ёқтиришингиз учун имкон беради (ва келажакда ишонч учун асос яратади).

Ишга туширишнинг охирларида, савдо бошланишидан олдин ва сотишни бошлаш санасида, одамлар маҳсулотингизнинг чиқишини кутишлари учун воқеа ва маросим каби триггерларни фаоллаштириш вақти келади. Ушбу нуқтада, сиз таклиф қиласиган нарсалар ҳақида сухбатни бошлаш ва таклифнинг чекланганлигини эслатиб ўтган ҳолда, сиз камёблик триггерларини табиий равища фаоллаштиришингиз мумкин.

Бу ақлий триггерларнинг комбинациясидан фойдаланишнинг кичик бир намунасиdir ва умид қиласманки, улар қанчалик кучли эканлигини тушиниб етдингиз. Ва PLF триггери экспонентли кучайтирувчи эффект яратиш учун ушбу комбинациядан фойдаланишга имкон беради. Тилсим-жоду айнан шу ерда – охир-оқибат, ҳар бир киши индивидуал триггерларга ўзига хос тарзда реакция қўрсатади. Баъзиларига ижтимоий далил жуда таъсир қиласди, бошқалари эса асосан ишонч ва авторитет каби таъсирлар остида қарор қабул қилишади. Аммо битта триггер-

ни бошқасига кетма-кет қўйиб, унга қарши туриш деярли мумкин бўлмаган нарса яратишга туртки бўласиз. Бу маҳсулотни ишга тушириш формуласининг аниқ кучи ва шунинг учун у ўйин қоидаларини бутунлай ўзгартира олди.

Шундай қилиб, мен сизга жуда кўп назарий маълумотларни тақдим этдим. Сиз ҳозиргина менталь триггерлар билан танишиб чиқдингиз ва аллақачон PLF мозаикасининг асосий қисмларини тушуниб етдингиз. Олдинга интилиш вақти келди ва бу бутун назарияни аниқ бир ишга тушириш орқали кўриб чиқишимиз керак.

Ва биз бошланғич қисмни бегона кўзлардан пинҳон тутилган нарсадан бошлаймиз. Айнан мана шубегона кўзлардан яширилган таркибий тузилма, бизга улкан муваффақиятни таъминлайди. Ишга тушириш олдидан бўлувчи ҳаракатнинг вақти келди...

## 6-боб. Огоҳлантирув зарбаси: ишга туширишдан олдин

Ўйлайманки, сиз ишга туширишнинг жиддий иш ва режалаштиришни талаб қилишини англаб етдингиз. Ҳа, тушунаман... Мен ҳам бошқача бўлишини истардим. Аммо меҳнатсиз пул ишлашнинг иложи йўқ. Менимча, агар сиз ҳали ҳам ушбу китобни ўқиши давом эттираётган бўлсангиз, меҳнат сизни чўчитмайди.

Одатда, барчаси ишга тушириш олди ишларидан бошланади. Бу сеҳрли лаҳза, потенциал мижозлар қандайдир қизиқ нарсаларнинг ёғилишини тахмин қила бошлайдилар.

Йиллар давомида мен маҳсулотни ишга тушириш формуласининг мухандислик таҳлилини ўтказишга ҳаракат қилаётган бир неча одамларни кўрганман. Бошқача қилиб айтганда; бир нечта ишга туширишни кўрганларидан сўнг, улар бутун бу “ошхона” қандай ишлашини тушунишга ҳаракат қилишган эди. Аммо пинҳоний қисмлар,

күпинча, ҳар қандай жараённинг муҳандислик таҳлилига халақит беради. Бунда баъзи бир муҳим таркибий қисмларни эътиборсиз қолдиришнинг ўзи кифоя қиласи ва жараён жуда ёмон якунланади. Кузатувчилар деярли ҳар доим эътибордан ташқарида қолдирадиган нарса бу – саҳна олдиндан тайёргарлик воқеалар билан боғлиқ – айнан мана шу босқич begona кўзлардан пинҳон бўлади. Шуниси эътиборга лойиқки, бу формуланинг қисмларини амалга ошириш учун энг оддий ва осон йўлдир.

Ишга тушириш олди ғояси шундаки, сиз мухлисларни қайта ишлай бошлайсиз ёки агар сизда улар бўлмаса, уларни орттиришга ҳаракат қилишингиз мумкин. Шу билан бирга қатор фундаментал тадбирлар ўтказилиб келади. Сизнинг маҳсулотингиз бозорга қандай қизиқиш ўйғотиши мумкинлигини текширасиз. Ишга туширишдан олдинги босқичда жавоб беришингиз керак бўлган потенциал изоҳларни олдиндан билиб олишга ҳаракат қилишингиз керак. Ва ниҳоят, тижорат таклифингизнинг якуний шаклини аниқлашга ёрдам берадиган маълумотларни тўпланг. Бундан ташқари, сиз ишга тушириш олдидаги кетма-кетлик учун пойdevor тайёrlаётган бўласиз.

Мен ишга тушириш олдидан бўлган жараённи огоҳлантириш зарбаси деб аташни яхши кўраман. Денгиз флотида очиқ кема ҳужумига ишора қиласдан дикқатни жалб қилиш имконини берадиган бошқа кема йўналиши бўйича отишмани шундай аташади. Ушбу босқичдаги барча ҳаракатларингиз, шунга ўхшаш тарзда, у ерда бирон бир нарсани сотишга уринмасдан фақатгина бозорнинг эътиборини жалб қилишга қаратилган бўлади.

Сизга бу жуда кўп куч талаб этадигандай туюлаяпти, тўғрими? Ҳа, бу босқичда сиз кўп меҳнат қилишингиз керак, аммо буларнинг барчаси амалда қанчалик осон ва содда ўтишига ҳайрон бўласиз.

Шахсан мен, одатда, ишга туширишдан олдин бир ёки иккита электрон почтани ишлатишни афзал кўрар эдим, аммо бугунги кунда кўпчилик одамлар ижтимоий тар-

моқлардан күпроқ фойдаланишни афзал күришади. Бир неча бор Интернетта видеоклиптар жойлаштирдим ва баъзида уларга анкеталарни ҳам қўшдим.

## *Ишга туширишдан олдин ўнта савол*

Мана, кейинги сафарга тайёргарлик кўраётиб, унинг биринчи босқичи ҳақида ўйлай бошлаган вақтимда бошимда ғужғон ўйнаган асосий саналувчи ўнта савол:

1. Одамларда ўзларига бирон бир нарсани сотишлари зарурлигини ҳис қилдирмасидан туриб, бўлажак воқеа ҳақида маълумотни қандай тақдим этиш керак?

Одамлар бирор нарсани сотишга ҳаракат қилаётгандарини англашлари биланоқ, уларда ички норозилик на мояиши бўлади. “Юлдузли трек” фильмида бўлганидек: заррагина бўлсин таҳдид хавфи юзага келганида “Химояни ёқинг!” буйруғи берилиши зарур. Тижорий қўнғироқларнинг натижаси – бу потенциал мижозлар учун ишончни ва ҳамдардликни йўқотишдир. Шунинг учун, бу ҳолда сиз маҳсулотни сотишга очик уринишларсиз гаплашишингиз керак.

2. Қандай қилиб уларнинг қизиқишини ўйғотиш мумкин?

Қизиқиши, олдиндан сезиш сингари менталь триггер билан чамбарчас боғлиқ. Айни шу илмоқ одамларни тутиб туради ва уларнинг кетиб қолишига йўл қўймайди. Дастлабки босқичда потенциал мижозларнинг қизиқишини ўйғотиб, сиз уларни ишга тушириш пайтидаги содир бўлаётгандарга нисбатан қизиқишингизни сақлаб қолишингиз мумкин.

3. Одамларни ўз маҳсулотимни яратишимда ёрдам беришга қай тариқа мажбураш им мумкин? Қандай қилиб уларни ҳамкорликка тайёр туришга ундаш мумкин?

Бу кўпчилик эътибордан четдан қолдирадиган жуда муҳим жиҳат. Одамлар яратилишига ўзлари ҳисса қўшган нарсаларни қўллаб-кувватлашга мойилдирлар. Агар сиз потенциал мижозларни бу ишга жалб қилиб, уларга бу

жараён билан боғлиқ эканини ҳис қилишга – эҳтимолки, ҳаммуаллиф бўлишга – мажбур қила олсангиз улар сизни қўллаб-қувватловчи гурухни ташкил қиласди.

4. Маҳсулотга оид потенциал эътиrozларни қай тариқа аниқлаш мумкин?

Одамларнинг маҳсулотни сотиб олишига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф қилмасдан туриб маҳсулотни сотиш мумкин эмас. Аммо бу омилларни бартараф қилиш учун, аввало, уларни аниқлаш керак. Сиз бу борадаги барча изоҳларни биламан, деб ТАҲМИН қилишингиз мумкин, ваҳоланки бу ҳақда фақатгина потенциал мижозлар билан муносабатлар орқалигина БИЛИШ мумкин бўлади. Афсуски, ишга туширишлар, кўпинча, бўлиши мумкин бўлган – айни шундай акс-омилларнинг моҳиятини тушунмаган ҳолда амалга оширилади. Ишга туширишдан олдинги бўлган жараён уларни эрта босқичда аниқлашга имкон беради. Шу билан бирга, сиз пайдо бўлган саволларнинг жавоблари ҳақида ўйлашингиз ва потенциал мижозлар томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун вақтингиз пайдо бўлади.

5. Потенциал мижозни тақдим этилаётган маҳсулот муҳокамасига жалб қиласа бўлади? Айни пайтда, ишга туширишни бошланмасиданоқ бўғиб қўювчи корпоратив-бюрократик тил таъсиридан муҳофазаланиш мумкин?

Мисолимиздаги вазиятда савдо агентига айланмаган ҳолда потенциал мижозларга яқинлашаётган ишга тушириш ҳақида маълумотни қай тариқа беришга оид дастлабки савол билан боғлиқлик мавжуд. Аммо бу ҳолда, “иштирок этиш”дек муҳим нарса – суҳбатнинг бошланиши ва мулоқотни қўллаб-қувватлаш ҳам қўшилади. Бошқача қилиб айтганда, айни шу пайтда “ишга туширишни муҳокама қилиш” га тайёргарлик бошланади, мазкур мулоқот давомида сиз монологни, маркетинг диалогига айлантирасиз.

6. Қандай қилиб ишга туширишни завқли, ҳазил туй-

гуси билан ва ҳатто мафтункор ўтказса бўлади?

Мен олдиндан сизни огоҳлантироқчиман: мен сизга берган кучли воситаларга қарамай, оломон бозорда одамларнинг эътиборини жалб қилиш ҳар доим жуда оғир ишдир. Тасаввур қилинг, сиз ўз таъсир доирангизга жалб қиласидиган ҳар бир сония бу вақт сайин муттасиллик касб этувчи “диққат-эътибор бомбаси” деган белгидир. Ва бу сониялар эса сизнинг ҳисобингизда унчалик кўп эмас. Мен сизни қўрқитмоқчи ёки содир бўлаётган нарсаларни ортиқ даражада бўрттироқчи эмасман, лекин ҳақиқат шундаки, сиз ўзингизнинг маҳсулотингизни сотмоқчи бўлган одамларнинг диққатини ўзига жалб қилиш учун яна минглаб турли нарсалар курашмоқда. Ҳазил ва бъязи кутилмаган харакатлар диққатни бир зумда қайта тиклаш воситаси сифатида қўлланиши мумкин. Ҳар сафар потенциал мижозни кулдириб ёки табассум қилишга мажбурлассангиз, “диққат-эътибор бомбаси” ҳисоблагичи қайта тикланади ва сиз яна бир неча қимматли сонияларга эга бўласиз.

7. Одамлар гавжум бўлган бозорда қандай ажралиб туриш керак?

Аслида, бу олтинчи саволга оид мулоҳазаларнинг давоми. Ажралиб туриш – бу потенциал мижозларни ўз таъсир доирасига жалб қилиш ва шу ерда тутиб туришдир. Мен ҳеч қачон, менинг маркетингим бошқа одамларнинг маркетингига ўхшаш бўлишини хоҳламас эдим. Мен уни бошқача, ноёб, унтилмас бўлишни истаганман. Мен ҳар доим бир эски тамойилни ёдда тутаман: аслида, кўпчилик одамлар (ва бизнеслар) катта муваффакиятларга эришмайдилар. Энг яхши ҳолатда улар “ўртача” натижаларга эришади. Аммо ўртача натижалар мени қизиктирмаган, улар сизни ҳам қизиктирмаслиги керак. Щунинг учун, ҳеч қачон ўртача ишбилармонлардан ибрат олманг; уларни нима қилаётганларини кузатинг ва худди шунинг тескарисини қилинг.

Ўз бозорингизда ва потенциал мижозларингиз олдида

ажралиб туриш унчалик қийин ҳам әмас. Шунчаки, рақо-батчиларингиздан озгина фарқ қиласидиган тарзда иш ту-тинг.

8. Менинг бозорим қандай рекламани тақозо этишини қай тариқа тушуниш мүмкін?

Саволнинг бундай қўйилиши бироз ғалати бўлиб тую-лиши мүмкін, негаки одамлар бирор нарсанинг реклама қилинишини интиқлик билан кутиб туришини тасаввур қилиш қийин. Аммо барчада ҳам айрим муаммолар мав-жуд. Ҳар бир инсоннинг умидлари, орзулари, истаклари ва қўрқувлари бор. Ва бу ҳолатлар инсоннинг кечалари хотиржамгина ухлашига монелик қиласиди. Улар, ечим то-пишни истайди албатта. Агарда сиз уларга мазкур ечимни таклиф қилишга тайёр бўлсангиз, улар буни мамнуният билан сиздан сотиб олишади.

9. Қандай қилиб таклифни аниқ шакллантириш керак?

Қанчалик уринмайин, маҳсулотни ишга тушириш Формуласининг сехрли хусусиятларини тасвиirlаб бе-ришда сиз учун ажойиб таклиф нечоғлик асқотишини алоҳида эътироф этаман албатта, бундай таклифсиз иш битмайди. PLF методологиясининг бир қисми сифатида мен буни “қақшатқич таклиф” деб атайман. Унчалик ҳам техник деб атаб бўлмайдиган мазкур атама асосий ғояни мукаммал ифодалайди. Агар сиз муваффақиятли ишга туширишни режалаштирган бўлсангиз, сиз қақшатқич таклифсиз буни амалга ошира олмайсиз.

Бундай таклиф – бу муваффақиятли ишга тушириш учун катта қадам.

Ушбу муаммони ҳал қилишнинг қалити бу ишга ту-ширишдан олдинги тараддуд билан боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Агар сиз потенциал мижозлар учун савол-ларни тўғри шакллантирсангиз, уларнинг ўзлари сизга қандай қилиб ажойиб таклифни шакллантиришингизни айтиб беради.

10. Буларнинг барчасидан қай тариқа ишга тушириш-нинг Дастрлабки узвийлиги табиий равишда ҳосил бўлади?

Ишга тушириш (жумладан, PLF усули) сирпанчиқ тепалиқдан пастга ҳаракатланиш сингари сизни ишга тушириш кунига олиб борадиган яққол узвийлик туфайли, бошлишдан олдинги кетма-кетликка ўтишнинг ўзи табиийдир.

## *Менинг энг севимли ишга тушириш олди тараффуд стратегиям*

Шундай қилиб, ушбу саволларнинг барчасини ёдда тутган ҳолда, мен бир нечта электрон почта хабарлари ёрдамида тўғри жавобларни топишга ёрдам берадиган самарали стратегияни изладим.

Яхшиямки, мен 95 фоиз ишлаган эски, тасдиқланган стратегияни эсладим. Ишончим комилки, бу сизга ҳам ёрдам беради. Бу стратегиянинг кўп тафовутлари мавжуд, аммо ҳатто, энг асосий версия ҳам ҳайратланарли дараҗада самаралидир.

Биргина мисолни кўриб чиқайлик. Мен ушбу ишга туширишни 2005 йилда, фонд бозорида савдо-сотиқ билан боғлиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш давомида ташкил қилганман. Эҳтимол, ўша кунларда муваффақиятли бўлган технология ҳозирда иш бермайди, деб шубҳаланаrsиз эҳтимол. Аммо мен сизларни ишонтириб айтишга журъат қиласманки, PLF дастури бўйича таҳсил олаётган менинг талабаларим учун, ушбу узвийликни қўллаш ҳалигача жуда яхши натижаларга эришишга имкон бермоқда.

Ҳа, яна бир эслатма. Мисолда фақат фонд бозори билан боғлиқ ҳолат кўзда тутилган, аммо бу стратегия турли соҳаларда муваффақиятли синовдан ўтган. Менинг талабаларим уни турли хил бозорларда – “гитара чалишни ўргатиш курслари” дан тортиб то “мижозларни массаж хонасига жалб қилиш” ва “хонаки уй итларни парваришлашни ўрганиш” гача ишлатиб кўришган.

## “Кичик эълон ва талаб”

Ҳамма нарса шунчалик содда ва оқилонаки, тасодифий ўқувчи ушбу услубнинг сехрли ва кучли эканлигини тушунмаслиги мумкин. Аммо, аминманки, сиз бундай хотага йўл кўймайсиз.

Шундай қилиб, мен ишга тушириш олди жараёнини обуначиларимга юборилган қисқа ҳат орқали бошладим. Сўнгги йилларда ушбу ҳатни Facebook даги сахифамда кўпайтириб келдим:

*Мавзу: Мўзжаз эълон ва сўров.*

*Бу Жефф Уокер. Бирордан кейин мен сизга бозор янгилеклари ҳақида мазлумотларни юбораман. Лекин аввал сиздан бир хизматни сўрамоқчиман.*

*Биз кўп вақт кутилган Савдо қўлланмаси устидаги ишларни деярли тутгатдик. У январь ойининг бошларида пайдо бўлади. Аммо материал чол этилишибдан олдин сизга бир нечта савол бермоқчимиз. Бизга ёрдам бера оласизми?*

*Сиз сўровномани <http://www.example.com/> да топишингиз тумкин (ва келажакда қўлланмана ҳақида кўпроқ мазлумот олишингиз тумкин).*

*Олдиндан катта раҳмат*

*Жефф*

Албатта, мактубда сўровнома учун қулай қайдлар баён этилганди. Умуман олганда, ҳаммаси шундан иборат. Ишга тушириш олди тараддуд дастурини тақдим этиш учун 80 сўздан иборат мактуб кифоя қилди. Ушбу битта ҳат бизга олдинга силжишимиз учун ймкон берди. Кейинги босқичга ўтишдан олдин, обуначиларга тақдим этилган сахифани кўриб чиқамиз. Ундаги матн қуидагича эди:

**Салом!**

Узоқ кутилган Савдо қўлланмасининг устида ишлаш деярли яқунланди.

Кўлланмани тузиш учун тўрт йилдан кўпроқ вақт ке-

рак бўлди, аммо ниҳоят, биз деярли шу ердамиз. Қўлланма январь ойининг бошларида чиқади.

Бизнинг курсимиз тўлиқ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ҚАРШИЛИКЛАР га бағишланади. У иккита босма дарслик, аудио материаллар билан саккизта компакт-диск ва битта видео дарслик билан битта DVD-дискни ўз ичига олади. Бу биз қўллаб-қувватлаш ва қаршилик ҳақида биладиган барча нарсаларнинг тўлиқ ҳисоботи бўлади.

Биз қўллаб-қувватлаш ва қаршилик зоналарини яратишнинг барча маълум усуллари ҳақида гаплашмоқчимиз ва ушбу зоналар билан қандай ишлашимизни кўрсатамиз.

ЛЕКИН биз сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз. Ишикимиз натижасини матбуотга тақдим этишдан олдин, биз барча мумкин бўлган мавзуларни ҳақиқатан ҳам ёритиб берганимизга ишонч ҳосил қилмоқчимиз.

Айнан шу жойда сиз бизга ёрдам бера оласиз. Илтинос, кичик сўровномага бир неча дақиқа ваqt ажратинг. Биз сиздан шунинг ўзинигина сўрамоқчимиз.

Бизнинг курсимиз доирасида Қўллаб-қувватлаш ва Қаршиликка бағишланган қайси иккита мавзу ёритилиши керак?

Ҳаммаси шу. Одамларни мўъжаз сўровномага электрон почта орқали юборувчи қисқача жавоблар.

Агар юқорида баён қилинган ўнта савол билан қизиқаётган бўлсангиз, улар билан танишиш асносида мен улардан айримларига олган жавобларим баробарида қўйган қадамлар билан танишасиз.

1. Одамларга бирон бир нарсани сотишга ҳаракат қилаётганини кўрсатмаган ҳолда, бўлажак воқеа ҳақида маълумотни қандай тақдим этиш керак?

Кўриб турганингиздек, мен потенциал харидорларни бўлажак воқеалар ҳақида ҳатто реклама қилмасдан ҳам хабардор қилдим. Мен улардан фақат ёрдам сўрадим. Уларнинг ушбу лойиҳа ҳақидаги фикрлари мени қизиктирди.

Бу менинг хабарим эди. Аммо бу менга бошқа қатор

мақсадларга әришишга ҳам имкон берди ...

2. Қандай қилиб уларнинг қизиқишини уйғотиш мумкин?

Мен бунга бир неча восита орқали әришдим. Биринчидан, уларга ҳозирча сотиб олишлари мумкин бўлмаган маҳсулот ҳақида маълумот бердим. Тафсилотларни ҳаволани босиш орқали билиб олишларини айтиб ўтдим.

Бундан ташқари, мазкур мактубда ҳам, кейинчалик сахифада ҳам ушбу асосий ибора такрорланди: “Кўпдан бери кутилган савдо қўлланмаси устида олиб борилган иш деярли тугади”. Кўлланмани узоқ кутилган нарса сифатида тақдим қиласангиз, одамларда аллақачон қизиқувчан ва маҳсулотни сабрсизлик билан кутмоқдалар, деган таассурот уйғотасиз. Бу жуда муҳим, чунки “шов-шув”, қизиқиш ва олдиндан сезиш бир-бирини озиқлантириб туради. Мен эрта босқичда шундай таассуротни шакллантириб, кўпчилик кутган ишга туширишни тайёрлаб турман.

Ушбу маҳсулот узоқ вақтдан бери кутилгани ростми? Умуман олганда, бундан хабарим йўқ. Аммо мен ушбу маҳсулотнинг чиқишига узоқ вақтдан бери ишора қилаётганимни биламан ва мендан шунга ўхшаш нарсаларни яратишни сўраган одамлар рўйхати бор. Мен, чиндан ҳам, ушбу лойиха устида узоқ вақт ишладим ва уни дунёга танишишга тайёрман. Юқорида айтилганларнинг барчаси менга маҳсулотни узоқ кутилган деб аташим учун асос бўлади.

3. Маҳсулотимни яратишда одамларни менга ёрдам беришларига қандай мажбурлаш мумкин? Қандай қилиб уларни ҳамкорлик қилишга ундаш керак?

Бу саволга жавоб жуда оддий. Обуначилар ушбу ҳаволага ўтганларида, уларга қўлланмада қайси жиҳатларни муҳим деб билишларини айтиб бериш имконияти берилади. Мен потенциал мижозларни шарҳлар қолдиришни сўраб, маҳсулот устида ишлашга жалб қиласман. Бу ерда асосий ибора қуйидагича:

“ЛЕКИН биз сизнинг ёрдамнингизга муҳтожмиз. Бизнинг ишимиз натижасини матбуотга беришдан олдин, биз барча мумкин бўлган мавзуларни ҳақиқатан ҳам очиб берганимизга ишонч ҳосил қилмоқчимиз”.

Унутманг, одамлар ўз қўллари билан яратган нарсаларни қўллаб-кувватлашга мойилдирлар. Ва мен ўқувчиларга маҳсулот устида ишлашда қатнашиш имкониятини бераман.

Бу ерда инсон психологиясининг яна бир нозик жиҳати ҳам намоён бўлади. Эсингиздами, олдинги бобда ўзаро ёрдам бериш менталь триггери кўриб чиқилганди? Бу мантиққа зид бўлган кўрсатма бўлиб туюлиши мумкин, аммо мавжуд ҳолатда биз ундан фойдаланамиз. Эҳтимол, сиз “Биз потенциал мижозларга хизмат қилиши ҳақида сўрасак, ўзаро ёрдам қандай роль ўйнаши мумкин?”, деб ҳам ўйлашингиз мумкин.

Аммо вазият қай тарзда эканига разм солинг. Аввало, ҳат менинг ахборот тарқатмамга аъзо бўлган одамларга етиб борди – уларнинг кўплари уни узоқ вақт давомида ўқийдилар. Кундалик ахборот нашрлари кўпчиликни мени мутахассис ёки ҳатто “гурӯ” деб ҳисоблашларига олиб келди.

Аслида, уларнинг фикрларини сўраб, мен уларга эътибор қаратдим. Шу нуқтаи назардан, мен яна бир бор бе-рувчи, яъни хайриҳоҳ томонга айландим. Эътибор қартишим билан кўпчилик ўқувчиларда ўзаро ёрдам триггерини фаоллаштирудим.

Мўъжазгина мактуб ва кичик сўров ёрдамида биз келажакда роль ўйнайдиган триггерлар комбинациясини яратишни бошлаганимизни кўриб турибсиз.

4. Келгусида чиқадиган маҳсулот изоҳларини қандай олса бўлади?

Бу ҳам осон. Мен шунчаки обуначилардан сўров бўйича изоҳ беришларини сўрадим. Албатта, мен “етишмовчиликлар” сўзини ишлатмадим, чунки одамлар буни бошқачароқ қабул қилишарди. Аммо, уларнинг фикрига

кўра, иккита энг муҳим мавзу тўғрисида гапириб беришини сўраганимда, улар бир вақтнинг ўзида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Бундай саволларга жавоблар ҳар доим иккита, уч ёки ҳатто тўртта такрорланадиган мавзуларни ўз ичига олади. Потенциал мижозларнинг асосий шарҳлари шулардан иборат бўлади.

5. Тақдим этилаётган маҳсулотни муҳокама қилишда потенциал мижозни қандай жалб қилиш керак? Қандай қилиб ишга туширишни ҳаммасидан олдин еб битириши мумкин бўлган корпоратив-бюрократик тилдан қочиш мумкин бўлади?

Аввало, хабар ва сўров шаклига эътибор беринг. Ҳеч қандай корпоратив луғат йўқ. Энг бошидан, МАВЗУ деган жойда “Мўъжаз эълон ва сўров...” деб ёзилган эди, қачон охирги марта йирик корпорациялар ёрдам сўраб хабар жўнатишган?

Энди сухбатни қандай бошлиш ҳақида – бу айнан бизнинг мини-узвийлигимизга бағишлиданади. Сухбат бу ердаги билдирилажак мулоҳазаларга муносабат ўлароқ фикр қолдиришни илтимос қилиш билан бошлиданади.

6. Қандай қилиб ишга туширишни завқли, ҳазил туйгуси билан ва ҳатто ақл бовар қилиб ўтказиш керак?

Ростини айтсам, ушбу ишга тушириш олди тарафдуди доирасида мазкур шартни бажара олганимга амин эмасман. Ахир мен ўқувчиларга яқинда бўладиган воқеа сири ҳақида айтиб бермасам керак албатта. Мен уларга ижодий устахонамнинг эшигини салгина очдим холос. Бу гавжум хонада, кимнингдир қулоғига айрим нарсаларни салгина пичирлаш билан баробар – ҳамма дарҳол бунинг қандай эканини билишни истайди. Бу ҳолатда, мен обуначила-римга кенг омма билиши мумкин бўлган нарсаларнигина шивирладим.

7. Одамлар гавжум бўлган бозорда қандай ажralиб туриси керак?

Айни энг асосий нуқта – маҳсулот чиқарилишидан

олдин обуначиларга ўз фикрлари билан ўртоқлашишни сўраб мурожаат қилишимдан иборат. Шу тариқа мен уларни иш жараёнида шерик қилдим. Ба бу жуда мухим, чунки одамлар ўзлари қатнашган нарсаларни қўллаб-қувватлашга мойил.

Мен уларга мазкур маҳсулот билан боғлиқ сценарий асосидаги спектаклдаги кичик ролни тақдим этдим. Бу сизнинг очилишингизни қўллаб-қувватлайдиган ва эҳтимол сизнинг маҳсулотингизни сотиб оладиган мухлислар армиясини яратиш йўлидаги мухим қадамдир.

8. Менинг бозорим қандай рекламани тақозо қилиши ни қандай тушуниш мумкин?

Бунда яна обуначиларга таклиф қилинган сўровнома менга ёрдам беради. Бу нафақат асосий мулоҳазалар, балки бошқа кўплаб маълумотлар ҳақида ҳам тасаввур беради.

Бундай сўровномаларда саволларни бир нечта тайёр жавоб варианtlари ва жавоблари матн доирасида таклиф қилинган саволлар билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир. Жавобларни танлаш билан саволларнинг жавоби баландроқ аҳамият касб этади, негаки матнни шакллантириш ва чоп этишдан кўра белгилаш катакчаларини қўйиш ёки алмаштиришни керакли жойга ўрнатиш осонроқ. Аммо иккинчи турдаги саволларга берилган жавоблар нима бўлаётгани ҳақида чуқурроқ тасаввур беради. Айнан улар ишга туширишдан олдинги кетма-кетлигини қандай қуриш ёки ишга туширишни ўзи ташкил этишга бирмунча аниқлик киритади. Кўпинча, мен олинган жавоблардан сўзлар ва ибораларни нусха кўчираман ва ишга туширишдан олдин уларни маълумот материалларида ишлатаман.

Тўғридан-тўғри маркетинг дунёсида “потенциал мижознинг онгига бўлиб ўтган сухбатда қатнашиш” ибораси аллақачон муқим жой топган. Сўров давомида олинган жавоблар ушбу сухбатга қўшилиш учун йўл очиб беради. Бу муболағасиз, жуда самарали усул.

9. Қандай қилиб таклифни аниқ шакллантириш керак?

Бу саволга жавоб бериш учун – аниқроғи, жавоб қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида биринчи тасаввурга эга бўлиш учун – сўровнома натижалари яна сизга ёрдам беради. Хоҳловчиларга ахборот маҳсулотини таклиф қиласар эканман, таклифнинг матни давомида ушбу сўзнинг мазмунига аниқлик кирита оламан. Ахир, таклифни оптималлаштиришга ёрдам берадиган қўшимча маълумотлар ишга туширишдан олдин ҳам, ишга тушириш жараёнида ҳам пайдо бўлади.

Виджетларни сотаётган бўлсангиз ҳам, олинган янги маълумотга мувофиқ таклифни таҳрир қилишингизга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди. Масалан, менинг чиқишимда, таклифнинг якуний версиясида, шунингдек, реал вақт режимида саволларга жавобларни ўзида мужассам қилган телесеминарлар бўлиб ўтди. Ишга тушгандан кейин улар учун сўровнова келди ва мен ушбу элементни ҳеч қандай муаммосиз таклифга қўшдим. Бундай бонуслар хар қандай ишга туширилган маҳсулотга нисбатан қўлланилиши мумкин ва қўлланилиши шартдир.

**10. Буларнинг барчасидан Бошланиш кетма-кетлиги қандай қилиб табиий равишда ҳосил бўлади?**

Биринчи хатдан бир неча кун ўтгач, мен яна ахборот тартқатмани тузиб чиқдим. Мен батафсил жавоблар учун барчадан миннатдорман ва лойиҳани тутатганимдан хурсандман. Бу бизга савдо агентига айланмасдан келгусидаги маҳсулот ҳақида гапиришни давом эттиришга имкон берди. Мен баланд овозда: “Менинг маҳсулотимни сотиб олинглар, маҳсулотимни сотиб олинглар!” деб бақирмаганман. Бунинг ўрнига, мен почта рўйхати бўйича обуначиларимдан менинг ҳаммуаллифларим бўлишини сўрадим. Буларнинг барчаси мен учун ҳақиқатан ҳам юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш қанчалик муҳимлигини ва улар хоҳлаган нарсаларга қизиқишимни кўрсатди. Мен уларни ишга туширилажак маҳсулот ўзларининг эҳтиёжларига энг мос келадиган деб ўйлашга мажбур қилдим.

## Ҳаммом ҳалати чўнтағидаги 110 минг доллар

Ишга туширишдан олдинги жараён аслида содда ва самаралиликнинг чиройли комбинациясидир. Бу олдиндан ўйлашни ва режалаштиришни талаб қиласди, аммо аслида амалга ошириш жуда оддий. Юқорида кўриб чиқсан мисолимда битта қисқа хат ва кичик сўровнинг ўзи етарли бўлганди. Матнни таҳrir қилиш ва саволларни тузиш бир соатча вақтни олди<sup>9</sup>.

Ушбу муаммога нисбатан ёндашувлар жуда кўп, мен турли хил усулларни ишга туширишдан олдинги жараёнда ишлатганман, аммо энг самарали усул бу иккита асосий саволни шакллантириш усулидир. Ўзингизнинг дастлабки ишга туширишингиздан олдинги жараёнда уни ишлатишиңгизни маслаҳат бераман. Бу бозорни бўлғуси харидорларнинг кайфияти ва интилишлари ҳақида маълумотларни олган ҳолда бўлғуси маҳсулот ҳақида хабардор қилишнинг ажойиб усули.

Тадқиқот менга ажойиб мулоҳазаларни тақдим этди, бу менга бозор истиқболларини тушуниш, потенциал мижозларнинг асосий фикрларини олдиндан билиш ва ҳатто барча кетма-кетликлар давомида ишлатилган тилни ривожлантиришга имкон берди.

Бу ҳақиқий маҳсулотни сотишга бўлган биринчи уринишим – иккита китоб ва бир нечта компакт-дисклар тўплами – ва менинг ортимда катта нашриёт турмаганди албатта. Бу фақат мен, менинг хабарларим рўйхати ва оддийгина веб-сайт эди.

Мен ошхонадаги столда ҳаммом ҳалатимда ўтириб, ишга туширишимни эълон қилдим.

Сизга қасам ичаман, мен фақатгина ҳалатда, ошхонада ўтирган эдим. Мана, менинг рафиқам савдо бошланганидан кейин лаҳза ҳам ўтмасидан олган сурат.

<sup>9</sup> Сиз анкеталарни тузища фойдаланишингиз мумкин бўлган хизматларни <http://thelaunchbook.com/resources> саҳифасида санаб ўтганман



**Ишга тушириш жараёни**

Суратда мен табассум қилиб турибман, чунки у дўкон очилгандан кейин дарҳол олинган. Шуни тан олишим керакки, мен шу дақиқани кутиб бир неча қийин дақиқаларни бошимдан ўтказдим. Ва қасам ичаманки, менинг бармоғим ҳар сафар ишга туширишдан олдин ноаниқлик билан сичқонча тутмачасининг устида бир лаҳза қотиб туриб қоларди. Ҳаммаси тўғри бажарилганми ёки йўқлигини эслашга уринаман ҳамда мазкур тутма босиш нималарга олиб келишини билмоқчи бўламан.

Бироз вақт ўтди ва мен бу саволга жавоб олдим...

Тутмани босилгандан сўнг тўрт дақиқадан кам вақт ўтгач, биринчи буюртма келиб тушди. Беш сониядан кейин, иккинчиси. Ва пойга бошланди. Биринчи соатда буюртмалар менга 27000 доллар олиб келди ва биз бир ҳафтадан кейин ишга туширишни ёпганимизда, умумий даромад 110 минг долларни ташкил этди.

Бунинг учун менга ҳеч қандай шериклар, дистрибуторлар ёки савдо агентлари керак эмас эди. Оддий веб-сайт ва тарқатиш рўйхатидан бошқа – ҳеч нарса. Албатта, ушбу савдоларнинг барчасини ташкил этиш нафақат ишга туширишдан олдинги ҳаракатлар керак эди. 80 сўздан иборат электрон почта хабаридан ва оддий сўровдан ташқари яна бир нарса керак эди. Кейинги бобда айнан мана шу нарсани муҳокама қиласиз – маҳсулотни ишга тушириш Формуласининг қалби ва юрагини. Ишга тушириш олди кетма-кетлигини кўриб чиқиш вақти келди.

## **7-боб. Уларга ўзлари истаган нарсаларини сотинг: ишга туширишдан олдинги афсун.**

Онлайн машғулот видеоларини томоша қилиш орқали теннис ўйнаш маҳоратини ошириш мумкинми? Сайтга пулли обуна, теннис дарсларини ўрнини босиши ёки унга кўшимча бўлиши мумкинми? Ва Билл Гамильтон учун янада муҳимроқ савол: одамлар онлайн теннис машғулотлари учун пул тўлайдими?

Билл дўсти билан Fuzzy YellowBalls.com веб-сайтини яратганда ўзига айни шу саволларни берган. У коллежни эндиGINA тутгатган эди ва кўп йиллар давомида мураббий бўлиб ишлаш уни унчалик қизиқтиргас эди. Шу сабабли, у ота-онасининг уйи ертўласида Интернетда бизнес яратишга киришди. Дастреб у YouTube да рекламадан пул то-пиб, видеоларни нашр этишни режалаштирган эди. Аммо ғоянинг умидсизлиги тез орада аниқ бўлди. Теннисдек жуда тор ихтисослашган соҳада жиддий реклама бизнеси учун зарур бўлган фикрларни тақдим этиб бўлмайди.

Шунинг учун Билл ва унинг дўсти таълим видеосини тўловли аъзолик шарти билан сайтга жойлаштиришиди. Нархини ҳам белгилашди: ойига 25 доллар. Лекин ташриф буюрувчилар кам эди, шунга мос тарзда сотув ҳам суст эди. Олти ой ўтганидан сўнг дўстлар бу тажрибанинг

муваффакиятсизлигини тан олишга ва бошқа яна нималарнидир бошлашга тайёр бўлишди. Одамлар тенинс бўйича онлайн-дарслар учун пул тўлаши мумкинми, деган саволга жавоб топилгандек эди. Табиийки, жавоб салбий оҳангда. Сайт кутилганидек муносиб даромад келтирмади.

Айни шу пайтда Билл ўзи учун ишга тушириш Формуласини кашф этди. Энди унинг йўқотадиган нарсаси йўқ эди ва у – таъбир жоиз бўлса – жангга киришди. Ҳозирлар ўзи ўша ҳолатни эслаб айтишича, дастлабки қўймоқ озгина куйган ҳолда пишганди. Ишга тушириш олди жараёни жуда тезлик билан содир бўлган, бундан ташқари, Билл Формуланинг амалда қўлланиши ибтидосини синаб кўрганди.

Лекин (бунга мазкур бобдан ишонч ҳосил қиласиз) ҳатто асосий принципларга риоя этиш ҳам ҳаётни тубдан ўзгартира олади. Биринчи ишга тушириш бир ҳафтада 35 минг доллар олиб келди, бу эса бундан ўн ой олдинги бизнесдан бир неча баравар кўп миқдорни ташкил этарди. Аслида эса, айланма воситаси тўлалигича рақамли маҳсулот бўлиб, савдолар бутунича соф даромад келтирганди.

Шу тариқа Fuzzy YellowBalls.com сайти кутилмаганда даромадли бўлиб чиқди. Келажак ойдинлашди ва у қўшимча ишга туширишлар билан бевосита боғлиқ эди. Иккинчи ишга туширишга Билл анчагина жиддий ёндашди ва Формулага синчковлик билан амал қилишга тиришиди, бу эса даромадни икки хисса ошишига сабаб бўлди. Бу гал савдо миёси 65 мингни ташкил қилди. Бундан кейинги ишга тушириш янада муваффакиятли бўлди – олти рақамли даромад келтириши билан ёдда қолди. Якунда савдо даромади 105 минг долларга етганди. Бу ҳолатда ҳам гап рақамли маҳсулот ҳақида боради ва самардорлик кўрсаткичи эса жуда юқори даражани қайд этди.

Ишга туширишлар кўпайгани сари Билл ҳамкорлари билан рўйхатни кенгайтирди ва улар биргаликда ўзларининг бозордаги ўринларини тобора мустаҳкамлаб бориш-

ди. Tennis Ninja нинг янги маҳсулоти 170 минг доллар даромад келтирди. Шунингдек, айрим эътиборли жиҳатлар кўзга ташланди: мазкур маҳсулотнинг ишга туширилиши Боб ва Майк Брайан билан бирга ишловчи агентнинг эътиборига тушди. Тенис ишқибозлари доирасидагилар “Ака-ука Брайанлар” деб атовчи ва айни пайтда кўпчилкнинг фикрича, эркаклар тенисида етакчи саналувчи мазкур жуфтлик Биллнинг ишига қизиқиши билдириди.

Натижада ака-ука Брайанларнинг ўйинлари схемаси мужассам қилинган китоб дунё юзини кўрди (“The Bryan Bros Doubles Playbook”), бу китобни Билл Боб ва Майк билан биргаликда нашрдан чиқариб, таълим курси доирасида сотувга чиқарди. Бу нашр ўзидан олдинги барча рекордларни ортда қолдириб, мислсиз даромад келтирди – 450 минг доллар. Бир неча ой ўтиб, ака-ука Брайанлар Уимблдон кубогини қўлга киритиб, кейинчалик Олимпия ўйинлари олтин медалига сазовор бўлишганидан сўнг Билл улар билан бирга суратга тушиш имконига эга бўлди. Мана ўша сурат – Билл ўргада, унинг бўйнида иккита олтин медаль осиғлиқ турибди: таассуфки ишга тушириш Формуласидан фойдаланган ҳаммага ҳам бундай – олимпия олтинлари билан суратга тушиш насиб этавермайди, кафолатланмаган бу, албатта.

Лекин Биллнинг натижаси яхши ташкиллаштирилган ишга тушириш нечоғлик қудратли нарса эканлигини яққол мисоли бўла олади. Ва Ишга тушириш олди тараддуди жараёни мазкур ишга туширишнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур бобда айнан улар ҳақида сўз юритамиз. Негаки ишга тушириш олди тараддууд жараёнининг тартибли тарзда ўтказилиши бундан кейинги барча тадбирларнинг муваффақияти учун ўзига хос гаров бўлиб хизмат қиласи.



Билл Гамильтон ака-ука Брайанлар ва уларнинг олтин медаллари билан

### *Пичоқقا қарши тўппонча билан*

Келинг, асосий иш билан машғул бўлишга қайтамиз. Сиз тафсилотлар, диалог ва узвийликнинг мислсиз самарадорлигидан воқиғисиз албатта. Мен ўз мавриди билан менталь триггерларнинг ҳайратли таъсирлари ҳақидаги залворли мисолларни келтириб ҳам ўтдим. Яна сиз Яшинрин реклама дараклари ҳақида ҳам биласиз. Шунингдек, йўл-йўлакай мен санаб ўтган қатор воситаларни қўллаган ҳолда турлича бозорларда ранг-баранг маҳсулотлар билан муваффақиятларга эришган оддий одамлар ҳақида гапириб бердим.

Шундай қилиб, амалиёт нуқтаи назаридан энг муҳим паллага етиб келдик, бу – Ишга тушириш олди изчиллигидир. Айни мана шу палладан эътиборан ишимизнинг

асосий қисми бошланади. “Умидлар маркетинги” ҳақидаги гапларни бутунлай унугиб, маҳсулотни ишга тушириш, деб аталувчи қудратли восита билан натижаларнинг барқарор тарзда моделлаштириш ишига қатъий тарзда киришингизга тўғри келади. Шуни эслатиб ўтишим лозимки, ишга тушириш олди жараёни (шунингдек, бутун Ишга тушириш Формуласи) тор мутахассисликка оид техника сирасига кирмайди. Бизнеснинг ғаройиб тарзда қайта тикланиш механизми бир қатор воситаларнинг умумлашмасидан иборат бўлади. Эшитган бўлсангиз, қадимдан шундай бир ибора мавжуд: “пичоқقا қарши тўппонча қўллаш” билан боғлиқ бу ибора. Мен, одатда, бундай нақл-ибораларни ишлатаверишни хуш кўрмайман, лекин айни мана шу ибора менга негадир ёқади. У менга “Нуҳ кемасини қидириб” фильмидаги қилич сермаб Индиана Жонснинг қархисида пайдо бўлиб қолувчи ассасин (жосус) билан боғлиқ кўринишни эслатади. Шунда Индиана унинг нечоғлик совуқ қуролга эга эканига таъсиранчи нигоҳ билан қараб қолади ва кейин тўппончасини чиқариб, уни отиб ташлайди. Шу тариқа хавф бартараф этилади. Ўйин якунига етади. Бу таъсирили лавҳа – унтилмас кўриниш.

Айнан шу маҳсулотни ишга тушириш Формуласи бизнес сари бошлайди. У ўйин қоидаларини ўзгартириб, муваффакиятга бўлган имкониятлар эҳтимолини кескин оширади. Лекин пичоқقا қарши тўппонча экани қониқтирумайди. Ҳамонки, жангга киришар эканман, мен пулемёт ёки ракета қурилмаси каби воситалар билан қуролланган бўлишимни маъқул кўраман.

Албатта, бу ерда гап тўғридан-тўғри жанггоҳлар ёки жанговар ҳаракатлар ҳақида боргани йўқ, маркетинг дегани – уруш эмас ахир. Биз мижозларга наф келтирувчи ажойиб маҳсулотнинг ажойиб таклифини шакллантиришимиз лозим. Лекин бундай фойда фақат сотувларни яхши ташкил қилганингиздагина келиши мумкин.

Ишга тушириш жараёни савдо миқёси ва кўлами ни ўзида мужассам қилган маҳсус ҳисоб формуласидан

иборат. Кузатилувчи ностандарт натижаларга қандайдир биргина восита орқалигина эришиб бўлмайди. Улар турлича воситалар, тактика ва триггерларнинг биргаликдаги кўлланилиши сифатида вужудга келади. Жараён ишга тушириш олди тараддути босқичида бошланган, энди эса, ишга тушириш олди жараёни ёрдамида унга хос бўлган узвийлик жўшқинлигини ҳис қилиш вақти етди.

### *Маҳсулотимни сотиб олинг, маҳсулотимни сотиб олинг, маҳсулотимни сотиб олинг!*

Шундай қилиб, ишга тушириш Формуласининг фундаментал элементлари савдолар бошланишига оид гап-сўзлардан ҳам олдинроқ мижозларга манфаат келтириш ва улар билан муносабатларни йўлга қўйишидан иборат бўлади. Бу жуда оддий кўринищда бўлиб, бу принциплардан одамлар ўз бизнесларини юритишда нега бунчалик кам фойдаланишидан ҳайратга тушади киши. Бунинг ўрнига улар қад-қоматини кўз-кўз қилганича, майдонларда туриб олади ва: маҳсулотимни сотиб олинг, маҳсулотимни сотиб олинг, маҳсулотимни сотиб олинг, деб қичқиридан тўхтамайди.

Муаммо шундаки, сиз шундоққина ёнида ишлаётган бозорга боғлиқ бўлмаган тарзда ўнлаб, юзлаб ва эҳтимолки, минглаб рақобатчиларингиз худди сиздек қичқиришаётган бўлади. Ҳамма аслида бир нарсани таклиф этаётган бўлиб чиқади. Айни шу муҳитда оммадан ажralиб кўринишининг ўзи мушкул, бундай қичқириқларнинг ортиб боравериши тайин бўлгани учун йил сайин вазият мушкулаша бораверади. Ва шуниси ҳам борки, бошқалардан кўра қаттикроқ ва узоқроқ қичқирувчи одам ҳамиша ҳам топилади. Айни пайтда борган сари кўпроқ куч сарфланиди ва бундай вазиятда ҳар қандай одам ҳам мағлубиятга учраш эҳтимолидан ҳоли бўлмайди. Энг ёмони: янги бизнес бошлашингиз биланоқ сиз шу пайтгача мавжуд бўлиб, бозорда бир қадар мустаҳкам ҳолда ўз манбаларига

эга бўлган бинеслар билан рақобатга киришасиз. Демак, бошқа – энг муҳими сизнинг қоидаларингизга кўра иш юритилувчи бошқа ишга ўтиш керак бўлади.

Бунга қандай эришса бўлади? Жуда оддий! Эътиборни қичқириқлар билан жалб қилиш керакмас, балки амалий ишлар билан, масалан, сиз савдоларни йўлга қўймасдан олдиноқ мижозларга манфаат келтириш билан ишга тушиш лозим. Менинг дўстим Жо Полиш: “Ҳаёт берганларга беради, олганлардан олади”, деб таъкидлашни хуш кўради. Менимча, дунё худди шу асосга қурилган. Ва бу ибора бизнесда ҳеч қачон ҳозиргидан кўра аникроқ акс этмаган. Интернетнинг хайрия иктиносига нисбатан муносабатнинг ўзгариши сабаб бўлаётгани ҳам ажойиб. Бошқаларга ниманидир бериш аввалгилардан кўра осонроқ ва арzonроқ. Ахир сиз маълумотларни тарқатмоқчи ва бу ишни интернетда амалга оширмоқчисиз ахир. Маълумотлар матн, видео ёки аудиороликлар, шунингдек, бундан ташқари исталган форматларда тақдим этилиши мумкин.

Албатта, дуч келган одамларга совға бериб, улардан айни шу совғаларни олавериш мумкин эмас. Корпорация раҳбарига коучинги курсини сотишга ҳаракат қилиш ва кейинчалик унга вегетерианча рецептларни юбориш билан сиз бизнес бунёд эта олмайсиз. Маълумотларни тизимлаштириш, уларга маълум изчиллик баҳшида этилиши керак, буларнинг барчаси табиий тарзда савдоларга йўл очиши лозим. Ишга тушириш Формуласининг можияти айнан шунда.

### **Бошланиш олдидан изчиллик**

Аксарият ҳолларда Ишга тушириш олди изчиллиги Ишга тушириш олди информацион материя учта таркибий қисмидан иборат бўлади – аloe (мен уларни PLC аббревиатураси билан белгилайман). Буни уч актли пъесанинг муқаддимаси, оралиқ ва якуни билан таққосла-

шингиз мумкин. Ишга тушириш олди информацион материалларининг ҳар бир қисми маълум бир вазифани ба-жаради. Ҳар қисм ўзига хос тарзда аҳамиятли бўлиб, бир-галиқда яхлит бир сюжет линиясини ташкил қиласди. ҳеч қачон материалнинг қисмларини бир-биридан алоҳида тарзда тасаввур қилмаслик лозим, бу зарур натижаларни келтириб чиқармаслиги тайин.

Ўзгаришлар ёки трансформация имкониятлари ҳақидаги яхлит сюжет линиясини ўзида мужассам қилган ҳикоя таркиб топади. Кейин эса эришилган трансформация намоёнига бағишлиланган батафсил сабоқ навбати келади. Ҳаммаси эса, “эгалик тажрибаси” ҳикоя билан ўз якунига етади. Айнан мана шу дамда потенциал мижозга таъсир ўтказувчи маҳсулот ҳақидаги мулоқотларга киришиш мумкин бўлади.

Бутун изчиллик давомида сиз 5 бобда келтирилган менталь триггерларнинг комбинациясини шакллантира борасиз. Фойдали маълумотни текинга тақдим этиш орқали сиз ўзаро муносабат триггерини фаоллаштирасиз. Билим ва бегараз кўмак бера олиш кабиларни намойиш килиш билан авторитет триггерини фаоллаштирасиз. Ишга тушириш вақти яқинлашгани сайин мутлақо табиий тарзда сизнинг шахсиятингизга нисбатан ишонч шакллана бошлайди. Шарҳларга жавоб бериш ва Ишга тушириш олди материалларига одамларни жалб қила бориши билан ҳамжамият барпо қилинишига ҳисса қўша борасиз. Потенциал мижозлар билан биргалиқда бутун изчиллик давомида умумий тажрибага эга бўла борасиз ва бу орқали воқеа ва маросим триггерини фаоллаштирган бўласиз. Ишга тушириш муддати қанчалик яқинлашгани сари олдиндан сезиш ҳисси шунчалик кучайиб бораверади. Моҳиятан олганда, сиз Ишга тушириш олди изчиллиги триггерларни табиий суратда бирма-бир фаоллаштира боради, бутун жараён айнан шунга асосланади. Ҳаммасини аъло даражада ташкиллаштириш орқали сиз авторитет мақомига тегишли энг юксак даражага кўтариласиз. Бу-

нинг учун савдо бўйича тактикалардан биридан иккинчи-сига ўтаверишингиз шарт бўлмайди, маълумки, бу тактикалар кишини ўзини эски машиналар сотувчиси каби ҳис қилишга мажбур қиласди. Сизнинг таъсирингиз ҳам худди бошқа одамлар қай тариқа обрў-эътибор қозонганига ўхшаб кетади. Шунчаки, сиз бу жараённи бироз жадаллашган ҳолда амалга оширасиз.

Сиз бу ерда афсуннинг мазкур жараённинг ўзида мужассам бўлганини англашингиз керак. муваффақиятга эришиш учун алоҳида иқтидорли копирайтер ёки савдо агенти бўлиш шарт эмас. Албатта, кишининг бундай қобилиятларга эга бўлиши заар қилмаган бўларди, пировардиди, маҳсулотни ишга тушириш Формуласи – маркетинг дунёсидаги имкониятларни барқарорлаштирувчи восита ҳисобланади. У, ҳатто, профессионал маркетолог бўлмаган одамлар орасида ҳам юксак даражали савдо-сотик мухитини яратиш имконини беради. Ишга тушириш олди жараёни якунида, агар ҳаммаси тўғри бажарилган бўлса, ташкилотчи маҳсулотни қачон харид қилиш имкони бўлишини интизорлик билан кутаётган потенциал мижозларнинг рўйхатига эга бўлади.

Шунингдек, форматлар билан мавзуга ҳам тўхталиб ўтишни истардим. Кўриб турганингиздек, бу жуда нозик нарса. Сиздаги PLC электрон почта хабарлари, блоглардаги дараклар, PDF ҳисоботлари ёки аудиоклиплар кўринишида бўлиши мумкин. Ишга тушириш Формуласининг аксарият фойдаланувчилари кейинги йилларда видеолардан фойдаланишни маъқул кўришмоқда, бу формат албатта, қатор афзалликларга эга. Замонавий одамлар ўқишдан кўра, кўпроқ кўради, томоша қиласди. Айтиш жоизки, бирон бир таъсирили видеомаҳсулотни суратга тушириш иқтидорли тарзда қандайдир матнни ёзишдан кўра осонроқ эканини ҳам эътироф этиш лозим. Агар одам ёзувчилик иқтидорига эга бўлмаса, потенциал мижозлар билан танишув ва мулоқот жараённи сезиларли тарзда кучли суратда осонлаштиради. Қолаверса, материал так-

дим қилинишидаги бошқа воситалардан кўра видеонинг кўпроқ қадрланиши ҳам сир эмас.

Техник жиҳатларга ортиқча тўхтамоқчи эмасман, шунинг учун уларни икки турга ажратиш мумкинлигини айтиш билан кифояланаман: булар – экрандаги тасвирлар таъсири билан ҳосил қилинувчи ва тўлиқ форматли кабилардан иборат. Биринчи ҳолатда сиз кўз ўнгингизда содир бўлаётганларни компьютер экранига муҳрлайсиз ва уни овозлаштирасиз. PowerPoint, веб-сайтлар тақдимотлари ёки турли дастурлар шу тариқа намоён бўлади. Тўлиқ форматли видео – бу биз телевизор орқали кўришга кўниккан формат саналади; у камера орқали тасвирга туширилади. Бу маҳсулотларнинг қайсиdir яхши, қайсиnidir ёмон дейиш мумкин эмас; ҳар иккисининг ҳам кучли ёки ожиз томонлари мавжуд. Мисол учун, бировлар шунчаки, экранни забт этишни истайди, улар учун тасвирга тушиш қизиқмас, бунда улар ўзларини ноқулай хис қиласди. Бошқа бировларга эса, тўлиқ форматли видео мақбул, неғаки унинг тайёрланиши бир қадар камроқ тайёргарлик муддатини талаб қиласди. Агар киши материал ҳақида яхши билимларга эга ва нималарни гапириш лозимлигини тахминан биладиган бўлса, камерани ёқиб тасвирни ёзишга киришиши мумкин.

Айни пайтда айтиш жоизки, ишга тушириш олди информацион материаллари асосан видео форматида яратилмоқда ва ўйлайманки, бу борада сиз ҳам шундай йўл тутасиз. Шундай бўлса-да, ёдингизда бўлсинки, сиз айнан видеоклиплар олишга мажбур эмассиз. Мен электрон почтадан ташқари ҳеч нарсадан фойдаланмасдан туриб ҳам Ишга туширишларнинг анчагинасини амалга оширганман.

Шундай қилиб, Ишга тушириш олди изчиллик босқичларини янада батафсилроқ кўриб чиқамиз.

## PLC № 1: Имконият (ёки саёҳат)

Ишга тушириш олди информацион материаларидағи дастлабки қисми (PLC № 1) ҳал қилувчи даражада мұхим саналади. У потенциал міжозлар эътиборини жалб қилиш ва тутиб туришга бағишенгендегі, демакки, етарли даражада ишончли бўлиши ва “німа учун?” деган жиддий саволга жавоб берishi лозим.

Німа учун бу потенциал міжозни қизиқтириши лозим? Німа учун у ўзининг қимматли вақтини сиз учун ажратиши керак? Нега у сизни эшитишга мажбур? Сиз унга німа билан фойдали бўласиз?

Бу саволларга қандай жавоб берилади? Потенциал міжозни ўтиргизиб, қандай қилиб сизни тинглашга мажбураш мумкин? Қай тарика унда қизиқиш уйғотиш мумкин?

Мен буларга шундай жавоб бераман. Ҳар бир маҳсулотнинг, таклифнинг замирида трансформация ёки ўзгаришлар имконияти ётади. Агар сиз гольф ўйинини ўргатувчи, ўйинчи учун ўз хисобини бешта зарбагача қисқартирувчи ўқув курсини солаётган бўлсангиз, демакки, сиз унга трансформацияни таклиф этаётган бўласиз. Агар сиз келажакни меҳру мұхаббат билан қарши олишга ундовчи маҳсулотни солаётган бўлсангиз, демакки, трансформацияни таклиф этасиз. Агар сиз офис почтасига 380 фоизга тезроқ суратда етказувчи машинани солаётган бўлсангиз, демак, сиз трансформацияни таклиф этаётган бўласиз.

Бу гап кўпчилик одамларга ёқмайди, бошқа айримларга эса бу таклиф айни муддао. Ҳечқиси йўқ, сиз “ўзгариш” ёки “таъсир ўтказиш” каби сўзларниям ишлатишингиз мумкин. Бу ҳолатда асосий ғоя шундаки, бунда сиз міжозларга фойдали бўлувчи маҳсулотга ва натижага асосий эътиборингизни қаратишингиз лозим. Пировардидаги міжозни қандайдир муаммолардан халос қиласиз... ёки улар ҳаётдан рози бўлиши учун имкон яратасиз.

Бу нафақат ишга туширишлар учун хос ва тўғри хисобланади. Бу принцип ҳар қандай савдода фойдаланиш

учун қулай ҳисобланади. Маркетинг билан шуғулланувчи реклама берувчиларнинг айтишича, агар сизнинг асбоблар билан савдо қилувчи дўконингиз бўлиб, пармадастани сотаётган бўлсангиз, аслида сиз пармадастани эмас, “ёғоч девордаги тешикларни” сотаётган бўлиб чиқасиз. Одамлар, одатда, якуний натижани сотиб олишни мақбул билишади. Бунда эса, сизнинг нима билан савдо қилаётганингиз мутлақо аҳамиятсиз. Одатдаги истеъмолчини қайсиdir асбоб қизиқтирмайди аслида. У қайсиdir натижага эришиш учун восита холос. Бу эса, сиз унга сотишни истаган нарсанинг айнан ўзи бўлиб чиқади.

Мазкур масалага бошқа томондан ҳам қарашиб мумкин. агар киши ўзининг ёқтирган дам олиш масканида ҳордиқ чиқаришни истаса, имкон қадар тезроқ, машинадан машинага кўчиб юришларсиз ва эҳимолки, имкон қадар арzonроқ, хавфсиз ва албатта қулай тарзда ўша ерга боришини истаб қолади. Аввало, унга қайси транспортда бориш, жудаям аҳамиятли бўлиб чиқмайди. Юқорида саналган талабларга мос келувчи исталган транспорт тўғри кела-веради. Агар ўша қулайлик ва муддатларга мос келгудек бўлса, унга қолса, самолётда, поездда ҳам бораверади. Унинг нуқтаи назарига кўра, восита эмас, у етиб борувчи манзил-макон муҳимлар ичра муҳим бўлиб қолаверади.

Агар энди, сиз нима учун одамлар маҳсулотингизни сотиб олмаётгани билан боғлиқ савол берсангиз, бунинг биринчи ва энг кўп тарқалган сабаби – таклиф қилинган маҳсулотга нисбатан қизиқишининг йўқлиги бўлиб чиқади. Айтайлик, сизда дунёдаги энг яхши ногиронлар аравачаси бор – энг қулай, ясалиши жиҳатидан чиройли ва бежирим, мустаҳкам ва ҳамма талабларга жавоб бера оловчи. Эҳтимол, сиз буни бошқа худди шундай аравачалардан кўра арzonроқ сотаётган бўлишингиз ҳам мумкин. лекин сиз уларни бундай аравачага умуман эҳтиёжи йўқ одамга таклиф этаётган бўлсангиз – савдонгиз юришмаслиги тайин албатта.

Иккинчидан, одамлар ўзларида пул йўқлиги учунги-

на харид қилишмайди. Бунинг учун зарур маблағ, уларда, шунчаки, йўқ. Буни ҳам, сизнинг савдонгизни юришмаслигига сабаб бўлувчи шарт-шароит деса бўлади.

Учинчидан, одамлар сизга ишонмагани учун ҳам сизнинг маҳсулотингизни харид қилишмайди. Маҳсулотингизни мақташдан тўхтамайсиз, лекин бу уларни ишонтира олмайди. Улар сизни “атайлаб ёлғон гапирайпти ёки адашаяпти”, деб ўйлашади. Бошқача килиб айтганда, улар сизнинг тартибли эканингизга ҳам, обрўли эканингизга ҳам ишонмайди.

Тўртинчидан, ҳатто, улар сизнинг маҳсулотларнинг хусусиятлари ҳақидаги ҳикояларингизга ишонган тақдирда ҳам, сиз айтган жиҳатлар маҳсулотда ишламаётгани ҳақида ўйлашади. Дейлик, сиз чекишни ташлашга ёрдам берувчи воситани сотаяпсиз. Потенциал мижоз мазкур маҳсулотнинг кўпчилик учун фойдали бўлганига тўла-тўқис ишониши мумкин, лекин, барибир: “Мен бунинг бошқаларга наф бераётганини биламан, лекин мен 15 та воситани кўллаб кўришга улгурдим, лекин мана, ҳалиям чекаяпман ахир”, деб ўйлайди.

Дастлабки икки сабаб билан (мижозларга, шунчаки, бу маҳсулот керак бўлмаганида ёки уларнинг бунга пули йўқлигига) ишга тушириш Формуласи иш бермайди. Лекин унинг тўғри қўлланилиши учинчи ва тўртинчи сабабларни бартараф қилиш учун етарли бўлади. Ва бу йўлдаги илк қадам – Ишга тушириш олди информацион материалларнинг биринчи қисми ҳисобланади.

Мана, PLC № 1 учун яхши натижа берувчи рецепт:

1. Имкониятлар намойиши. Маҳсулотингиз уларнинг ҳаётини қай тариқа ўзгартишини кўрсатинг/айтиб беринг.
2. Устун жиҳатлар. Улар нима учун сизни эшлишилари кераклигини кўрсатиб беринг/тушунтиринг.
3. Таълим. Сиз нафақат имкониятлар билан таништиришингиз, балки қимматли маълумотларни ҳам беришингиз керак.

4. Маҳсулотга эътиrozлар ва буларга жавоб ёки келгуси видеода бунга жавоб беришга ваъда бериш. Қандай маҳсулот таклиф қилинмасин, барибир унга нисбатан қандайдир эътиrozлар бўлади. Сиз бунга тайёр бўлиб туришингиз керак.

5. PLC № 2 даракчиси. Сизни эшитаётганларга яқинда яна бир янги видео чиқарилишини айтинг, PLC № 2 орқали ўрганишлари мумкин бўлган ажойиб нарсалардан олдиндан воқиф қилиш билан улардаги қизиқишларни алангалатинг.

### **PLC № 2: Трансформация**

Агар PLC № 1 да “нима учун?”, деган саволга жавоб берган бўлсангиз, ишга туширишнинг иккинчи қисми “нима?” деган саволга бағишиланади. Трансформация ёки имконият нима, у мижозларга ўз ҳаётини ўзгартириши қай тариқа аскотади? Бу қисм, ўзининг кенг миқёсига кўра, таълимга ихтисослашган; сиз томошабинларга амалий маслаҳатлар ёки фойдали йўриқлар берасиз.

Потенциал мижозларда ажойиб таассурот уйғотиш учун беш ёки ўн дақиқада нималарни ўргатиш мумкин? қай тариқа сиз ҳозирнинг ўзида уларнинг ҳаётини ўзгартиришингиз ёки нарсаларга ўзгача кўз билан қарашга мажбурашингиз мумкин? Эҳтимолки, сиз кўрсатаётган таъсир учалик катта бўлмаслиги мумкин – аммо, энг асосийси мижозларни ҳаракат қилишга мажбур қилишдан иборат.

Мисол учун, PLC № 2 “ишга тушириш Формуласи” курсидаги ишга туширишлардан бири экин-тикин ишга туширишга бағишиланади (бу босқич 9-бобда кўриб чиқилади ва бу ҳатто ҳеч қандай маълумот ёки тайёр маҳсулотнинг ўзи йўқ бўлган тақдирда ҳам ишга тушириш жараёнини қўллаш мумкинлиги ҳақида бўлади).

PLC № 2 нинг якунида мен Экин-тикин ишга тушириш ҳақида тўхталганман. Албатта, 18 дақиқалик видеоклипда мен мазкур жараённи “Маҳсулотни ишга тушириш Формуласи” сингари батафсил тавсифлашим мумкин бўлмасдир. Лекин мен мавзууни имкон қадар кенг ва теран тарзда талқин ва таҳлил қилишга ҳаракат қилдим. Лекин кўпчилик одамлар айнан шу видео туфайли Экин-тикин ишга туширишни муваффакиятли тарзда амалга оширишди.

Албатта, одамларнинг аксарияти видеони томоша қилиши биланоқ тажрибада синаб кўришга шошилишмайди, лекин, уларда, асосан, ўз кучларига нисбатан ишонч туйғуси пайдо бўлади. Асосий ғоя эса мана бундай: агар PLC № 2 мижозларга PLC № 1 да ваъда қилинган трансформацияни қай тариқа амалга оширишни англашга ёрдам берса, демаккӣ, сиз ўз вазифангизни уддалаган бўласиз.

#### PLC № 2 нинг умумий ишончли схемаси

1. Миннатдорлик ва такрорлаш. Изоҳлари ва PLC № 1га оид саволлари учун одамларга миннатдорлик билдиринг ҳамда PLC № 1нинг қисқача моҳиятини эслатинг.

2. Имкониятлар ҳақида эслатма. Бунга PLC № 1да бўлгани сингари кўп вақт сарфлашнинг ҳожати йўқ, лекин қисқача эслатма берилиши шарт. Потенциал мижозлар PLC № 1ни кўришлари биланоқ эслаб қолиши керак, деб ўйлаш ҳам шарт эмас, унумтманг, уларнинг бусиз ҳаётлари жўшқин ва суронли, бундай ишга туширишлар улар учун сизга бўлганичалик мухим эмас.

3. Устунликни такрорланг. Сиз ўзингизнинг кимлигининг ва улар нима учун сизни тинглашлари мухимлигини албатта эслатиб туришингиз керак. Лекин ортиқча тафсилотларга берилманг – буни тезлик билан амалга ошиинг.

4. Вазиятга хос таҳлил ва сабоқ. Сиз томошабинларга қандайдир ғоят қимматли нарсани тақдим этишингиз лозим бўлади. Уларни зудлик билан амалиётда кўллаб кўришла-

ри мумкин бўлган битта (ёки биттадан ошиқ) нарсаларга ўргатинг.

5. Эътиrozларга жавоблар. Бир-икки асосий эътиrozларни эслатиб, уларга жавобларни айтинг. Сиз потенциал мижозларда пайдо бўлган ўзингиз тақдим этган трансформация ва ўзгаришларга нисбатан эътиrozлар булутини тарқатиб юборишингиз керак.

6. PLC № 3 даракчиси. Ўз ўрнида сиз уларни яқинда оммага намойиш этилувчи яна бир янги видео тақдимотидан воқиф қилишингиз лозим. Кейинги сафар нималарга ўргатишингиз ҳақида қисқача хабардор қилинг, бу мижозларни янги видеони интиқлик билан кутишлари учун замин ҳозирлайди.

7. Ҳаракатга чорлов. Блог ёки ижтимоий тармоқлардаги ишга туширишларда тақдим этилган видеога нисбатан изоҳлар қолдиришни сўранг.

### *PLC № 3: Маҳф этиши тажрибаси.*

Шундай қилиб, PLC№ 1да “нима учун?”, PLC№ 2 да “нима?” деган саволларга жавоб бердик. PLC№ 3 да эса сиз “қандай қилиб?” деган саволга жавоб беришга киришасиз.

Бошқача қилиб айтганда, потенциал трансформация ва ўзгаришларни намоён қилдингиз – бу, эҳтимолки, пианино чалишни ўрганиш ёки ҳовлидаги майдончани майсазорга айлантириш ва ёки медитация қобилияtingизни ривожлантириш кабилар бўлган бўлиши мумкин. Лекин, одатда, потенциал мижозлар бу ўзгаришларни ўз ҳаётларига жорий қилишни ҳамиша ҳам тўла-тўқис тушунавермайди. Бу масалада узил-кесил жавоб сизнинг маҳсулотингизнинг харид қилиниши бўлиши мумкин ва PLC№ 3 нинг якунига бориб бу борадаги маълумотларни оммага етказасиз. Лекин, дастлаб бир неча миқдордаги қимматли маълумотларни тақдим этишингиз лозим бўлади.

Ишга тушириш олди узвийлиги жараёнида шов-шув

ва жўшқинлик муҳитини вужудга келтириш шарт. Тасаввур қилингки, сиз роман ёзаяпсиз ёки фильм суратга оляяпсиз. Асарда, мактаб дарслекларидағи иборани ёдга олиб айтадиган бўлсак, ўзига хос “тугун” бўлиши керак. кейин тафсилотлар кульминацияга, яъни айни шу тугуннинг маълум ечимлари томон бориши лозим бўлади. Маҳсулотнинг ишга туширилиши айнан мана шундай принцип асосига қурилади. Ва PLC даги бир қисмдан иккинчисига ўтиш баробарида рағбат ва ҳаяжон даражасини ошира бориш талаб этилади.

Шундай қилиб, PLC№ 3 учун рецепт мана бундай:

1. Миннатдорлик ва мамнуният изҳор қилиш. Томошабинларга PLC № 2 га оид изоҳлари ва саволлари учун миннатдорлик билдиринг. Сиз ва барча томошабинлар ҳис қилган ҳажонли таассуротлар билан ўртоқлашинг. (Агар сиз PLC № 1 ва № 2 лар устида рисоладагидек ишлаган бўлсангиз, томошабинларингиз ҳам сиздаги ҳажонларни ҳис қиласди).

2. Имконият ва устунлик ҳақидаги тезкор эслатмалар.

Томошабинларнинг ҳаммаси ҳам биринчи ёки иккичи видеоларни кўришган деб ишониб қолиш керак эмас, шунинг учун қисқача тарзда имкониятдан фойдаланинг – ўзингизнинг кимлигингизни ва улар нима учун сизни эшишилари ҳақидаги эслатмалар беринг. Тафсилотларга ортиқча берилиб кетманг – бу дамда ҳаммасига тезда ва қисқача тарзда улгурниб қолиш керак.

3. Имкониятга кўра, вазиятга оид яна бир таҳлил.

4. Олинган асосий саволларга жавоблар. Бошқача қилиб айтганда, сиз яна бир марта асосий саволларга жавоб берасиз. Сизни буни PLC нинг бундан олдинги босқичларида бажарган бўлишингизга қарамасдан, яна бир бор қилишингиз керак бўлади. Одамлар ўзларининг эътироzlарини турлича воситалар орқали, турли саволлар бериш билан билдиришади албатта. Шунинг учун блогингизда пайдо бўлаётган саволларнинг барчасига тортинмасдан, бафуржка жавоб қайтаринг.

5. Умумий принцип ва тафсилотлар амалиётига оид тушунтиришлар. Бир қадам ортга чекининг ва реал имкониятларни кўриб чиқинг. Сизнинг маҳсулотингиз харида потенциал мижозларнинг ҳаётини қай тариқа ўзгартиради? Бу саволни ҳар томонлама кўриб чиқинг ва уни кела-жакка мослаштирган ҳолда мулоҳаза юритинг.

6. Енгил йўл билан таклифга ўтиш. Ўз таклифингизнинг 25 фоизини PLC № 3 га баҳшида этинг. Бу вақтга келиб, потенциал мижозлар сизга нисбатан илиқ муносабатни ҳис қилиб улгуриши лозим, сиз уларга фойдали бўлувчи анчагина маълумотларни тақдим этиб турибсиз ахир. Демак, аста-секин уларни ўзингиз билдиражак таклифга тайёрлаш вақти етди. Сиз яхши дўст бўлган одамдан бирданига эски автомобиллар сотувчисига айланиб қолмаслигиниз керак. Демак, сиз навбатдаги видеода уларга таклиф билан чиқмоқчи эканингизни билдиришингиз лозим. Ва трансформациянинг навбатдаги босқичига чиқиш учун томошабинлар кейинги видеони кўришлари талаб этилади.

7. Таклифлар камёблиги ғояси. Сиз ишга туширувчи таклифлар, албатта, қандайдар чекловларни ўзида мужассам қилиши керак. Ва PLC№ 3 якунига бориб, бу чекловларни эслатиш керак бўлади. Бунга ҳаддан ортиқ урғу бериш ҳам ярамайди, негаки потенциал мижозлар ҳали сизнинг таклифларингиз нимадан иборатлигини билишмайди. Шундай бўлса-да, ҳар қандай ҳолатда ҳам келгуси мактабни эътибордан соқит қилмаслик лозимлигига ишора қилингки, улар бунда ўзлари учун маълум чекловли бўлган таклифлар баён этилишидан боҳабар бўлсин.

8. Блогда ёки ижтимоий тармоқларда ишга туширилган видеони шарҳлашларини сўранг.

Айнан шунинг ўзи сизнинг Ишга туширишингиз олди изчиллигингиздаги учинчи қисм ҳисобланади. Буни тўғри бажариш билан сиз потенциал мижозлар билан тўғри муносабатларни йўлга қўйиб, авторитетни мустаҳкамлаган ва уларда яхши ниятлар билан харид қилиш иштиёқини

уйғотган бўласиз. Албатта, сиз бунда ҳар бир қадамингизда потенциал мижозлар учун қимматли маълумотларни бериб борган бўлиб чиқасиз.

Бундан ташқари, потенциал мижозлардан блогда ўз изоҳларини қолдиришларини сўраш орқали сиз “ишга тушириш бўйича сухбат”ни ташкиллаштирган ҳам бўласиз. Бу ҳолат ўша дамнинг ўзидаёқ ҳамжамият тузилишига асос яратади, негаки одамлар бир-бирларининг изоҳларини ўқий бошлайди ахир (ва ҳатто бир-бири билан мулоқотга ҳам киришади). Ишга туширишнинг муҳокамаси сизнинг маҳсулотингизга нисбатан билдирилган асосий эътиrozлар бўйича асл тасаввурлар ҳосил қилиш ва сизнинг Ишга тушириш олди информацион материалларингиз потенциал мижозларни нечоғлик қамраб олганини баҳолаш имконини беради.

### *Вазият таҳлилига оид эҳтиёткорлик*

Бир нарсани эслатиб ўтишга тўғри келади. Лекин олдиндан айтиб қўйишим лозимки, мен юрист эмасман. Ҳатто кинода ҳам бундай роль ўйнамайман. Бу ҳолатда мен, шунчаки, ўз фикрим билан ўртоқлашмоқчиман, демакки, бу хусусдаги батафсил тушунтиришлар учун профессионалларга мурожаат қилишга тўғри келади. Бундан ташқари, мазкур китоб ёзилаётган вақтда қонун ва мельёрий хужжатлар барқарорлаштириш босқичида эди.

Лекин, мисол учун, бир неча йиллар олдин АҚШ савдо комиссияси тестларга нисбатан – айниқса, кейинчалик рекламацияда қўлланилган маҳсулотлар ва хизматлар билан боғлиқ – тестларнинг натижаларига нисбатан янгича талабларни эълон қилди.

Авваллари ўз маҳсулоти ҳақидаги ҳисботида сотувчи “”номуносиб натижалар” ҳақида гапириши мумкин бўларди. Ҳозир эса бунинг ўзи етарли бўлмай қолди. Мен тафсилотларга берилмоқчи эмасман ва яна бир марта юрист эмаслигимни эслатаман. Ва мазкур мавзу ҳалигича охиригича тушунарли эмас.

Лекин мен буни сизга ўзингизнинг PLC ингизга қўйишни маслаҳат берган эканман, бу ҳақда эслатиб ўтишим лозим. Вазиятга оид таҳлил қайси вақтда “тест натижалари бўйича баҳоларга мос” бўлишини айниқлашнинг иложи йўқ.

Шунинг учун агар сизда ўзингизнинг савдонгиз ёки PLC бўйича заррача шубҳангиз бўлса ва шу ҳолатда сотувларни АҚШда ташкил қилишни режалаштираётган бўлсангиз, юрист билан маслаҳатлашинг ва мақсадингиз Федерал савдо комиссиясининг янги қоида ва бошқарув меъёrlарига нечоғлик мос келиши билан қизқинг.

### *Ишга туширишдан олдинги вақт чекловлари*

Энди Ишга тушириш олди изчиллигидаги муҳим масалага ўтамиз: у қанча муддатни тақозо қиласди? PLC ўртасида қанча муддат энг мақбули ҳисобланади? Афсуски, мен булар маълум вазиятнинг қандайлиги билан боғлиқ деб жавоб беришга мажбурман албатта.

Шахсан мен уч кундан йигирма етти кунгача давом этувчи Ишга туширишларни амалга оширганман. Лекин бу вариантларнинг ҳеч бирини дастлабки Ишга тушириш учун таклиф қиласмаган бўлардим. Менимча, дастлабки Ишга тушириш жараёни учун етти кундан ўн кунгача бўлган вақтинчалик муддат мақбул саналади. Бу вақт PLC нинг илк қисмидан Ишга тушириш ва савдолар бошлангучица бўлган муддат.

Агар сиз арzon маҳсулот, масалан, 27 долларлик электрон китобларни таклиф қилаётган бўлсангиз, сизга маълум муддат – етти ёки ҳатто беш кунлик муддатни тавсия қиласман. Бирмунча қиммат, масалан, 297 долларлик “Қандай қилиб саёҳат лайнерида иш топиш мумкин” курсининг савдосида бу муддатни ўн кунгача узайтириш мантиққа мос келади.

Етти кунлик изчилликнинг ўзига хослиги мана бундай кўринишда бўлади:

- 1 кун: PLC № 1 эълони.
- 3 кун: PLC № 2 эълони.
- 5 кун: PLC № 3 эълони.
- 7 кун: савдоларнинг очилиши.

Ўн кунлик Ишга тушириш олди изчиллиги мана бундай кўринишда бўлиши мумкин:

- 1 кун: PLC № 1 эълони.
- 5 кун: PLC № 2 эълони.
- 8 кун: PLC № 3 эълони.
- 10 кун: савдоларнинг очилиши.

Лекин шуни ҳам англаб олиш муҳимки, Ишга тушириш олди давомийлиги Ишга тушириш олди информацион материаллари изчиллиги сингари эътиборталаб эмас. Одамларга чиндан ҳам фойдали бўлган материалларни тақдим этинг, мен сизга берган Формулага риоя қилинг ва шунда ҳаммаси рисоладагидек бўлади.

### *Буларнинг барчаси ишилашининг сабаби*

Сизни Формула амалиётидаги айрим амалий жиҳатлар тўғрисида жиддий ўйлаб қолганингизга нисбатан шубҳаланиб турибман. Аммо бир зумгина ортга назар ташлаб, ҳолатнинг умумий кўринишига назар ташлайлик. Баъзан, ишга тушириш жараёни билан танишиб чикқач, одамлар унинг методологиясини маркетинг ҳийла-найранглари, потенциал мижозни кўзини шамғалат қилиш имконини берувчи улкан психологик методлар тўплами сифатида қабул қила бошлайдилар. Алоҳида қисмларни бирлаштириб, сиз ҳақиқатан ҳам одамларга ғайритабиий таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлишингизни рад этмайман, лекин аслида PLF умуман бу нарсага бағишлиланмаган. Сиз узоқ муддатли бизнесни психологик ҳийла-найранг билан қура олмайсиз.

Сизнинг ишга туширишдан олдинги маълумотингиз, бозор учун катта фойда келтириши керак. Агар сиз фақат битта жиҳатга эътибор қаратишни афзал кўрсангиз, бу сизнинг Ишга тушириш олди маълумотларингизни кузасиз.

таётган потенциал мижозлар учун фойдали бўлиши керак.

Бу дегани, сиз ҳамма нарсани, “захирада” ҳеч нарса қолдирмасдан айтиб беришингизни англатмайди. Бу сиздан ҳеч қачон, ҳеч нарсани сотиб олмайдиган, текинхўрларни жалб қилишингизни англатмайди. Бу сиз ресурсларни бепул тарқатиб, банкрот бўласиз дегани эмас.

Сиз, бор-йўғи, одамлар учун чиндан-да аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тақдим этишингиз керак. Уларни, шунчаки, жалб қилиб қолмай – уларни ўzlари учун сезиларли нарсалар билан таъминланг. Биринчи PLC қисмидা, ушбу сабабларнинг чегарасидан ташқарига чиқадиган истиқболлар ҳақида гапириб беринг. Одамларни чиндан ҳам фойдаланиши мумкин бўлган нарсаларга ўргатинг. Ҳар бир ишга тушириш жараёнида мен тақдим этган бепул материалларнинг микдоридан ҳайратда қолган одамлардан турли-туман шарҳлар оламан. “Маҳсулотни ишга тушириш формуласи” курсида юзлаб одамлар, мен томонимдан бепул тақдим этилган ишга тушириш олди материалларга асосланиб муваффақиятли ишга туширишга муваффақ бўлдилар. Менинг ўйлашимча бу ажойиб... Охир-оқибат, ҳамма нарсани ҳаммага ҳам доимий равишда сотиш мумкин эмас.

Натижада, сизнинг ва бизнесингизнинг муваффақияти бу сиз дунёга намойиш этувчи имтиёзлар микдори билан чамбарчас боғлиқ. Ва одамларга қимматли маълумотларни тақдим этадиган ажойиб Ишга тушириш олди кетма-кетлиги, изчиллигини яратиш – бу дунёга фойда келтиришнинг ажойиб усулидир. Сиз муносиб бўлган мукофотни узоқ кутишнинг ҳожати бўлмайди. Сиз уни сочувлар бошланганини эълон қилган куниёқ оласиз.

## 8-боб. Менга пулни кўрсатинг: ишга тушириш вақти!

Сьюзен Гаррет ишга жон-жаҳди билан киришувчи, жўшқин аёл эди, лекин у жуда шошқалоқлик қилди. У менинг маҳсулотни ишга тушириш Формуласини ўргатиш курсларимга ёзилди, ваҳоланки, у ўзининг бу қароридан эрини воқиф қилмаганди. Сьюзен эрининг кредит картадан пул ечиб олганигача етарли маблағ топиб қўйишга ишониб, шунга кўра иш тутди. Аммо унинг на почта тарқатма рўйхати, на маҳсулоти бор эди – пул ўтказилгани битилган қофозчани эса у менга бир ойгача муддатда юбориши керак – шунинг учун унинг олдида жуда қийин вазифа туради.

Сьюзен итларни кўлга ўргатиш билан шуғулланар эди ва итларнинг эгаларига ўзининг ҳайвонларни парваришлиш бўйича маслаҳатлар беришни яхши кўради. Бундан ташқари, у дунёдаги энг яхши мураббийлардан бири, айниқса итларнинг чаққонлиги ва абжирлиги на-

моён этилувчи жуда ажойиб спорт турида. У Америка ва Канадада 25 дан ортиқ чемпионатлар, шунингдек, кўплаб жаҳон чемпионатларида ғолиб бўлган.

У эришган муваффақият ва ҳосил қилган кўникмалар унга ривожланаётган халқаро бизнесни очишга имкон берди. Сьюзен ўкувчиларга ёрдам бериш учун Европа, Австралия ва Янги Зеландияга саёҳатлар уюштирган. Итларга ва уларнинг эгаларига ёрдам беришни орзу қилган одам нуқтаи назари-



Навбатдаги чемпионат ғолиби бўлган Сьюзен.

дан бу ёқимли ва ўзи учун завқу шавқли иш эди.

Аммо шу билан биргалиқда, бу Сьюзен (Торонто атрофига яшайдиган) жуда банд бўлган саёҳатга оид кун тартибига эга эканлигини ҳам англатарди. Бундан ташқари, доимий равишда мижозларга ёрдам бериш учун ҳеч қандай имконият йўқ: барча чет эл семинарлари бир марталик тадбирлар эди. Шу сабабли, Сьюзен хизмат сафарлар сонини қисқартириш усулини изларди, негаки унинг эри яқиндагина юрак хуружини бошидан кечирган эди ахир.

Кўпинча шундай бўлади, саломатлик билан боғлиқ муаммолар бизни ҳаётга бошқача қарашга мажбур қиласди. Сьюзен саёҳатларини минимал дараҷада камайтиrmокчи эди, аммо бунда иккита саволга жавоб бериш талаб қилинарди: қандай қилиб дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган мижозларни йўқотмаслик мумкин? Ва семинарларга боришни тўхтатса, йўқотадиган даромадини қай тариқа қайтариш мумкин бўлади?

Сьюзен бир нечта DVD-дискларни ишлаб чиқарди, аммо уларни сотишдан келган даромаддан катта фойда кўрмади. Бу асосий даромадга қўшимча бўлган, албатта, ёқимли эди, аммо бу унинг семинарлардан олувчи даромадининг ўрнини ҳеч қачон тўлиқ босолмасди.

Тахминан шу вақтда Сьюзен маҳсулотни ишга тушириш формуласи ҳақида билиб қолди. 2008 йилда у PLF курсига аъзо бўлди. Ва у катта молиявий сармояларни талаб қилгани сабабли, Сьюзен кредит карта ҳисоб ва рағидан кўчирма олишдан аввал ўқиш қарзини тўлашга ва ишга туширишни амалга оширишга қарор қилди (эри унинг қанча пул сарфлаганини билиб қолиши шубҳасиз эди албатта).

Аммо унинг олдида бир қатор тўсиқлар турар эди. Биринчидан, айтиб ўтганимдек, унда на почта рўйхати, на тайёр маҳсулот бор эди. Сьюзен деярли техник маҳоратларга ҳам эга эмас. Унинг бисотида фақатгина битта мулки бор эди – муваффақиятга эришишга нисбатан жуда катта истак. Айнан у барча аджилити, яъни итларнинг

чаққонлиги ва абжирлиги бўйича чемпионатлардаги ғалабаларини таъминлаган.

Нихоят, Сьюзен мавжуд мижозлардан бошлишга қарор қилди – у 1200 кишининг манзилига эга эди. Менинг дарсларимдан у почта рўйхати учун хостинг, яъни веб-саҳифаларни интэрнет серверига жойлаштириш кераклигини билар эди, шунинг учун у ProFollow0.com (<http://www.profollow.com>) сайтида рўйхатдан ўтди. Илгари унинг хизматларидан фойдаланган деярли 700 киши унинг ахборот бюллетенига аъзо бўлган.

Кейин у маҳсулот – илгари ёзган мақолаларини ўзида мужассам қилган электрон китоб яратди. У шуларни таҳрир қилиб, 14 доллар 97 цент турадиган китоб шаклини вужудга келтирди. Шундан сўнг, ишга тушириш вақти келди.

Сьюзен жуда оддий ишга туширишни амалга оширди. Техник маҳоратининг етишмаслиги туфайли у хат юбориш билан чекланиб қўя қолди. Ишга туширишдан олдин видеоларни суратга олишнинг ўрнига, у потенциал мижозларга ҳақиқатан ҳам қимматли маълумотларни ўз ичига олган хатларни юборди ва натижада бу сотувларга эришишга ёрдам берди.

Бу дарҳол ва мутлақо ажойиб натижаларга олиб келди – сотишдан тушган даромад 27 000 долларни ташкил этди, бу PLF курсини тўлаш харажатларини осонликча қоплади ва янги бизнесни очишга ёрдам берди. Бундан ташқари, Сьюзен ниҳоят PLF кучига ишонч ҳосил қилди. Ахир, илгари DVD -ларни сотиш унга йилига 10000 АҚШ долларидан камроқ фойда келтирарди, бу эса кўплаб тайёргарлик ишларини, жумладан, ускуналарни сотиб олишни, дистрибутор билан ҳамкорлик қилишни ва дискларни почта орқали юборишни талаб қиласиди. Бир сотувдан тушган даромад DVD савдоси бўйича энг яхши йиллик кўрсаткичлардан қарийб уч баравар кўпроқ эди. Бундан ташқари, ишга тушириш деярли ҳеч нарса талаб қилмаган эди – уни ўзи бир неча ҳафта ичида ташкил қиласиди!

Албатта, бу фақат бошланиши эди. Бундай вазиятларда биринчи ишга тушириш ҳеч қаңон охиргиси бўлмайди. Вакт ўтиши билан, Сьюзен итлар учун машғулотларнинг бутун линиясини ишлаб чиқарди. Минимал харажат 47 долларни ташкил этар, энг юқори нарх эса 4997 долларга етган эди. Ҳар бир янги маҳсулот ишга туширилиши билан унинг натижалари ўсишда давом этарди. Ҳозирда Сьюзен фақат онлайн равишда дарс беради ва бутун дунёда талабалар билан ишлайди. Бундан ташқари, мен бошқа ҳеч қандай бизнесда унинг сингари содик мижозларни учратмадим. Сьюзен итларни ўргатиш бозорида таникли етакчига айланди.

Бу жуда катта муваффақият тарихи – бир неча кун ичида 14,97 цент қийматидаги электрон китоб билан бошланган бизнес (ва кредит карта ҳисобварағи бўйича маълумотнома келгунга қадар PLF ни ўқитиш учун ҳақ тўлашга оид қатъий қарор). Энди Сьюзен учун ёрдамчиларнинг бутун жамоаси ишламоқда ва уларнинг барчаси ўн минглаб итлар ва уларнинг эгалари ҳаётини фаровонлиги ошишига хизмат қилмоқда. Аста-секин, Сьюзеннинг ишга туширилиши PLF жамоасининг афсонасига айланди, чунки улар тарихдаги энг муваффақиятли учирishлардан бири эди<sup>10</sup>.

### **Фазогир нуқтаи назаридан**

**Ура, ИШГА ТУШИРИШ вақти келди!**

Агар сиз ушбу босқичгача етиб келган бўлсангиз, унда сиз PFL ни ишга туширишнинг асосий омили билан аллақачон танишсиз – бу омил ишлашдан иборатдир. Мен буни бошқача бўлишини истардим, чунки бу барчамиз орзу қилган нарсага тезда эришишга имкон берадиган орзу – сехрли тутмачани эгаси бўлиш ахир. Умуман олганда, PLF усули сизнинг маҳсулотингизни сотишни

<sup>10</sup> Сюзан вазиятни тўлиқроқ: <http://thelaunchbook.com/susan>, сайтида танишиб чиқишингиз мумкин

бошлайдиган шундай тутма деб ҳисобланиши мумкин, аммо айни пайтда сиз бироз ҳаракат қилишингиз керак. Аслида, натижалар анчагина тер тўкиб ишлашга арзиди ва ишга тушириш кунида сизнинг барча меҳнатингиз оқланади.

Бу куннинг сизга ҳечроғлик ҳаяжонларни тақдим этишини тасвиrlаб бўлмайди. Шу кун учун сиз бир неча ҳафта ёки ҳатто ойлар давомида ишлагансиз. Ишга тушириш куни менга болаликдаги бир вактироғликни эслатади. Болалигимда мен катталаштирадиган шишани олиб, қуёш нурларини ёғочга қаратишни яхши кўрардим. Охир-оқибат, уни ёқиш учун етарли нур-иссиқлик бир жойга жамланарди. Бу тўла-тўқис бошланғич ишга тушириш жараёнинга ўхшайди. Ахир, сиз эътибор билан энергияни узоқ вақт давомида унга жамлайсиз. Ва буларнинг барчаси сизнинг почта рўйхатингиздаги ва бозордаги одамларни эътиборини жалб қилиш ва уларни ажойиб кун келишини кутишга ундашдир. Агар сиз ҳамма нарсани менинг формулам бўйича қилсангиз, шу кунга қадар уларнинг қизиқиши энг юқори даражага чиқиши керак. Ва табиийки, сизнинг ҳис-туйғуларингиз ва энергиянгиз ҳам максимал даражага етади.

Савдо бошланганини эълон қилиб, “Жўнатиш” тутмачасини биринчи марта босганингизни ҳеч қачон унутмайсиз. Менинг дўстим халқаро космик станциядан уч марта учган, космонавт. У менга космосга учирилгандан кейинги дастлабки дақиқаларни тасвиrlаб берди – бу реактив даражадаги тортишиш ва тезлашувнинг мислсиз ҳаракати. Билмадим, балки сизга ахмоқона бўлиб туюлар, лекин унинг ҳикояси менга маҳсулотни муваффақиятли ишга тушириш пайтида пайдо бўлган ҳиссиётни эслатди, сиз деярли шунга ўхшаш тортишиш ва тезлашишни бошингиздан кечиришингиз мумкин.

## *Улар шу ерда-а-а... ва харид қилмоқчи*

Мижозларимдан бирига ишга туширишга қандай ёрдам берганимни эслайман. Кучли ишга туширишдан сүнг, ғалаба аллақачон бизнинг кўлимизда эканлигига ишонган эдик. Бу туйғу барча белгилар билан тасдиқланган. Ишга туширишдан 36 соат олдин одамлар нархлар ва таклифлар тўғрисида аниқ саволлар беришни бошладилар. Блогни ишга туширишнинг сўнгги кунида, маълумотларга оид саволлар аста-секин бизнинг таклифимизга тегишли саволлар билан тўлдирила бошланди. Бу ҳар доим яхши белги хисобланади.

Аммо ҳатто энг муваффақиятли ишга тушириш ҳам шубҳалардан бутунлай холи бўлишингиз учун асос бўлмайди. Шундай ҳолатдаям, барибир ўзингизга савол берасиз: одамлар ҳамённи очишга уриниб, сиздан харид қилишни истаб қолишармикан?

Ишга тушириш куни биз эрта тонгда савдо сахифасига ҳавола билан хат юбордик. Ушбу сахифа ҳали мавжуд эмас эди, аммо вақт очилишга яқинлашаётган эди. Сайтга ташриф буюрувчилар таймерни кузатаётган пайтида биз серверлар статистикасини ўрганиб чиқаётган эдик. Айнан шу видеонинг пайдо бўлишини кутиб, сайтда қанча одам борлиги ҳақида маълумот беради. Сайтда қанча одам борлигини, қайси сахифада бўлишини ва у ерда қанча вақт ўтказганини кўриб турар эдик. Рақамлар ўсишда давом этарди. Бошланишдан 30 дақиқа олдин сайтда 100 киши ўтирап эди. 20 дақиқада – 300. 10 дақиқа ичида уларнинг сони 600 га етди.

Одамлар сахифани доимий равишда янгилаб туришганлиги сабабли, шу дақиқада биз сервер юклamasи ошганлигини аниқладик. Улар видеони сотиш бошланишини интизорлик билан кутишаётган эдилар. Ва кейин мен Скайп орқали ишга тушириш гуруҳимга хабар юбордим: “Улар шу ерда-а-а... ва харид қилмоқчи!”

Бир неча дақиқадан сўнг, аниқ белгиланган вақтда биз

эфирга чиқдик. Реакция дархол кузатилди. Деярли дархол сотувлар бизга 100000 доллар олиб келди, биринчи соатда 500.000 АҚШ доллары миқдорида даромад олинди ва ишга тушириш ёпилиши билан савдо даромади 3 миллион доллардан ошди.

Албатта, ҳар бир старт бундай даромад келтирмайди. Бундан ташқари, мен миллионлик босқични ўтишимдан олдин бир неча ўнлаб ишга туширишларни бажардим. Аммо сизнинг муваффакиятингиз уччалик аҳамиятли бўлмаса ҳам, савдо очилишида сиз ҳам улкан ижобий энергияни бошингиздан кечирасиз.

Ростини айтсан, менинг талабаларимнинг даромади 3000, 8000 ёки 27000 бўлган ишга туширишлар ҳақидаги ҳикоялари, мени миллионлаб долларлик ишга туширишлар ҳақидаги янгиликлардан кўра кўпроқ хурсанд қиласди. Янги келганларнинг бу “кичик” стартаплари ҳақида эшитиб, мен обрўли компанияларнинг жуда даромадли ишга тушириши ҳақида ҳисбот олишдан кўра кўпроқ яхши кўраман. Ахир, мен биламан, бу биринчи ишга туширишдан сўнг, менинг шогирдларимнинг ҳаёти бутунлай ўзгаради. Тез орада улар ўзларининг муваффакиятларини оширади, лекин улар “Жўнатиш” тутмачасини қандай босганиклари ва биринчи буюртмани ҳеч қачон унутмайдилар.

### *Ишга тушириш куни ҳақида батофсил*

Шунга одатланганмиз, биз ишга тушириш кунини Очиқ сават деб номлаймиз, чунки шу куни биз Интернет-дўконни очамиз ва буюртма қабул қилишни бошлаймиз. Ва сиз тахмин қилишингиз мумкин бўлганидек, биз ишга туширишни тугатиш кунини Ёпиқ сават деб атаемиз. Техник нуқтаи назардан, бу сотувларни тугатиш дегани эмас, аммо ишга туширишнинг аниқ якуни бўлиши керак. Аммо, мен ҳозир анчагина муддат кейин бўладиган нарсани айтиб ўтаяпман, чунки бу мавзу бироз кейинроқ

кўриб чиқилади.

Агар сиз менинг формуламга мувофиқ қатъий ҳаракат қиласангиз, учда сиз Очиқ саватга олиб борадиган, ишга тушириш олдидан тайёрланган маълумотларнинг тўпламига эгасиз. Улар сизнинг тарқатма аъзолари билан алокани таъминлаб беради. Ақлий триггерларни фоллаштириш орқали сиз ишонч, ижтимоий далил ва жамоага эга бўласиз. Ва ишга туширишдан олдинги сўнгги кунларда камёблик триггери ишга туширилади. Почта хабарлари рўйхати аъзолари таклиф деярли тайёрлигини билишади. Биринчи марта сиз охирги PLC нинг парчасида эслаб ўтгансиз. Бошқача қилиб айтганда, олдиндан ишга тушириш, аксарият ҳолларда келажақдаги савдони ташкил этишдаги қийин вазифани ҳал қиласи.

Ишга тушириш механизмининг ўзи жуда оддий. Яхши тайёрланган маркетинг саҳифаси керак бўлади. Одатда у реклама видеоси ёки матнини ўз ичига олади. Гарчи сиз билан бирга бошлишнинг барча кетма-кетлигини кўрган одамлар келажақдаги маҳсулот учун рекламаларни олдиндан олишган бўлса ҳам, тижорат тиражини ишлатишидан кўпам фойдаланиш керак эмас. Аввало, сизнинг таклифингиз мижозга очадиган имкониятларни кўрсатиб беринг ва кейин маҳсулотнинг бутун тарихини айтиб беринг.

Сотиш саҳифаси тайёр бўлиши биланоқ, амалиётларга тайёрлигингиз ҳақида одамларни хабардор қиласидиган янгиликлар вақти келади. Бу сотиладиган саҳифанинг ҳаволоси бўлган оддий, қисқача мактаб ҳисобланади. Дастреблабки тайёргарликка кўп вақт ва куч сарфланган, шунинг учун ушбу хат дарҳол масаланинг моҳиятини очиб бериши керак.

Мисол тариқасида, “Маҳсулотни ишга тушириш Формуласи” ўкув дастуримни очишда фойдаланган хатимни кўриб чиқинг:

Шундай қилиб, мен “маңсулотни шыга түшириш формуласи” курсига рүйхатдан ўтишини йўлга қўйдим. У <http://www.productlaunchformula.com> манзилида мавжуд (Мен ортиқча юкламаслик ва сервердаги юкни тарқатмаслик учун саҳифани олдиндан очиб қўйдим).

Эзгу тилаклар билан,

Жефф

*P. S. Мен сизга ваҳима учун ҳеч қандай сабаб йўқлигини эслатаман. Барча жойларни бирданига сотиш жисмоний жиҳатдан имконсиз. Аммо сиз PLF семинарида иштирок этишини кафолатламоқчи дўлсангиз, тўловни кениктирганингиз яхшироқ. Жойлар тегда тугайди.*

Кўриб турганингиздек, бу оддий ва қисқа хабар. Биргина таништирув таклифидан сўнг дарҳол сотиладиган саҳифага ҳавола мавжуд. Албатта, хатни юбориш пайтида ушбу ҳавола иш ҳолатида бўлган<sup>11</sup>.

## ХАТ ЮБОРИШДАН ОЛДИН

Очиқ-равшан нарсаларни такрорлайдиган одам бўлиб кўринишим мумкин бўлса-да, эслатиб ўтаман, савдо очишлиси тўғрисида хат юборишдан олдин, сиз яна бир бор ҳамма нарсани текшириб кўришингиз керак – эҳтимолки, бу ишни икки мартараб қиласиз. Сотувчи саҳифаси ишлайптими? Унинг ичидаги барча ҳаволалар очилаяптими? Буюртма шакли тўғри ишлайптими? Буюртма жараёнини диққат билан текшириб кўрдингизми? Сиз буюртма берганингиздан кейин нима бўлишини биласизми? Харид қилганингиздан кейин пайдо бўлган миннатдорчилик саҳифаси ҳакида нима дейиш мумкин? Буюртмани тасдиқловчи хат келадими? Буюртмалар қандай қайд қилинади?

<sup>11</sup> Постскриптум кўпинча хатнинг энг кўп ўқиладиган қисмидир, шунинг учун мен камёб бўлган триггерини ишлатардим. Мен обуначиларимни агар улар менинг семинаримга келишни хоҳласалар, иккиланмасликлари кераклиги ҳакида огохлантиридим.

Агар ҳамма нарса синовдан ўтган бўлса ва юборишига тайёр бўлса, сиз янгиликлар варақасини тарқатишингиз мумкин. Шуни айтишим керакки, ушбу соҳада катта тажрибага эга бўлсан ҳам, шу лаҳзаларда мен асабийлаша бошлайман. Мен ишга тушириш бошланиши ҳақида хабар юборган тутмани босишга қарор қила олмайман. Бу жуда буюк лаҳзадир, шунинг учун сизни асабий титроқ ва бошқа кучли ҳис-туйғулар эгаллаб олиши мумкинлигини ёдингизда тутинг. Аммо бу қадам ишга тушириш олдидан текширувлар тугаши билан амалга оширилиши керак. Ахир, сиз ишга туширишга тайёrsиз.

### *Буюртмалар оқимиини кузатиш.*

Ишга туширишдан кейинги дастлабки бир неча соат, кўпинча, ажойиб спорт пойгасига айланади. Дастлабки натижаларга эътибор қаратмаслик жуда қийин. Биринчи буюртмадан сўнг, сиз енгил нафас олишингиз мумкин, чунки бу ҳамма нарса тўғри ишлаётганидан дарак, дегани.

Кейинги икки соатни мен статистикани кўздан кечиришга сарфлайман. Мен сайтнинг трафигини кузатаман, буюртма шакли билан саҳифага ташриф буюрганларнинг сони, очилиш ҳақидаги хабарни ўқиганлар микдори ва ундаги ҳаволани ўқиганлар сони, буюртмалар сони ва уларнинг имкониятларини кузатиб бораман (одамлар, кўпинча, қайси вариантни танлайди).

Бундай ҳолатда, жуда кўп статистик маълумотлар мавжуд ва уни кузатиш қийин бўлиши мумкин. Аммо бир ёки икки соатдан кейин сиз яна ишлашга қайтишингиз керак, чунки Очиқ сават энди ишлай бошлади<sup>12</sup>.

### *Сизнинг очиқ саватингиз*

Албатта, ишга тушириш унутилмас лаҳзадир, аммо бу изчилликнинг бир қисмигина холос. Одатда, тўрт ёки етти

<sup>12</sup> Менинг севимли статистикани кузатиш воситаларимга ҳаволаларни <http://thelaunchbook.com/resources> сайтида топиш мумкин

кун давом этади. Баъзан мен қисқа ишга туширишларни амалга оширадим. Бир неча марта маҳсулот 24 дан 36 соатгача бўлган даврда тўлиқ сотилган.

Аммо сиз бир неча бор ишга туширишларни қўлла-маганингизча ва бир оз тажрибага эга бўлмагунингизча ушбу қисқа ишга туширишларни четлаб ўтишингиз керак. Агар қисқа вақт оралиғида хато юз берса, орқага қайтишга вақтингиз бўлмайди. Шунинг учун, биринчи марта ишга тушириш учун, бошиданоқ, беш кун ажратилиши керак.

Муайян натижалар сиз ишлаётган бозор, таклиф этилган маҳсулот ва умуман ишга тушириш стратегиясига боғлиқ. Аммо, одатда, барча буюртмаларнинг 25 фоизи биринчи кунга тўғри келади, 50 фоизи эса охирги кунга тўғри келади. Юқори бошланғич самараదорлик, сиз жуда кўп ишлаган олдиндан кутиш триггерларидан келиб чиқади. Ишга тушириш охиридаги энг юқори даражага ноёблик триггери сабаб бўлади. Бошқа барча буюртмалар очилиш ва ёпилиш ўртасида аста-секинлик билан бажарилиши аниқ.

### Улкан якун

Муваффақиятли ишга тушириш учун мажбурий, асосий қоидалардан бири бу унинг тугаши учун аниқ санани борлиги билан боғлиқ. Ишга тушириш жараёнида, харид қилмаслик салбий оқибатларга олиб келиши керак. Потенциал мижозлар, агар улар ишга тушириш вақтини ўтказиб юборсалар, бирор нарсани йўқотишларини тушунишлари керак. Айнан шу ёндашув камёб триггерни фаоллаштиради ва сотовуни сўнгги 24 соат ичидагескин ўсишига олиб келади.

**МУХИМ!** Кўпинча, одамлар ишга туширишни охирида, камёблик триггерини фаоллаштиришдан қочади. Бундай хато қилманг, бу муқаррар равишда натижаларингизга таъсир қиласди. Савдо икки баравар камайиб кетиши мумкин. Ишга туширишнинг якунини ажойиб қилинг ва натикин.

жалар икки баравар кўпаяди.

Камёблик бу нима? Номукаммал сотиб олиш ишга тушириш даврида қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин? Камёблик триггерини фаоллаштиришнинг учта асосий усули мавжуд:

- Кўтарилиган нарх. Ишга тушириш вақтида маҳсулот учун маҳсус нарх белгиланади, бу сиз харидни якунланиш кунигича қилишингиз керак деганини англатади. Ушбу ёндашув мисолларини осонгина эслаб қолишингиз мумкин. “Қора жума” – бу Шукрона кунидан кейин сотувлар учун очиладиган мавсум. Бу одамларни харид қилишга шошилтиришнинг яхши усули, уни ишлатиш осон, аммо шунинг учун камёблик триггерининг бу шакли энг кучлиси эмас.

- Йўқолаётган бонуслар. Айтайлик, сиз блюз гитара машқлари маҳсулотини сотаяпсиз. Ишга тушириш вақтида маҳсус таклиф мавжуд бўлади: барча мижозлар сиздан шахсий Скайп дарсини оладилар. Агар бирор киши ишга тушириш пайтида курсга рўйхатдан ўтмаса, у бонус дарсисиз қолади. Бундай ҳолда, камёблик триггери жуда кучли бўладии. Катта бонус нархларни оширишдан кўра кўпроқ кучли имтиёзлар билан боғлиқ ҳисобланади.

- Якун ясовчи таклиф. Ишга тушириш вақтида маҳсулотингизни сотиб олмасдан, потенциал мижозлар ундан фойдаланиш имкониятини йўқотадилар. Кўпгина ҳолларда, бу ноёблик триггери учун энг кучли вариант ва нархни кўтаришдан кўра анча кучли рағбат ҳисобланади. Фақатгина муаммо шундаки, у барча таклифларга ҳам мос келмайди. Агар сиз ресторон очаётган бўлсангиз, уни бир ҳафтадан кейин ёпишингиз даргумон. Шахсан мен ноёблик триггери шаклидан жуда тез-тез фойдаланаардим, айниқса онлайн курсларни сотишда (масалан, маҳсулотни ишга тушириш формуласини ўргатиш курси каби). Бундай ҳолатларда мазкур ёндашув мантикий, чунки мен бир гурӯх талабаларга худди коллеждаги каби ўргатаман. Шунга кўра, рўйхатдан ўтиш фақат кейинги дарслар бошлани-

шидан олдин бўлиши мумкин. Рўйхатдан ўтишга улурмаган киши, гуруҳнинг қолган аъзолари билан ўқишни бошлай олмайди. Ушбу ишга тушириш операцияси жуда кучли рағбатдир, агар у сизнинг маҳсулот турингизга мос бўлсагина албатта.

Муҳим нарса: сиз камёблик триггерининг санаб ўтилган варианtlарини бир-бирларига қўйиб, бирлаштира оласиз.

Ишга тушириш тугагандан сўнг, маҳсулот юқори нархда ва бонус таклифисиз сотилиши ҳақида эълон қилиш орқали сиз ушбу триггернинг таъсирини ва шу сабабли ишга тушириш натижаларини кучайтирасиз.

Ва ниҳоят, шуни эслатиб ўтмоқчиманки, камёблик триггери учун юқоридаги варианtlардан фойдаланиш манипуляция билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ҳақиқий дефицит сифатида бўлиши керак.

Ишга туширишнинг бундай кескин ёпилишининг яхши иш беришига сабаб, одатда, потенциал мижозлар қарорларни эртага қолдиришга мойил бўлишлариададир. Ва сиз ҳамённи очиб у ердан пул олишингиз кераклиги ҳақида гап кетганда, бу тенденция янада кучаяди. Агар сиз потенциал мижозлар ҳаётига катта таъсир кўрсатадиган ажойиб маҳсулотни яратган бўлсангиз, сиз шунчаки, уларга иккиланишни енгишга ёрдам беришингиз керак. Бунга камёблик триггерини зудлик билан бажарилишини кўрсатиб, ишга туширишни юқори даражада якунлашга ёрдам беради.

### **Очилиши ва Ёпилишдан ташқарида**

Ишга туширишдан сўнг, асосийси – тўхтаб қолмаслик керак. Баъзи талабаларим бундай хатога йўл қўйиши, бу эса пул йўқотишлирига олиб келди. Очик сават кунларидага тарқатмалар ва рақасини тарқатишга ишонч ҳосил қилинг. Ахборот тарқатмалари потенциал мижозларни ишга туширишга йўналтиришга ёрдам берадиган восита. Бу ҳолат, дейлик, унинг давомийлиги беш кунни ташкил қила-

ди.

Ишга тушириш кунида сиз иккита хатни юборишингиз керак: биринчиси – саватни очиш пайтида (юқорида бундай хатнинг мисоли келтирилган), иккинчиси – тўрт соатдан кейин, ҳамма нарса ишлаётганлиги ва сиз операцияларни бажаришга тайёр эканлигиниз ҳақида хабар беришингиз керак.

Эртаси куни яна бир мактуб юборилади. Одатга муводиқ, бу ижтимоий далилни намойиш этади. Унда сиз эксплуатация муваффақиятли бўлганлиги ҳақида маълумот берасиз.

Учинчи куни маҳсулот билан боғлиқ бўлган асосий саволларга жавоблар битилган хат юборилади. Очик сават пайтида юборилган барча бошқа хабарлар сингари, у сотиладиган саҳифага камида битта ҳаволани ўз ичига олган бўлиши керак.

Тўрtingчи куни, хат камёблик триггерини фаоллаштириши керак. Аслида, сиз 24 соатдан кейин ишга тушириш ёпилиши ҳақида огоҳлантирасиз. Бу нима содир бўлишини ва бу вақт ичида потенциал мижозлар харид қилишмаса, нимани йўқотишини аниқ белгилашингиз учун керак бўлади.

Бешинчи куни почта орқали юбориш икки (ёки ҳатто уч) марта амалга оширилади. Биринчи хат эрта тонгда юборилади ва яқинда ишга тушириш бошланиши ҳақида хабар беради. Иккинчиси бу воқеадан олти ёки саккиз соат олдин кетади. Агар сиз кўрсатмаларга қатъий риоя қилган бўлсангиз, бу кун ҳиссиётларнинг порлаши ва катта буюртмалар оқимига тўлади. Афсуски, кўпинча одамлар хатоларга йўл қўйиб, ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб кетишига гувоҳ бўлганман. Улар ё тарқатма ахборот бюллетенларини умуман қилмайдилар ёки буни фақат бир марта қилишади. Одатда, бу улар ишга тушириш пайтида жуда кўп хат юборилганлиги ва яна бошқасини юбориш ҳеч нарсани ўзгартирмайди, деб ўйланганида содир бўлади.

Бу нотұғри ёндашув. Бундай хатоларга йүл қўйманг. Ёпилиш кунида сиз бир нечта хабарларни юборишиңгиз керак. Менга ишонинг: у ҳамма нарсани ўзгартиради. Кўпинча, доимий мижозлар қарор қабул қилиш вақтини кечикитиришга мойил бўладилар. Ва улар сўнгги дақиқагача кутишади. Биринчи марта ишга туширишни тутатганингизда ва якуний шов-шувга қойил қолганингизда, сиз ОДАТДА одамлар даҳшатли даражада зимдан синчков эканини кўрасиз. Ишга тушириш қандай тутатилиши режалаштирилишидан қатъий назар, одамлар энг сўнгги дақиқаларгача буюртма беради. Шунинг учун, ўзингизга яхшилик қилинг – ёпилиш кунида камида икки марта ахборот бюллетенини тузинг ва учинчи хатни юбориш ҳақида ўйлаб қўйинг.

### **Нимадир нотұғри бўлаётганида**

Ҳамма нарса яхши бўлишини ва ҳар бир ишга тушириш катта муваффакият қозонишини исташимга қарамай, баъзида ишга тушириш муаммолардан ҳоли бўлмайди. Баъзида натижалар кутилганидан паст бўлади. Шунинг учун мен энг кўп учрайдиган муаммоларни кўриб чиқиши ва бундай вазиятларни қандай ҳал қилиш бўйича баъзи маслаҳатларни беришни хоҳлайман.

Биринчидан, баъзида техник муаммолар пайдо бўлади. Масалан, веб-сервер жуда кўп трафик туфайли ишдан чиқади. Яхшиямки, биринчи ишга тушириш пайтида, бу муаммо сизга таҳдид солмайди. Серверларни ишга тушириш учун жудда катта трафик талаб қилинади. Яхши ривожланган бизнес ва узундан-узоқ тарқатмалар рўйхати эгаси бўлмасангиз, сиз, шунчаки, ерсверга бундай юк тушира олмайсиз.

Аммо яхши ривожланган бизнес эгалари ва узун почта рўйхатлари эгалари учун эътибор бериш керак бўлган нарсалар мавжуд. Менинг энг муҳим ишга туширишларимнинг бирида сервер ишдан чиқди, бу мен учун кўп

рухий изтироблар, буюртмаларнинг йўқолиши ва натижада катта микдордаги пулни сарф қилиниши кабиларни олиб келди. Бундан ташқари, мен маълум бир даражада мижозларнинг ишончини йўқотдим ва бу обрўйимга путур етказди. Сизга қасам ичиб айтишим мумкин, сервер ишдан чиқиши жуда ёқимсиз ҳолатдир<sup>13</sup>.

Кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмайдиган иккинчи муаммо бу инкассация билан, яъни пул олиш билан боғлиқ. Интернет орқали буюртмаларни қабул қилиш учун сизга бирон-бир тўлов шлюзи ёки тижорат ҳисоби керак бўлади. Қайси усулни танлашингиздан қатъий назар, кутилмагандага катта микдордаги буюртмалар ушбу хизматни тақдим этганларни асабийлаштириши мумкин. Эҳтимол, вазият улар томонидан кредит хавфи сифатида қабул қилиниши мумкин. Охир оқибат, сиз шунчаки пулни олиб, улар билан Таитига қочиб кетишингиз мумкин ва улар алданган мижозларга пулни қайтариш учун жавобгар бўлиб қолишади. Бир сўз билан айтганда, одатий даражага нисбатан буюртмаларнинг кескин кўпайиши, сизга транзит ҳисобини тақдим этганларни кўрқитади. Шахсан, мен тижорат ҳисобим ва PayPal тизими билан боғлиқ муаммоларга бир неча бор дуч келдим. Бундай муаммоларни олдини олиш учун, ишга туширишдан олдин вазиятни муҳокама қилиш яхшидир. Бундан ташқари, ишга туширишни тасдиқлаш билан шуғулланадиган ташкилотлар билан ишлаш ҳам наф беради. “Жефф Уокер услугубида ишга туширишни амалга ошириш”, дейишингиз ўзиёқ нимани англатиши ни тушунадиган операторлар мавжуд<sup>14</sup>.

<sup>13</sup> Постскриптум кўпинча хатнинг энг кўп ўқиладиган кисмидир, шунинг учун мен камёб бўлган тригерини ишлатардим. Мен обуначиларимни агар улар менинг семинаримга келишни хоҳласалар, иккilanmasliklari кераклиги ҳақида огохлантирдим.

<sup>14</sup> Тавсия этилган операторлар рўйхатини <http://thelaunchbook.com/resources> сайтидан топишингиз мумкин

## Агар ҳеч ким сотиб олмаса?

Агар ишга тушириш катта даромад келтирмаса нима бўлади? Сиз саватни очишингиз билан, аммо савдо деярли йўқ бўлса-чи. Сизни ишонтириб “бундай бўлмайди”, деб айтмоқчи бўлишимга қарамай, бу ҳолатлар ҳам бўлиб туришини назарда тутиш лозим албатта. Ва бу ҳодисанинг сабабини тушунишингиз керак.

Дастлаб бутун жараённи синааб кўринг. Дастурдаги ишга тушириш ҳақида хабарни очинг ва унга уланган ҳавола ишлаётганига ишонч ҳосил қилинг. Савдо саҳифасида ҳамма нарса яхши ёки йўқлигини текшириб кўринг. Саҳифа юкланаётпими? Буюртма шаклига ўтса бўладими? Қабул қилинганига ишонч ҳосил қилиш учун, буюртма беришга ҳаракат қилиб кўринг.

Кейин сайtingиз трафикни қабул қиласидими ёки йўқлигини тушунишингиз керак. Тарқатма статистикасини текширинг. Хатлар жўнатилаётпими? Одамлар сайtingизга кирайтпими? Сайтдаги трафик статистикаси нимани кўрсатаяпти? Савдо саҳифасига неча киши ташриф буюяпти? Буюртма саҳифасига-чи?

Ва ниҳоят, агар сайт ишлаётганлиги ва одамлар унга ташриф буюраётгани аён бўлса, бу ҳолда конверсия билан боғлик муаммолар мавжудлигини англатади. Одатда, бу сизнинг таклифингиз ёки тижорат мурожаатингиз билан боғлик. Конверсия муаммосининг аниқ сабабини аниқлаш қийин. Қолаверса, бу юқорида айтиб ўтилган икки омил комбинацияси туфайли юзага келиши мумкин.

Аввал таклифингизни кўриб чиқинг. Бу жозибадорми? Бу мижозларнинг муаммоларини бартараф қилиш учун ечим таклиф қила оладими? Сиз бозорга жуда зарур бўлган нарсаларни ёки ўз наздингизда одамларни қизиқтириши мумкин бўлган нарсани сотаяпсизми? Ёки, эҳтимол, умуман бу фақат сиз эндиғина яратмоқчи бўлган нарсадир? Сизнинг таклифингизда потенциал мижозларнинг умидлари ва орзулари инобатга олиндими? Бу бозорга хос

бўлган кўрқув, ҳадик ва интилишларни ҳисобга оладими? Бу бозор хоҳлаган нарсага қаратилганми?

Сотилаётган видео ёки хатни тузилишини таҳлил қилинг. Сизнинг маҳсулотингиз потенциал мижозларга вайда қилган транформация бу ерда таъкидланганми? У ерда маҳсулотнинг афзаликлари аниқ кўрсатилганми? Ушбу жиҳатлар аниқ ва аниқ кўринадими? Харид қилиш жараёни қанчалик содда ва тушунарли? Эҳтимол, одамлар шунчаки буортма тартибини аниқлай олмаётгандир? Одамларга пировард натижалар тўғрисида қанчалик аниқ маълумот берасиз? Жараённинг ҳар бир босқичида улар нимани кутишлари мумкин? Маҳсулот қанча туради? Сиз қандай кафолатлар берасиз?

Агар сиз савдонинг тақчиллиги таклиф ёки реклама матни билан боғлиқлигини тушунсангиз, унда ишга киришиш вақти келди. Ҳали сиз қўлингиздаги имкондан фойдаланишингиз учун кеч эмас. Мен ишга тушириш жараёнининг ўртасида, таҳрир қилинган таклиф ёки тузатилган савдо саҳифаси туфайли вазият тубдан ўзгарганининг ҳам гувоҳи бўлганман.

## **Ҳаммаси яхши бўлсин – ишга туширишдан кейинги ҳаракатлар**

Ишга туширишнинг энг кучли ва ҳайратланарли натижаларидан бири бу сизга нисбатан пайдо бўладиган яхши муносабатдир. Ишга туширишдан олдинги ахборот материалларида жуда кўп фойдали маълумотларни бепул берганингизда – бозор сизни яхши кўришни бошлайди. Қолаверса, булар орасида маҳсулотингизни охир-оқибат сиздан сотиб оладиган одамлар ҳам, видеоларни фақат ишга туширишдан олдин томоша қиласиганлар ҳам бўлди.

Албатта, сизни ҳамма ҳам бирдай яхши кўрмайди, лекин бозорнинг аксарияти сизга нисбатан миннатдорлик ҳисларини туяди. Сизнинг жамоангиз шу одамлардан

ташкыл топади ва ишга туширишдан олдинги жараён ўзига хос танловни амалга оширувчи табиий фильтр вазифасини ўтайди.

Ишга туширишни тугатиб, саватни ёпганингиздан сўнг, сизга даромад келтирадиганлар билан муносабатларни мустаҳкамламоқчи бўласиз. Ушбу “ишга туширишдан кейинги” жараён бу сизнинг ишга туширишингизнинг импульсини жадаллаштириш ва созлашда мухим қадамдир. Мен янги харидорларга, кўп куч сарфлаган ҳолда, ҳаддан ортиқ тарзда режалаштирилувчи етказиб беришларни амалга ошираман ва умид қиласманки, сиз ҳам шундай қиласиз. Менда ҳар доим кўшимча бонуслар бўлади, улар хақида ишга тушириш пайтида мен ҳеч нарса демайман. Уларнинг тақсимланиши сават ёпилгандан сўнг кўп ўтмай бошланади. Ҳозирги пайтда биз, кўпинча, маҳсулотни сотиб олгандан кейин орттирган тажрибамиздан норози бўлганимизда, дастурга ортиқча нарсаларни қўшиш бизга сотувчиларнинг асосий қисмидан ажралиб туришга имкон беради. Бир нечта кутилмаган бонуслар билан қандай натижаларга эришиш мумкинлигининг ўзи ажбланарли ҳолат албатта. Бу ақлга сиғмас нарса дейишга шошманг – ваъда қилганингиздан кўпроқ нарсани беринг, шунинг ўзи етарли.

Бозордаги энг катта ва энг осон ғалабалардан бири янги мижозлар билан ишончли алоқа жараёни орқали таъминланади. Кўп жиҳатдан, у автоматик жавоб электрон хабарлари ёрдамида амалга оширилади.

Шунингдек, мижозларни қўллаб-қувватлаш хизматини эътиборсиз қолдирмаслик керак. Мен дунё миқёсида қўллаб-қувватлашни тақдим этаман ва бу сарфланган ҳар бир центга арзиди. Қўллаб-қувватлаш менга фойда келтирмайди, аммо бу бизнес қуришга хос бўлган умумий стратегиянинг мухим қисмидир.

Ва ниҳоят, сиздан ҳали ҳеч нарса сотиб олмаган потенциал мижозларни ҳам унутмаслик лозим. Сиз уларни ишга тушириш олдидан энергия сарфлаб уларни мафтун

қилишга урингансиз ва улар охир оқибат харидни амалга оширмаган бўлсалар ҳам, эҳтимолки, уларга сизнинг кейинги таклифингиз кўпроқ ёқиши мумкин.

Бу муносабатларни бузилишига йўл қўйманг. Ишга туширишдан бир неча кун ўтгач, улар билан бошқа қимматли маълумотларни ҳам баҳам кўринг. Бу уларни кейинги таклифингиз ёки кейинги ишга туширишингиз учун мослаштиради.

Шундай қилиб, энди ишга тушириш нима эканлигини билиб олганингиз учун, менда сизлар учун кичкина бонусим бор – Экин-тикин ишга тушириш сирлари. Сиз поча рўйхати ёки маҳсулотсиз қандай ишга туширишни ўрганасиз. Мен Экин-тикин ишга туширишдан қандай қилиб 20 миллионли империяга ўтганимни айтиб бераман...

## **9-боб. Нолдан бошлаш: Экин-тикин ишга туширишнинг бошланиши.**

Мўъжаз оиласдаги гўдакнинг ўлими Тара ва Дейв Маринонинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу ҳар қандай ота-она учун фожеа албатта. Мен бу дунёни муддатидан олдин тарк этган азизларимни йўқотган бўлсам-да, бунинг қанчалик азобли эканлигини ҳатто тасаввур ҳам кила олмайман. Буни бошдан кечириш осон эмас.

Дейвнинг яхши иши бор эди, унга йилдан-йилга олти рақамли даромад олиб келарди, лекин корпоратив мутаассиблик уни аклдан оздираётганини ҳис қилди. Ва фожиадан кейин унинг учун атрофдаги ҳамма нарса ўз маъносини йўқотди. Тара кўчмас мулк агенти бўлиб ишларди, аммо аксарият ҳолларда у уйи ва болалари билан машғул бўларди.

Унинг, шунингдек, севимли машғулоти бор эди – дўстларига, одатда, ўзи каби уй бекаларига, ўзларининг ҳаётини ўзгартириш учун ёрдам беришни яхши кўрарди. Формула маҳсулотни Ишга тушириш Формуласи ҳақида

биринчи марта эшитганида, у дарҳол ушбу восита унга тажрибасини янада кенгрөқ аудитория билан бўлишиш ва ўз бизнесини йўлга кўйишга имкон беришини тушунди. Ба, эҳтимолки, бу Дейвнинг ҳаётига ўзгача маъно бағишиларди.

Аммо Таранинг олдида жуда катта муаммо турадики, бу ҳаммасини нолдан бошлиш зарурати билан боғлиқ эди. Дўстларига ёрдам бериш асносида у жуда катта миқдордаги материаллар тўплади, аммо буларнинг барчаси китоб, семинар ёки, ҳеч бўлмаганди, бир қатор тақдимотлар шаклида тизимлаштирилиши керак эди. Аслини олганда, унинг маҳсулоти йўқ эди.

Яна бир муаммо бор эди: бу рўйхат ва платформанинг йўқлиги. Тара Twitter даги бир неча обуначилари ва Facebook ижтимоий тармоғидаги дўстлари билан гуурланниши мумкин эди, аммо ундан кўпроқ нарса йўқ эди.

Шунга ўхшаш вазиятда бўлганингизда сиз нимадан бошлаган бўлардингиз?

### *Маҳсулотсиз пул олиш*

Экин-тикин ишга туширишнинг сеҳрли хусусиятлари том маънода сизга бизнесни ҳеч нарсасиз бошлишга имкон беради – Тара ҳам худди шундай йўл тутди.

Почта қутиси ва ижтимоий тармоқлардан у 200 кишининг манзилларини топишга ва ишга тушириш олди жараённи ташкил қилишга имкон топди. У ўз маҳсулотини “Сиз – мукаммалсиз” деб номлади. Тара ва Дейвнинг таъкидлашича, бутун корхона ўз-ўзидан пайдо бўлганга ўхшар эди. Бироқ, биринчи маҳсулотни дўстлари ва танишлари орасида кичик бир доирада ишга тушириш, уларнинг ҳолатида бўлганидек, кўпинча, хатоларни четлаб ўтишга имкон беради. Шунинг учун, экиш пайтида Тара курс учун бешта талабани топди ва шу орқали у деярли 3000 доллар пул топди!

Маҳсулот ўзида иш жадваллари ва шаблонлари билан олти ҳафталик телевизион семинарларни мужассам-

лаштиарди. Аслида, Тара сотувлардан кейингина маҳсулотни яратди ва тақдим этди. Ҳар ҳафта у кейинги дарсга материаллар тайёрлар эди, сўнгра телефонни олиб, дарс ўтказади. Бу ажойиб интерфаол жараён эди. Мижозларнинг шарҳлари, аниқ эҳтиёжларга кўра қуидаги дарсларни тузишга имкон берарди. Албатта, Тара барча дарсларни ёзиб олар ва бу ёзувлар, асл дастурни тутатгандан сўнг унинг маҳсулоти учун асос бўлиб хизмат қилди. Экин-ти-кин ишга тушириш унга нафақат даромадни, балки тайёр маҳсулотни ҳам олиб келди.

Нолдан 3000 доллар қилиш – бу жуда жозибали, аммо бундан кейин содир бўлган воқеа аввал содир бўлганларни янада ажойиб қилиб кўрсатади. Биринчи курсда мижозлар билан бўлган мулоқот натижасида яна иккита маҳсулот: “Таъсирчанлик кучи” ва “Гўзаллик формуласи”-ни ишга тушириш ғояси пайдо бўлди. Биринчи ишга туширишдан сўнг Дейв ва Тарада минглаб манзилларнинг рўйхати тузилган эди. Кейинги ишга тушириш уларга деярли 12 000 доллар даромад келтирди. Аммо такрор айтаман: бу фақат бошланиши эди. Учинчи акция пайтида улар 90 000 доллар тўртинчиси давомида улар аллақачон 190 000 доллар ишлаб топишиди. Ҳар бир ишга тушириш уларнинг почта рўйхатини кўпайтириди ва бозорда ўз обрўсини мустаҳкамлади. Бугунги кунга келиб, Таранинг машғулотлари ва мураббийлик курслари уларга ярим миллион доллардан кўпроқ даромад келтирди.

Бу вақт орасида Дейв ишдан бўшади. Тўсатдан, унинг “хавфсиз” идораси барча жозибасини йўқотди. Бизнесдаги муваффакият фарзандидан жудо бўлиш азобини юмшатиши даргумон, аммо улар бутун оиласига бутунлай янгича бўлган ҳаётий мухитни бахшида қилди. Тара, Дейв ва уларнинг икки ўғли таътилда Францияга боришганидан сўнг, ўша ерда қолишга қарор қилишганда, бу ҳаёт кескин ўзгариб кетди! Тара ҳар доим Францияда яшашни орзу қиласиди, янги бизнес ва янги ҳаёт тарзи тўсатдан бу орзуни ҳақиқатга айлантириди. Улар уйларига қайтиб

учиб кетиши, аксарият буюмларини нарсалар сақланувчи омборга топшириб сўнг Франциянинг жанубига кўчиб ўтишди<sup>15</sup>.

## **Сиз бошлишга киришганингизда**

Ишончим комилки, ҳозирга қадар сиз синчковлик билан режалаштирилган ишга тушириш самара беришини кўрдингиз. Сиз аллақачон маҳсулотни ишга тушириш формуласи ҳар қандай ҳажмдаги корхоналар билан қайта-қайта иш бериши тасдиқланган тизим эканлигини кўрдингиз.

Аммо узоқ вақт давомида ушбу мавзу билан шуғулланган одам сифатида биламан, баъзи ўқувчилар Формулани ўз ҳолатларига қандай қўллаш мумкинлигини тасаввур қилишмайди, айниқса, бизнес ҳали мавжуд бўлмаса. Эҳтимол, бундай шубҳалар сизни ҳам ташвишга солаётгандир. Эҳтимол, буларнинг барчаси, албатта, мантиққа тўғри келади деб ўйларсиз, аммо бизнесда қандай қўллаш кераклигини сиз ҳали билмайсиз албатта. Сизда почта рўйхати ёки маҳсулотнинг ўзи йўқ. Эҳтимолки, сиз ишга тушириш жуда яхши бўлар эди, деб ўйлайсиз, аммо керакли активларга эга эмассиз. Ёки ҳатто сизнинг бизнесингиз бор, лекин ўзингизни бошқа соҳада синааб кўришни хоҳлайсиз. Сиз олдинга сиљишга тайёрсиз, лекин сизга бошланғич нуқта керак. Бундай ҳолда, ушбу боб сиз учун мўлжалланган, чунки у юқорида келтирилган барча саволларга жавоб беради.

Мен уни Экин-тикин ишга тушириши деб номлайман, чунки бу кичик ишга тушириш сизга маҳсулот, почта рўйхати ва ҳатто муваффақиятли бизнесни тақдим этишга қодир. Бир кун осмон қадар ўсиб кетувчи катта эмнага айланиши мумкин бўлган кичик бир уруғни тасаввур қилинг. Бундай уруғдан ўсиши мумкин бўлган ғаройиб дарахт ғояси бемаъни кўринади, аммо биз аниқ биламиз-

<sup>15</sup> Тара ва Дейвнинг тўлиқ ҳикояси <http://thelaunchbook.com/tara> да жойлашган

ки, бу худди шундай бўлади. Шунга ўхшаш вазият экинни Экин-тикин ишга тушириш пайтида ҳам содир бўлади. Буларнинг барчаси ғоядан ва оз миқдордаги сотувлардан бошланади, кейин у жиддий бизнесга айланиши мумкин.

### **Жума куни содир бўлган фалокат**

Энди биз Экин-тикин ишга тушириш механикасини кўриб чиқамиз, лекин аввал унинг ишлаш принципи ва самарадорлик даражасини кўрсатадиган мисолни келтирмоқчиман. Мен ушбу Экин-тикин ишга туширишга 2005 йилда мурожаат қилдим ва ҳар доимгидек, бундай ҳолатларга мурожат қилиш, жиддий ҳолатларни юзага келтирган. Мен бизнесни нолдан бошлашимга тўғри келган.

Кўп йиллар давомида мен турли хил товарлар ва хизматларни тарғиб қилиш билан шуғулланиб келганман ва тўсатдан шерик билан бўлган муносабатларим кескин равишда якунланди. Ўтган йиллар давомида мен тез-тез бизнес ҳамкорликка мурожаат қилдим ва битта ҳақиқатни аниқ англадим. Бизнес шериклик, асосан, узоқ вақт давом этмайдиган тарзда яратилган. Аммо бу сафар мен билан муносабатларни огоҳлантиришсиз узиб юборишиди. Жума кунларининг бирида шериклардан бири менга қўнғироқ қилди ва у нафақат ишлашни тўхтатибгина қолмай, балки деярли барча тўлов қобилиятига эга мижозларни ўзи билан олиб кетишини айтди.

Кўплаб ишбилармонлар бу каби ҳолатларни бошидан кечирганлар, шунинг учун ушбу вазиятнинг ўзида ғайри-табиий нарсанинг ўзи йўқ. Аммо бу ҳолатда битта фикр диққатга сазовор эди. Менинг биринчи қилган нарсам – бу ўтириб олиб, энди нима билан машғул бўлишим бўйича обдон ўйлаб олишдан иборат эди. Мен йўқотган бизнеснинг барча ижобий ва салбий томонларини ёзиб чиқдим. Кейин эса мен бизнеснинг янги версиясида кўришни истаган нарсаларимни санаб ўтдим. Мен қизиқкан соҳани эгаллашга етарилча кўп вақт сарфланди. Ва энг муҳими,

мен бозорга қандай фойда келтиришим мүмкінлиги ҳақида яхшилаб ўйлаб кўрдим.

Кўп йиллар давомида мен инвестиция ва савдо соҳасида ишлаб келдим. Менинг барча маҳсулотларим одамларга фонд бозорига қандай инвестиция қилишни ўргатар эди. Гарчи бу бизнес менга жуда ёққан бўлса-да, мен вужудимда чарчоқ бошланганини ҳис қилдим. Менинг фонд биржаларим бюллетенлари йилига ўртача беш юз марта нашр этиларди. Ва мен бошқаларнинг ёрдамисиз ҳамма нарсани қилганим учун, бу жараён жуда оғир эди. Мен бошқа, режалаштириш ҳажми камроқ бўлган бозорга ўтишни хоҳладим.

Яна бир ҳаракатлантирувчи омил бор эди: тез орада менга тадбиркорлик ва маркетинг билан шуғулланиш ёқиб бораётганига эътибор бериб қолдим. Фаолиятимнинг бошида мен маркетинг ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдим, лекин аста-секин “бу масалада устаси фаранг” бўлиб қолдим. Мен йўқ жойдан, яъни ҳеч нарсадан бизнес яратадим, улкан почта рўйхатини туздим ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ажойиб тизимини яратдим. Бундан ташқари, мен бошлангич техникани бошқа тадбиркорлар билан баҳам кўрдим ва улар ҳам жуда яхши натижаларга эришдилар, шунинг учун мен усулим бошқаларда худди ўзимда бўлгани сингари яхши ишлашини билардим.

Шундай қилиб, менинг ихтисослашувим (маркетинг ва маҳсулотни ишга тушириш) одамларга катта фойда келтириши мумкин эди ва мен тадбиркорлик ва маркетинг асосларини яхши кўрардим. Аммо менинг олдимда иккита муаммо турар эди: бу бозорда менда на почта рўйхати ва на тайёр маҳсулот бор эди. Олдинги бизнесдан қолган улкан манзиллар рўйхати бор, аммо улар фонд бозорига қизиқсан одамларга тегишли эди; янги йўналишда улардан фойда кам эди. Яхшиямки, менга омад кулиб боқди – мени бир неча ҳафта ичидаги маркетинг конференциясида чиқиш учун таклиф қилишди. Ва мен

тақдимотни янги бизнесни қуриш учун асос қилиб олишга қарор қилдим.

Мен 90 дақиқада айтилиши мүмкін бўлган даражада батафсил тафсилотларни намойиш этадиган ажойиб тақдимот қилдим. Тақдимотдан сўнг таклифлар тингланди: методологияни батафсилроқ ўрганишни истаганлар учун ва юқорида келтирилган барча стратегиялар қандай амалга оширилаётганини аниқ билиш учун мен жараённи босқичма-босқич намойиш этиш билан кичик гуруҳларда машғулотлар ўтказдим. Мен уни “Ишга тушириш Формуласи семинари” деб номладим. Машғулотлар мен бир мунча вақт ўтгач бошлишим керак бўлган, телефон конференциялари шаклида ўтказилиши керак эди.

“Саҳнадаги савдо-сотик” – бу алоҳида санъат тури, шунинг учун тан олишим керакки, мен ушбу бизнесда зарур кўникма ва тажрибага эга эмас эдим. Шунга мувофиқ тарзда менинг таклифим унчалик эътиборга сазовор ҳам бўлмади. Залда уч юзга яқин одам бор эди, мен гурухдаги атиги олтита ўринни сотдим. Бу жуда паст кўрсаткич. Энди мен саҳнадан таклиф тушганидан кейин кутилиши керак бўлган минимал жавоб даражаси 10 фоизни ташкил этишини керак эканлигини биламан. Менинг натижам эса 3 фоиздан ҳам кам эди.

Айтайлик, сотувчи сифатида мен юқори натижаларни кўрсата олмадим, лекин мён учиринда яхши ишга туширишларни амалга оширадим. Ва энди менда ҳақиқий мижозлар бор эди. Мен уларга ҳаётларини бутунлай ўзгартирадиган нарсаларни ўргата олишимга амин эдим.

### **Бир неча муаммо... ҳал қилинди!**

Ушбу босқичда навбатдаги бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Биринчидан, мен ишга туширишларни қандай амалга оширишни билардим, лекин буни қандай ўргатишни билмасдим. Иккинчидан, кўпроқ иштирок этиш учун олтитадан кўпроқ талаба керак эди. Шунинг учун мен гурухга бир неча йиллар давомида танишган дўстларим

– тадбиркорлар ва бизнес эгаларига қўшилишни таклиф қилдим. Бу ҳолатда мен талабаларнинг “танқидий массаси”га эга бўлишим жуда муҳим бўлганлиги сабабли қўшимча одамлар белгул таклиф қилинганди. Уларнинг кўпчилиги менинг омадли ишга туширишларимдан хабардор бўлиб, менинг формуламни билиб олишни жуда хоҳлардилар. Шундан бу улар учун ҳеч нарса йўқотилмайдиган вазият эди. Мен ўзимга танқидий массамни олардим ва улар менинг сирларимни билиб олардилар. Натижада 30 кишидан кўпроқ бўлган гуруҳни ташкил қилдим.

Шундай қилиб, танқидий масса муаммоси ҳал қилинди, лекин мен ҳали материални тақдим этишининг энг яхши усулини танламадим. Мен ишга туширишларни қандай бажаришни билар эдим, лекин илгари ҳеч қачон Формуламни бирорга ўқитмагандим. Ва тажрибамдан билардимки, ҳар қандай соҳадаги мутахассислар, кўпинча, “билимнинг тавқи лаънати” остида қолиши ҳеч гап эмасди. Одам ўзини бу ишда янги эканини тезда унугради ва жуда юқори даражада дарс беради.

Шунинг учун, мен ўзим ёқтирган асбобга мурожаат қилдим, у ҳакда мен ишга туширишдан олдинги босқични ёритганда айтиб берган эдим. Мен гуруҳ аъзоларидан нимани билишни хоҳлашларини сўрадим. Таклифим доирасида бешта телефон конференциясини ўтказишга ваъда бердим. Биринчи дарсдан олдин, мен талабалардан маҳсулотга оид қайси мавзулар кўпроқ қизиктиришини сўрадим. Жавобларни беш тоифага ажратдим – ҳар бир бўлаҗак дарс учун биттадан. Биринчи дарсда мен бошланғич жараён ҳақида умумий маълумот бериш имконини берувчи саволларни олдим ва уларни мантиқий кетма-кетликда жойлаштирдим. Кейин семинар давомида мен рўйхат бўйича ҳар бир саволга жавоб бериб чиқишим керак бўлди холос.

Кейинги дарс олдидан мен яна бир сўровнома ўтказдим. Гуруҳда, биринчи машғулот материаллари бўйича саволлар бор-йўқлигини билмоқчи эдим. Шунингдек,

мени иккинчи мавзу бўйича асосий саволлар – ишга туширишдан олдинги кетма-кетликни яратиш ҳақидаги саволлар қизиқтирарди. Ва яна мен, шунчаки, маърузамнинг асосини ташкил этувчи мантиқий ҳикоядаги саволларга жавоблар беришим керак эди.

Шундай қилиб, бешта дарснинг барчаси шаклланди. Семинардан сўнг мен қўшимча, бонусли телефон конференциясини ўтказдим, шунда мен тингловчиларим орасида қолган саволларга жавоб бериб ўтдим. Кейин (доимо ваъдаларимни бажаришни яхши қўрганим учун) мен бошқа одамларнинг ишга туширишларига оид вазиятнинг таҳлилига бағишиланган яна бир нечта телефон конференцияларини ўтказдим.

Натижада, дастлаб ваъда қилинган бешта конференциянинг ўрнига, мен тўққизта ёки ҳатто ўнтача косференция ўтказдим. Биз мавзуни ҳар томонлама ўрганиб чиқдик ва мен билгандаримнинг барчаси билан ўртоқлашдим. Натижада, мен талабаларимдан ажойиб шарҳлар ва уларнинг муваффақиятлари ҳақида хабарлар олдим. Билдирилган фикр-мулоҳазалар мен ўзим ваъда қилганимдан кўпроқ нарсани берганимдан далолат бериб турарди. Бундан ташқари, тақдим этилган материал (кейинчалик маҳсулотни ишга тушириш формуласининг асосини яратди) ҳақиқатан ҳам ақл бовар қилмас эди. Аммо менинг талабаларим курсни тўлиқ қадрлашлари учун яна бир сабаб бўлиб, улар буни тўла-тўкис ҳис қилиш жуда муҳим саналарди.

Оддий қилиб айтганда, мен барча материалларни гурухга етказишга муваффақ бўлдим, ваҳоланки, илгари ҳеч қачон буни қилмагандим ҳам. Гап менинг түфма ўқитувчилигимда эмас. Талабаларимга жараённи бевосита ўзлари олиб боришга рухсат бердим. Доимий равишда дарс пайтида ҳам, дарс олди сўровларда ҳам улардан нимани билишни хоҳлашини сўрадим. Ўтган мавзуларда нима нарса тушунарсиз бўлиб қолган? Қайси мавзуларга қайтиш ва батафсил кўриб чиқилиши керак? Яна қандай саволлар

жавобсиз қолди? Аслида, мен Экин-тикин ишга тушириш пайтида, ёлланган биринчи талабалар гурухидан матери-ални қандай үқитишини ўрганиш учун фойдаланганман.

Ушбу соҳадаги ҳозирги мавқеимдан келиб чиқиб, турли хил маҳсулотларнинг бозорда қандай пайдо бўлишини кўраман. Ва уларнинг орасида жуда кўпи паст сифатли. Экиш ишга туширилиши туфайли сиз яратган маҳсулот паст сифатли молга айланади, деб хавотирланмайсиз. Ахир, унинг устида ишлаш жараёни жуда интерактив. Сиз доимо харидорларнинг фикрлари билан қизиқасиз ва бу ажойиб натижаларни беради. Оддий қилиб айтганда, сиз табиий равишда бозор эҳтиёжларига мослашасиз. Сиз нинг олдиндан тахминлар қилишингиз шарт эмас. Сиз “билим тавқи лаънати”га чап берасиз. Ва мижозларга ҳақиқий фойда келтирасиз.

### **Экин-тикин ишларингиз бошланиши**

Шундай қилиб, Экин-тикин ишга тушириш жараёни-ни батафсил кўриб чиқайлик.

Бу на почта рўйхати, на маҳсулотга эга бўлган янги бошланувчилар учун жуда мос келади. Бу янги маҳсулот ҳақида тасаввурга эга бўлгану, лекин маҳсулоти кимгadir керак бўлармикан, деб шубҳаланаётганлар учун ёки бирон бир сабабга кўра маҳсулот яратилишидан олдин тўловни олиш керак деб иккиланаётганлар учун ҳам тўғри келади. Экишни тайёрлаш воситаси қанчалик мослашувчан эканлигига ҳайрон қоласиз. Ваҳоланки, битта чеклов ҳам мавжуд: жисмонан маҳсулотни етказиб бераётган бўлсангиз, ушбу турни ишга туширишнинг иложи йўқ. Аммо маълумот ва таълим маҳсулотларига жуда мос келади. Агар сиз одамларга вазн йўқотишни, муносабатлар ўрнатиш, яхши иш қидириш, марафонча югуриш, итларни қўлга ўргатиш, қўшимча беморларни терапия машғулотларига жалб қилиш, ижтимоий тармоқлардаги обуначилар сонини кўпайтириш ёки шунга ўхшаш нарсаларга эга бўлсангиз, экишади ишга тушириши сизга хуш ёқади.

Сиз учун хушхабар айтишим мумкин: сиз аллақачон экиш бошланганда зарур бўладиган деярли барча воситалар ва тушунчалар билан танишиб чиқдингиз. Бундан ҳам яхшироқ янгилик бор. Сиз ишга туширишнинг барча мавжуд бўлган вариантларидан энг оддийсини бажаришингиз керак бўлади. Ва, энг мухими, у тугаши билан сизнинг қўлингизда потенциал мижозларнинг эҳтиёжлари ва истакларига мукаммал даражада жавоб берадиган, мукаммал сифатли тайёр маҳсулот бўлади.

Экин-тикин ишга туширишда, асосан, электрон почта орқали тўғридан-тўғри савдо билан шуғулланган бир неча кишиларга маълум бўлган иккита ҳодисадан фойдаланишини бошлайди. Биринчидан, фоиз сифатида кичик рўйхатлар катта рўйхатларга қараганда яхшироқ жавоб қайтаришади. Ва мен КИЧКИНА рўйхатларни кўпроқ жавоб қайтаради деб айтмаяпман – демоқчиманки, улар жуда ҳам сезгир. Масалан, бир гал мен 299 манзиллар рўйхати билан ишлаган эдим. Бу ишга туширишнинг энг қийин вариантларидан бири эди, чунки мен илгари бепул бўлган онлайн хизмат учун одамларни тўлашга мажбур қилишим керак эди. Янги нарх катта эмас, лекин у йилига 100 долларни ташкил этар эди.

Бир қарашда, мени олдинда жуда оғир иш кутиб турар эди. Аммо рўйхатга жуда самимий одамларнинг манзиллари киритилган эди (бошқача қилиб айтганда, мен улар билан жуда яхши муносабатда бўлганман). Ва натижада мен 299 маҳсулот обуналаридан 297тасини олдим, яъни жалб қилиш (конверсия) нисбати 99,3 фоиз эди. Ишончим комилки, мен бундай натижадан янада ошиб кетолмайман! (Шунга қарамай, менинг одатий натижаларим одатдагидан анча йироқ!) Аммо ишонч билан айта оламанки, агар рўйхатда уч мингта манзил бўлганида, шунга ўхшаш жалб қилиш коеффициенти, умуман олганда, эришиб бўлмайдиган натижа бўлар эди.

Экин-тикин ишга туширишининг фойда келтирадиган иккинчи таъсири - бу “ўта сезгирлик” билан танилган

маълум фоиз одамлар рўйхати мавжудлиги. Бу сизнинг содик мухлислингиздир. Улар сиз юборган барча хатлар ва электрон почталарни очиб кўришади. Улар сиз таклиф қилаётган ҳамма нарсани катта эҳтиёж билан сотиб олишади. Сиз айнан улардан биринчи бўлиб электрон почта орқали жавоб оласиз; улар биринчи бўлиб сизнинг блогингизга шарҳлар қолдиради ва ижтимоий тармоқлардаги янгиланишларингиз ҳақида биринчи бўлиб хабар олишади. Ва дикқатга сазовор тарафи шундаки, бундай ўта сезгир одамлар ҳар қандай почта рўйхатида мавжуд.

Кичик рўйхатларнинг катта сезгирлигини уларнинг ҳаддан ташқари масъулиятли одамларини бирлаштирган ҳолда, сиз уруғларни оласиз... Экин-тикин ишга туширишни.

Эҳтимол сиз ҳайрон қолаётгандирсиз: нега дастлаб кичкина рўйхатлар ҳақида гапирайпман, ахир гап дастлаб экиш ишга туширишини умуман рўйхатсиз ўтказиш имконияти ҳақида эди. Гап шундаки, экиш ишга тушириш учун биринчи қадам микрорўйхат яратищdir. Унинг ичida фақат 30 киши бўлиши мумкин, аммо бу рақамни юзга етказиш яхшироқдир. Ундан ҳам яххиси, уч юзта манзилни тўпланг.

Шунга қарамай, мен сизни хурсанд қилишим мумкин, энди микрорўйхатларни тузиш ҳар қачонгидан ҳам осонроқ бўлиб қолган. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг энг самарали воситаси бу ижтимоий тармоқлардир. Биринчи обуначиларни топиш учун Facebook, Twitter ёки исталган бошқа ижтимоий тармоқлардаги мавзуларингиз бўйича юқори сифатли материалларни баҳам кўришни бошлишнинг ўзи кифоя.

Ижтимоий тармоқлардаги вазият, китоблар нашр этилгандан кўра тезроқ ўзгариб бораётгани ва экин-тикин ишга тушириш, бу сўзларни ёзгандан кейин ўн йил ўтгач ишлатилиши мумкинлиги сабабли, мен сизга ижтимоий тармоқлар орқали микро рўйхатлар яратиш учун аниқ тактикаларни тақдим қила олмайман. Сиз танлаган

мавзу бўйича мухим, қизиқарли материалларнинг нашр этилиши, пировард натижада обуначиларни жалб қиласди. Материалларни шахсан ўзингиз яратишингиз ёки танлаб олишингиз мумкин (яъни сиз томондан топилган ва эълон қилинган бўлиши мумкин). Қандай бўлмасин, сизнинг ресурсингизнинг янгиланишини кузатишни истаганлар дарҳол, тез орада топилади. Яна бир бор эслатиб ўтаман, сиз юзтадан уч юзтагача манзилларни тўплашингиз керак. Бу унчалик қийин эмас.

Экин-тикин ишга туширишнинг асосий мақсади миллион доллар ишлаб топиш эмас, балки сизни ўйин билан танишириш, автоматик равишда ажойиб маҳсулотни яратиш ва бозорни таниб олиш, шунингдек, келажакда янада кенгроқ ишга тушириш учун зарур шарт-шароитларни яратишдир.

Мен сизни ўзимнинг Экин-тикин ишга туширишим бўйлаб бориб маҳсулотларни сотишга бағишлиланган семинарларни, яъни мижозларга бир қатор теле-семинарларни таклиф қиласман. Белгиланган вақтда барча иштирокчилар маҳсус рақамга қўнфироқ қилишади. Телефон бутун гуруҳ сизни тинглаши учун созланган бўлади. Аслида, сиз телефон орқали маъруза ўқиш имкониятига эга бўласиз. Агар кези келса, сиз ҳар бир талабага сўз беришингиз мумкин. Мен минглаб одамлар учун теле-семинарлар ўтказган эдим, аммо уруғ экиш бошлангандан сўнг сиз кўпин билан ўнлаб мижозлар билан ишлашингиз керак бўлади<sup>16</sup>.

Айтайлик, сиз танланган мавзу бўйича бир қатор телесеминарлар ўтказмоқчисиз. (Семинарлар сони турлича бўлиши мумкин, лекин учдан бешгача қўнфироқни

<sup>16</sup> Телесеминар ўрнига сиз веб-семинар ташкил қилишингиз мумкин. Бундай холда, талабалар сизни нафақат эшитишлари, балки кўришлари ҳам мумкин. Вебинарлар жуда яхши воситадир, чунки улар сизга визуал материалларни баҳам кўришга имкон беради, аммо уларни ташкил қилиш анча қийин. Агар сизнинг барча мижозларингиз сиз билан бир шаҳарда истиқомат қилишса, сиз юзма-юз дарсларни ўтказишиングиз мумкин. Аммо бошлашнинг энг осон усули – бу телесеминарлар. Ушбу хизматни ким тақдим этишини билиш учун менинг <http://thelaunchbook.com/resources> саҳифасига ташриф буюринг

ташкил этиш яхшироқдир.) Ҳафтасига битта семинарни режалаштиринг. “Саволлар ва Жавоблар” бонус конференцияси ҳақида ҳам унутманг, бу янги мижозларга берилган ваъдаларнинг ҳаддан ташқари бажарилишини кафолатлади.

Ишга тушириш жараёнининг ўзи ҳақида. Сиз деярли сезгир ва дўстона бўлган одамларни ўз ичига оладиган, фойдаланувчилар учун қулай бўлган кичик рўйхат билан ишлаётганингиз учун ҳеч қандай мураккаб иш қилингизга ҳожат қолмайди. 6 ва 7-бобларнинг материалларидан фойдаланишнинг ўзи кифоя.

Аммо сизда яхши таклиф бўлиши керак, бундан ташқари, сиз ўзингизнинг семинарларингиздан кейин одамлар қандай фойда олишларини тушунтириб беришингиз керак. Аслида, сиз таклиф қилинган курсни якунлаб, амалга ошириладиган ўзгариш ёки ўзгаришларга эътибор қартишингиз керак. Сиз ўз мижозларингизга кўркув ва умидсизликлардан қочиб, ушбу курс уларнинг орзулари ва умидларини амалга оширишга қандай ёрдам беришини кўрсатишингиз керак. Масалан, агар сиз одамларга гитара чалишни ўргатсангиз, улар турли хил аккордларда чалишни қанчалик тез ўрганишларини кўрсатиб беришингиз шарт эмас; бунинг ўрнига, асосан қандай ўзгариш бўлишини таъкидланг. Натижада нима олишади? Дўйслар учун чалиш ва қўшиқ айтишга қодир бўла олишадими? Улар ўзларини мазкур гуруҳ учун ижро этишда ишонч билан тута олишадими? Улар ўзларини ҳақиқий мусиқачи каби ҳис қила оладими? Қарама-қарши жинс вакилини эътиборини қозона оладими?

Шундай қилиб, процедурани ўзини кўриб чиқамиз. Уруғни экиш бўйича ишга тушириш ҳолатида ҳам, ишга туширишдан олдин ҳам ҳамма нарса жуда оддий тарзда бўлиши керак. Бундай ҳолатда, ишни бошлашдан олдинги жараён асосий қисм бўлади. Ушбу босқичга бағишлиган бобни қайта ўқиб чиқинг ва кейин микрорўйхатдаги одамлардан улар учун энг муҳим бўлган саволларни бе-

ришини сўранг. Бунинг учун сиз сўровнома тузишингиз ёки электрон почта ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишингиз мумкин. Олинган натижалар сизнинг бозорингиздаги умидлар / орзулар / қўркувлар / умидсизликлар ҳақида кўп нарсаларни кўрсатиб беради ва таклиф яратиш жараёнига бебаҳо хисса қўшади. Бу потенциал мижозларни таклифга тайёрлайдиган, бу ҳақда маълумот берадиган ва ҳатто олдиндан сезишининг пайдо бўлишига хисса қўшадиган огоҳлантириш зарбаси бўлади.

Тадқиқотни ишга туширишдан олдинги босқичда сўровнома ўтказганингиздан сўнг қандай маълумот олганингиз ва қандай хулосалар чиқарганингиз тўғрисида сизга хабар берадиган бюллетен тайёрланиши керак. Йўл-йўлакай, сиз ўзингизда бўлган ўзгаришларингизга оид ҳикояни баҳам кўришингиз, масалан, машғулотнинг дастлабки босқичида бўлган муаммолар ва уларни қандай енгиш ҳақида гапириб бериш мумкин. Матннинг охирида келгусида ишлатиладиган ресурслар ҳақида гапириш мантикий бўлади.

Таклифнинг ўзи кейинги хатда қилинади. Одатда, ушбу хат одамларнинг савдо хати ёки видео сахифага юборилиши керак. Аммо унутманг, сиз ҳеч қачон ўз маҳсулотингизни мажбурлаб сотишингиз керак эмас. Сизнинг манзилларингизда, яъни сизнинг рўйхатингизда бўлган одамларнинг нуқтаи назарича, улар сиз билан шахсий муносабатларга эга (ва уларнинг кўплари учун бу худди шундай бўлиши мумкин). Шундай қилиб, сизнинг савдо хабарингиз бу ҳақиқатни акс эттириши керак. Албатта, сиз имтиёзларни тушунтириш ва айниқса, сиз таклифингизда эришиш мумкин бўлган ўзгаришларни таъкидлаб, кўп ишлашингиз керак. Лекин сиз ўзингизни эски автомобил сотувчиси каби тутмаслигингиз ёрак. Ўзингизни бундай тутишингиз микрорўйхатингиздаги яхши акс-таъсиrlарни келтириб чиқармайди.

Бундай ҳолда, сизнинг мақсадингиз – 30 киши (ёки 60 кишини) “ҳа” деб жавоб бериши ва маҳсулотингизнй

сотиб олишига эришишдир. Иштирокчиларнинг бу сони сизнинг гуруҳ билан фаол алоқангизни тақозо этиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, уруг сепиш каби табиий танлов ҳодисасига тегишли чегирма бериш керак. Деярли ҳамиша бир ҳолат кузатилади: баъзи одамлар умуман муносабат билдирамайди ёки ўзларининг мавжудлигини умуман намойиш этмайдилар. Яъни, агар сиз 30 кишидан бошласангиз, фаол иштирокчилар сони ундан ҳам камроқ бўлади. Агар сиз семинарда 30 та жойни сотолмасангиз, худди мен каби семинарларни бошлашингизни тавсия этаман, яъни дўстларингизни бепул таклиф қилинг. Аммо, агар сиз 30 кишини бирлаштира олмасангиз ҳам, буни қўрқинчли тарафи йўқ. Тара бешта аъзо билан бошлади, менда эса олтитаси бор эди.

Мен нархлар ва даромадлар ҳақида қисқача тўхтамоқчиман. Нархлари 50 дан 3000 долларгacha бўлган (барчаси бозор ва таъминотга боғлиқ) маҳсулотларни Экин-тикин ишга туширишини кўрдим, шунинг учун ҳар сафар молиявий натижалар тубдан фарқ қиласиди. Сизга шуни эслатиб ўтаманки, бу ҳолатда биз асосан пул ишлаб чиқариш ҳақида эмас, балки катта маҳсулот ва бизнес соҳасидаги дастлабки қадамлар ҳақида гаплашмокдамиз.

Маҳсулотни танишириш билан биргаликда, сизнинг энг яхши дўстларингиз – мижозлар сўровлари ва шарҳлари эканлигини унутманг. Мен ҳар бир семинар олдидан талабалар билан сұхбатлашаман. Кейинги дарсда улар қандай саволларга жавоб топишларини хоҳлашлари билан қизиқаман. Гитара дарслари мисолига қайтайлик. Агар биринчи дарс чолғу асбобларини созлаш билан боғлиқ бўлса, мен қисқагина бир жумла билан мавзуни тушунтириб бераман ва кейин мен: “Сиз гитарани созлаш билан боғлиқ тарзда айтмоқчи бўлган икки асосий савол қайсилар?”, деб сўрайман.

Бу вазиятда сизнинг ишингиз барча саволларга телефон орқали жавоб беришдан иборат бўлмайди. Сиз барча жавобларни синчковлик билан ўрганишингиз, уларни

мавзулар бўйича гурухлашингиз ва улар асосида маъру-  
занинг асосини ташкил этадиган саволларни ёзишингиз  
керак. Улар мантиқий ва изчил кетма-кетликни яратиши  
керак. Бу амалга оширилгандан сўнг, сиз телефонда ўти-  
риб, маъruzани бошлашингиз мумкин.

Биринчи дарсдан кейин яна бир сўров ўтказилади.  
Аввало, сиз биринчи дарс мавзусида бирон бир савол  
бор-йўқлигини сўрашингиз керак (яъни “гитарани қай та-  
риқа созлаш керак”). Кейин, иштирокчиларга навбатдаги  
дарс ҳақидаги муҳим саволларни бериш таклиф қилина-  
ди. Ушбу жараён ҳар дарсдан олдин ва кейин такрорлана-  
ди. Айнан у бозор талабларига тўла мос келадиган маҳ-  
сулотни яратишга имкон беради. Йўл-йўлакай сиз бозор  
ҳолати тўғрисида таҳлилий маълумотларга эга бўласиз ва  
потенциал мижозлар билан сұхбатлашишни ўрганасиз.  
Буларнинг барчаси биринчи катта ишга тушириш вақти  
келганда юз баравар оқланади. Шу билан бирга, сиз асли-  
да бозор шароитларини ўрганиш учун пул оласиз.

Албатта, барча семинарлар ёзиб олиниши керак – баъ-  
зи бир провайдерлар, масалан, конференц-алоқалар буни  
автоматик равишда амалга оширишга имкон беради. Агар  
сиз бешта семинар ўтказсангиз ва саволларга жавоблар  
билан бонус конференциясини қўшсангиз, олтита аудио  
ёзувга эга бўлишингиз керак. Уларни қоғозга ёзиш мум-  
кин. Бундай ҳолда, соатлик ёзувлар 15-20 босма саҳифа-  
га айланади, яъни сиз 90 ёки ҳатто 120 саҳифали оддий  
ёки электрон китоб ҳосил қиласиз. Аудио ёзувлар ва китоб  
сизнинг мультимедиа маҳсулотингиздир. **БАЖАРИЛДИ!**  
Ҳозиргина сизнинг маҳсулотингизни яратиш учун сизга  
пул тўлашди!

Бундан ташқари, сиз мижозларингизни жиддий на-  
тижалар билан таъминлашингиз керак, чунки улар янада  
кенгроқ ишга туширишга тайёргарлик қўриш ва вазиятни  
таҳлил қилиш учун биринчи номзодлар бўлади.

Аслини олганда, бу Экин-тикин ишга туширишининг  
моҳияти – соддалик, тезлик ва мослашувчанлик. Шу билан

бирга, бу катта лойиҳаларга йўл очади. Бу синов босқичидан ўтиш, билимларни узатиш усулларини ишлаб чиқиши, мақсадли аудиториянинг умидлари, орзулари ва қўркувларини тушуниш ва ҳеч қандай маҳсус куч сарфламасдан ажойиб маҳсулотни яратиш учун идеал усуладир.

## **Бошланғич ишга туширишдан – империягача**

Экин-тикин ишга тушириш нималарга олиб келиши мумкинлигини намойиш қилиш учун сизга маҳсулотни ишга тушириш семинарлари қандай якунланганини айтиб бераман. Гарчи олтитагина одамни харид қилишга ишонтирган бўлсам ҳам, ғалаба қалити аллақачон ўзимнинг қўлимда эканлигини ҳис қилдим. Машғулотларни тамомлаган одамлар жуда мамнун бўлди. Олинган билимларни амалда қўлаш жуда яхши натижаларни берди. Бу турли соҳаларда ва бозорларда улкан муваффақиятлар тўлқинининг бошланиши эди. Бу тафсилотлар мазкур маҳсулотларни ишга тушириш формуласи томонидан яратилган ҳикоялар.

Ҳар бир нарсада мукаммалликка интилевчи киши сифатида мен биринчи семинарлардан материал олиб, унинг асосида янада оқилона версияни яратдим. Мен ўқув жараёнида орттирилган тажрибани инобатга олдим ва унга бაъзи талабаларимнинг ҳолатларини таҳлил қилдим. Ва бир неча ойдан кейин мен маҳсулотни ишга тушириш курсининг биринчи версияси устида ишлашни тутатдим.

Албатта, мен унинг ишга туширишини ташкил этишим керак эди. 2005 йилнинг октябр ойи эди. Ушбу ҳафталик ишга тушириш менга 600 000 доллардан кўпроқ даромад келтирди. Йиллар давомида мен ўн мингдан ортиқ одамга Формула дарсини ўтказиб, PFL сотувидан 20 миллион доллардан кўпроқ даромад олдим. Сиз ҳам, ушбу воқеанинг акс-садосини ҳис қиласпиз, чунки агар мен кўп йиллар олдин оддий Экин-тикин ишга туширишни ўтказмаганимда, сиз бу китобни қўлингизда ушлаб турмаган бўлар эдингиз. Сиз экиш ишга туширишини бошлаб ва малака-

ни оширишни давом эттириш орқали қандай натижаларга эришишингиз мумкинлигини кўрдингизми?

Ушбу бобда келтирилган рақамлар ҳақида бир нарсани айтмоқчиман. Бунгача мен муваффакиятли бизнесга эга бўлган бўлсам ҳам, нолдан бошлаганман. Мен бутунлай янги маҳсулот билан, мен учун бутунлай янги бозорга кириб келдим. Олдинги бизнесдан қолган улкан почта рўйхатлари бу ерда менга фойда бермасди. Ҳамма нарса бошидан тикланиши керак эди ва экиш ишга тушириши бу учун жуда яхши бошланиш эди.

Аммо менинг бисотимда янги бизнесни бошлишимга имкон берадиган битта “яширин қурол” бор эди. Бу менинг фаолиятимдаги энг катта ютуқлардан бири бўлган 600 минг долларни ишга туширишга йўл очиб берган. Қандай қилиб мен бутунлай янги бўлган бозорда бу каби муваффакиятга эришдим? Мен ҳақимда ҳеч ким билмаган ва почта рўйхатим ҳам умуман бўлмаган бозорда қай тариқа содир бўлди?

Менинг сирим “Биргалиқда ишга тушириш” ажойиб кучда бўлиб, бу ҳақида навбатдаги бобда сўз юритилади.

## **10-боб. Қандай қилиб мен бир соат ичида миллион доллар ишлаб топдим: қўшма ишга тушириш.**

Кўркув ва вахима орасидаги чегара қаерда?

Лойиҳани ишга тушириш вақти шиддат билан яқинлаша борди ва мен ҳаддан ташқари ҳаддан ташқари чарчадим ва уйқусизликка мубтало бўлдим. Мен охирги марта тўлақонли уйқуга тўйиб уйғонганимдан сўнг 48 соатдан кўпроқ вақт ўтди. Электрон почта ва тезкор хабарлар, ҳар томондан менга юборилган саволлар, шарҳлар ва таклифлар ёғилди. Мен сайтда ҳеч қачон бундай трафикни кўрмаганман. Мен учун, албатта, тажрибамнинг биринчиси эмасди – мен ўнлаб марта ишга туширишларни

амалга оширгандим. Аммо энди ставкалар анча юқори эди ва қамров янада кенгрөк эди.

Соатлар бетүхтов тарзда ўтиб борар, қилинмаган ишларим эса талайгина эди. Сарлавҳа етишмасди. Буюртма жараёнини синаб кўришга тўғри келарди. Тарқатма материалларни тайёрлаш ҳам керак. Ҳали ҳамкорлар билан муносабатларга киришиш лозим. Жин урсин... Эрталабки соат 10 га бориб имконимиздаги вақт деярли ўтиб бўлди.

Менинг олдинги бизнес шеригим билан муносабатлар бузилганлиги сўнг орадан олти ойдан кўпроқ вақт ўтди, шунинг учун кимгадир фойда келтирувчи “даромадли ҳодиса”нинг вақти етди. Бошқача айтганда, пул ишлаш вақти келганди. Мен бизнесга қайтишга тайёр эканлигимни ҳис қилдим. Аммо бу сафар мен бутунлай назорат қила олувчи ва бирор ғоя ёки режа бўйича маслаҳатшишга мажбур бўлувчи ҳеч қандайдир шерик-ҳамкорларсиз юритилувчи бизнес керак эди менга.

Мен бизнинг факиргина фонд бозоримиз билан хайрлашишга тайёр эдим. Мен биринчи марта бизнесни бошлаганимда менга қимматбаҳо қофозлар бозори ёқарди, аммо вақт ўтиши билан мен маркетингни афзал кўра бошладим, бунинг учун менда барча имкониятлар бор эди.

Мен маркетинг бўйича маслаҳатчи бўлишни истамаслигимни билардим. Ахборот соҳасида тадбиркорлик йилларим давомида мен ноширлик ва ўқитувчилик ишига қизиқиб қолдим. Менга бизнеснинг табиатан самарали бўлган табиати ёқади, бунда даромад қанча соат ишлashingга эмас, балки ўз маҳсулотларини сотиш қобилиятига боғлиқ. Мен ўз вақтида тақдим эта олишимдан мамнун бўлдим. Ўнлаб одамларга маслаҳатчи сифатида ёрдам беришнинг ўрнига, мен минглаб одамларга ношир сифатида таъсир ўтказа оламан. Ва буларнинг барчаси ҳақиқат эди – мен Интернетдан бизнес соҳасида пул ишладим, унинг асоси кўпчилигингиз фойдаланувчи Интернетга қараганда муттасилроқ бўлган маркетингдан иборат бўлади.

Аммо бир муаммо бор эди. Бозор аллақачон гавжум бўлиб улгурган. Минглаб одамлар маркетинг бўйича мутахассис сифатида Интернетда пул ишлашга ҳаракат килишди. Улар орасида муваффакиятли бўлганлар бор эди, аммо кўпчилик ҳануз ўзигагина ташриф қоғозчаларини чоп эттиришга улгуришганди. Мен бу бозорда на мавқега ва на машҳурликка эга эдим. Интернетда кўп йиллик тажрибага эга бўлсан ҳам, ўзимнинг онлайн-савдодаги мутлақо инқилобий усулим бўлишига, гуру Интернет-маркетинг деб аталувчи аксарият сайtlарга қараганда кўпроқ пул ишлаганимга қарамасдан... афсуски, буларниг ҳеч бири аҳамиятга эга бўлмай қолди, мен бу муҳитда атрофдагаларга таниш эмасдим. Мени бу мўъжаз муҳит билан таниширишмаган эди. Менинг барча хабарлар рўйхатим ва сайtlарим фонд бозори билан боғланган. Биржа бозоридаги ўн минглаб обуначиларимнинг мавжудлиги Интернет-маркетинг соҳасида бизнесни бошлашда ёрдам беролмайди.

Лекин менинг енгимда қартанинг тузи яширинган эди. Мен бор нарсамни тикишим мумкин бўлган ягона картам шу эди.

Бир неча йил олдин, 2003 йил феврал ойида, мен Интернет-маркетинг бўйича семинарда қатнашдим. У ерга борганимда, ўзимни қадрдон оиласми топгандек ҳис килдим.

Ўша пайтларда тармоқда бизнес қилиш ёлғиз бўлишни англатарди. Уйдагиофисимда ҳар куни мен ҳақиқий жангга киришардим, лекин менинг нима қилаётганимни деярли ҳеч ким тушунмасди, билмасди. Электрон тижорат ғояси бошқалар учун бегона эди ахир.

Семинарда бирданига худди ўзим сингари иш билан машғул бўлган юзлаб одамларнинг орасига тушиб қолдим – уларда ҳам худди менинига ўхшаш умидлар, орзулар, жасурликлар ва умидсизликлар мавжуд. Конференц-залнинг орқа томонига йиғилган кичик бир гурӯҳ, кўп йиллар давом этувчи ва бутун соҳани ўзгартириб юборувчи

Мустақил ишга туширишнинг муваффақияти сизга қўшма ишга туширишга ўтишингизга имкон беради. Сизда потенциал шерикларга намойиш этилиши мумкин бўлган статистика, шунингдек, тайёр ва синовдан ўтган ишга тушириш тартиби ва ишга тушириш процедуралари мавжуд бўлади. Бундай ҳолда, сиз анча кўп жиҳатларга эътибор қаратишингиз керак бўлади, лекин мустақил равища ишга тушириш пайтида кўп иш қилганингиз сабабли, жараённи бошқариш жуда соддалаштирилган ҳолда кечади. Муваффақиятли қўшма ишга тушириш натижалари кўпинча ягона ютуқларга қараганда каттароқ бўлиб чиқади.

Шундан сўнг циклнинг мантиқий якуни келади. Ахир, ишга туширишнинг ушбу кетма-кетлигидан сўнг, одатда, кейинги маҳсулот ғояси пайдо бўлади. Демак, жараённинг энг бошига қайтиб, экиш ишга туширишининг бир қисми сифатида янги ғояни синаб кўриш вақти келади. Аслида, шу пайларга келиб сиз кўпроқ тажрибага эга бўлган бўласиз, эҳтимол сизнинг рўйхатингизни узун ва сиздан қониқган қўшма ишга тушириш шериклари, сизнинг кейинги қўргазмангизни реклама қилишга тайёр бўлиб туришади.

*5-калит. Қайта-қайта ва абадий оммалашган ишга туширишлар.*

Такрорий ишга тушириш жуда самарали – шунчак

ки, Барри Фридманнинг мисолини қайта ўқиб чиқинг (4-бобда). У Showbiz Blueprint ўқув курсини қайта-қайта ишга туширади. Бу кичик сонли гурухнинг талабалар ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг юқори дарражасини кафолатлайди, шу орқали курснинг юқори нархини тўлиқ оқлайди. Бундан ташқари, бу талабни ушлаб туришга ёрдам беради, яъни таклифни қайта ишга туширишга имкон беради.

Қайта ишга туширишларнинг самарадорлиги қисман почта рўйхати қандай ўсишига боғлиқ. Агар у ерда доимий равища янги манзиллар пайдо бўлса ва сизда яхши ташкил этилган олдиндан тайёргарлик кетма-кетлиги бўлса, унда сиз яхши имкониятдан фойдаланишингиз мумкин. Сиз вақти-вақти билан қайта ишга туширишни амалга оширишингиз мумкин ёки “Доимий оммабоп ишга тушириш” га ўтишингиз мумкин.

Ҳар доим оммабоп намойишнинг таърифи ушбу китобнинг қамров доирасига кирмайди, аммо қисқача айтганда, унинг моҳияти шундан иборатки, янги обуначилар пайдо бўлиши билан улар учун янги ишга тушириш олди кетма-кетликлар яратилади, унинг таркиби одамларнинг рўйхатга қўшилиш пайтига боғлиқ.

*6-калит.* Мижозларга эътибор беринг ва улар учун яна ишга туширишни йўлга қўйинг.

Бу ҳар қандай бизнесга тегишли бўлувчи универсал қоида мавжуд: маҳсулотни илгаридан таниш бўлган мижозингизга сотишишингиз янги мижозга маҳсулот сотишдан яхшироқ ва осонроқ бўлади.

Бу ҳолатда аниқ рақамлар маълум вазиятга билан боғлиқ бўлади, лекин бунда ҳар доим ҳам етарлича катта фарқ бўлиб келган. Интернет-бизнеснинг турли хил версияларидаги тажрибам шуни кўрсатадики, маҳсулотни одамга иккинчи марта сотиш биринчи марта бўлганидан кўра ЎН БЕШ марта осонроқ.

Шундай қилиб, сиз мижозларга ғамхўрлик қилишингиз керак. Мен ҳар доим ҳам ўзимнинг берган ваъдамнинг

устидан чиқиши жуда яхши кўраман, бу одатим ўзимга-ям ёқади. Ва мен ҳар доим буни олдиндан режалаштириб қўяман. Янги таклиф устида иш олиб бораётганимда, мен ҳар доим бир нечта бонусларни ўзимда тутиб турман. Улар таклифга киритилмайди ёки сотиш пайтида ҳам айтилмайди. Мен мижозларимга ўзларига сездиримасдан бир сюрприз ҳозирлайман.

Хатто энг қайсар мижоз ҳам кутилмаган бонусни олишдан хурсанд бўлади. Кўпинча, одамларни ҳайратга солиш ва хурсанд қилиш жуда осон, бундан ортиқча вахи-мага берилишга ҳожат йўқ.

Мижозларни ҳайратда қолдириш осон. Берган барча ваъдаларингизни бажаринг, мижозларингизга ёрдам бе-ринг ва йўл давомида бир ёки иккита кутилмаган ҳодиса-ларни уюштиринг. Бу юз баравар ўзини оқлайди. Мижоз-лар нафақат кейинги ишга туширишни кутишади, балки уни амалга ошириш жараёнида сизни ҳар томонлама қўл-лаб-куватлайдиган содик муҳлисларга айланишади.

### ***Минглаб бизнесни ишга туширган формула***

Бизнесни бошлаш формуласи шу қадар кенг миқёсли нарсаки, унга битта боб доирасида эътибор қаратишнинг иложи йўқ. Шундай қилиб, биз унга фақатгина 30000 фут баландликдан нараз солдик. Аммо бу жуда яхши йўлга қўйилган жараён ва мен ўз мижозларимдан доимий ра-вишда муваффакият билан қандай фойдаланганликлари-ни кўрдим. Улар маҳсулотни ишга тушириш формуласини олиб, кейинги босқичга олиб чиқардилар. Битта ишга ту-ширишнинг ўрнига, улар бутун бир бизнесни яратишга имкон берди. Ҳар бир кейинги ишга туширилиш аввалги-сининг муваффакиятига асосланган бўлар эди. Хабарлар тарқатма рўйхати ўсди, таклифлар яхшиланиб борди, янги маҳсулотни таклиф қилиш мумкин бўлган мижозлар сони кўпайди, ҳамкорларнинг қўллаб-куватлаши кучайди. Айнан шу тарзда, бизнесни бошлаш формуласи ишлайди.

## 12-боб. Сизга ёқиб қолувчи бизнес.

Менинг ишимнинг таркибий қисми бу турли корхоналар ва уларни яратган раҳбарлик қилаётган тадбиркорлар билан танишиш имкониятидан иборат. Келгуси икки боб шу мавзуга бағишлиланган. Бизнесни яратиш бу алоҳида нарса, сизнинг кўнглингизга ёқадиган бизнес ва ҳаётни яратиш эса умуман бошқа нарса. Кўпчилик, шунчаки, улар сабр қилаётган бизнес билан шуғулланишларини пайқадим. Аммо бундан ҳам баттар бўлиши мумкин. Одамлар ўзларига ёқмайдиган бизнесни яратадилар ёки бу бизнесни кўрарга кўзлари йўқ бўлади – лекин ўзлари шу ишнинг ичидаги бўлади. Бу даҳшатли ҳолат.

Бунинг сабаблари кундек равshan. Кўпчилик мен каби ўзининг ишини яхшилаш, такомиллаштириш, ривожлантиришга жуда қаттиқ уринади. Ҳар куни ҳисоб-китобларни тўлаш ва озиқ-овқат сотиб олиш ҳақида бош қотирсангиз, ҳар қандай даромадли бизнес жозибали кўринади.

Аммо, кўпинча, одамлар даромад олишни бошлаганларида, бизнес дегани фақатгина даромад олиш дегани эмаслигини тушуниб етадилар. Айнан шу лаҳзаларда кўпчилик “Кейин-чи, кейин нима бўлади?”, деб қолади.

Мен бу ҳолатга мана бундай муносабатда бўлардим. Агар бутун вужудингиз билан бизнесга киришмоқчи бўлсангиз, сиз ўзингиз учун севимли бўлган машғулотни бизнесга айлантиришингиз лозим. Хусусий бизнеснинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу – албатта, ҳукуқий ва ахлоқий меъёрлар доирасида бўлувчи қоидаларни инсоннинг ўзи ўрнатиш имкони бўлишдан иборат. Шундай экан, нега сиз муваффакиятга эриштирувчи қоидаларни ўрнатмаслигингиз керак? Нега энди кўлингиздаги қарталарни ўзингизнинг манфаатингизга мос тарзда чийлашингиз мумкин бўлмасин?

Мен қўлида фақатгина болғача бўлган ҳолида дурадгор бўлиб кўринишга ҳаракат қиласайман, бундай одам шунинг учун атрофида фақатгина михлар борлигини

кўра олади, лекин, шундай бўлса-да, айтишим керак. Бу орзингиздаги бизнесни ривожлантириш учун восита бўлувчи маҳсулотни ишга тушириш Формуласи. Лекин, энг аввало, мазкур бизнес қай кўринищда бўлиши лозимлигини яхшилаб англаб олиш лозим.

### *Сизнинг катта “нима учун”ингиз*

Орзингиздаги бизнесингизни яратишингиз учун, энг аввало нима қилишингиз кераклигини билиш учун, “нима учун?” деган саволга жавоб беришингизга тўғри келади.

Агар сиз, шунчаки, бойиб кетишни истасангиз – майли, бу ҳам жуда яхши. Кўп пул ишлаб топишнинг ўзи – ажойиб ахир. Мен пулни тўпланган эркинлик ва куч, шижоат деб ўйлайман, менга эркинлик ва қудратли бўлиш ёқади албатта. Нақлда айтилганидек, пул етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд, лекин пулнинг ортиқча бўлиши билан боғлиқ муаммолар ҳам бор. Менга, шахсан, иккинчиси муаммо кўпроқ ёқади.

Аммо мен, инсон маълум бир моддий даражага эришиши биланоқ, у одатда, ҳаётининг бошқа томонларига эътибор беришни бошлишини пайқадим. Масалан, менга, асосан, тадбиркорларга ёрдам бериш орқали дунёга ижобий таъсир кўрсатиш имконияти катта илҳом беради. Ажойиб жамоанинг шакллантирилиши – иш жойлари билан таъминлаш ва касбий ўсиш имкониятларидан руҳланган одамларни ҳам биламан. Баъзилар янги технологияларни жорий этишдан ақл бовар қилмас даражада завқланишади. Бошқалар одамларни ўқитишдан ёки ўзларини қийнаётган изтироблардан халос бўлишдан худди шу даражада завқ туйишади.

Давом эттиришим мумкин, лекин, ўйлашимча, асосий фикрни тушундингиз. Шундай пайтлар бўладики, инсонда пул ва моддий бойлик тўплашдан кўра юқорироқ мақсадлар пайдо бўлади.

Айни мана шу ҳолатда сиз “нима учун?” деган савол-

га жавоб беришингиз унчалик мұхим әмас. Мұхими сизда жавоб бор. “Қаерга боришин билмасанғ, қайси йүлдан боришиңгінг фарқи йўқ”, дейишгани бежиз әмас ахир.

Менинг PLF семинарларим талабаларга “німа учун?” саволига жавоб топишга имкон берадиган амалиётни ўз ичига олади ва бу бутун курснинг энг эсда қоларли машқларидан биридир. Ахир, одам ўзи учун жавобни топиши биланоқ қаршисида янада порлоқ истиқбол кўрингандек бўлади.

### **Ўзингиз ёқтирган мижозларни жалб қилиши**

Одамлар ўзаро фарқланади, истеъмолчилар ҳақида гап кетганда, бу тасдиқ икки баравар тўғри бўлиб чиқади. Айримлар ажойиб мижозларга айланиши мумкин, бошқалар эса бундай бўлиб чиқмайди. Кимдир сизнинг ишингиз, маҳсулотларингиз, таклифларингизга жавоб қайтаради, бошқалари эса йўқ.

Мен ҳеч кимни айбламайман. Биламан, баъзи одамлар менинг услубимни ёқтиришади, баъзилари эса уни ёқтирумайди. Кимдир мени етарлича расмий әмас ва жуда бўшашган деб ҳисоблайди, кимлар учундир мен бошқача кийинишим керак, ёшроқ ёки ёши каттароқ бўлишим керак ва ҳоказолар. Булар жудаям аҳамиятли әмас, негаки мен биламанки, ишга тушириш жараёнида менга яхши муомала қиласидиган мижозлар табиий равища менга қўшилади.

Аслида, мен ўз ҳаётимга доимо қизиқарли ва ажойиб одамларни жалб қилиб келганман, деган муқим фикрга эгаман.

Ишончим комилки, менинг сўнгги фикрларим айримларни ғазаблантиради. Ва кимдир буни ахмоқона тарзда ўзини мақташ деб ўйлайди. Аммо бунинг ёмон тарафи йуқ, бу балки ўша одамларнинг мен билан бир оқимда әмаслигидандир эҳтимол. Улар на менга, на менинг бизнесимга тўғри келади. Бунинг қандай ишлашини кўрдингизми?

Сизнинг ҳолатингизда ҳам шунга ўхшаш вазият бўлади. Ҳар биримизнинг теграмизда биз билан бошқаларга қараганда яхшироқ муносабатда бўлувчи одамлар мавжуд. Аслида, яхши маркетингнинг мақсади – зарур одамларни жалб қилиш ва бошқаларни саралашдан иборат.

“Саралаш” сўзи баъзи одамларни бегонага айлантириши мумкин, аммо сиз аниқлаштириб олиниши муҳим бўлгани – бу катта миқдордаги яроқсиз потенциал мижозлар ва харидорлардир. Мен бу холосага яна ва яна қайтаман. Сўнгги икки конференцияда маъruzалар пайтида у менинг бошимга маҳкам жойлашиб олди. Бу юзлаб иштирокчилар қатнашган йирик анжуманлар эди.

Бир қараашда, иккала ҳолатда ҳам менинг олдимда бир-бирига ўхшаш аудитория ўтирап эди, улар менинг дарсларимга жуда эътиборли эди.

Биринчи гуруҳ жуда шиҷоатли – одамлар менинг ҳар бир айтган сўзимни тинглайди. Бирор нарса қилишни сўраганимда улар фаол иштирок этишади. Уларнинг саволлари кўп. Залдаги энергияни кафтингиз билан сезишингиз мумкин эди гўё. Мен саҳнада ўтказган ҳар бир дақиқамдан завқланардим ва ниҳоят залга тушганимдан сўнг, одамлар мени қуршаб олиб, яна икки соатдан кўпроқ вақт давомида саволларга жавоб бердим.

Ушбу маъruzадан сўнг жуда катта куч-ғайрат, ички шиҷоатни ҳис қилдим ва кейинги конференцияни интиқлик билан куттардим. Афсуски, кейинги гал мутлақо бошқа аудитория йифилган эди. Улар мени дикқат ва хурмат билан тинглашди, лекин бундан ортиқ ҳеч нарса содир бўлмади. Мен улардаги бирон бир фаолликни сезмадим. Саволлар ҳам кам бўлди. Шунга мос тарзда мен қизиқиши ҳам асли йўқлигини сездим.

Иккинчи конференциядаги мен учун бир қадар оғрикли нутқ жараёнида шу нарса аниқ бўлдики: биринчи ҳолда, томошабинлар “менинг” одамларимдан иборат бўлган экан. Гарчи уларнинг кўплари, мен саҳнада пайдо бўлган пайтгача мен ҳақимда ҳеч нарса билмасалар ҳам, менинг

ғояларим улар билан уйғун эди. Иккинчи ҳолатда эса, томошибинлар “меники бўлмаган одамлар” дан иборат экан. Улар ажойиб одамлар эди, шунчаки, биз умуман бир-бirimizga мос келмадик холос.

Ушбу конференцияларнинг фарқи иштирокчилар афзал кўрган маркетинг турида эди. Биринчи ҳолда, одамлар шуғуланаётган маркетинг менинг бизнесга бўлган муносабатимга тўғри келди. Иккинчи ҳолатда эса қарама-қарши қарашларга эга бўлган одамлар конференцияда тўпланишиди. Улар мижозга маҳсулотни мажбурлаб сотиш учун рекламага зўр беришни афзал кўришарди – бу эса менинг мижозлар билан ишлашимдаги ўзимни олиб қочадиган жиҳат.

Бу фарқ конференциядан кейин ҳам сезилди, чунки мен иккала нутқимдан кейин, у ерда бўлган мижозларни кузатиб бордим. Биринчилари иккинчиларидан яхшироқ эдилар. Улар камроқ қўллаб-қувватлашни талаб қилишиди, товарларни камроқ қайтариб беришиди, PLF жамиятининг ҳаётида фаол иштирок этишиди, яхши натижаларга эришишиди, амалий тадқиқотларни олиб боришиди ва менинг мураббийлар гуруҳларим сафига тезроқ киришиди.

Мазкур тафсилот жуда содда: сиз бизнесингизга ўзингизнинг одамларингизни жалб қилаётганингизга ишонч ҳосил қилишингиз керак. Яхшиямки, сизда буни амалга ошириш учун керакли восита бор – бу маҳсулотни ишга тушириш Формуласи. Ушбу формуладан келиб чиқсан ҳолда ва ишга туширишдан олдинги информацион материалларини ишончли тарзда намойиш этсангиз, сиз идеал мижозларни жалб қиласиз. Бу процедуранинг бирқисми.

### **Атрофингизга назар ташланг**

Ўғлим тоғ велосипедида машғулотларни олиб боришига киришганида мураббийдан муҳим бир сабоқ олган, у менга шу ҳақда айтиб берди. У доимо “ён-атрофга назар ташлаш” муҳимлигини айтди. Бошқача қилиб айтганда,

ТИК ТОҒДАН велосипедни ҳайдаган ҳолда тушишда фақат гина қаршингиздаги йўлакка қаравингиз етарли бўлмайди. Акс ҳолда, фалокат юз бериши мумкин. Чунки сиз фақат охирги сонияда реакция кўрсатишингиз мумкин. Эртами-кечми сиз четлаб ўтолмайдиган тўсиққа дуч келасиз.

Олдинга қаранг. Иложи борича кўриш чизиқларингизни кенгайтиришга ҳаракат қилинг. Бурилиш пайтида, бурилишнинг қаерда тугашини тушуниш учун бурчакка назар солинг. Агар дараҳтлар кўринишни тўсса ҳам, диққатни жамланг ва уларнинг орқасида нима бўлиши мумкинлигини тушунишга ҳаракат қилинг. Тўсиқни қидиринг.

Бизнесда шунга ўҳшаш қоида қўлланилади – сиз келгуси кун, ҳафта ёки ойга нисбатан ҳам олдинроқдагиларга назар ташлашга ҳаракат қилиб туришингиз керак. Ҳар қандай ярқироқ нарсага ва ҳар қандай янги тактикаларга чалғиманг. Агар сиз йўналишни ўзгартирмоқчи бўлсангиз ёки янги йўналишни танламоқчи бўлсангиз, бу оқилона стратегик тушунтириш бўлиши керак.

Мен одамлар ўзларининг мавқеига, брендига ва обрўсига хавф туғдирадиган сўнгги тактикалар ёки сўнгги долларга интилишларини тез-тез кўрганман. Бир лаҳзалик манфаат учун одамлар илгари эришилган ҳамма нарсани қурбон қилишини кўриш жуда ачинарли. Аммо агар сиз узокни кўра билсангиз (ва бугунги кунда бу камида уч ой олдиндан ўйлаш қобилиятини ўз ичига олади) – доимий равишда умумий манзарадан ажралиб турасиз.

### *Фикрлаш маҳорати принципи*

Наполеон Хилл 1937 йилда “Ўйла ва бой бўл” номли китобида “Фикрлаш маҳорати” деган самарали ғояни илгари сурди. Тан олишим керакки, агар фаолиятимнинг дастлабки босқичларида “фикрлаш маҳорати” гуруҳларида қатнашмаганимда ҳозирги натижаларга эриша олмаган бўлар эдим.

Бу ҳолатда ишлаш принципи жуда оддий: ҳамфикр

бўлган тадбиркорлар гурухи муваффақият йўлида тўплана билар ва бир-бирларини қўллаб-кувватлайдилар. Гарчи ҳамкорлик қилишнинг табиий равишда пайдо бўлган варианлари қўшма фаолиятнинг қўшимча маҳсулоти ҳисобланса-да, бу бизнес-гуруҳ эмас. Аммо бу ҳолатда асосий эътибор тажриба алмасиши, мия хужуми ва бир-бирларига ҳисбот беришга қаратилади.

Кўпинча бундай гурухда “иссиқ стуллар” қўлланилади ва ҳеч қачон бундай ҳолатга дуч келмаганлар учун бу жуда ғайритабиий тэжрибадир. Одатда, бир киши бирон бир ғоя таклиф қиласи ёки муаммо туғдиради ва гуруҳ бирвакайига бош қотиради.

Агар тўғри танланган гурух бўлса, “иссиқ стул” пирвардида акулаларни боқишига ўхшайди. Бир хонага 20 ёки 30 нафар тадбиркорни киритиб кўйиш ва уларни бизнес-муаммоларга ечим топишга ундаш сувга бир томчи томизищдек гап. Шулардан кейин қўлингизни ташқарига осилтириб юрмаганингиз яхшироқ бўлади албатта.

(Бошқа одамларнинг муаммоларини ҳал қилиш ўзимизникига ечим топишдан анчагина осон ва қизиқарли эканини ҳаммамиз ҳам биламиз).

1999 йилдан бери мен бундай гуруҳларнинг анчагинасида иштирок этдим. Баъзан бу аъзолиги пуллик ва профессионал координатори бўлган гуруҳлар бўлади. Баъзан – ҳеч ким томонидан маслаҳт ёки йўналтирилмаган дўстлар гурухи бўлади. Форматлар ҳам ўзгариб турган албатта – электрон почта орқали ишлайдиган гуруҳлардан телефонда ишлайдиган гуруҳларгача. Энг самарали гуруҳлар, албатта, бевосита мулоқотлар уюштирилган гуруҳлар эди.

Мен ўзим баъзи мижозлар учун юқори сифатли “фикrlаш маҳорати” гуруҳларини яратганман. Бу менга бундай гуруҳларнинг ишлаш принципини чуқур англашга имкон берди. (Ва менинг Platinum Mastermind лойиҳамнинг аъзолари мен учун ҳакиқий ака-ука ва опа-сингилларга айланди. Мен ҳеч қачон бундай кучли ва қадрдон жамоада ишламаган эдим).

Үтган йиллар давомида мен нима учун ҳар сафар бошқача натижага эришишимни тушуниб етдим (иштирокчи ва ташкилотчи нүктаи назаридан). Тасодифий одамларни бир-бири билан бирлаштиришда ҳеч қандай сир-тилсим йўқ. Гап одамларнинг малакаси ва гурухдаги ҳамжамиятлик даражасида аслида.

Ўз фикрлари билан ўртоқлашишини истаган одамлар йиғилганда ажойиб гуруҳ шаклланади. Ўз ўртоқларига фойда келтириши керак бўлган одамлар. Айнан шу “Фикрлаш маҳорати” гурухларининг моҳияти бу; ҳар бир киши бошқаларга ёрдам беришга эътиборни қаратиши ва бунинг эвазига мукофот жараённинг ўзидан олинади.

Аммо бошқалар билан баҳам кўриш истагини ўзи етарли эмас. Бу юқори ақл ва ҳиссий сезгириликка эга, юқори ҳисса қўшишга қодир одамларни талаб қиласди. Гурух ташкилотчиси хонадаги энг ақлли одам бўлиши шарт эмас.

“Фикрлаш маҳорати” нинг энг яхши гурухлари, аниқ фикрга эга ва жамоатни деярли тўла ҳис қила олади. Гурух бир бутун танадек бўлиб, ўзини кучли ҳис қилиш қобилиятига эга. Мен гурухларда ишлай бошлаганимда, вақтинчалик мағлубиятлар ҳам менда ҳақиқий йўқотиш ҳиссини келтириб чиқарди. Бир неча кунни Интернетсиз ўтказганимдан сўнг, мен қилган биринчи иш – гурухдан келган хатларни текшириш бўлди.

Тўғри, ҳалол одамларни ажойиб жамоага тўплаганингизда, ҳақиқий афсуннинг кучи сезилгандек бўлади. Мақолда айтилганидек, “Тўфон барча қайиқларни кўтаратди”. Айнан “фикрлаш маҳорати” кучли гурухларида рўй беради. Гурухнинг ҳар бир аъзоси бошқаларга ёрдам беришга шошилганидагина умумий манфаат ҳосил бўлади. Охир-оқибат, ҳамма янги ғоялар, алоқалардан воқиф бўлиб, ўзини ўзи тартибга солиб, бизнесни олдинга суради.

Шунинг учун, мен сизга “фикрлаш маҳорти” гурухини топишингизни маслаҳат бераман. Ишбилармон дўстлардан сизга бундай гурухларни тавсия қилишни сўранг.

Эҳтимол, сиз қўшилишингиз мумкин бўлган бепул (ёки деярли бепул) гуруҳлар мавжуддир, аммо уларни топиш қийин бўлиши мумкин. Улар деярли ҳамиша панада бўлади. Пулли гуруҳларни топиш осонроқ (ва одатда улар кўпроқ тузилган бўлади). Қолаверса, сиз бундай гуруҳни ўзингиз ташкил қилишингиз мумкин. Сизга ҳақиқатан ҳам мос келадиган гуруҳни топмагунингизча, бир нечта гуруҳларга ташриф буюриб кўришингиз мумкин. Аммо қидирув натижаси муваффақиятли бўлиши биланоқ катта фойда бўлади.

### *Бизнесда энг муҳим нарса*

PLF бўйича менинг сўнгги семинарим қатнашчиларидан бири бизнесда энг муҳим менинг муваффақиятимга боғлиқ ва бизнесни ривожлантиришда эътибор берилиши муҳим бўлган жиҳатларни айтиб беришимни илтимос килди.

Бу жуда қийин савол! Бизнес учун энг муҳим нарса нима? Нима ишнинг натижасини аниқ белгилайди?

Мен бунга: “муқобил имкониятлар!”, деб жавоб бераман.

Википедияда улар “манбалардан фойдаланишининг муқобил варианtlаридан бирини танлаш натижасида йўқотилган фойда ва шунинг учун бошқа имкониятлардан воз кечиши” деб таърифланади.

Менинг фикримча, бундай таърифни тушуниш анча қийин. Шунинг учун, мен муқобил, яъни альтернатив имкониятларни “икки ёки ундан кўп бўлувчи турли хил имкониятлардан бирини танлаб, бошқаларидан воз кечишиңгиз керак бўладиган нарса” деб биламан.

Шу билан бирга, молиявий харажатлар чекланиб қолмайди. Тадбиркор учун энг катта муқобил харажат, кўпинча, вақтни англатади.

Бизнесни бошлаш, одатда, чекланган капитал билан боғлиқ. Шунинг учун, кўп нарсалар мустақил равища бајарилиши керак бўлади, демакки сиз вақт чекловларини

ҳам ҳисобга олишингиз керак. Бундай шароитда тўғри варианtlарни танлаш жуда муҳим албатта. Нотўғри танлов лойиҳани амалга оширишни ҳафталар, ойлар ва ҳатто йилларга кечикиришга қодир.

Бу альтернатив имконият харажатларининг моҳиятидир. Имкониятларни излаш нафақат пулни сарфлашга олиб келиши мумкинлигини тушунишингиз керак. Сизни кўрқитмоқчи эмасман ва ҳеч нарса қилмасликка ундашни ҳам хоҳламайман, чунки ҳаракатларнинг етишмаслиги катта альтернатив чиқимларни чеклашларга олиб келади. Битта йўлни танлаш билан сиз бошқа альтернатив йўллардан фойдалана олмайсиз.

Дастлабки муваффакият билан эса, альтернатив чиқимлар ошади.

Ишнинг боришидаги моҳият ана шундай. Сиз қанчалик муваффакиятли бўлсангиз, олдингиздаги имкониятлар шунчалик кўпаяди. Биз буни битимлар оқими деб атаемиз. Сиз муваффакиятга эришасиз, бир қатор активларни тўплайсиз, ўз қадрингизни исботлайсиз ва бирдан бошқаларда сиз билан бирга ишлаш истаги пайдо бўлади.

Битимлар оқими – жуда яхши нарса. Айнан шу омил бой одамнинг янада бойиб кетишига ёрдам беради. Шу сабабли, нолдан мингга эришишга нисбатан 100 000 доллардан миллионга эришиш осонроқдир.

Аммо, келишувлар оқимида чалкашиб қолиш ҳам жуда осон. Ахир, вақт, энергия, эътибор, манбалар ва бошқалар чекланган. Ва ҳар сафар бирон бир имкониятдан фойдаланишга қарор қиласангиз, бирон нарсадан воз кечишингиз керак бўлади.

Тадбиркорлар учун эса бу нарса, одатда – вақтдир.

Менинг дўстим Дин Грасиози альтернатив чиқимлар бўйича қуийидаги мисолни келтиради. Тасаввур қилинг, сизнинг жавонингиз китобларга тўла. Дўконда яна бир ажойиб китобни кўриб, уни сотиб олишингиз мумкин. Лекин бунда ўша китобни жавонга кўйиш учун бу ердаги китоблардан бирини олиб ташлашингиз керак бўлади.

Шунинг учун, кўп варианtlарга эга бўлиш жуда яхши эканлигини унутманг. Аммо бу ҳар доим альтернатив чиқимлар билан бирга келади. Ва бу харажатларни минималлаштирадиган танлов қобилияти сизнинг бизнесингиз муваффакиятининг калитидир.

### **Ўзингизни бошқалардан устун деб ҳисобламанг**

Агар сиз бизнес билан шуғулланиб, узоқ муддатли муваффакиятларга эришмоқчи бўлсангиз, умрбод талаба бўлишга тайёрланинг. Бозор, мижозлар ва рақобатчилар тўхтамайдилар ва сиз ҳам тўхтаб туро олмайсиз.

Фаолият тури бўйича мен жуда кўп муваффакиятли ишбилармонлар билан мулоқотга киришдим, шунинг учун ҳақли равишда айта оламанки: уларнинг барчаси доимий равишда изланишдалар.

Бошқаларга бизнесни қандай қуришни ўргатиш орқали пул ишлайдиган одам сифатида мен худбин мақсадларга интилаётгандай кўринишим мумкин, аммо аслида бу ҳаёт ҳақиқати. Мен ҳам кўп вақт ва пулимни ўзимнинг таълимимга сарфлаганман. Мен буни қилишим керак. Бу менинг ишим. Бундай бизнеснинг фойдалари жуда катта, аммо катта муваффакиятнинг қиймати вазиятни доимий равишда кузатиб бориш заруратидир.

Сиз ўқишини бошлишингиз керак. Ва доимий равишда кўллаб-куватлаш ва профессионал ривожланиш билан шуғулланинг.

### **Айрилганни бўри ер**

Ҳаммаси жуда оддий – сизнинг соҳангиздаги ҳамкаслар билан кучли алоқалар ўрнатишингиз керак. Бундан ташқари, мен “рақобатчи” сўзини юқорида ишлатган бўлсам ҳам, ҳаётда мен уни ишлатмайман. Мен одамларга шерик ва бўлғуси ҳамкор сифатида қарашни афзал кўраман.

Биламан, баъзи бизнес турлари рақобатсиз бўлиши

мумкин эмас. Масалан, одамлар, одатда, бир вақтнинг ўзида бир нечта спорт залларига бормайдилар. Шунинг учун, агар сиз спорт залини очсангиз, тумандаги шунга ўхшаш жойларнинг бошқа эгалари сизнинг бевосита рақобатчиларингизга айланадилар.

Аммо замонавий шароитда, тобора кўпроқ одамлар ақлий меҳнатда рақобат учун эмас, балки ҳамкорлик қилиш учун кўпроқ имкониятлар мавжуд бўлган бизнес билан шуғулланмоқдалар.

Ҳозирги бизнесимни тўғридан-тўғри рақобатчиларим деб ҳисоблаш мумкин бўлган корхоналар билан ҳамкорликда ташкил қилдим. Аммо биз бир-биримизни қўллаб-куватлашни афзal кўрамиз. Натижада, биз тортни қандай бўлишиб олиш ҳақида ортиқча ташвишланмаймиз. Биргаликдаги ҳаракат натижаси ўлароқ – биз бу тортни янада каттароқ қиласиз.

Рақобатчиларни қандай қилиб шерикларга айлантириш мумкинлиги ҳақида ўйлашни таклиф қиласиз. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун вақт ажратинг, чунки бизнес тармоғингиз сизнинг капиталингиздир.

### *Ахборот бизнесига қўшилинг*

Ушбу китобдаги барча мисоллар ахборот бизнесига, яъни одамларни турли-туман маҳсулотни тақдим этишга – ит парваришаудан тортиб, тенис ва жонглёрга қадар бевосита боғлиқ.

Лекин ён-атрофда ҳамма ҳам ахборот бизнеси билан шуғуллана олмайди. Охир-оқибат, кимдир машиналар сотиши ёки гилам тозалashi керак-ку ахир.

Бироқ, бизнинг дунёмизда деярли ҳар бир киши маълум даражада ахборот бизнесига мухтож. Амалга ошириш жараёни ёки маҳсулотнинг бир қисми сифатида ахборот билан боғлиқ тарқибий қисмни қўшиш деярли ҳар бир бизнеснинг муввафқияти учун асос бўлади.

Масалан, Жо Полиш ўзининг гилам тозалаш фирмасини мижозларга тозалаш компаниялари томонидан ишла-

тиладиган сохта савдо усуллари түғрисида маълумот бериши орқали кенгайтириб олди. Айни шу тарзда берилган ахборот – изоҳ, келгусида унга катта шон-шараф ва кўплаб буюртмалар олиб келди. Жонинг иши ўқитиш билан боғлиқ эмас эди, аммо у ўз хизматларини, компаниясини олға интилиши учун маълумотдан маҳсулот сифатида фойдаланган.

Биз ахборотга бой дунёда яшаяпмиз. Одамлар тайёр маълумотни кўлга киритишни жуда хоҳлайди албатта. Бу шуни англатадики, ҳар қандай бизнес маълум даражада нашр этилиши керак – маркетингининг бир қисми ёки таклифининг бир қисми сифатида.

### **Инсон омили**

1996 йилда мен ўз бизнесимни бошлаганимда, инсон омили савдони қай даражада оширишини тушуниб етдим. Мен ҳар доим ўзимга хос бўлишга интилганман, шуни истаганман ва шунинг учун мен ҳеч қачон ўзимни улкан корпорация сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмаганман. Мен ҳеч қачон хабарларда “биз” сўзини ишлатмаганман, бу омиллар бошиданоқ мени умумий қўриниш-манзарадан ажратиб тураг эди. Ўша пайтларда ўз ишини бошлаётган деярли ҳар бир бизнесмен ўзини катта муҳим компания сифатида ифода этишга ҳаракат қиласр эди, мен эса ўз обуначиларимга худди дўстларим билан сухбатлашаётгандай мурожаат қиласрдим. Ва бу ўз самарасини берарди.

Одамлар тушунарсиз корпорациялар билан эмас, одамлар билан муносабатда бўлишни хоҳлашади. Улар “корпоратив услубда” ёзилган ва аэропортдаги овоз каби эшитиладиган хатларни олишни хоҳламайдилар. Сиз нима ҳақида гапираётганимни биласиз: “Самолёт эшиклари ёпилган. Илтимос, олдинги ўриндиқнинг орка томонига битилган йўловчи учун эслатмани ўқиб чиқинг”. Бу совуқ, номақбул, расмий товушлар. Албатта, истиснолар ҳам мавжуд; танқидий вазиятда мижозлар сизнинг бизнесингизни давом эттириш учун ресурсларингиз бор-

лигини билишлари мухимдир. Аммо бу ҳолатда ҳам, улар одам билан муносабатда бўлишни афзал кўришади.

“Корпоратив овоз” савдо-сотикни ўлдиради деса ҳам бўлади. Одамлар одамлардан сотиб олишни афзал кўришадилар. Мижозлар билан мулоқотда шоҳона саналувчи “биз” сўзини унутинг. Юзма-юз гаплашинг. Бу маҳсулотни сотишни осонлаштиради ва сизга кўпроқ завқ бағишилайди. Яна бир бор эслатиб ўтаман, маҳсулотни ишга тушириш формуласини қўллаш, биринчи навбатда, потенциал мижозлар билан алоқаларни ўрнатиш жараёнидир. Шундан келиб чиқиб, биз ушбу мақсадга эришишда ёрдам берадиган алоқа усулига муҳтожмиз.

### **Ўз қоидалари бўйича ўйнаш**

Бизнес, ҳамма нарсага ўзингиз жавобгар эканлигинизни тушуниб етишингиздан бошланади. Бу постулат, яъни ортиқча далил-исботсиз ҳам очиқ-равshan кўринувчи ҳолат, аммо кўпчилик қаерлардадир кўзи тушган бирон бир нарсаларга асосланиб бизнес қурадилар. Ёки бизнеснинг қандай кўриниши ҳақидаги ўзларининг ғояларига мувофиқ қурадилар.

Эсда тутинг, сиз қоидаларни ўрнатишингиз керак. Сиздан ўз соҳангиздаги бошқа ишбилармонлар каби бизнес юритиш талаб қилинмайди. Сизга ёқмайдиган мижозлар билан ишлаш талаб қилинмайди. Сиз ўзингиз ёқтириб қоладиган бизнесни яратишингиз мумкин.

Барчаси бундай бизнес қандай кўринишга эга бўлиши ва агар у мавжуд бўлса, ҳаётингиз қандай кўриниши кераклигини тушунишдан бошланади. Буни кейинги бобда муҳокама қиласиз.

## 13-боб. Муваффақиятли ҳаёт рецепти

Мичиган университети магистратурасини тугатганимдан сўнг, Аризона штатининг Темпе шаҳрида жойлашган Motorola компаниясига ишга жойлашдим. Менга яна иккита ишга олиш таклифи тушган эди, лекин мен шу жойни ёқтирганлигим учун ушбу вариантни танладим. Мен Детройт яқинида вояга етганман ва ҳеч қачон Миссисипидан ғарбдаги худудларда бўлмаганман. Лекин Ғарб мени ўзига мафтун қилиб келган.

Мичигандан Аризонагача бўлган йўл узок. Тўрт кунлик саёҳат. Учинчи оқшомда мен Колорадо штатидаги Дуранго шаҳрида, шу пайтгача ҳам эшиитмаганим – чоғроққина бир меҳмонхонада қолдим. Мен умримда бундай тоғларни кўрмаганман ва улар менда катта таассурот қолдириди. Эрталаб мен ота-онамга қўнғироқ қилиб, ўзим ҳакимда, ҳозирги таассуротларимдан уларни ҳам воқиф қилдим ва Дуранго ҳақидаги таассуротларимни муттасил тарзда гапириб бердим.

Бир неча дақиқадан сўнг, дадам: “Афтидан, сен Дурангода бутунлай қолиб кетмоқчига ўхшаяпман, шекилли”, деди. Ордан кўп йиллар ўтди ва мен бу сўзларни ҳали ҳам эслайман, чунки ўша пайтда у бемаъни эшитиларди. Дурангода қолиш ғояси ойга қадам кўйиш, ойга саёҳат уюштиришга ўхшарди ахир.

Мен ажойиб оиласда улғайганман, оиласми кўллаб-куватлашга доим тайёрман. Ота-онам менга ва ака-ука, опа-сингилларимга тарбия бериш учун кўп ҳаракат қилишган. Улар бизнинг ҳаётга кириб, унда ўз ўрнимизни эгаллаб олишларимиз учун яхши старт билан таъминлашган ва биз коллежга киришимиз учун асосий таъсирни беришган. Назаримда, менинг ҳаётим олдиндан мутлақо белгиланиб-аниқланиб қўйилганди: ўқиш, “яхши иш” топиш ва охирги кунларимгача ўша ерда ишлаш. Менинг катта оиласмининг яшаш тарзи шундай эди ахир. Дўстларимнинг оиласлари ҳам шундай. Ўртаҳол бўлган қўшни-

ларимиз ҳам худди шундай ҳаёт тарзига эди.

Аммо бир қатор сабабларга кўра, мен ҳар доим ўз бизнесим ҳақида орзу қиласадим. Мен уни яратиш усуллари тўғрисида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдим, лекин мен ўз бизнесим бўлишини истаганимни жуда яхши эслайман, ҳатто 10 ёшдалигимда ҳам буни ҳоҳлаганман. Шу билан бирга, менда бизнесни қандай яратиш ва қуришни кўрсатадиган рол моделлари йўқ эди. Менда таянч, суюнчиқ йўқ эди. Одамлар бундай орзуларни қандай амалга оширишларини билмас эдим. Бу менинг атрофимдаги содир бўлаётган ҳамма нарсага зид эди. Шунинг учун, қолган кунларимни оилавий дастурга мувофиқ ўтказиш учун Темпе шаҳрига йўл олгандим.

Аммо Motorola фирмасига ишга келганимда, мен корпоратив дунёга мос келмаслигимни тезда англадим. Мен тўртбурчак тешикка сифмоқчи бўлган юмалоқ қозиқقا ўхшардим. Менда имкониятлар йўқ эди. Шу сабабли мен бир неча йилдан кейин ишдан кетиб, уйда болалар ва уй ишларини қилиш учун қолдим. Мен корпорацияларда ишлашга яроқсиз эканлигимни тан олдим ва у ерга қайтиб боришни ҳам истамай қолдим.

### *Дурангога кўчиб ўтиш*

Мен ушбу сатрларни Колорадо штатининг Дуранго шаҳридаги уйимда ёзяпман. 14 йил олдин мен ва хотиним бу ерга кўчиб ўтдик. Дадам, менинг Дурангода яшашни исташимни айтганида ҳақ эди. Ва мен айнан шу ерда яшаяпман, чунки мен ҳоҳлаган жойда яшашга имкониятим бор.

Менинг бизнесим 100 фоиз Интернетда олиб борилади, менинг виртуал гуруҳ ёрдамчиларим бор, яъни мен аниқ бир географик ҳудуд ёки жойга боғланмаганман. Интернетга кириш имкони бўлган ҳар қандай жойда ишлashing мумкин.

Дуранго, аслида, одамлар бетиним интилевчи, шу ерда яшашга ҳаракат қилувчи шаҳар эмас, лекин мен уни ёқти-

раман. Колорадодаги энг чиройли тоғлар деярли менинг орқа боғимда жойлашган ва мени икки соатлик йўлгина АҚШнинг жануби-ғарбидаги буюк даштлардан ажратиб туради. Мен истаган пайтимда чанғида учишим, тоғ велосипедида юриб, дарёда қайикда саёҳат қилишим мумкин. Мен Дурангода яшайдиган одамларни яхши кўраман ва менимча, бу болаларни тарбиялаш ва ўстириш учун ажойиб жой.

Мен ҳар куни эрталаб хушкайфият билан, ўрнимдан бардам бўлиб тураман. Фақатгина чанғида учиш учун эрта туриш керак бўлган пайтда – соатни уйғотиш сигналига мослайман. Ёки самолётга кеч қолмаслик учун. (Мен фақатгина ўзим хоҳлаганимда саёҳат қиласман – бизнес учун зарур бўлганда, мен ажойиб одамлар билан учрашиш ёки жаҳоний миқёслардаги машғулотларга бориш учун саёҳатга отланаман).

Колорадода яшашдан завқланишнинг бир қисми – болаларингиз билан очик ҳавода дам олиш билан боғлиқ завқу шавқингизни атрофдагилар бўлишишдан иборат. Менинг ўғилларим дунёнинг энг гўзал ёввойи дарёлари бўйида сайр қиласди, тоғ велосипеди машғулотларига боради, чанғида учишади ва сузиш билан шуғулланади.

Мен буларнинг ҳаммасини мақтанишни истаганим учун эмас – балки шунчаки, сизнинг ҳаётингизда ҳам ҳамма нарса мумкинлигини тушунишингизни хоҳлага-нимдан айтиб бераяпман – ёзаяпман. Менинг минглаб тадбиркорларга ёрдам берадиган бизнесим бор, менга бу бизнесни юритишда ёрдам берадиган ажойиб гурух, мижозлар орасида мени қўллаб-куvvatlайдиган муҳлислар, мен орзу қилган ҳамма нарсадан ҳам ошиб кетди, мен ўзим хоҳлаган жойга кўчиб ўта олдим... ва шу билан бирга, менинг уйимнинг эшиги ташқарисида жойлашган гўзал табиатдан завқланишим учун вақтим бор.

Албатта, баъзида буларнинг барини эшитган одамлар мени, шунчаки, алоҳида – ўзгача одам, деб ўйлашади. Ёки менинг қандайдир ғайритабиий кучга эга деб билади. Ёки

мен танишларни түғри танлаган бўлиб чиқаман. Яна мени жуда омадим келгани ҳақида гапиришади.

Афуски, мен сеҳрли кучга эга эмасман. Ва бизнес бошлаган пайтимда менинг алоқаларим йўқ эди. Худди ҳеч қандай афзалик ёки қўшимча маблағнинг ўзи менда бўлмагани сингари.

Ўрта Ўарбда вояга етган оддий болакайдан, корпоратив ишдаги омадсиз бўлган одамдан, “Жаноб онажон”дан қандай қилиб ўз орзуларидағи каби ҳаётни бошқарадиган кишига айландим?

Махсулотни ишга тушириш Формуласи ёрдамида яратилган бизнес учун ташаккур айтаман мен. Албатта, ҳар бир нарсанинг ортида катта иш ва бир қатор муваффақиятлар бўлади, аммо буларнинг барчасига асос бўлиб хизмат қилган нарса бу – Формула бўлди.

Яна бир нарсани айтишим керак – нафақат мен бундай натижаларга эришдим. Менинг кўплаб талабаларим ва мижозларим шунга ўхшаш ютуқлар билан мақтана олади. Сиз уларнинг баъзи ҳикояларини ўқиб чиқдингиз.

Хўш, қандай қилиб сиз ўзингиз хоҳлаган жойда яашшингиз, хоҳлаган вақтингизда ишлишингиз ва ўзингиз ёқтирган бизнес ва ҳаёт тарзини йўлга қўйишингиз мумкин бўлади?

## *Образдан бошланг*

Ўз бизнесимни ташкил қилишдан олдин, мен ўз нуқтаи назаримдан келиб чиққан идеал ҳаётни ақлий равишда моделлаштирган машқни бажарганман. Мен ушбу машқ ҳақида илгари ўқиганман ва менинг келажакдаги муваффақиятларимни айнан шу машқ аниқлаб берган деб ўйлайман. Ушбу оддий машқ жуда тез амалга оширилади. Мен варакқа барча истакларимни – даромад, турмуш тарзи, моддий бойлик, саёҳатларнинг сонини санаб ўтдим. Кичиккина рўйхат шаклланди, чунки ўша пайтда мен мумкин бўлган вариантларни жуда яхши тасаввур қилмаган эдим. Бугунги ҳаёт билан таққослаганда, менинг

сўровларим жуда камтар эди, аммо ушбу рўйхат менга керакли бўлган тўғри йўналишни кўрсатди.

Машқни тутатганимдан сўнг, мен рўйхатни кундалик нинг остига қўйдим ва у хақда унугиб юборганим жуда кулгили. Бир неча йиллардан сўнг тўсатдан рўйхатни кўриб, мен у ерда санаб ўтилган деярли барча мақсадларга эришганимни кўриб ҳайрон бўлдим. Айнан ўша пайтда мен ўз келажагимни онгли равишда яратиш кучига ишонганди эдим... ва албатта, бу фикрларни қоғозга ёзишининг қудратига ҳам.

Менинг бизнесим ривожлана бошлагач, мен рўйхатни тезда кўриб чиқдим ва ушбу рўйхатга яна бир нечта нарсаларни қўшиб қўйдим. Мен келажақдан кутган барча нарсаларни ёздим: умумий даромад, бизнес билан шуғулланишдан бўш вақт микдори, бу вақтни қандай сарфлашим, молиявий аҳволим, ўз бизнесим билан нима қиласман, бу қандай таъсир кўрсатади ва қандай одамлар билан ишлайман ва ҳоказо.

Агар хоҳласангиз, келажақдаги муносабатлар, жисмоний ва руҳий саломатлик, таълим, уй, оила ва бошқалар нуқтаи назаридан ўзингиз хоҳлаган нарсанни ёзишиниз мумкин.

Бу машқда тўғри ёки нотўғри жавоблар йўқлигини тушуниш мухимдир. Ва сиз ёзган нарсалар абадий эмас, исталган вақтда ҳамма нарсани такрорлашингиз мумкин ва, эҳтимол, аниқ такрорлайсиз ҳам. Аммо бу ҳозирги сизнинг идеал ҳаётингиз ҳақидаги фикрингиз. Машқ қилишда ҳар қандай вақт, давр ҳисобга олиниши мумкин, аммо мен, одатда, ҳозирги пайтдан бошлаб уч ёки беш йиллик муддатни мўлжал қиласман. Рўйхат, шунчаки, пойдевор эканлигини унутманг. Мен доимо келажақдаги ҳаёт ҳақидаги тушунчамни янгилайман ва тўлдираман, ўйлайманки, сиз ҳам шундай қила оласиз.

Шунинг учун, сиз ҳозироқ бошланг, ишга киришинг. Телефон, электрон почта, Интернет пейжерини ўчириб қўйинг. Бундан ташқари, Интернетдан бутунлай узилиш

мантикий бўлади. Ишонинг, ярим соат ичида буларнинг барчаси ҳеч қаёқقا кетиб қолмайди. Хонангизнинг эшигини ёпинг, умуман, иложи бўлса, кафе ёки кутубхонага боринг. Қоғоз ва қалам олинг ёки янги ва хужжатни очинг. Уч йил ичида сизнинг идеал ҳаётингиз қандай куринишини, орзунгиздагини – барчасини ёзиб чиқинг:

...Қандай даромад оласиз?

...Сиз қандай машинада бўласиз?

...Сиз қаерда ва қандай уйда яшайсиз?

...Сизнинг мижозларингиз кимлар бўлади ва сиз уларга қандай хизматлар кўрсатасиз.

...Сизнинг жисмоний ва рухий ҳолатингиз қандай бўлади?

...Дўстларингиз, шерикларингиз, болаларингиз, отаонангиз, ҳамкасларингиз ва бошқалар билан муносабатларингиз қандай бўлади?

...Сизнинг маънавий ҳаётингиз қандай бўлади?

...Қандай саёҳатларга борасиз ва қандай тажрибага эга бўласиз?

...Профессионал ва шахсий ютуқларингиз нимада бўлади?

— Қисқача эслатма: агар сиз юқорида айтилганларнинг барчасига аллақачон эришганингиз каби ёзсангиз, рўйхат яхшироқ иш беради.

Бу жараённи эътиборсиз қолдирманг. Сиз яратган барча муҳим нарсалар, биринчи навбатда, онгингиз кўзларини очади, фикран яратасиз уларни.

Ва энди, нима қилишни хоҳлашингиз аниқ бўлганда, режалаштирилган дастурни амалга ошириш тафсилотлари ҳақида гаплашамиз.

### **Тадбиркорлик хавфсизлиги**

Орзунгиздаги ҳаётни яратиш учун керак бўлган биринчи нарса хавфсизликдир. Ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларнинг кўпчилиги кафолатланган даромад бўлмаслиги эҳтимолидан хавотирга тушади.

Афсуски, ҳатто ойлик маош билан ишлаш ҳам тўлиқ хавфсизликни кафолатламайди. Ишонаманки, сиз бир

компанияда йиллар давомида ишлаган, кейин ишдан бўшатилган одамлар билан таниш бўлсангиз керак. Ёки улар фирма ўз фаолиятини туттаганлиги сабабли ишсиз қолишган.

Дунё ўзгарди ва хавфсизликнинг ягона кафолати бу сизнинг бошқаларга фойда келтиришингиз ва шунинг орқасидан пул топа олиш қобилиятигингиздир. Ўз бизнесингизни очганингиздан сўнг, ҳақиқий хавфсизлик нима эканини тушунасиз. Ҳамкор билан муносабатларнинг бузилиши натижасида пайдо бўлган тушунмовчиликлар туфайли биринчи бизнесимни йўқотиб қўйганимдан кейин ҳам, бир неча ҳафта ўтгач, оёққа туриш ва яна ҳаммасини бошлаш керак эди.

Қилингиз мумкин бўлган энг яхши сармоя бу сизнинг маҳоратингизга инвестиция қилишдир. Йўқ нарсадан янги бизнесни яратишга қодир одамгина ўз тақдирининг ҳақиқий устаси ҳисобланади. Ва сизнинг ишбилармонлик қобилиятингиз яхшироқ тўлаш, сизга ўзингизни ва бизнесингизни ҳамма нарсадан яхшироқ реклама қилиш ва сотиш имкониятини беради.

Ўйлайманки, мен PLF ни ҳозирги кунларда сотиш билан боғлиқ ишларда энг яхши восита деб билганимни яна бир бор таъкидлаётганимни ўқиб ҳайрон бўлмайсиз.

### **Ўз-ўзини таомиллаштириш**

Стив Ковининг еттита шахсий муваффакиятларидан бири бу қайта ишга тушириш ва дам олиш учун вакт ажратишни билишдан иборат бўлди. Ўзингизни 100 фоиз ишга бағищласангиз ҳам муттасил суратда юқори даражада ишлаш мумкин эмас. Ҳеч бир киши доимий равища максимал самарадорлик ва ижодкорлик билан ишлашга қодир эмас. Афсуски, ҳаётида фақат ишдан бошқа нарса бўлмаган кўплаб тадбиркорларни кўрдим. Улар том маънода ҳафтада етти кун, дам олишсиз ишлашади.

Тадбиркорлар орасида ўз бизнесининг энг устунлиги билан боғлиқ бир ҳазил юради. Ва у тўлиқ бўлмаган иш

куни вақтида – кун давомида сиз хоҳлаган ўн икки соатда ишлаш имконияти ҳақидаги ибора билан тугайди.

Лекин бундай турмуш тарзини – соғлом турмуш тарзи, деб бўлмайди. Пировардида сизнинг бизнесингиз ҳам, ҳаётингиз ҳам бундан жабр кўради. Ва бунинг узоқ умр кўриш учун дастуриламал эмаслиги ҳам аниқ.

Албатта, ҳар доим ҳам, одатдагидан кўпроқ ишлашга тўғри келадиган кунлар бўлади, айниқса, сиз ўз ишингизни бошлиётган бўлсангиз. Аммо эсингизда турсинки, бизнесингиз ўзингиз учун бўш вақтни умуман қолдирмаётган бўлса, билингки – ниманидир нотўғри қилаётган бўлиб чиқасиз.

Менинг дўстим Жо Полиш пойга оти билан боғлиқ таққосдан кўп фойдаланади. Миллион долларлик от эгаси унга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади. Бундай отларни яхши овқатлантиришади, яхшилаб дам олишларига имкон яратилади, машғулотларини диққат билан кузатиб боришади. Бундай отлар тоза, қулай турар-жой билан таъминланиши ва ветеринар томонидан мунтазам равишида текшириб турилиши керак.

Ҳаётингизда ва бизнесингизда соғлиқ от каби мухимдир. Ва унга худди шу тарзда ғамхўрлик қилишингиз керак, шундай эмасми?

Агар диний эътиқодларимиздаги фарқланишлар бўлишини ҳисобга олмаганда, менимча, ҳаммамиз ҳам биргина ҳаётга эга бўлиб чиқишимиз ҳақидаги фикрга эътиroz билирмасангиз керак албатта. Ҳеч бўлмаганда хозирги танамиз – вужудимизда. Хўш, бу бебаҳо ҳаётни қай тарзда ўтказмоқчисиз? Миллионлаб доллар туриши мумкин бўлган танангиз ва руҳиятларингизга муносиб тарзда ғамхўрлик қила оласизми?

Сиз фойдали ва айни пайтда тўйимли бўлган овқат истеъмол қиласизми? Етарлича ухлашга ҳаракат қиляпсизми? Тоза ҳавода сайр қиляпсизми? Жисмоний машқларчи, улар ҳақида нима дейиш мумкин? Медитация? Чигалёзди машқлари ёки йога? Мунтазам равишида шифо-

кор кўригидан ўтиб турасизми?

Иш вақтининг кўпайиши – муаммоларингизнинг ечи-ми бўлмайди, саволларингизга жавоб бермайди. Биз ях-широқ ва сифатлироқ ишлашимиз керак ва бунинг ка-литларидан бири бу – бизнинг кучларимизни доимий ра-вишда тўлдириб боришимиз билан боғлиқ. Сиз ўзингизни такомиллаштиришингиз керак.

### Ҳимолайдаги ҳаёт

Тадбиркор бўлиб, бизнеснинг қуийига эниши ва юксалиши каби омиллардан қочиб қутула олмайсиз. Албатта, ҳар кимнинг ҳаётида ҳам шундай – пасайиш ва кўтарилиш паллалари бўлади, лекин, кўп ҳолларда, бизнесменнинг кўтарилиши оддий одамларга қараганда анча юқорироқ бўлади, пасайиши ҳам шунга мос – анчагина чуқур жарликка қулаши ҳам эҳтимолдан ҳоли бўлмаслиги тайин.

Кўпчилигимиз ўзимизнинг айни шундай ҳаётимизни бошқа нарсага алмаштирмаймиз – бизга ўз тақдири-мизнинг устаси бўлиш ёқади. Ҳеч кимга ҳисоб бермаслик имкониятини яхши кўрамиз. Яратиш имкониятини яхши кўрамиз. Катта ғалабалардан ақлимиз шошади. Аммо биз ҳар доим ғалаба қозониш мумкин эмаслигини ҳам била-миз; бизнинг йўлларимизда мағлубиятлар ҳам бўлади, буларнинг барчаси – табиий.

Менинг танишим бўлган бир аёл – Лиза Сасевич, “Биз Ҳимолайда яшаймиз”, деб айтишни яхши кўради – тад-биркорларнинг чўққилари ва жарликларидан ташқари бўлган жойлари ҳам анчагина кенг ва катта. Супер қаҳра-монларнинг костюмини кийиб, биз ҳаётимизни ўзгарти-рамиз.

Бу бизга ўзимизнинг руҳий ҳолатимизни диққат билан кузатиб боришимиз кераклигини англатади. Бир ёки иккита ёмон ҳафтанинг сизга пул келтирмаслиги даҳшатли, қўрқинчли эмас, аксарият ҳолларда эртами-кечми – сизга пул олиб келади улар. Аммо агар сиз ўз компаниянгизни бошқарсангиз ва сиз учун ишлайдиган одамларнинг ҳа-

ёти сизга боғлиқ бўлса, бундай ваҳима билан курашишингизга тўғри келади, шунда сиз бундай ваҳима билан курашишга қодир бўлишингиз керак.

Албатта, мен бошқа одамлардан фарқ қилмайман. Ҳаётимда жуда кўп кўтарилишлар ва пасайишлар содир бўлди. Натижада мен маҳсус процедурани ишлаб чиқдим. Мен тушкунлик ҳолатидан чиқишига ёрдам берадиган ҳамма нарсани ёзиб чиқдим. Менинг рўйхатимни талабаларим ва ҳамкасларимнинг шунга ўхшаш рўйхатлари билан таққослаб – бундаги бир нечта ўхашликларни топдим.

Шахсан менга, кўпинча, ёрдам берадиган нарсаларнинг бир қисмини келтириб ўтаман. Буларнинг ичидан сиз учун қайси мос келса – шуларни олишингиз мумкин.

Жисмоний машқлар. Етакчи рўйхат. Ҳеч нарса менинг соғлигимни юрак уриш тезлигидек яхшилай олмайди. Спорт залида эмас, кўчада машқларни бажариш яхшироқдир.

**Медитация.** Самарадорлик нуқтаи назаридан у жисмоний фаолият билан бир даражада туради. Буни мураккаблаштириш шарт эмас, шунчаки, кўзингизни юминг ва нафас олишингизга эътиборингизни қаратинг. Беш дақиқа сизга етарли бўлади, аммо унинг давомийлигини йигирма дақиқага етказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Очиқ ҳавода юриш. Ҳеч нарса менинг кайфиятимни табиат билан сухбатдек тез кўтара олмайди.

Саргузашт. Тоғ велосипедида сайр қилинг, кунингизни чанғи спорти ёки сайрга бағищланг. Тоғларга чиқинг. Музейга ташриф буюринг. Кичик бир саёҳатга отланинг.

**Хизмат.** Бошқа одам учун қандайдир яхшилик қилинг. Менимча, ўзингизни ортиқча аяган ҳолда фидойилик билан бошқаларга ёрдам беришнинг иложи йўқ.

**Миннатдорчилик ҳисси.** Баъзида биз эътибор бермайдиган кичик ва эътиборсиз туюлган нарсалар барча яхши воқеалар учун миннатдорчиликни англаш ва тушуниш, кўнгилни кўтаришга қодир. Сокинликда ўтиришга вақт

ажратинг ва сиз миннатдор бўлган ҳамма нарсани ёзиб чиқинг. Сиз яшаш ва нафас олиш имконияти учун миннатдорчиликдан бошлишингиз мумкин... Бу нарсаларни одатдагидек, шунчаки, қабул қилмаслик керак.

Бу менинг рўйхатим, ва эҳтимол сиз ўз ғояларингизни ёзишингиз мумкин. Мен интроверт, яъни бирозгина одамови, ёлғизликни, ўзим билан ўзим бўлишни хуш кўрувчи одамман. Экстревертлар, яъни, тез киришувчан ижтимоий фаол одамларга, эҳтимолки, бироз бошқа нарсалар муҳимроқ бўлиши мумкинлиги табиий албатта.

Тушкунлик ҳолатини енгиш учун стратегия мавжудлигини англатишнинг ўзи муҳим саналади.

## Ўзингизнинг даҳолик ҳудудингизда қолинг

Устозим Дэн Салливан (Strategic Coach® асосчиси) ноёб қобилият тушунчаси ҳақида гапириб берди. Сиз бу дунёга келишингизга сабабни (ҳатто икки ёки утасини) айтинг. Нималарни вақтни тўхтаб қолишидек ҳайратли ва қойилмақом тарзда уddeлай оласиз?

Бошқа одамлар сизда нимани ғайритабиий деб билади ва бу сизга нималар шунчалик осон туюладики, атрофдагиларнинг нима ҳайратда қолдираётганини тушунолмайсиз?

Буларнинг барчаси сизнинг даҳоингиз қамрови ҳудудини ёки сизнинг ноёб қобилиятингизни ташкил қиласди.

Бизнес сиз яхши уddeлай олувчи машғулот, иш ёки нарсаларга асосланиши керак. Сиз учун қийин бўлган нарсаларга вақт сарфламанг. Ўзингизнинг кучли томонларингиздан фойдаланинг. Ўз даҳолик доирангиздан ташқарида бўлган ишни бажариш учун бошқа одамларни ёлланг.

Сиз бемалол ва аъло даражада уddeлай олмайдиган вазифалардан халос бўлишингиз билан, сиз ваколатли бўлган, аммо сизнинг даҳоингиз доирасидан ташқарида бўлган бошқа нарсаларга бошқаларнинг зиммасига ўтка-

зишга ҳаракат қилинг. Кимдир буни яхшироқ қила оладиган бўлса, нега ёлланган кучдан фойдаланмаслигинги керак. Сўнгти нарса – бу сиз жуда яхши бажарадиган нарсалар, аммо улар ҳам сизнинг даҳолик ҳудудингизга кирмаган вазифалар. Ахир, уларга сарфланган вақт сизнинг ажойиб тарзда уddeловчи нарсаларнинг ҳисобидан олиб қолинади.

Ўзингизнинг даҳолик ҳудудингизда қанчалик кўп вақтингизни ўтказсангиз, бу сиз учун, сизнинг бизнесингиз, мижозларингиз... ва умуман олганда, бутун дунё учун яхшироқ бўлади.

### *Сизнинг ноёб ресурсингиз*

Сизнинг камёблик манбаингиз – бу вужудан ва эътибор жиҳатидан яхлит ва бир бутун бўла олишингиз, яъни концентрацияда мужассам бўлади.

Дунё сизни чалғитмоқчи бўлади. Телефон, электрон почта, матнли хабарлар, тезкор хабарлар, ижтимоий тармоқлар ва буларнинг барчаси сизни ўзингиз машғул бўлингиз лозим бўлган ишдан чалғитади.

Кўпчилик ўйғониши биланоқ дарҳол телефонга мукка тушади, телефон билан кўмилади гўё. Улар хабарларни теширади, почтани кўздан кечиради, ижтимоий тармоқларда янгиликларни кўриб боришга тушади. Бу жуда катта хатодир – телефонларимизда бизни фақат бошқа одамларнинг шахсий мақсадлари кутиб туради. Ва эрталабдан улар билан тўқнаш келиб, ўз мақсадларингиз устидан бошқарувни йўқотасиз. Сиз жавоб кутаётган хатлар ёки хабарларни топасиз ва уларга жавоб беришни бошлаганингиздан сўнг, сиз ўз кунингиз устидан назоратни йўқотасиз.

Кунингизни энг устувор бўлган фаолиятга эътибор қаратиш билан бошлашингиз керак ва шундан кейингина бошқа одамларнинг фаолияти билан шуғулланиш мумкин. Сиз учун қайси фаолият энг устувор ҳисобланади? Сизнинг даҳолик қамров ҳудудингиз бўлган нарса – бу

сизнинг ноёб қобилияtingиз билан боғлиқ.

## Кўнглингизга яқин мижозлар

Олдинги бобда мен ушбу жиҳатни аввал айтиб ўтган эдим, шунинг учун бу ерда у ҳакида батафсил тўхталиб ўтирумаймиз, лекин сиз билан ишлашни ёқтирадиган мижозларга эга бўлиш – бу ҳаётдан завқланишнинг энг қисқа йўлидир.

Кўпинча, одамларнинг мижозларга шикоят қилишларини эшитаман, лекин ўша одамлар аслида шу мижозларни ўзи, айнан ўзи танлаган.

Агар сиз бошқа мижозларни хоҳласангиз, ўзингизнинг бизнесингизни ўзгартиришингиз, маҳсулотни ўзгартиришингиз, янгиликлар ва рақасини ва маркетингингизни ўзгартиришингиз кераклигини унутманг. Ахир, сиз ўзингиз мижозларни жалб қиласиз ва улар билан ишлашга қарор қиласиз. Шундай қилиб, сизга ёқадиганларини танланг.

Менинг энг яхши мижозларим Platinum Mastermind гуруҳидан бўлган одамлар эди. Мен улар билан вақт ўтказишни яхши кўрардим. Бу йилига бир неча марта йиғиладиган кичик гуруҳ бўлиб, ундаги жойлар сони қатъи ян чекланган. Кириш учун барча аризалар қатъий кўриб чиқилади. Менинг гуруҳим ва мен маданиятимизга мос келадиган ва биз бирга бўлишни истаган одамларни танлаймиз. Мен ҳар бир йиғилишдан сўнг ўзимни кучга тўлгандай ҳис қилиб тарқ этаман. Мен катта семинарларимдан олдин, гуруҳ учрашувлари ўтказилиши жадвалини тузишга ҳаракат қиласман, чунки бу менга ишлашим керак бўлган энергияни беради. Ушбу сатрларни ёзиш пайтига келиб, мазкур гуруҳ тўрт йилдан бери мавжудлиги ва унинг кўп аъзолари ташкил этилганидан бери йиғилишларда қатнашиб келишини айтишим жоиз албатта.

Бу асосий ғояни акс эттирувчи мисоллардан бири бўлиши табиий: мижозларингизни сизнинг ўзингиз танлайиз. Ва бу бозорни танлаш, етказиб бериш ва маркетинг

орқали содир бўлади.

Бу борада ҳеч қандай муросага ўрин йўқ. Ахир, маҳсулотни ишга тушириш Формуласи янги, яхшироқ мижозларни жалб қилиш учун маҳсус тарзда ишлайди. Боринг ва ўзингизга ёқадиган мижозларингизни топинг.

### **Ёлғиз этиши мумкин эмас**

Мен ўз бизнесимни бошлаганимда, ҳамма нарсага ўзим эришишим ҳақида хаёл қилар эдим.

Назаримда, бу менинг ҳаётимни анча соддалаштирасди. Ва виртуал маҳсулотни тарқатиб, виртуал бизнес билан шуғулланмоқчи бўлганим учун мен жамоасиз иш тутишим мумкин, деб ўйлардим.

